

О.А. Арипов

# Хорижий мамлакатларда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликнинг ривожланиши



Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта маҳсус таълим вазирлиги

Наманган давлат университети  
Наманган мұхандислик-қурилиш институти

**Ойбек Абдуллаевич Арипов**

**Хорижий мамлакатларда  
кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликнинг  
ривожланиши**

**Тошкент – 2018**

Мазкур монографияда хорижий мамлакатлардаги кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликнинг ривожланиши, шунингдек ривожланган давлатлар иқтисодиётида хусусий секторнинг тутган ўрни ҳамда ижтимоий-иктисодий юксалиб бориши тақиқ этилган.

Монографияда ҳар бир давлатнинг ўз сиёсати даражасида кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантиришга ҳамда ишбилармонлик мухитига оид масалалар ҳам ўрин олган. Шунингдек, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни қўллаб-куватлашга доир ёндашувлар ва мулоҳазалар юритилган, қўплаб статистик маълумотлар келтирилган. Ривожланган мамлакатларда хусусий секторни давлат томонидан тартибга солиниши ва ишбилармонлик мухитини юритишда ҳар бир мамлакатнинг ўзига хос ёндашувлари тұгрисида фикрлар берилган.

Китоб кенг ўкувчилар оммасига мөлжалланган бўлиб, айни вақтда талабалар, магистрлар, мутахассислар ва илмий-тадқиқотчилар учун ҳам ўкув қўлланма вазифасини ўтайди.

Бугунги кунда аксарият бакалавр таълим йўналишларида ўқитиладиган кичик бизнес ва тадбиркорлик асослари фанини ўзлаштиришда ўкув қўлланма сифатида фойдаланиш мумкин.

### **Масъул мухаррир:**

иктисод фанлари доктори, профессор *А.М.Абдуваҳидов*

### **Тақризчилар:**

иктисод фанлари доктори, профессор *А.Т.Кучаров*

иктисод фанлари доктори, профессор *Б.Т.Салимов*

ISBN 978-9943-5071-4-2

© Намангандашриёти, 2018 йил

## КИРИШ

Глобаллашув жаёnlари бошланмаган давлардаёқ жаҳон бозоридаги валюта муомаласида жиiddий чекловлари йўқ давлатлар юзага келди. Бундай давлатлар қаторига АҚШ, Германия, Япония, Буюк Британия, Швейцария, Канада, Норвегия, Нидерландия, Сянган (Гонконг), Бирлашган Араб Амирликлари ва бошқа давлатларни киритиш мумкин. Бу давлатлардаги тадбиркорлар ўзларини эркин бозор субъектлари хисоблаб, ташқи иқтисодий муносабатларда фаол қатнашадилар. Шу билан бирга, миллий валютаси қисман конвертирунадиган айрим мамлакатлар борки, улардаги тадбиркорлар ваколатли тижорат банклари ва давлат миллий банклари орқали валюта муомалаларини амалга ошириб, ташки бозорда ўз фаолиятларини олиб борадилар. Ҳар қандай шароитларда ҳам тадбиркорлар, менежерлар, умуман, бизнес субъектлари жаҳон миқёсидаги очик бозор иштирокчиларига айланниб, иқтисодий муносабатларда ўз ўрнини топишга интилади.

Ўзбекистонда ҳам кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантириш ва бу секторни давлат томонидан тартибга солиш бўйича муайян ишлар амалга оширилди. Мамлакатда ишбилармонлик муҳити кенгайиб бормокда. Бу ҳақда жуда кўп гапириш мумкин. Бироқ танқидий жиҳатдан ёндашилса, “...хусусий мулк ва тадбиркорликни янада ривожлантириш ва уларнинг таъсирчан химоясини таъминлаш”<sup>1</sup> масалаларида ҳали ечимини кутаётган қатор муаммолар бор. Ушбу муаммоларни ҳал этишда хорижий тажрибаларнинг у ёки бу жиҳатларини ўрганиш ва мақбул чора-тадбирларни кўллаш бутунги куннинг долзарб масалаларидан биридир.

Маълумки, ҳозирги шароитларда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик бозор иқтисодиётининг зарур элементлари қаторига киради. Бозор муносабатлари шароитида хусусий сектор, хўжалик юритиши тузилмаси таркибидан юкори ўрин олиб, иқтисодий ўсиш суръатларига жиiddий таъсир кўrsатмоқда. Бундай таъсир кўлами ЯИМнинг тузилишида сифат жиҳатидан ижобий ўзгаришларга олиб келмоқда. Масалан, ўттан асрнинг «60-70 йиллари бошларидаёқ АҚШ, Япония, Германия, Франция, Канада, кейинчалик эса Италия ва Испания каби бошқа давлатлар иқтисодиёти тузилишида, ялпи миллий маҳсулотни яратиш бўйича корхоналар сонида, бандликда ва янги технологияларни ўзлаштиришида кичик ва ўрта корхоналар мустаҳкам позицияларни эгаллай бошлаган»<sup>2</sup>. Бундай тенденциялар жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози даврига қадар давом этди.

Барчамизга аёнки, 2007 йилнинг август ойида АҚШ ипотека кредитлари бозоридаги танглик охир-оқибат жаҳон молиявий-иқтисодий инқирозга айланди. Натижада турли мамлакатларда барча хўжалик юритувчи субъектларнинг ликвидлиги ва тўловга қобилиги кескин заифлашди. Бу даврда аксарият ривожланган мамлакатлар иқтисодиётида турли мақомдаги

<sup>1</sup> Мирзиёев Ш. Танқидий таҳлил, қатъий тартиб-интизом ва шахсий жавобгарлик – ҳар бир раҳбар фволиятнинг кундаклик кондиси бўлшини керак. –Т.: Ўзбекистон, 2017. 39 бет.

<sup>2</sup> Государственное регулирование рыночной экономики. –М.: Издательский дом «Путь России»; ЗАО Издательский дом «Экономическая литература», 2002. С. 342.

корхоналар сони банкрот туфайли кескин камая бошлади. Аммо ҳар бир давлатнинг ўзига хос олиб борган сиёсати туфайли, у ёки бу мамлакатлар турлича даврларда жуда қийинчилик билан инқироз ҳолатидан чиқа бошлади.

Фикримизча, инқироздан чиқаётган мамлакатларда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик секторининг нақадар ривожланганилиги мухим роль ўйнади. Қайси давлатда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликка кенг йўл очиб берилган бўлса, ишビルармонлик мухити кулайроқ бўлса, ўша давлатлар инқирозни тез тарқ этиб борди.

Сўнгти йилларда Халқаро валюта фонди жаҳон иқтисодиётининг ўсишини ижобий прогнозлари. Хусусан, Фонднинг янги маъruzасида қайд этилганидек, яъни, жаҳон иқтисодиётининг яқин келажаги ва вазияти бўйича ХВФ ва Жаҳон банкининг (2017 йилдаги) баҳорги сессияси олдидан чоп этилган маълумотларга кўра 2017 йилда ўшиш суръати 3,5 фоиз, 2018 йилда эса 3,6 фоиз бўлиши кутилган. ХВФнинг бош иқтисодчиси Морис Обстфелдинг фикрича, “прогнознинг яхшиланиши асосан кўпроқ Европа ва Осиёнинг яхши иқтисодий кўрсаткичларга эришганидандир, шунингдек Америка иқтисодиётидаги ўшиш суръатининг тезлашувидандир”<sup>1</sup>. Мазкур қитъаларда жойлашган зинг ривожланган мамлакатларда кичик бизнес ва тадбиркорликнинг ривожланишига алоҳида эътибор қаратилди. Ушбу секторнинг ривожланишида янги босқич бошландикни, ундаги сифат кўрсаткичлари ўсли ва янгидан-янги соҳаларни ўзлаштириш жараёнлари тезлашди.

Шу боис бугунги глобаллашув даврига келиб, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликини ривожлантириш заруриятини тушунган ҳолда унинг миллий иқтисодиётдаги ўринини ва ўзига хос хусусиятларини янада чукурроқ тадқиқ этиш мухим вазифалардан бирига айланди.

БМТнинг Таракқиёт дастури маълумотларига мурожаат қилсак, жаҳоннинг энг ривожланган мамлакатларида жами мавжуд корхоналарнинг 95 фоиздан кўпроғи кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик корхоналарига асосланганлигининг гувоҳи бўлиш мумкин. Жаҳоннинг ривожланган мамлакатларини бир-бири билан солиштирадиган бўлсак, ўрта ҳисобда хусусий тадбиркорлик секторида банд бўлганларнинг салмоғи 60 фоиздан кўпроқни ташкил этади. Шунингдек, аксарият ривожланган мамлакатларда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликнинг ЯИМдаги улуши 57 фоиздан ошиклигини дунё статистикаси тасдиқламоқда<sup>2</sup>. Жаҳон молиявий-иктисодий инқирозигача бўлган даврларда айрим энг ривожланган мамлакатларда бу кўрсаткич 60–65 фоизгача кўтарилиган.

Жаҳон тажрибаси шуни кўрсатадики, деярли барча мамлакатларда кичик ва ўрта бизнес соҳаси давлат томонидан тартибга солинишига эҳтиёж сезади. Ривожланаётган мамлакатлар ва МХД ларида эса бундай эҳтиёж кўлами янада кенгроқ бўлмокда. Чунки дунёнинг аксарият мамлакатларида кичик бизнес ва

<sup>1</sup> Манба: <http://ru.euronews.com/2017/04/18/imf-raises-growth-predictions-frets-about-protectionism>

<sup>2</sup> Изоҳ. Энг ривожланган мамлакатларда юқоридаги каби кўрсаткичларга эришиш учун 4 асрга яқин вақт керак бўлган. Ўзбекистонда ЯИМнинг ўшиш суръати 2007–2017 йиллар мобайнида ўртacha 8,0%га тўғри келиб, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликнинг ЯИМдаги улуши 2017 йил ҳолатида 56%-ни ташкил этди ва бунга хисса вақт ичизда эришилди.

хусусий тадбиркорлик иқтисодиётнинг алоҳида сектори сифатида давлат иқтисодий тизимида муҳим ўринни эгаллайди.

Айрим хорижий иқтисодчиларнинг фикрига кўра, АҚШ, Япония, Германия, Италия, Корея, Дания, Буюк Британия, Франция, Мексика, Чили, Бразилия каби мамлакатларда кичик бизнесни молиявий қўллаб-куватлашнинг давлат дастурлари муваффақиятли тарзда амалга оширилди<sup>1</sup>. Ушбу мамлакатларда янги иш ўринларини яратиш ва инновацияларни қўллашга мойиллик кичик бизнесда юқори бўлганлиги боис унинг ривожланиши учун шарт-шароитларни яратиш устувор вазифалардан бирига айланган. Шу жиҳатдан XX асрнинг 80-йиллари охиридан ва 90-йилларнинг ўрталарига қадар энг ривожланган мамлакатларда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик анча жадал ривожланди. Аммо унинг ривожланиши жуда мураккаб шароитларда амалга ошиб борди.


Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликнинг ривожланиши борасида олиб борилган тадқиқотлар шуни кўрсатади, аксарият давлатларда ушбу сектор мақомини белгилайдиган мезонлар ишлаб чиқилган ва улар турли давлатларда турлича ишга солинган. Айрим давлатлarda кичик бизнес мақомини намоён қиладиган бир неча мезонлар қабул қилинган бўлса, айримларида кичик бизнес мақомини қайд этадиган фақат бир ёки икки мезон белгиланган. Демак, кичик бизнес субъектлари мақомини (мезонини) белгилайдиган ягона ёндашув йўқ.

Фикримизча, турли давлатларда кичик бизнес мақомини белгилайдиган мезонларнинг турли-туманлиги мазкур мамлакатнинг олиб бораётган сиёсатига, иқтисодиётининг тузилишига, меъёрий-хўқуқий базасига, қолаверса, давлатнинг кичик бизнесни ривожлантиришга бўлган муносабатига боғлиқ. Ҳар бир давлатда кичик бизнеснинг нақадар аҳамиятли эканлигини, ўша давлатда, ушбу соҳада қўлланилаётган чора-тадбирлар белгилайди.

Ушбу илмий-оммабоп нашр муаллифнинг узоқ йиллар мобайнида (18 йилдан ортиқ) олиб борган тадқиқотлари, кузатишлари асосида ёзилган. Унда ривожланган хорижий давлатлар иқтисодиётида кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликнинг ривожланиш тенденциялари қайд этилган. Тўпланган маълумотлар асосидаги таҳдиллар туфайли хорижий давлатларда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантиришдаги устувор ёндашувлари ва тамойиллари ўрганиб чиқилган. Шунингдек, ривожланган давлатлардаги кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантиришнинг муайян тарздаги ўзига хос жиҳатлари ва хусусиятлари ёритилган. Шу билан бир қаторда, муаллиф хориж тажрибаларини таҳлил этиб, хусусий секторнинг у ёки бу даражадаги аҳамияти тўғрисидаги мулоҳазаларини юритган.

Китоб турли поғонадаги давлат бошқарув органлари раҳбарлари ва мутахассис кадрларига, шунингдек илмий ходимлар, докторант, магистрант ва бакалаврларга мўлжалланган бўлиб, у мухтарам ўкувчиларнинг кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантиришдаги долзарб масалаларни янада кенгроқ тушунишларига хизмат қиласди.

<sup>1</sup> Маширова Т.Н., Сабенова Б.Н., Сихымбекова А.М. Основные направления развития малого и среднего бизнеса: зарубежный опыт. // Ж. Экономика и финансы. №3. 2012. С. 31.



## 1 БОБ. БЮОК БРИТАНИЯ (United Kingdom)



## 1 БОБ. БҮЮК БРИТАНИЯ (United Kingdom)



Майдони – 244,9 минг кв.км.  
Пойтахти – Лондон  
Аҳолиси – 64,3 мла. киши (2016 й.)<sup>1</sup>  
Пул бирлиги – фунт стерлинг (GBP)

Майдони бўйича жаҳонда 78-уринда туради.

«Британияликларнинг шиори – ҳар қандай вазиятда бизнес қил».

*Уинстон Черчилль*

### 1.1. XVII-XVIII асрларда Аинглияда «бизнес» ва «тадбиркорлик» тушунчаларининг келиб чиқишига назарий ёндашув

«Бизнес» инглизча сўз бўлиб, ўзбек тилида «иш», «фаолият», «машгулот» каби маъноларни англатади. Аммо бугунги кунда бу атама, пулни кўпайтириш билан боғлиқ ишчанлик фаолияти сифатида халқаро мухитга кенг тарқалди.

«Бизнес» кенг маънодаги тушунча бўлиб, «тадбиркорлик» унинг таркибий қисмидир, яъни ўзагини ташкил этади. Бизнесда пулни кўпайтириши максад қилган, ишнинг кўзини биладиган ёки бошқача айтганда, бирон-бир ишнинг янгича тадбирини топа оладиган (янгилик яратадиган) одам тадбиркор деб юритилади. «Бизнес» ва «тадбиркорлик» тушунчалари илм-фандада айнан шу жиҳати (янгилик яратувчалик хусусияти) билан бир-биридан фарқланади. Аммо ҳаётда уларни бир хил тушуниш одат тусига айланган.

Ўзбек тилида «тадбиркорлик»нинг синонимлари учрайди. Масалан, соҳибкорлик, ишбилармонлик, омилкорлик, бунёдкорлик, уддабуронлик, энчиллик кабилар. Бу тушунчаларнинг барчаси моҳиятан бир хилдек. Уларнинг барчасида «ишнинг кўзи»ни биладиган кишилар кўз олдимизда гавдаланади. Аммо бу тушунчаларнинг ҳам ўзига хос маънолари бор.

Бироқ тадбиркор деганда пухта ўйлаб, режали иш киладиган, ҳар қандай ишга ижодий ёндашиб, бажаришнинг аниқ йўл-йўргини билган, ўз манифевтини кўзлаган ҳолда янгиликни қўллай оладиган, шу билан бирга, талаккаччилик қила оладиган киши ёки шахс тушунилади.

Тадбиркорликни халқаро тилда «entrepreneurship» деб юритилади. Бу атамани XVII аср охири ва XVIII аср бошларида фанга биринчи бўлиб инглиз олимни Р.Кантильон<sup>2</sup> (1680–1734) Францияда яшаган даврида киритган<sup>3</sup>. У

<sup>1</sup> Манба: [http://countrymeters.info/ru/United\\_Kingdom\\_\(UK\)](http://countrymeters.info/ru/United_Kingdom_(UK)). [21.01.2018].

<sup>2</sup> Кантильон Ричард – келиб чиқиши ирландиялик, мөнлиячи, банкир, инглиз иктисадчиси. Ҳаётининг асосий қисми Франциядаги ўтган. У Париж ва Лондон ўргасида кезаб юриб, банк ва валюта операциялари билан шугулиштаги. Тадбиркорликка доир илк назарий қарашлари билан танилган назариётчилардан бири. Унинг «Онгот о природе торговли вообщে» номли асари биринчи бўлиб, 1755 йилда ўзимидан сўнг нашр этилган.

<sup>3</sup> Шу китобнинг 3-боб, 3.1. бандига қаранг.

«тадбиркор» ва «тадбиркорлик» атамаси тұғрисида «Опыт о природе торговли вообще» номли асарининг 13-бобида беш бетда изохлаб берган.

Р.Кантильон тадбиркорни «... таваккалчилук шароитида иш олиб борувчи одам»<sup>1</sup> деб атайды. Унинг таърифлашича, «тадбиркор – бу үзгарувчан даромадли одам: дехқон, хунарманд, савдогар, қароқчи, қамбағал ва ҳоказо. У бирордан товарни маълум бўлган нархда сотиб олади ва товарларини юкорироқ, аммо ҳали номаълум нархда сотишга умид боғлайди»<sup>2</sup>. Шу тарзда бозор нархлари доирасида у таваккалчилукни амалга оширади.

Тарихдан маълумки, XVIII-XIX асрлардаги саноат инқилоби, иқтисодий, ижтимоий ва сиёсий ривожланиши дастлаб Европа мамлакатлари, жумладан, Буюк Британияда юз берган. Дастлабки ишлаб чиқаришнинг манифактура босқичидан завод-фабрика босқичига ўтиши билан боғлиқ жараёнлар бошқа Фарбий Европа мамлакатларига нисбатан олганда, Англияда эртарок бошланган. Натижада феодализмдан капитализмга ўтиш босқичида аниқ синфлар ажralиб чиқиб, уларни мустақил фаолият юритишлари учун иқтисодий жиҳатдан қулай имкониятлар юзага келди.

Шундай қилиб, бизнес оламининг ватани Буюк Британия деб юритсақ, хато қилмаймиз. Даврлар ўтиб, Англия саноатининг ривожланишига айнан бизнеснинг таъсири жуда катта бўлганиларининг ўзи ҳам инкор этмайди. Бу таъсири қўламини француз иқтисодчиси Б. Сэй ўзининг «Трактат политической экономики»<sup>3</sup> номли китобида «Англия тадбиркорларининг талант» деб қайд этган.

Хуллас, тадбиркорлик фаолиятига доир дастлабки назарий ва амалий тадқиқотлар бундан деярли 400 йиллар аввал амалга оширилган бўлиб, буни Р. Кантильон, А. Тюрго, Ф. Кенз, А. Смит, Ж. Сэй, Й. Шумпетер ва Ф. Найт каби гарб олимларининг илмий асарларида учратиш мумкин.

## 1.2. Буюк Британияда Маргарет Тэтчер бошчилигида тадбиркорликни ривожланиши

1970-1979 йиллар Буюк Британия иқтисодиётида вазият оғирлашган давр бўлди: шахтёrlар ўртасидаги иш ташлаплар ва ҳокимиятни касаба уюшмалари қўлига ўтиб қолиши иқтисодиётнинг бошқарилишини қийинлаштириди. Ўша даврларда касаба уюшмалари вакиллари ва иш ташлаганлар Британия иқтисодиётини исканжадек қисиб қўйган эди.

1979 йилнинг май ойидан бошлаб, мамлакат бўйича ўтказилган сайловда 43,9 фоиз овоз олган Маргарет Тэтчер беш йиллик муддатга Бош вазир этиб сайланди. У сайлов олдидан берган баёнотида халқа нисбатан ўз муносабатини аъло даражада ташкиллай олди. Маргарет Тэтчер Бош вазир лавозимига сайланиш учун ўз баёнотини эълон қиласа экан, Авраам

<sup>1</sup> Курс предпринимательства: Учебник для вузов / В.Я.Горфинкель, В.А.Шварц, Е.М.Купряков идр. – М.: Финансы, ЮНИТИ, 1997. С. 8.

<sup>2</sup> Карапт: История экономических учений / Под ред. В.Автономова, О.Анальина, Н.Макашевой: Учеб. пособие. –М.: ИНФРА-М, 2000. С. 301.

<sup>3</sup> Карапт: Сэй Б. Трактат политической экономики. –М.: 1896.

Линкольннинг қуидаги сўзларидан фойдаланди: «Сиз кучлини кучсизлантириш билан заифни кучайтира олмайсиз, бойларни йўқотиб, қамбағалларга ёрдам бера олмайсиз. Сиз одамларга ёрдам бермоқчи бўлсангиз, улар ўзлари қилиши керак бўлган нарсани улар учун бажаришга уринманг»<sup>1</sup>. Бундай мулоҳазалар Маргарет Тэтчер бошқарувида юзага келган кўплаб иқтисодий муаммоларнинг ечимини топишга яхши хизмат қилди.

Ўша даврга келиб жаҳон энергетика инқизасида саноат ишлаб чиқаришининг кескин тушиб кетиши, ишсизликнинг ўсиши ва аҳоли табақасида тадбиркорликка мойилликнинг су сайиши каби жараёнлар рўй берадётган эди. Бу ҳолатлар кичик бизнес ва тадбиркорликни давлат томонидан кўллаб-куватлаш ишларини фаоллаштиришга туртки берди. Хукумат тадбиркорликни рағбатлантириб, миллий иқтисодиётда унинг ижтимоий-иқтимоий ролини оширишни устувор вазифа қилиб қўйди.

Бош вазир этиб сайланган Маргарет Тэтчер<sup>2</sup> иш фаолиятини сайлов пайтида берган ваъдасини бажаришдан бошлади. У бир ой мобайнида меҳнат фаолиятидан олинадиган даромад солигини 83 фоиздан 60 фоизга, меҳнатсиз даромаддан олинадиган солиқни эса 90 фоиздан 75 фоизга тушириб, кўшилган қиймат солигини ошириди. Шу билан бирга, валюта назоратини бекор қилди, иш ҳаки ва маҳсулотлар баҳосини буйруқ билан ўзгаришдан воз кечди. Бундай ёндашув мамлакат тадбиркорлари ва ишбилармон шахсларга жуда маъқул мухит барпо қилди. Тэтчер бошчилик қилган давларда, давлатни бойитишнинг энг катта манбаси давлатта тегишли бўлган корхона ва ижтимоий биноларни одамларга сотиш ҳисобланиб, капитал айланмасини фаоллаштириш керак эди. Мамлакатда тадбиркорларнинг фаоллашуви кучая бошлади.

Хуроса қилиб айтганда, мамлакатни Маргарет Тэтчер бошқарган даврда Буюк Британияда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларининг фаолиятида жиддий ижобий ўзгаришлар рўй берди.

### 1.3. Буюк Британияда кичик ва ўрта бизнеснинг ривожланишидаги даврий ўзгаришлар

Шундай қилиб, Буюк Британияда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик секторига эътибор 70-йиллардан бошлаб кучайди. Кичик тадбиркорлик секторидаги вазиятни ўрганиш учун Эдвард Хит бошчилигидаги консерватив ҳукумат томонидан Болтон комиссияси (1971 й.) тузилди. Консерваторлар ҳукуматининг охирги давларида хусусий тадбиркорликни ривожлантиришга катта эътибор берилди. Аммо Э. Хит бошчилигидаги ҳукумат мамлакат иқтисодиётининг 1971-1979 йилларга хос бўлган оғир вазиятдан чиқаришга ожизлик қилди. Ҳукуматни Маргарет Тэтчер бошқара бошлаган (1979 йил) даврдан эса иқтисодий жонланиш юзага кела бошлади. Мамлакатда бизнес

<sup>1</sup> Маргарет Тэтчер шахсий хаёти тарихидан. (И. Йўлдошев таржимаси) // Бизнес: аудит, баҳо, мулк №6. 2011. 35 бет

<sup>2</sup> Июх Маргарет Тэтчер Буюк Британиянинг бутун Европада ягона пул-кредит тизимиға тўла катнишишига қарши чиқди. Бонкочча айтгаяда, европи муюмалада бўлишини қоралаган ва оқибатини салбий баҳолаган.

муҳитини яратиш ва кучайтиришга эътибор берилди. Бозор иқтисодиёти тузилмасида кичик ва ўрта корхоналарнинг фаолияти мухим роль йўнади.

ХХ асрнинг 80-йилларидан Буюк Британияда кичик тадбиркорлик иқтисодиётнинг барча тармоқларида ривожланиб борди. 1990 йилга келиб, улар деярли, 2,4 миллионга етдики, бу мамлакат ҳудудида фаолият кўрсатувчи жами корхоналарнинг 96 фоизни ташкил этди. Ушбу корхоналарда ишловчилар сони ўртача 20 кишидан иборат бўлди<sup>1</sup>. Мамлакатда олиб борилган тадқиқотлар натижалари бундай фирмаларнинг фаолияти самарали эканлигини тасдиқлади.

80-йилларда кичик корхоналар билан йирик корхоналар ўртасида интеграция жараёнлари рўй берди, франчайзинг тизими ҳам ривожланди. Инглиз банклари кўмагида ўзаро интеграцион алоқалар амалга оширилди. Шунингдек, Иқтисодий тараққиётнинг миллий Кенгаши томонидан кичик фирмаларнинг маҳсус каталоги яратилиб, у орқали йирик корхоналар ўз ҳамкорларини топиш имконига эга бўлдилар. Бундан ташқари Маҳсус марказлар ишга туширилди, улар йирик ва кичик фирмалар ўртасидаги алоқаларни ўрнатиш ва фаолиятини олиб борища мухим роль йўнади.

2005-2012 йилларга келиб, янги иш ўринларининг 50 фоиз кичик бизнес улушига тўғри келди, ваҳоланки, 90-йилларга қадар ҳар йили янгидан ташкил этилган кичик корхоналарга янги иш ўринларининг 57 фоизи тўғри келган<sup>2</sup>. Кичик бизнес корхоналарида янги иш ўринларининг 7 пунктга камайиши жаҳон миқёсидаги молиявий-иқтисодий инқироз туфайли рўй берди. Аммо бу вақтинчалик ҳолат бўлди. Чунки инқирозли даврларда Буюк Британия ҳукумати кичик бизнес субъектларини рағбатлантириш ва уларнинг фаолиятини янада кучайтириш мақсадида давлат аҳамиятидаги дастурларни ишлаб чиқсан ва амалга жорий этган эди.

Буюк Британияда 2008 йил иқтисодий кўрсаткичларига нисбатан олганда, 2009-2014 йилларда ишсизлик даражаси ошган (1.3.1расм). Чунки жаҳон молиявий-иқтисодий инқирозининг таъсири сезиларли бўлди. Аммо 2015 йилнинг февраль ойига келиб, мамлакатнинг Миллий статистика бошқармаси (ONS) маълумотларига кўра ишсизлик бўйича нафака олувчилар сони 31 минг кишига камайди<sup>3</sup>. Шу билан бирга, иш ҳақининг умумий ўсиши секинлашди ва 2016 йилнинг апрель ойида минимум 2,2 фоизгacha тушди<sup>4</sup>.

1.3.1-расмда кўриниб турибдики, ишсизлар сони сўнгги йилларда камайган. Бирок, эксперталарнинг фикрича, иш ҳақи ўсишининг секинлашуви иқтисодий ўсишга бўлган шубҳали ҳолатларни кучайтиради. Чунки Буюк Британия иқтисодиёти асосини хизмат кўрсатиш соҳалари ва унга баглиқ бўлган истеъмол харажатлари ташкил этади. Қолаверса, таҳлилчилар томонидан “ноль соатга шартнома” тузганлар сони ҳам ошганлиги қайд этилади. Бундай беқарор меҳнат муносабатларида миллионга яқин (910 минг) британияликлар мавжуд. Масалан, ноябрь-январь ойларида бундай


<sup>1</sup> Сорокина В. Государственное регулирование малого бизнеса: опыт Великобритании. // Манба: [http://vasilievaa.narod.ru/pipu/19\\_2\\_98.htm](http://vasilievaa.narod.ru/pipu/19_2_98.htm).

<sup>2</sup> Манба: [http://vasilievaa.narod.ru/pipu/19\\_2\\_98.htm](http://vasilievaa.narod.ru/pipu/19_2_98.htm).

<sup>3</sup> Қаранг: <http://www.vestifinance.ru/articles/54693>

<sup>4</sup> <http://ru.euronews.com/2017/03/15/uk-jobless-rate-falls-but-wage-growth-weakens-again>

шартномалар сони 2016 йилга нисбатан 13 фоизга күпайды. Шунингдек, 2000 йилдан буён бундай шартномалар сони тўрт бараварга ошган<sup>1</sup>.



1.3.1-расм. Буюк Британияда 2004–2017 йиллардаги ишсизлик даражаси<sup>2</sup>

Шунга қарамай, 2016 йилда Буюк Британия иқтисодиёти ўсишга эриши. Нарх-навонинг ошиши ва фунт стерлинг қийматининг тушишига қарамай, 2015 йилнинг ёзидан бошлаб ижобий кўрсаткичлар намоён бўла бошлиди. «Marcit economics» тадқиқоти таҳлилларига кўра, масалан, 2016 йил декабрь ойида хизмат кўрсатиш соҳасидаги ишбилармонлик фаоллиги индекси 56,2 пунктга етди. Бу иқтисодчилар тахминидан кўра юқорироқ натижа бўлди.

#### 1.4. Буюк Британия корхоналари салмоғига кичик ва ўрта бизнеснинг улуши

Буюк Британияда кўпчилик корхоналар кичик ва энг кичик табақага мансуб. Масалан, 90-йиллардаги статистик маълумотларга кўра, 1579 минг корхонада 1-2 тадан ишчи ёлланган, 173 минг корхонада 3-5 тадан, 190 мингтасида 6-9 ва фақатгина 140 минг фирмада 11-19 тадан ишчи кучи билланган. Шуниси эътиборлики, Англияда 25-49 киши банд бўлган корхона ва фирмаларнинг ўртача 70 фоизи 10 йилдан кўпроқ яшайди. 1980-1989 йиллар мобайнида 1,9 млн. янги компаниялар рўйхатга олинган бўлса, 1,5 млн. корхона ўса ўз фавалиятини тўхтатган ва соф ўсиш 29 фоизга етган<sup>3</sup>.

Кичик бизнес корхоналари Буюк Британия иқтисодиётининг деярли барча тармоқлирида фаолият кўрсатса-да, кўпроқ юқори технологияли ва илмталаб

<sup>1</sup> <http://ru.europeur.com> / Великобритания: безработица снижается, но за счет нестабильных контрактов.

<sup>2</sup> Инф. Ҳар Йилнин иккунчи ҳорий яхсига олининган. Манбалар: Ўзбекистон Республикаси Йиллик статистик тарбими - Г. 2008 , <https://mifid.ru/calondar/details/?id=138>

соҳаларда (электроника, биотехнология, химия, асбоб-ускуналар ишлаб чиқариш) уларнинг аҳамияти жуда катта. Буюк Британиянинг бу каби соҳаларида машғул бўлган кичик бизнес субъектлари Европанинг бошқа давлатларидан кўра анча устуворроқ ривожланган. Хусусан, 90-йилларда кашфиётлар ва илмий йўналишдаги ихтиrolарнинг бизнес секторга тўғри келган хиссаси Буюк Британияда – 63 фоизни ташкил этган<sup>1</sup>.

2010 йилда Буюк Британияда хусусий бизнес билан машғул жами корхоналарнинг сони 4,5 млн.дан ошди<sup>2</sup>. Уларда банд бўлганлар 23,3 млн.дан ортиқ бўлиб, бундай корхоналар 3,1 трлн. фунт стерлинг ҳажмида айланма капиталга зга. Аммо айнан кичик ва ўрта бизнес корхоналари 4536,4 мингта бўлиб, уларда банд бўлганлар 13,7 млн. кишидан ошди. Жами КЎБ корхоналарининг капитал айланмаси ҳажми 1,5 трлн. фунт стерлингга етди.

Аксарият янги кичик фирмалар дастлабки йилларда тез ривожланади. Савдо соҳасида кичик корхоналарнинг 1/3 қисми дастлабки уч йил мобайнида ўз фаолиятини тўхтатадилар. 1996 йилларга кадар ҳар йили ўртacha 10 фоиз фирмаларда савдо операциялари тўхтаган бўлса, 2000 йиллардан бошлаб, бундай корхоналар янада ошган. Айниқса, 2007 йилда рўй берган жаҳон молиявий-иктисодий инқирози даврида кичик бизнес корхоналарининг кўлчилиги иқтисодий жиҳатдан ночор аҳволда қолган.

Инқироз таъсири камайгач, 2009 йилдан бошлаб кичик бизнес яна ривожлана бошлади. Аммо айрим кичик корхоналарда банкротлик ҳолатлари давом этди. Сўнгги ўн йиллар мобайнида янги ташкил топган корхоналарнинг 40–45 фоизи ўз фаолиятларини муҳим давом эттиришга эришдилар.

2011 йилда кичик ва ўрта корхоналар сони 94,2 мингтага кўпайди. Сўнгги 11 йилда эса уларнинг сони 1,1 млн. кичик ва ўрта корхонага ёки 31,1 фоизга ошди. Ўз навбатида бу даврда йирик компаниялар сони 12 фоизга камайди. 2012 йилнинг бошида Буюк Британияда фаолият юритаётган корхоналарнинг умумий сонида кичик бизнес ва тадбиркорликнинг улуши 99,6 фоизни ЯИМда 50,2 фоизни, умумий банд бўлганлар сонида 53,9 фоизни ташкил этган<sup>3</sup>. Ҳозирги кунда Буюк Британия товар айланмасининг 21 фоиз ва мамлакатдаги ишчи кучининг 36 фоиз кичик бизнес улушкига тўғри келади. Ҳар саккиз кишининг бири индивидуал бизнес билан машғул.

2014 йилга келиб Буюк Британияда 5,2 млн. компанияларнинг 99 фоиз кичик ва ўрта корхоналарни ташкил этди, 5 млн. кичик ва ўрта корхоналарда ишчилар сони таҳминан 5 кишидан иборат бўлди. Бундай микрофирмаларда меҳнат самарадорлиги пастроқ бўлса-да, улар энг тез ривожланувчи соҳаларни камраб олди. 1998–2010 йилларда йилига ўртacha 2,61 млн. иш ўринлари

<sup>1</sup> Карап: Арипов О.А. Ўзбекистонда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни давлат томонидан тартибга солин. –Т.: Фан. 2012. 69 б.

<sup>2</sup> Изок 2010 йилда корхоналарни хисобга олил методологияси Бизнес, инновациялар ва касбий тайёргарлик ишлари бўйича вазирлиқ томонидан такомиллаштирилган.

<sup>3</sup> <http://www.giaz.uz> // Совершенствование государственной системы поддержки МП в Великобритании в 2000–2012 гг.

яратилган бўлса, уларнинг 34 фоизга яқини ёки 870 000 таси 50 кишигача бўлган кичик корхоналар улушкига тўғри келди<sup>1</sup>.

### 1.5. Буюк Британияда кичик бизнес ва тадбиркорлик мезонлари

Буюк Британияда КЎБ корхоналарнинг «кичик» ва «ўрта» шаклларига хос мезонлар кучга кирган. Масалан, 1.5.1-жадвалда уларнинг икки турдаги мезони келтирилган. Хусусан, ишчилар сони 1–49 кишигача бўлган ва йиллик савдо айланмаси ҳажми 5,3 млн. АҚШ долларини ташкил этган корхоналар кичик корхоналарга киритилади. Ўрта корхона мақомига эришиш учун ишчилар сони 50–249 кишигача ва йиллик савдо айланмаси ҳажми 21,2 млн. АҚШ долларини ташкил этиши керак.

1.5.1-жадвал

#### Буюк Британияда кичик ва ўрта бизнес корхоналарини белгилаш мезонлари<sup>2</sup>

Критерийлар (мезонлар)	Корхоналар	
	кичик	ўрта
Ишчилар сони, киши	1–49	50–249
Йиллик савдо айланмаси ҳажми, млн. АҚШ долл.	5,3	21,2

Бироқ мамлакатда асосан микрофирмалар фаолияти устуворроқ. Масалан, 2000 йилда улар жами бозор субъектларининг 93,2 фоизини ташкил этди (1.5.2-жадвалга қаранг). Жами ишловчиларнинг 28 фоизи микрофирмаларга тўғри келади. Бозор субъектлари таркибида кичик корхоналар улуси эса 6,71 фоизни ташкил этиб, ишловчиларнинг 22 фоиз улушкини ўз ичига қамраб олади. Хўжалик юритувчи субъектлар таркибида ўрта корхоналар сони жуда кам, яъни 0,67 фоиздир. Бундай корхоналарда ишловчиларнинг 17 фоизи тўғри келиди. Йирик корхоналар атиги 0,11 фоизни ташкил қилиб, уларга тўғри келган ишловчилар улуси 33 фоиздир.

1.5.2-жадвалдан кўриниб турибдики, агар микрофирмалар ва кичик корхоналар жами корхоналарнинг 99 фоизини ташкил этган бўлса, улардаги бандлих 50 фоизга тўғри келган. Аҳолининг ҳар 1000 кишига тўғри келган фирмалар сони 46 тани ташкил этиб, улардаги ишчилар сони 8 кишидан иборат. Қуидай кўрсаткичларни нафақат Англия худудида, балки Европа Иттифоки мамлакатларининг ҳар бирида кузатиш мумкин.

<sup>1</sup> Экиро Бауандо. Английский малый бизнес сочиняет половину ВВП страны: Микробизнес набирает все больше

1.5.2-жадвал

**Англияда кичик корхоналар улуши ва ишчилар сонига кўра тақсимланиши<sup>1</sup>**

Корхоналар шакли	Фирмалар улуши (фоизда)	Ишловчилар улуши (фоизда)
Микрофирмалар	93,2	28
Кичик корхоналар	6,71	22
Ўрта корхоналар	0,67	17
Йирик корхоналар	0,11	33

1.5.3-жадвал

**Буюк Британияда КЎБ корхоналари сонининг тақсимланиши<sup>2</sup>**

Корхоналар ўлчами	Корхоналар сони (минг бирлик)	Банд бўлганлар (минг бирлик)	Айланма маблағ <sup>3</sup> (млн. фунт стерлинг)
<b>Хусусий сектордаги жами корхоналар</b>	<b>4 542,7</b>	<b>23 391</b>	<b>3 052 558</b>
<b>Кичик ва ўрта корхоналар</b>	<b>4 536,4</b>	<b>13 760</b>	<b>1 489 255</b>
<b>Шу жумладан:</b>			
- ёлланма персоналсиз (директор ўзи)	3 364	3 684	202 431
- 1-9 киши.	968,5	3 651	403 871
- 10-49 киши.	173,4	3 469	460 500
- 50-249 киши.	30,47	2 957	422 454
<b>Йирик корхоналар (250 кишидан кўп)</b>	<b>6,32</b>	<b>9 631</b>	<b>1 563 302</b>

2003 йилда Буюк Британия ЯИМда кичик ва ўрта корхоналарнинг улуши 52 фоизни ташкил этган бўлиб, жами корхоналар улушида эса 99,1 фоизни ташкил этган (бу 4 млн. корхона демакдир). Бу даврда Буюк Британияда кичик ва ўрта бизнесда банд бўлганлар сони 15,3 млн. кишини ташкил этган бўлиб, улар жами бандликнинг 55,5 фоизни ташкил этган<sup>4</sup>. 2011 йилга келиб, Англияда кичик корхоналар мезонларини белгилашда қисман ўзгаришлар рўй берган бўлса-да, мазмун-моҳияти жиҳатидан аввалги йилларни эсга солади. Масалан, 1.5.3-жадвалда келтирилганидек, сўнгти йилларда ёлланма

<sup>1</sup> Манба: Рубо В.А. Малый бизнес: история, теория, практика. –М.: ТЕИС, 2000. С. 69-72.

<sup>2</sup> Манба: BIS, Statistical press release, 2011 й.

<sup>3</sup> Изоҳ: Англия фунт стерлингнинг Ўзбекистон сўмига нисбатан курси – 03.06.2013= 3253,1.

<sup>4</sup> Лапуста М.Г. Малое предпринимательство: Учебник –М: ИНФРА-М 2009. с. 21.

персоналсиз бўлган корхоналар сони 3,3 миллиондан ошган. Бу дегани, микрофирмалар сони ҳамон микдор жиҳатдан устуворликни бой бермаган.

Умуман олганда, 2011 йилда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликда банд бўлганлар сони йирик корхоналарда банд бўлганларга иисбатан 4,1 миллиондан кўпроқни ташкил этиб, иқтисодиётнинг энг замонавий соҳаларини ўз ичига қамраб олган.

Хулоса қилиб айтганда, Англия хукумати кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик корхоналари градациясини белгилашда тобора такомиллашиб бораётган тенденцияларга эга. Хусусан, 2010 йилда бу борада янги қадамлар кўйилди ва КЎБ корхоналари мезонларини такомиллаштирилган услубиёти жорий этилди.

## **1.6. Кичик бизнес ва тадбиркорлик субъектларининг иқтисодиёт тармоқларидағи ўрни**

Буюк Британияда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик иқтисодиётнинг деярли барча тармоқларига чуқур қириб борган. Турли тармоқларда уларнинг ривожланиши турлича бўлса-да, мамлакат иқтисодиёти тараққиётидаги ўрнини алоҳида эътироф этиш зарур.

2011 йил статистикасига кўра фаолият кўрсатган кичик ва ўрта корхоналар улушида курилиш соҳаси устувор бўлиб, жами КЎБ корхоналарининг 19,3 фоизни ташкил этди. Бунда 50–249 кишигача ишчилар сони бўлган кичик бизнес корхоналари сони атиги 0,2 фоизни ташкил этган. Курилиш соҳасида машғул бўлган кичик бизнес субъектлари ўртасида рақобат муҳити кучли ривожланган.

Иккинчи ўринни касбга доир хизматлар ва фан-техника фаолияти (13,3 фоиз), учинчи ўринни эса улгуржи, чакана савдо ва таъмирлаш (10,6 фоиз) соҳасидаги КЎБ корхоналари эгаллади.

Қизиги шундаки, энг ривожланган мамлакатлар қаторида турган Англияда молиявий ва сугурта хизматлари тармоғида атиги 82980 та кичик ва ўрта бизнес корхоналари мавжуд. Бу жами КЎБ корхоналари улушида 1,8 фоизни ташкил этади. Кўчмас мулкда эса 87140 та КЎБ субъектлари мавжуд бўлиб, улар жами КЎБ корхоналари таркибида атиги 1,9 фоизни ташкил этади (16.1-жадвал).

Англия иқтисодиёти тармоқларида, асосан хусусий корхоналарда жами бини бўлганлар 23 млн.дан ортиқ бўлиб, уларнинг 30,4 фоизни 1–49 кишигача ишчиси бўлган кичик бизнес ва тадбиркорлик корхоналари ташкил этади. Шунингдек, 15,6 фоиз ёлланма персоналсиз ва 12,6 фоиз 50–249 кишигача ишчиси бўлган кичик бизнес субъектлари ташкил этади. Йирик корхоналарда 41,2 фоиз бандлик мавжуд.

### Корхоналарнинг тармоқлар бўйича тақсимланиши<sup>1</sup>

Тармоқлар	Жами хусусий корхоналац (100 фоиз)	Жумладан, КУБ корхоналари	Турли ўлчовдаги корхоналар улуши ( фоизда)			
			Ёлданма персоналсанз	1–49 кипи	50 – 249 кипи	250 кипидан кўп
<b>Жами</b>	<b>4 542 765</b>	<b>4 536 445</b>	<b>74,1</b>	<b>25,1</b>	<b>0,7</b>	<b>0,1</b>
Қишлоқ хўжалиги, овчилик, балиқчилик ва ўрмончилик	149 825	149 785	64,4	35,3	0,2	0,0
Кончилик саноати	24 695	24 585	79,1	19,2	1,3	0,4
Қайта ишлаш саноати	237 645	236 420	62,7	34,3	2,5	0,5
Курилиш	876 150	875 860	82,9	16,8	0,2	0,0
Ултуржи, чакана савдо ва тъамирлап	483 855	482 830	51,9	46,9	1,0	0,2
Транспорт, сақлаш ва алоқа	251 035	250 680	85,7	13,6	0,5	0,1
Мехмонхона ва ресторанлар	147 220	146 810	24,3	73,8	1,6	0,3
Ахборот ва коммуникацион хизматлар	268 520	268 205	78,9	20,5	0,5	0,1
Молиявий ва сугурта хизматлари	83 300	82 980	75,0	23,5	1,1	0,4
Кўтмас мулк	87 285	87 140	60,4	38,7	0,7	0,2
Касбга доир хизматлар ва фан-техника фаoliyati	606 090	605 565	75,3	24,1	0,5	0,1
Маъмурий хизматлар	339 840	338 920	74,4	24,3	1,0	0,3
Таълим	230 760	230 670	93,1	6,7	0,2	0,0
Соғлихни сақлаш ва ижтимоий хизматлар	309 185	308 870	82,4	16,7	0,9	0,1
Санъат ва кўнгил очар ҳамда дам олиш соҳаси	195 395	195 210	88,8	10,7	0,4	0,1
Бошқа хизматлар	251 960	251 915	75,9	23,9	0,1	0,0

<sup>1</sup> Манба: BIS, Statistical press release, 2011 й.

**Тармоқлар бүйінча хусусий корхоналарда банд бұлғанлар сони<sup>1</sup>**

Тармоқлар	Жами банд бұлғанлар (минг киши) (100 фоиз)	Турли үлчовдаги корхоналарда банд бұлғанлар улуши ( фоизда)			
		Елдін ма персонасыз	1–49 киппі	50 – 249 киппі	250 киппінан күп
<b>Жами</b>	<b>23 391</b>	<b>15,7</b>	<b>30,4</b>	<b>12,6</b>	<b>41,2</b>
Қишлоқ хұжалиғи, овчилік, балиқчилик ва ўрмончилік	437	32,0	57,0	м/й	м/й
Кончилік саноати	343	6,4	12,5	9,0	72,0
Қайта ишлап саноати	2 585	6,5	27,5	23,1	42,9
Қурилиш	2 019	37,7	37,4	9,4	15,5
Ултүржы, чакана савдо ва тәъмираш	4 743	6,2	29,3	9,4	55,1
Транспорт, сақлаш ва алоқа	1 360	16,8	17,7	9,1	56,3
Мемлекеттік мекемелер	1 751	2,8	42,1	12,6	42,5
Ахборот ва коммуникацион хизметлар	1 136	20,2	25,4	11,6	42,9
Молиявий ва суғурта хизметлари	1 107	6,5	11,6	8,3	73,6
Күчмас мулк	427	17,1	43,6	13,8	25,3
Касбаға доир хизметлар ва фан-техника ғаологияти	2 057	23,9	38,4	13,7	24,0
Мағымурый хизметлар	2 337	11,6	21,3	15,2	51,9
Таълим	446	50,2	24,2	*	*
Соғылғын сақладын және ижеzтимоий хизметлар	1 461	18,3	39,0	16,8	25,8
Саньят ва күнгіл очар ҳамда дам олиш соҳаси	594	31,6	21,5	11,6	35,4
Бошқа хизметлар	589	35,3	49,9	11,4	2,0

<sup>1</sup> Манба: BIS, Statistical press release, 2011 й.

## 1.7. Давлат томонидан құллаб-қувватлаш

Буюк Британияда кичик ва ўрта бизнесни давлат томонидан құллаб-қувватлашда асосан Савдо ва саноат вазирилги фаолілік күрсатади. Бу вазириллик таркибида «Кичик бизнес учун хизматлар күрсатиш» (*The Small Business Service – SBS*) агентлигі ташкил этилган бўлиб, у кичик бизнес субъектлари фаолиятини барча миллий инфратузилма кўмаги остида мувофиқлаштиради<sup>1</sup>. SBS кичик бизнес фаолияти учун молиявий таъминлаш, ахборот алмашиниш, маслаҳат бериш, техник жиҳатдан кўмаклашиш ва ҳукуқий жиҳатдан құллаб-қувватлашда комплекс чора-тадбирларни амалга ошириб боради.

Мамлакатда давлат ташаббускори сифатида “Корхоналарнинг капитал фонди” (Enterprise Capital Fund) фаолият кўрсатиб, КЎБни құллаб-қувватлаш мақсадида уларни венчур молиялаштириша катта роль ўйнайди. Шунингдек, Олий касбий таълим фондининг шакллантирилиши ва бунинг учун 25 млн. фунт стерлинг ажратилиши натижасида 10 мингдан ортиқ ўкув дастурлари молиялаштирилди. Бу дастурлар асосида тадбиркорлар ахборот технологиялари ва машинасозлик соҳасида касбий кўнікмаларга эга бўладилар.

Буюк Британияда кичик бизнесни давлат томонидан құллаб-қувватлаш тизимиши ривожлантиришдаги энг муҳим ташкилий-иктисодий чора-тадбирлар категорида куйидагиларни алоҳида таъкидлаб ўтиш мумкин:

- кичик бизнес манфаатларини таъминлашда Савдо ва саноат вазирилигига алоҳида ваколатлар тақдим этиш;
- ҳар бир бошқарма ва департаментда кичик тадбиркорликни құллаб-қувватлаш стратегик дастурларини амалга оширишни назорат қилиш ва баҳолаш учун масъулларни тайинлаш;
- давлат буюртмаларининг кичик корхоналарга топшириладиган улушкини ошириш;
- ўкув ва маслаҳат марказлари тармоқларини ривожлантириш;
- кичик тадбиркорликни құллаб-қувватлаш дастурларининг молиялаштиришни кенгайтириш<sup>2</sup>.

Англия ҳукуматининг консерватив сиёсати ҳусусий тадбиркорликни юксалтириш мақсадида молиявий жиҳатдан муҳим имтиёзлар яратди. Кичик бизнесни кучайтириш учун махсус дастурлар қабул қилинди, консалтинг хизматлари ва бизнес техникасини ўргатиш бўйича курслар ташкил этилди.

Ҳозирги кунда ҳам Буюк Британияда кичик ва ўрта бизнес соҳасида мутахассисларни тайёрлаш бўйича дастурлар ишлаб чиқишга жиддий эътибор берилади. Мактабларда бизнес асослари бўйича умумий билим ва кўнікмаларга эга бўлиш учун курслар ташкил этилган. Шунингдек, университетларда, техник олий ўкув юртларида, коллежларда, худудий бошқарув марказларида ва ҳусусий консалтинг фирмаларда «Кичик бизнес» курслари ташкил этилган бўлиб, уларда ўқиши муддати 6-10 ҳафтадан иборат.

<sup>1</sup> Лапуста М.Г. Малое предпринимательство: Учебник. –М.: ИНФРА-М, 2008. С. 21-22.

<sup>2</sup> [www.businesslink.gov.uk/bdotg/action/home](http://www.businesslink.gov.uk/bdotg/action/home). // Business Link - UK government's online resource for businesses.

Албатта, мамлакатнинг умумий иқтисодий аҳволи ҳам бизнес секторни ривожланишига ижобий таъсир кўрсатди. Чунки 1982 йилдан Англия иқтисодиёти муттасил ўсиб борди ва 1985–1990 йилларда ЯММ ҳажми 20 фоизга кўпайди. 80-йилларнинг иккинчи ярмидан мамлакат молиявий устунилка эриша бориб, инфляция даражасини 5–7 фоизгача пасайтириш имкониятига эга бўлди<sup>1</sup>. Шахсий истеъмол кенгайди, эркин меҳнат ва эркин фаолият туфайли тадбиркорликнинг маданий жиҳатлари юқорироқ даражага кўтарилиди. 2005 йилда мамлакатнинг ижтимоий-иктисодий барқарорлигини ошириш ва жаҳон бозорларида рақобатбардошликтни таъминлаш учун давлат сиёсати кичик бизнес ва тадбиркорлик секторини ривожлантиришда жаҳонда энг яхши шароитлар яратишга йўналтирилди.



1.7.1-расм. Буюк Британияда кичик бизнес ва тадбиркорликни давлат томонидан кўйлаб-куватлаш тузилмаси<sup>2</sup>

Кичик ва ўрта корхоналарни ривожлантиришнинг давлат стратегияси (2004 йил январда Бош вазир томонидан тасдиқланган, URN №03/1592) қуйидаги асосий мақсадларга эришишга йўналтирилган:

<sup>1</sup> Данилевская Г. Мелкий бизнес в Великобритании. // Ж. МЭиМО. 1992. №3. С. 121.

<sup>2</sup> Манба: <https://kfrp.ru/analytics/material/foreignsupportexp.php> // Совершенствование господдержки МСП в Великобритании.

– тадбиркорлик маданиятини ва ишбилармонлик муносабатларини ошириш;

– янги корхоналар ташкил этиш жараёнларини фаоллаштириш, уларнинг ривожи ва келажакдаги ўсишини тезлаштириш учун шароитлар яратиш;

– молиявий ресурслар таъминотини яхшилаш;

– депрессив туманларда ёки алоҳида ижтимоий гурухларда (масалан, аёллар, майда миллатлар, ногиронлар ва б.) тадбиркорликни ривожлантириш;

– тадбиркорларни давлат хизматларидан фаол фойдаланишга жалб этиш (масалан, ахборот, маркетинг, давлат буюртмалари, молиялаштириш, экспорт ва б.);

– давлат сиёсатида янада самаралироқ чора-тадбирлар ишлаб чиқиши ва тадбиркорлик фаолиятини тартибга солишини такомиллаштирувчи имкониятларни тадбиқ этиш;

– кичик ва ўрта корхоналар учун бозор тадқиқотлари даражасини ошириш ва Кўйларнинг ҳолатини баҳолаш.

Маълумки, 2008 йилдан 2013 йилгача бўлган даврда Буюк Британияда корхоналарга маъмурий босимни камайтириш бўйича дастур амалга оширилган бўлиб, натижада давлат идоралари томонидан берилган мълумотларга кўра, амалдаги меъёр ва талабларга риоя этиш билан боғлиқ корхоналарга тушадиган юк 25 фоизга пасайган. Корхоналар учун пул кўринишидаги тежамкорлик 3,5 миллиард GBP<sup>1</sup> ни ташкил этган<sup>2</sup>.

2011 йилда Буюк Британиянинг йирик банклари Кўбни кредитлаш ҳажмини кенгайтириш мақсадида «Мерлин» лойиҳасига асосан 76 млрд. фунт стерлинг маблагф ажратилган эди. Шунга қарамай, Англия ҳукумати томонидан 2012 йилда кредит бозоридаги йирик банкларнинг монопол мавқеини пасайтириш учун Кўбни кредитлаш мақсадида маҳсус банк ташкил этишига қарор қилинди. Янги банк капитали 1 млрд. фунт стерлингни ташкил этиб, инкиroz шароитларида кичик бизнес субъектларини молиявий жиҳатдан кўллаб-куватлашни яхшилашга йўналтирилди.

Англия ҳукумати сиёсатининг асосий йўналишларидан бири Кўб корхоналарини давлат томонидан тартибга солиши тизимини соддалаштиришdir. 2011 йилга келиб мамлакат иқтисодиётининг саноат ва савдо тармоқларига тегишли 21 минг меъёрий хужжатларни қайта кўриб чиқиши бўйича кенг қамровли ишлар бошланди. Бунда жуда кўп ҳукуқий асослар ўз кучини йўқотди ёки бизнес юритишни куляйлаштиришга йўналтирилди<sup>3</sup>.

Ҳозирги даврда давлат томонидан олиб борилаётган бюджет-солиқ ва кредит сиёсати кичик бизнес ривожини рағбатлантиришда муҳим аҳамият касб этади. Бу борадаги умумий чора-тадбирларга қўйидагиларни киритиш мумкин:

– солиқларнинг пасайтирилган ставкаларини жорий этиш;

<sup>1</sup> Буюк Британия пул бирлиги (фунт-стерлинг).

<sup>2</sup> Курпаяниди К.И., Пайтамов К.И. Кичик тадбиркорликни давлат томонидан кўллаб-куватлаш тизимини модернизация қилининг Буюк Британия тажрибаси ва Ўзбекистонда ундан фойдаланиш имкониятлари. // Ж.Иқтисод ва молия №12. 2013. 14 бет.

<sup>3</sup> Малый и средний бизнес в 2012 году: международный опыт регулирования и финансирования. (Электрон ресурс). / Аналитический обзор. Апрель. 2013. С. 41.

- кечиктирилган тұловларни амалға ошириш юзасидан имтиёзлар бериш;
- үз ҳисоб вәрагидан тұловлар амалға оширилгандан сүнг КҚС бүйича баланс тузиш;
- муддати узайтирилган ссудаларни тұлашда чегирмаларни самарали тизимидан фойдаланиш;
- маңаллий бюджетта мол-мулк солиги бүйича имтиёзлар.



#### 1.7.1-расм. Буюк Британия ва АҚШ давлатларида кичик ва йирик корхоналар учун белгиланған фойда солиги ставкаларининг солиширилиши

Иновация фаолиятларида (R&D) машгул кичик ва ўрта бизнес корхоналари учун солиқ имтиёздары жорий этилған. Бошқача айттанда, ілмий соңаға жалб этилған хусусий инвестицияларни рағбатлантириш мақсадида кичик бизнес субъектлари корпоратив солиқ тұловларидан озод этилади. Бундай имтиёздар компаниянинг корпоратив солигини камайтириш ёки кичик ва ўрта нотижорат ташкилотларига қайтарып бериш тарзда амалға оширилади.

Шуни алохода қайд этиш керакки, 2020 йилга бориб, Буюк Британияда корпоратив солиқнан қозирги кундаги 21 фоиздан 17 фоизгача тушириш режалаштирилмоқда. Мамлакатни ЕИдан чиқиши муносабати билан инвесторларни күпроқ жалб этиш мақсадида бу каби чора-тадбирларни күриш жиддий амалға оширилмоқда<sup>1</sup>.

Хукуматнинг «Кредитларни кафолатлаш дастури» бүйича ажратылған кредитларининг асосий қисми (70–80 фоиз) давлат томонидан кафолатланади. Кичик корхоналарнинг фаолиятини ташкил этишда йирик корхоналар фаол иштирок этади. Бундан ташқары маңаллий солиқларни тұлашда имтиёздар берилген бўлиб, бу кичик бизнес корхоналарида ликвидлик муаммоларининг қалъя этилишига анча ёрдам беради.

<sup>1</sup> <http://www.republic.ru/business/> // Власти Британии планируют к 2020 году резко сократить налог на прибыль (31 октября 2016)

## **1.8. Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантириш дастурларининг амалга оширилиши**

Буюк Британияда кичик бизнес ва тадбиркорликни ривожлантиришнинг Давлат дастурлари ҳар йил бошида ишлаб чиқилиб, уларни бажаришга барча мутасадди ташкилотлар қатнашади. Англияда худудий инфратузилма яхши шаклланган бўлиб, у ишбилармонлар фаолиятини яхшилашга хизмат киласди. Ҳар йили 6,3 млрд. АҚШ доллари ҳажмидағи кредитлар Давлат дастурлари орқали таъминланади. Кичик бизнес ва тадбиркорликни қўллаб-кувватлаш бўйича 28 та давлат дастурлари ишлаб чиқилиб, уларни амалга ошириш яхши йўлга кўйилган. Дастурларнинг 7 таси ахборот билан таъминлаш, маслаҳат бериш, тадбиркорларни ўқитиш ва малакасини оширишга, яна 7 таси тадбиркорларни молиявий жиҳатдан кўмаклашишга йўналтирилган. Уларнинг 8 таси кичик корхоналарда шартномаларни юритиш ва уларнинг бажарилишига йўналтирилган. Колган 6 та дастур эса маҳсус ва инновацион тадбирларни кенг жорий этиш мақсадида амалга ошириб борилади<sup>1</sup>.

2000 йилда кичик бизнес ва тадбиркорликни қўллаб-кувватлашнинг тарқоқ тузилмаларини бирлаштириш ва уларнинг самарадорлигини ошириш учун Савдо ва саноат вазирлиги ҳузурида «Кичик бизнесга хизматлар кўрсатиш» (КБХК) миллий агентлиги ташкил этилди. Мазкур (КБХК) агентлик кичик ва ўрта корхоналарни ривожлантириш стратегиясини белгилайди, мамлакат бошқарувидаги ҳокимиятнинг ҳар қандай погонаси билан ўзаро алоқада бўлади, кичик ва ўрта корхоналарни қўллаб-кувватлашнинг барча давлат инфратузилмаси фаолиятини мувофиқлаштиради ва шерикчилик ҳамда жамоат ташкилотлари билан фаол ҳамкорлиқда иш олиб боради.

Кичик тадбиркорликни қўллаб-кувватлашнинг асосий ҳукумат Дастури Loon Quarantine Scheme<sup>2</sup> ҳисобланади. У тижорат банкларидан мустақил равишда кредит олишда қийналадиган тадбиркорлик турларига кредит олиш имконини беради. Бу ҳукумат дастури асосида 70 фоизгача, хатар мавжуд бўлган жойларда эса 85 фоизгача маблаг қайтмаслиги кафолатланади. Бундай кафолатда фоиз ставкаси йилига 2,5 фоизни, хатар мавжуд бўлган жойларда эса 2 фоизни ташкил этади. Шу тарика банклар томонидан кичик тадбиркорликка тақдим этадиган кредитларнинг 70–80 фоизи ҳукумат томонидан кафолатланади. Бу кафолатларни қоплаш учун ҳар йили бюджетдан тахминан 50 млн. фунт стерлинг ажратилади.

Эътиборлиси шундаки, алоҳида вазирликлар (савдо ва саноат, бандлик, экология, энергетика) томонидан кичик бизнес корхоналарига ёрдам бериш мақсадида тўрт хил категориядаги дастурлар ишлаб чиқилган.

**1. Молиявий қўмаклашиш дастури.** Бу дастур «Грантлар схемаси» ва Маҳаллий аҳамиятдаги корхоналарга қўмаклашиш агентлиги томонидан амалга оширилиб, улар кичик фирмаларни худудий қўллаб-кувватлайдиган 200 та мустақил бюородан иборат ассоциациялардир. Улар «Корхоналар ташкил

<sup>1</sup> Лапуста М.Г. Малое предпринимательство: Учебник. –М.: ИНФРА-М. 2008. С. 511.

<sup>2</sup> Изоҳ: Loon Quarantine Scheme – давлатнинг кичик бизнесни ҳар томонлама қўллаб-кувватлаш дастури бўлаб, молиялаштиришда асосан давлат бюджети мухими рол йўнайди.

**Буюк Британияда кичик бизнес ва тадбиркорликни ривожлантириш  
ва қўллаб-куватлашнинг Давлат дастурлари ва таянч ҳудудий  
инфратузилмалар<sup>1</sup>**

Хар йили 6,3 млрд. АҚШ доллари ҳажмидаги кредитлар Давлат дастурлари орқали таъминланади	28	- 7 техник (аҳборот, ўқитиш, маслаҳат) - 7 молиявий қўллаб-куватлаш - 8 шартномалар тузишида ёрдам кўрсатиш - 6 маҳсус ва инновация дастурлари
«Кичик бизнесга хизматлар кўрсатиш» агентлигининг ҳудудий бўлимлари ва интилик ташкилотлари	26	- 9 минтақавий бўлимлар - 5 шериклари ташкилотлари - 12 регионал ривожланиш агентликлари
Ваколатли кредит-молия ташкилотлари	12	Барча ҳудудларда, йирик шаҳарларда, саноат ва қишлоқ ҳўжалик марказларида бўлимлари мавжуд
Тадбиркорликни ривожлантириш марказлари	450	- «ягона ойна»дан туриб хизматлар кўрсатиш - ўқитиш ва маслаҳатлар бериш - техник ёрдам кўрсатиш ва аҳборот билан таъминлаш
Консалтинг марказлари		Тадбиркорликни ривожлантиришнинг барча марказларида жойлашган, хусусан, инкубаторларда ва технопаркларда
Бизнес-инкубаторлар ва технопарклар	471	- 154 кластерлар - 220 инкубаторлар - 97 технопарклар ва тадқиқот марказлари
Ижтимоий йўналтирилган тадбиркорлик марказлари	98	- 47 аёлларнинг бизнес марказлари - 51 майда миллатлар учун марказлар
Аҳборот марказлари	45	Комплекс хизматлар кўрсатади
Аҳборот тармоқлари	11	Барча тармоқлар мажмуй бўйича иҳтисослаштирилган ва минтақавий тармоқлар билан алоқа боғлай олади
Экспортни қўллаб-куватлаш интилмалари	60	Йирик шаҳарларда, портларда ва саноат марказларида жойлашган
Ижтимоий қўллаб-куватлаш тучилемалари ҳамда кичик ва Ўрги тадбиркорлик манфаватларини ҳимоялаш		Тадбиркорлик ташкилотлари Савдо саноат вазирлиги ҳуэуридаги «Жамоат кенгташи» билин ва мустақил экспертлар билан ўзаро алоқада бўлиб, хукумат учун иқтисодиётни тартибиға солишининг такомилашпуви бўйича таклифлар ишлаб чиқилади

<sup>1</sup> Майба: <https://kfpp.ru/analytics/material/foreignsupportexp.php> // Совершенствование господдержки МСИ в  
Великобритании.

этишга кўмаклашиш схемаси» дастури асосида ўз фирма ёки корхонаси очмоқчи бўлганларга молиявий ёрдам беради. Бошқа дастур «Кредитлар кафолатлаш» деб аталиб, дастурга мувофиқ уч йил мобайнида муваффақият фаолият олиб борган тадбиркорлар хисобига сугурта мукофотлари берилади. Бундай дастурлар кичик бизнес билан шуғулланувчилар учун қулай имкони яратиб, бизнеснинг кенгайиб боришига олиб келади.

**2. Янги ва фаолият кўрсататётган фирмаларга маслаҳат беруви дастурлари.** Бундай дастурлар кичик фирмаларга хизмат кўрсатиш бўйича маҳсус ташкilotлар фаолиятини таъминлайди. Масалан, Уэльс тараққи агентлиги томонидан кичик бизнесга ҳар томонлама фойдали маслаҳатлар берилди. Бу агентликнинг Англия саноат конфедерацияси билан биргаликда фаолияти натижасида кичик бизнес корхоналари учун маркетингни молиялантиришни ишлаб чиқишига мөмкинлек беради. Бу дастурлар тасдиқлангандан сўнг уларнинг бажарилиши бўйича кичик бизнес корхоналарга хизмат кўрсатадиган маҳсус ташкilotлар ишга киришади.

**3. Майда фирмаларга кўмаклашишдаги регионал (маҳаллий) дастурлар.** Бундай дастурлар Шотландия, Уэльс ва Шимолий Ирландияда амалга оширилди, шу худудларда фаолият кўрсататётган кичик бизнес корхоналари учун бозор стратегияларини ишлаб чиқишига кўмаклашади. Масалан, «Бизнес тадқиқотлари таъминлаштириш хизмати» дастурида шундай мақсадлар учун 40 млн. фунстэрлинг ажратилади. Бу маблагларнинг 50 фоиздан кўпроғи маркетинг тадқиқотлари учун сарфланади, қолган қисми эса кичик бизнесда бандлик таъминлаш мақсадида профессионал кадрларни тайёрлашга сарфланади. Бундай худудий дастурларда Европа худудий тараққиёт фонди иштирок этади. Бу фонд суст ривожланаётган тармоклардаги кичик бизнес корхоналарига кўмаклашади, янги иш ўринларини яратишга имкон яратади.

**4. Кичик фирмаларда экспорт фаолиятини рағбатлантириш дастурлари.** Бундай дастурлар маҳсус орган – Британия денгизости савдо бюроси орқали тузилади ва экспортни ривожланишига йўналтирилади.

90-йиллар бошидан бошлаб Британия саноат конфедерацияси «Тадбиркорликни кенгайтириш дастури»ни амалга оширмокда. Унда кичик тадбиркорлик билан амалий муносабатлар ўрнатган ва унинг ривожланишига манбаатдор юридик ва жисмоний шахслардан олинадиган маҳсус бадал кичик корхоналарни молиялашнинг қўшимча манбаи хисобланади. Мамлакатда кичик тадбиркорликни ривожланитириш учун муниципал ҳукуматнинг молиявий қўллаб-куvvatлашни таъминлайдиган, шунингдек ўз ишини ташкил этиш ёки кенгайтиришда ёшларга кўмаклашадиган, кичик тадбиркорлик соҳасидаги тадбиркорларни тайёрлайдиган маҳсус дастурлар мавжуд.

Буюк Британияда яна бир қатор дастурлар мавжуд. Масалан, Enterprise Investment Scheme («Корхоналар учун инвестиция схемаси»), Venture Capital Trusts («Ишончли венчур капитали») кичик бизнесда машғул инвесторларни солиқ имтиёзларини тақдим этиш бўйича чора-тадбирларни ўз ичига олайди. Буюк Британия ҳукумати КЎБ корхоналарида экспортни ривожланишига ҳамоно алоҳида эътибор қаратиб боради. Хусусан, 2011-2012 йилларда мамлакатда кичик ва ўрта корхоналарнинг 20 фоиз ўз маҳсулотларини экспорт қилдилари

Мамлакатда экспортни бошловчилаар ва экспорт қилувчилар учун «Экспорт учун паспорт» (Passport to export) ва «Глобал ўсиш учун йўл» (Gateway for Global Growth) каби дастурларнинг қўлланилиши яхши самара берди.

### **1.9. Буюк Британияда кичик бизнес корхоналарини кредитлашдаги шарт-шароитлар**

Мамлакатда ҳар бир банк ўзининг кредитлаш тизимига эга. Масалан, «Barklays Bank»да янги кичик фирмалар ташкил этилишини ва фаолият юритаётгандарини кенгайтиришни молиялайдиган 2 та дастур ишлаб чиқилган ва амалга оширилган. Биринчи дастурга кўра кредит микдори 5000 дан 100 000 фунт стерлинггача бўлиши мумкин, у беш йил муддатта берилади. Банк кредит суммасидан эмас, фирманинг йиллик айланмасидан йилига 15–17 фоиз олади.

Иккинчи дастурга кўра асосий ускуналарни харид қилиш учун 2 йилдан 20 йилгача муддатта 5000 дан 500 000 фунт стерлинггача микдорида кредит ажратилади. Фоиз ставкаси Англия Банки амалий ставкасига мувофиқ ёки банкнинг ўзи томонидан белгиланади. Баъзи катта банкларнинг кичик тадбиркорлик билан фаол ишлаши жiddий фойда келтиради: улардан тўрттаси ўз филиаллари кенг тармоғи орқали кичик тадбиркорлик операцияларининг 90 фоизини назорат қиласди. Бундан ташқари мамлакатда кичик тадбиркорлик корхоналарини молиялайдиган маҳсус фирмалар кенг тарқалган. Европада катарли сармоя соҳасидаги сармоя қўйишларнинг 40 фоизи улар улушига тенг келади. Англияда тадбиркорликни молиялаштирувчи шундай маҳсус фирмалар борки, «...бунда давлат қарзларнинг 70 фоизини кафолатлади»<sup>1</sup>.

Мамлакатда «Саноат ва савдо корхоналарини молиялаш» корпорацияси фаолият кўрсатиб, уни Англия Банки ва клиринг банклари томонидан назорат қилиб берилади. Худди шу корпорация 90-йилларда 500 млн. фунт стерлингдан кўпроқ маблағ билан 3900 та кичик бизнес корхоналарини инвестициялади. Бу эса мамлакатдаги кичик бизнес корхоналарининг 20 фоизини ташкил этади. Кичик бизнес корхоналарига банклар томонидан берилган кредитларнинг 70–80 фоизи хукуматнинг кредитни кафолатлаш дастурлари орқали кафолатланади. Ҳар йили бюджетдан 50 млн. фунт стерлинг микдоридаги маблағ ажратилиб, улар банк кредитларини кафолатлашга сарфланади.

Бироқ, хусусий жамғармалар ва банк кредитлари молиялашнинг асосий манбалари бўлиб қолмоқда. XX асрнинг 80-йиллари бошида фонд биржасида рўйхатга олинмаган, лекин кичик тадбиркорларни молиявий ресурслар билан тъминлашда муҳим аҳамият қасб этадиган компанияларнинг қимматли қоғозлар бозори шаклланди. Бу даврда солиқ тизимида кўрилган чораталбирлар кичик бизнес корхоналари учун янги кулайликлар яратган:

– бино ва иншоотлар учун киритилган инвестициянинг бошланғич 50 минг фунт стерлинг микдоридан солиқ тўловлари олинмайдиган бўлди;

<sup>1</sup> Ибрагимов И. Ҳайдаров Ш. Тадбиркорлик фаолиятини ривожлантириш ва унинг молиявий манбалари. // Ж. Иктилоҳийат ва таълим. №2. 2006. 98 бет.

– корхоналар даромадларининг корпоратив соликка тортила бошлайдиган кисмини 200 минг фунт стерлингдан 250 минг фунт стерлингга оширилиши, бошқа фирмалар учун эса 1 млн. фунт стерлингдан 15 млн. фунт стерлингга оширилиши (корпоратив солик ставкаси 35 фоиз);

– кичик фирма мулканинг мерос солигидан озод қилиниши.

Хозирги пайтда Буюк Британия хукуматининг жиддий кўллаб-кувватлашига ва молиявий муассасалар томонидан кредитларнинг кенг ажратилишига қарамай, кичик корхоналар фаолиятида банкротлик ҳолати учрайди. Бунинг асосий сабабларидан бири солик тизимидағи камчиликлардир. Кичик бизнесдаги банкротликнинг асосий сабаблардан яна бири тўлов операцияларининг ўз вақтида бажарилмаслигидир. Чунки Буюк Британиядага Гарбий Европадаги энг кўп номукаммаликлардан иборат бўлган хисобкитоблар тизими амал қиласди: қонун томонидан тўловларни уч ойгача ушлаб қолишга рухсат берилади. Натижада йирик фирмаларнинг кичик фирмаларга жорий қарзи 17 млрд. фунт стерлингча кўтарилади. Ҳар 5-чи корхона айнан товарлар ва хизматлар учун ўз вақтида ҳақ тўланмаганилиги сабабли фаолиятини тўхтатишга мажбур бўлади. Аммо 1992 йилда маҳсус гурӯҳ ташкил этилиб, у вақтида қарзини узмаган кичик фирмалардан қонуний тартибда фоизлар ундирадиган бўлди. Бу билан тўлов муддатлари чўзилишининг олди олинди.



1.9.1-расм. Буюк Британияда КўБнинг қарз олиши динамикаси<sup>1</sup>  
(2007-2011 йилларда млрд. фунт стерлинг)<sup>2</sup>

1.9.1-расмда 2007-2009 йилларда кичик ва ўрта бизнес корхоналарининг қарз олиши динамикаси кўрсатилган бўлиб, бунда барча корхоналар бўйича қарз олишдаги энг юқори кўрсаткич 2008 йилга тўғри келди. Айни пайтда жаҳон молиявий-иктисодий инқирози ўзининг салбий таъсирини кўрсатиб турган. Бу даврда Буюк Британиядаги деярли барча корхоналар инқирозга қарши чора-тадбирлар кўришлари учун ўз иктисодий фаолиятини яхшилашига

<sup>1</sup> Манба: Малый и средний бизнес в 2012 году: международный опыт регулирования и финансирования. (Электрон ресурс). / Аналитический обзор. Апрель, 2013. С. 39.

<sup>2</sup> Англия фунт стерлингининг Узбекистон сўмига нисбатан курси – 03.06.2013= 3253,1.

киришди. 2009 йилда КҮБ корхоналарининг қарз олиши 3,5 млрд. фунт стерлингга күпайди. Аммо барча корхоналар томонидан олинган қарз ҳажми 73,7 млрд. фунт стерлингга камайиши кузатилди ва кейингги йилларда бу камайиш тенденцияси давом этди.

Enterprise Research Centre (ERC) маълумотларига қараганда, КҮБ мамлакатдаги рецессия тъсиридан чиқиб олди. Бугунги кунда КҮБда ўсиш суръатлари инқирозга (2008 йилга) қадар бўлган ҳолатта қайтган. Марказ (ERC) томонидан олиб борилган тадқиқотларга қараганда, 2014 йилнинг якунида хусусий секторда яратилган янги иш жойлари, инқироз давридаги 2008 йилга нисбатан 400 000 ўринга кўпайди<sup>1</sup>. Мазкур марказ (ERC) томонидан 2008–2014 йилларда инқирозга учраган 1 млн. компанияларда ишчилар сони 5,7 млн. кишини ташкил этганилиги ҳисоблаб чиқилган.

Марк Харт<sup>2</sup> фикрича, 2008–2014 йиллар «...жуда кўп корхоналар учун узоқ ва оғир йўл бўлди, лекин тадқиқотлар шуни кўрсатдики, Буюк Британияда шамол бундай корхоналарнинг елканларини ҳаракатга келтириди»<sup>3</sup>. КҮБ нафақат иқтисодиётни тиклашга олиб келди, балки кредитлар олишда устуворликни касб этди. Бу эса ўз навбатида 15 млн.дан кўпроқ кишини иш билан тъминлашга олиб келди. Шу даврда бундай корхоналарнинг айланма капитали 1,6 трлн. фунт стерлингни ташкил этди. Бошқача айтганда, Буюк Британиядаги барча компаниялар айланма капиталининг 47 фоиз улуши КҮБга тўғри келди.

## 1.10. Буюк Британияда йирик ва кичик бизнеснинг иттифоқи ва ундаги муваффақиятлар

Кичик бизнеснинг ривожланишида йирик бизнес жуда фаол иштирок этилди. Масалан, «Royal Dutch Shell», «ICI», «Control Data» каби йирик компаниялар ўзларининг раҳбар ходимларини кичик бизнес корхоналарига иккى йил муддатга хизмат сафарига жўнатишини яхши йўлга кўйгандар. «British Oil» компанияси нефть ва газ саноати учун янги технологияларни ишлаб чиқариш билан боғлиқ фаолият кўрсатадиган кичик бизнес корхоналарининг ривожига 15 млн. фунт стерлинг инвестиция киритди. Бундан ташқари, «British Oil Ventures» маҳсус шӯъба корхонаси ишга туширилди. Бу шӯъба корхонасининг вазифаси нефть саноати учун хизмат кўрсатиш ва товарлар ишилаб чиқариш ёки янги технологияларни ишлаб чиқариш билан шуғулланадиган кичик фирмаларни қидириш ва танлашдан иборат.

Йирик бизнес кичик бизнес корхоналарининг ташкил этилишида ва оёққа туриб олишида муҳим роль ўйнайди. «Royal Bank of Scotland», «Rank Xerox», «British Telekom» каби гигант корхоналар бу борада ўзларининг дастурларини

<sup>1</sup> Йирик Ўауиде Английский малый бизнес создаёт половину ВВП страны: Микробизнес работает за самых экономически активных // <http://www.vedomosti.ru/management/articles/2015/06/26> (электрон ресурс).

<sup>2</sup> Марк Харт - Enterprise Research Centre (ERC) директор ўринбосари, иқтисодчи.

<sup>3</sup> Йирик Ўауиде Английский малый бизнес создаёт половину ВВП страны: Микробизнес работает за самых экономически активных // <http://www.vedomosti.ru/management/articles/2015/06/26> (электрон ресурс).

ишлиб чиқишигандык. Ушбу йирик корхоналар янги фаолият күрсатышни бошлаган кичик бизнес корхоналарга транспорт ва мемлекеттеги ҳаражатларини қоплаш, компьютерлар, нусха күчирүвчи ва телекоммуникация воситалари билан таъминлаш соҳаларида ўзларининг ёрдамларини күрсата оладилар.

Шу боис ҳам йирик компанияларнинг кичик бизнес корхоналарига беғаралык ёрдами туфайли Англиядың кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик ўзига хос ривожлануды. Йирик ва кичик бизнеснинг яқиндан бўлган иттифоқи «Royal Bank of Scotland» банки Шотландияда кичик бизнес бозорининг 45 филиални ўзлаштириди. «British Gas» компанияси эса кичик корхоналар ёрдами туфайли ўз маҳсулотларини ишлиб чиқариш мақсадида янги технологиялар билан таъминланишга эришиди.

Консерваторлар хукумати йирик ва кичик бизнес иттифоқидаги муносабатларга янгича ёндашувларни жорий этди. Йирик компаниялар таркибида кичик бизнес интеграцияси амалга оширилиб, тараққиёт босқичида яна бир қадам қўйилди. Йирик ва кичик бизнес ўртасидаги барча муносабатлар шартнома асосида икки томоннинг келишувларига кўра амалга оширилди. Натижада франчайзинг соҳасида мисли кўрилмаган ривожланишга эришилди. Бу тизимнинг самараси шундан иборат бўлдики, кичик корхоналар йирик компанияларнинг номидан ўз фаолиятларини ташкил этишиди. Майда фирмалар йирик компанияларнинг савдо белгиларидан фойдаланиб, катта имкониятларни кўлга киритишиди. Франчайзинг типидаги шартнома келишувларининг ривожланишига «Barklays Bank» ва «National Westminster» каби инглиз банклари устувор даражада ўзларининг таъсирларини кўрсатдилар. Чунки бу банкларнинг фаолиятида ташкил этилган маҳсус бўлимлар кичик бизнес субъектларига молиявий жиҳатдан беминнат ёрдамларини кўрсатиб бордилар.

Автомобилсозлик, электротехника, озиқ-овқат ва тўқимачилик тармоқларида олиб борилган тадқиқотлар<sup>1</sup> шундан далолат беради, майда ва йирик фирмалар ўртасидаги ўзаро муносабатларда жиҳдий ўзгаришлар рўй берди. Агар 80-йилларда йирик компаниялар ўз атрофига энг арzon нархларда товар етказиб берувчи майда фирмаларни тўплаган бўлсалар, 90-йиллардан бошлаб йирик компаниялар сифат кўрсаткичларига эътибор бериб, сифатли ишлиб чиқарувчи ёки хизмат кўрсатувчи майда фирмалар билан алоқалар ўрната бошладилар. Бошқача айтганда, кичик бизнес корхоналарида ишлиб чиқарилган товарлар белгиланган стандартларга жавоб берсангина, йирик корхоналар билан иқтисодий муносабатлар ўрнатиши мумкин бўлди.

### 1.11. Буюк Британияда кичик бизнес учун кадрларни тайёрлаш тизими

Мамлакатда кичик ва ўрта бизнес учун кадрлар тайёрлашнинг ихчам тизими шаклланган бўлиб, ҳукумат дастурларида ва олиб борилаётган сиёсат кўламида бунга алоҳида эътибор берилади. Кадрларни тайёрлаш бўйича умумий дастурлар асосида бир неча мактаблар шаклланган. Ҳар бир мактаб

<sup>1</sup> Изоҳ: Тадқиқотларнинг олиб борилганлигин «ЮрИнфо» компанияси маълумотларига асосланилган (О.А.).

ўзининг ёндашуви асосида кичик бизнес кадрларини тайёрлайди. Бу борада рақобат мухити ҳам шаклланган. Кичик бизнес учун кадрлар тайёрлашда энг нуфузли курслар бешта университетнинг бизнес мактабларида мавжуд. Булар: 1) Дюрам университети; 2) Глазго университети; 3) Лондон университети; 4) Манчестер университети; 5) Ворвик университети.

Бу университетлардаги бизнес мактабларда ўқитиладиган курсларнинг давомийлиги 16 ҳафтани ташкил этади. Шундан 4–6 ҳафта интенсив тарзда иқтисодиёт ва бизнес муаммоларини умумий ўрганишга йўналтирилади. 10–12 ҳафта ўз бизнесини ташкил этишини ўзлаширишга бағишлиданади. Курсларда ўқиш учун тўланадиган 4 минг фунт стерлинг харажатларни қопламайди (колгани ҳомийлар томонидан молиялаштирилади). Бундай бизнес мактабларни ҳар йили 200 киши якупнайди ва бизнесга оид ҳаётини бошлайди. Бошқа университетларда ва техник олий ўкув юртларида, коллекларда, маҳаллий бошқарув марказларида ҳамда маслаҳат берувчи хусусий фирмаларда 6–10 ҳафталик кичик бизнесни ўқитиши курслари фаолият кўрсатади. Бу курслар ҳукумат идоралари ва агентликларининг маблағлари асосида ташкил этилган бўлиб, фақат кичик бизнес учун кадрлар тайёрлашга йўналтирилгандир.

1992 йилдан бошлаб, кўпчилик олий ўкув юртларида «очиқ университет бизнес мактаби» деб номланган ўкув марказлари фаолият кўрсата бошлади. Бу бизнес мактаблари ўкув курсларини кечки таълим шаклида ташкил этганлиги тингловчиларга, айникса қундузи иш билан банд бўлгандар учун анча қулийлик тутдирди. Бундай курсларни ташкил этиш асосан «Barklays Bank» ва «ICI» томонидан молиялаштирилди. Курс қиймати 350 фунт стерлингта тўғри келди. Ушбу курс дастурлари маркетинг, молиявий стратегия ва бошқарувнинг ташкилий масалаларига доир билим соҳаларини ўз ичига олади. Ҳукумат томонидан кичик бизнес учун кадрлар тайёрлашда барча шарт-шароитлар иратиб берилганини яна шундан билиш мумкинки, талабаларга муниципал бошқарув органлари орқали лицензиялар олиб берилади, ўз бизнесини бошловчиларга имтиёзли кредитлар берилади, хорижда ўқийдиган талабалар учун стипендиялар ажратилади.

### **Биринчи боб бўйича хулоса**

1. Саноат, инкилоби, иқтисодий, ижтимоий ва сиёсий ривожланиш дастлаб Европа мамлакатлари, жумладан, Буюк Британия таркибидаги Англияда рўй берган. Мануфактуранинг қискариши ва завод-фабрикаларнинг ривожланиши Англияда эртарок амалга ошган. Бу эса ўз навбатида феодализмдан капитализмга ўтиш босқичида аниқ синфлар ажралиб чиқиб, уларни мустакил фаолият юритишлари учун иқтисодий жиҳатдан қулий имкониятлар юзага келтирган. Шу нуқтаи назардан олганда, бизнес қилишнинг дастлабки қўринишлари Англияда пайдо бўлган. Хусусан, Англия саноатининг ривожига айнан бизнеснинг таъсири катта бўлганлигини инглизларнинг ўзлари инкор этмайдилар. Француз иқтисодчиси Б. Сэй ўзининг «Трактат политической экономики» номли китобида «Англия тадбиркорларининг

таланти» тұғрисидаги мұлоқазаларыда бизнеснинг мамлакат иқтисодиетига ижобий таъсирини атрофлича ёритиб берган.

2. Ҳукуматни Маргарет Тэтчер бошқарған давлардан эса, мамлакатда тадбиркорлық мұхитини яратып ва кучайтиришга алоҳида әзтибор берилди. Натижада бозор иқтисодиёти тузилмасыда кичик ва ўрта бизнес корхоналарининг фаолияти мұхим роль үйнайды.

3. 1982 йилдан Буюк Британия иқтисодиёти кичик бизнес ва тадбиркорлық корхоналарининг ривожланиши туфайли муттасил үсіб борди. Натижада 1985–1900 йилларда ЯММ җәмми 20 фоизга күпайған. 80-йилларнинг иккінчи ярмидан мамлакат молиявий устуналыкка эриша бошлади ва инфляция даражасы 5–7 фоизни ташкил эттеган.

4. XX асрнинг 90-йилларида кичик бизнес ва тадбиркорлық корхоналары иқтисодиёттің деярли барча тармоқларига чуқур кириб борган. Натижада кашфиётлар ва ілмий үйналишдаги іхтиrolарнинг 63 фоизи бизнес сектори хиссасыга тұғри келған.


5. Буюк Британияда фаолият күрсатаётган кичик бизнес корхоналары учун белгиланған солиқ ставкалари АҚШда фаолият күрсатаётган кичик корхоналарға нисбатан күпроқ белгиланған бўлса, йирик бизнесесда эса аксинача АҚШдагига нисбатан Буюк Британияда камроқ солиқ ставкалари белгиланған. Аммо инновацияларни тадбиқ эттеган кичик бизнес корхоналарига имтиёзли солиқлар белгиланған. Шу билан бирга, солиқ тизимида кичик бизнес фаолиятини рағбатлантиришга йұналтирилған чора-тадбирлар қўлланилмоқда.

6. Ҳар йил бошида кичик бизнесни ривожлантиришнинг Давлат дастурлари ишлаб чиқылиб, уларни бажаришга барча мутасадди ташкилотлар қатнашади. Демак, мамлакатда кичик бизнесни қўллаб-куватлашда давлатнинг үзи ташаббускор бўлиб, молиявий таъминлаш, ахборот алмашиниш, маслаҳат бериш, техник жиҳатдан кўмаклашиш ва хукуқий жиҳатдан қўллаб-куватлашда комплекс чора-тадбирларни амалга ошириб боради.

7. Буюк Британияда йирик бизнес билан кичик бизнес ўртасыда үзаро иттифоқ шаклланған. Йирик бизнес кичик бизнеснинг ривожида ва оёққа туриб олишида мұхим роль үйнайды. Бу эса кичик бизнеснинг янада фаол ва кенг ривожланишига турткі беради.

8. Мамлакатда кичик бизнес учун кадрлар тайёрлаш тизими яхши ривожланған. Кичик бизнес учун кадрлар тайёрлашда бир қатор университетларда ракобатли мұхит мавжуд. 1992 йилдан бошлаб эса, кўпчилик олий ўкув юртларида «очиқ университет бизнес мактаби» деб номланған ўкув марказлары фаолият кўрсатиб, кичик бизнес учун кадрлар тайёрлашда янада кенг қулагайлик яратылған.


9. Буюк Британияда кичик ва ўрта бизнесни давлат томонидан қўллаб-куватлаш, асосан, Савдо ва саноат вазирлигининг фаоллигига амалга оширилади. Унинг таркибида «Кичик бизнес учун хизматлар кўрсатиши» агентлиги маважуд бўлиб, у кичик бизнес субъектларини миллий инфратузилманинг барча объектлари орқали мувофиқлаштиради.



## 2 БОБ. ГЕРМАНИЯ (Germany)



## 2 БОБ. ГЕРМАНИЯ (Germany)



Майдони – 357,0 минг кв.км.

Пойтахти – Берлин

Аҳолиси – 81,3 млн. киши (2016 й.)<sup>1</sup>

Пул бирлиги – евро (EUR), 1.01.2002 йилдан

Майдони бўйича жаҳонда 62-ўринда туради.

*Инглизларда гоядан кўра фикр жуда кўп. Биз немисларда эса аксинча, гоялар шундай кўпки, фикрлашга улгурмай қоламиз.*

*Генрих Гейне  
(немис шоири)*

### 2.1. Германия ва унинг кичик бизнес сектори ҳакида

Германия – таъбир жоиз бўлса, ҳар соҳада “парваришланган” мамлакат. Аҳолиси пунктуал бўлиб, ҳар бир ишни ўз вақтида ва меъёрни қўллаган ҳолда бажаришга ўрганган. Умуман, мамлакат аҳолиси қатъий қоидалар асосида яшайди. Бу давлат Европанинг энг саёҳатбоп ҳудудига жойлашган бўлиб, ўзининг бой тарихи ва маданий мероси билан жаҳонда шуҳрат қозонган. Германия – бу ҳашаматли саройлари ва ажойиб қальялари, ҳайратга соладиган чиройли черковлари ва монастирлари, жаҳонда номи танилган музейлари, ажойиб қўллари, савлатли Альплари, шунингдек, Балтика қирғоқлари ва албатта донғи дунёга таралган пиво пиширувчи корхоналари билан танилган мамлакатdir. Аниқроғи, Германия ўзининг табиити, архитектураси, хордик чиқарувчи жойлари, тарихий обидалари ва ошхоналари билан жаҳонни лол қолдириб келаётган мамлакатлардан биридир.

Германия иқтисодиёти, қолаверса, кичик бизнеснинг тараккиёти жиҳатидан энг фаол ва барқарор ривожланувчи мамлакат ҳисобланади. Бошқа мамлакатлардан фарқли равищда Германияда экспортга йўналтирилган кичик бизнес жуда яхши ривожланган. Масалан, йиллик маблағ айланмаси 10 дан 50 млн. еврогача бўлган кичик корхоналар 20 та жаҳон бозорларида фаол иштирок эта олади. 1500 га яқин кичик корхоналар жаҳон экспертлари орасида илфорликни қўлга киритган. Ҳақиқатдан, бир неча интернационал бозорлардаги иштироки туфайли Германияда кичик бизнес барқарор ривожланиб бормоқда. Иқтисодиётнинг илм талаб тармокларида КЎБ жадал ривожлантириб ва рағбатлантириб борилади. Германияда кичик бизнес ва тадбиркорликка кўпроқ қуйидаги омиллар таъсир кўрсатади<sup>2</sup>.

<sup>1</sup> Манба: <http://countrymeters.info/ru/Germany>

<sup>2</sup> Манба: <http://www.lawereg.ru/kenims-1615-1.html> // Малый бизнес в Германии.

- инфратузилмалар ва алоқа воситалари ривожланишида рўй берган кескин ўзгаришлар;
- аҳолининг умумий маълумотга оид даражаси ортди ва йирик компанияларда ишловчиларнинг тажрибалари такомиллашиб борди;
- ахборот тизимидан фойдаланиш соддалаштирилди, улар ихчамлаштирилди ва қиймати арzonлаштирилди;
- ишсизлик масалаларини ҳал этишда кичик корхоналарнинг кўмаклашуви қўлами ортиб борди;
- кичик корхоналарни яратишдаги қўшимча рағбатлантиришлар туфайли ишчи сменаларининг қисқариши рўй берди;
- кам ҳаражатлар ҳисобига юкори рақобатбардошлиқ таъминланди;
- бюрократик тўсикларга барҳам берилди ва қопланадиган ҳаражатлар камайтирилди;
- иш ҳаки ўзгаришларига жиддий эътибор берилди;
- хизмат қўрсатиши соҳасининг кенгайиши ва бу соҳада кичик корхоналарнинг устуворликка эга бўлиши рўй берди.

Фикримизча, Германияда кичик бизнеснинг жадал ривожланишига шартшароитлар етарлидир. Шу билан бирга, мамлакатда кичик бизнес ва тадбиркорликнинг уч хил модели тўғрисида фикр юритиш мумкин:

- корхоналарнинг фаолият давомида масштабини кенгайтирмаслик ва мавжуд ҳолатини сақлаб қолиш;
- ишбилармонлик фаолигини секин-аста кенгайтириб бориш;
- кичик корхоналарни ривожлантириш ва уларни аввал ўрта корхоналарга, кейин эса йирик компанияларга айлантириш.

Германияда кичик корхона эгалари иштирокида ўтказилган сўровномага кўра, уларнинг 55 фоиз ўз фаолиятини кенгайтириш режалари йўклигини айтишган. 35 фоиз – секин-аста барқарор ўсиш режасини ишлаб чиқмоқдалар, ша 10 фоиз – янги маҳсулот ишлаб чиқариш ҳисобига тез ривожланишини, янги бозорларга киришни ва мижозлари олдида ўз имиджларини сақлаб қолишларини эътироф этишган<sup>1</sup>.

Шундай қилиб, бугунги кунда автомобил ишлаб чиқарувчи йирик корхоналар, йирик химия ёки металлургия концернлари эмас, балки айнан кичик корхоналар немис иқтисодиётининг таянчи бўлиб хизмат қилмоқда. Улар жами тијкорат корхоналарининг 99,7 фоизни ташкил этиб, иқтисодиётнинг дэярли барча тармоқларида фаолият кўрсатмоқда.

## 2.2. Германияда «миттельштанд»<sup>2</sup>ларнинг ўзига хос ривожланиши

Германияда кичик ва ўрта бизнес корхоналари ўзининг номи билан «миттельштанд»лар деб аталади. Бу мамлакатда кичик ва ўрта бизнеснинг ривожланиши ўзига хос хусусияти ва тарихига эга. Йирик тадбиркорларнинг

<sup>1</sup> <http://www.mevrize.ru/articles/2006/5/4101.html> // Ларичева З.М., Стрелкова Л.В. Малый бизнес: проблемы и перспективы его развития. / Ж. Менеджмент в России и за рубежом. №5. 2006. [Электрон ресурс].

<sup>2</sup> Немачча "mittelstand" кичик ёки ўрта хусусий тадбиркорлик корхонаси демаклир – А.О.

пайдо бўлиши билан боғлиқ капитализмнинг ривожланиш даврларидаёқ савдо-саноат палаталари ташкил топган. Бу палата савдо ва саноатни ривожлантириш соҳасида ҳамкорлик қилиш бўйича биринчи ташкил этилган уюшма бўлиб, ҳозирги кунда давлат органи даражасида фаолият кўрсатади. Ҳар бир тадбиркор бугунги кунда палата аъзоси ҳисобланади. «Миттельштанд»ларга доир бирорта меъёрий-хукукий ҳужжат савдо-саноат палатаси томонидан тасдиқланмай туриб, маъкулланмайди.

Маълумки, ҳозирги Германия Иккинчи жаҳон урушидан кейин иккига бўлиб юборилган эди:

1. Германия Федератив Республикаси (ГФР).
2. Германия Демократик Республикаси (ГДР).

«Миттельштанд»лар асосан собиқ ГФРда яхши ривожланган бўлиб, улар Германия иқтисодиётида муҳим роль ўйнаган. ГФРда «миттельштанд»лар учун давлат томонидан кенг имкониятлар яратиб берилган. Шунинг учун янги тузилган корхоналар солиқ тўловларидан озод этилганлиги ҳисобига ГФРда кичик ва ўрта бизнеснинг хукукий фаолиятида «миттельштанд»лар кўпроқ устунликка эга, яъни якка мулкчиликдаги бундай корхоналарнинг 90 фоизи кичик ва 50 фоизи ўрта корхоналардир. Шунингдек, 6 фоиз кичик ва 10 фоиз ўрта корхоналар «тўла шерикчилик» усулида иш олиб борадилар.

Шунингдек, «...йиллик даромади 700 000 еврода ошмаган ва 9 кишигача ёлланма ишчиси бўлган корхоналар оиласиий корхонага тааллуклидир. Айнан шундай корхоналар давлат ғазнасига тушадиган соликларнинг 41 фоизни ташкил этади»<sup>1</sup>.

«Миттельштанд»нинг яна бир кўринишдаги «масъулияти чекланган жамият» эса 5 фоиз кичик, 17 фоиз ўрта корхоналарни ўз ичига олган. Хусусан, 1,5 фоиз кичик ва 15 фоиз ўрта корхоналар «командитли шерикчилик» асосидаги корхоналардир. «Акциядорлик жамияти» шаклидаги кичик корхоналар мавжуд эмас, аммо бундай ўрта корхоналар 0,2 фоизни ташкил қиласиди<sup>2</sup>. Собиқ ГФРда кичик ва ўрта бизнес градацияси икки кўрсаткич бўйича қабул қилинган эди:

- ишчилар сонига кўра;
- йиллик савдо ҳажмига кўра.

Буни 2.2.1-жадвалдан кўриш мумкин. Жадвалда кўринниб турибдики, Германияда кичик ва ўрта бизнес корхоналари тармоқлар бўйича ҳам табақалаштирилади.

Собиқ ГФРда жами корхоналарнинг 99,8 фоиз кичик ва ўрта фирмалар улушига тўғри келган. Мамлакатда 60 млн. аҳолига<sup>3</sup> 2 миллионта кичик ва ўрта корхоналар ўз хизматини кўрсатган. Саноатда ишлаб чиқарилган

<sup>1</sup> [http://www.mispnsk.ru/articles // Малый бизнес: зарубежный опыт. \[2012\].](http://www.mispnsk.ru/articles // Малый бизнес: зарубежный опыт. [2012].)

<sup>2</sup> Шулус А.А. Мелкие и средние предприятия в народном хозяйстве ФРГ. // Российский экономический журнал, 1993. №3. 6.79-80.

<sup>3</sup> Изоҳ: Бу ерда факат ГФР аҳолиси ҳисобга олинган. ГДР кўшилгандан кейин Германия аҳолиси 27%га ва унинг ҳудуди 43%га кўпайган. (*Муаллиф таҳлиллари*).

маҳсулотларнинг деярли 4/5 қисми кичик ва ўрта корхоналар улушига тўғри келган<sup>1</sup>.

## 2.2.1-жадвал.

### Собиқ ГФРда кичик ва ўрта бизнес корхоналарининг таснифи<sup>2</sup>

Тармоқлар	Корхоналар макоми	Ишчилар сони	Йиллик савдо айланмаси, (марка)
Саноат	кичик	0–50	2 млн. гача
	ўрта	50–499	2 дан 25 млн.
	йирик	500 дан ортиқ	25 млн. дан кўп
Транспорт ва алоқа	кичик	2 кишигача	100 мингтагача
	ўрта	3–49	100 мингдан 2 млн.
	йирик	50 дан ортиқ	2 млн. дан кўп
Чакана савдо	кичик	2 кишигача	500 мингтагача
	ўрта	3–49	500 мингдан 2 млн.
	йирик	50 дан ортиқ	10 млн. ва ундан кўп

Собиқ ГФРда кичик корхоналар йиллик савдодан тушган тушум ҳажмига кўра қуидагича белгилантган:

- саноатда 2 млн. маркагача;
- ултуржи савдода 0,5 млн. маркагача;
- чакана савдо ва хизмат кўрсатицида 0,1 млн. маркагача.

ГФРда «трамплин-фирма»лар ҳам фаолият кўрсатган бўлиб, уларда фермерлар ва бизнесменлар ўзларининг гояларига асосан ўқитиб-тайёрлаб борилган. Масалан, муайян фирмага ўз гоясини амалга ошироқчи бўлган шахслар мурожаат қилгандан сўнг, фирма бу гояларни нафакат рўёбга чиқаради, балки ўз фирмасини очишгача бўлган жараёнларни амалга оширади. Ўз борада маҳсус эксперталар фаолият кўрсатиб, агар улар рухсат берса, гоя тақсига техник жиҳатдан жиҳозланган хона ажратилади. Шундай қилиб, фирма биносидан ажратилган хоналарда бўлажак тадбиркорлар учун шарт-шароитлар муртилади.

Дарҳақиқат, кичик ва ўрта бизнес сабабли XX асрнинг 50–60-йилларида Германия иктисолидёти шиддат билан ривожланди. Мамлакатда жами иш Уриниларининг ярми ушбу секторга тўғри келди. 1978 йилда «Ўз ишини бошлиш учун жамғармаларни рағбатлантириш» деб юритилган давлатнинг маҳсус листури қабул қилинди. Хусусий секторда машгул бўлганлар учун узоқ муудитли, жуда паст фоизли кредитлар берила бошланди. Мамлакатнинг ҳар бир фуқароси, агар у ўз бизнесини ташкил этмоқчи бўлса, 50 минг еврогача

<sup>1</sup> Амудрова С.Х. Опыт сектора малого бизнеса за рубежом. // «Бизнес въ Узбекистонда мулкдорлар синфи наулиманинининг натарий ва амалий муаммолари» мавзуидаги илмий-амалий конференция материалы // Номинация – Г. ТДИУ, 1996. 99 б.

<sup>2</sup> Нысьвден Werkstallindustri sieht schwatz // Nachr Aussenhand. –1990. – 53, №76.

имтиёзли кредит олиши мумкин. Давлат кредити тижорат банклари орқали 20 йил муддатга берилиши белгиланган<sup>1</sup>.

Мамлакатда «Кичик ва ўрта тадбиркорлик корхоналарига нисбатан фантехника сиёсатини ривожлантириш концепцияси» номли дастур ҳам кичик бизнес субъектларини молиялаштиришга йўналтирилган бўлиб, хусусий секторнинг жадал ривожланишига кўмаклашади.

Ўқорида номлари келтирилган ҳар икки дастурларда белгиланган вазифаларни амалга ошириш ва назоратни ўрнатиш учун давлат мақомига эга бўлган маҳсус орган – “Тикланиш бўйича кредит кенгаши” ташкил этилган. Бу орган Германиянинг федерал маъмурияти таркибига киритилган бўлиб, мамлакатдаги кичик бизнес субъектлари ривожига салмоқли ҳисса кўшиб келади. Мазкур дастурлар туфайли ўз бизнесларини ташкил этувчи кичик бизнес субъектлари паст фоизлар (5-8 фоиз) қўлланилган кредитларга ва кредит маблағларидан фойдаланиши муддатларини 5-15 йилгача ошириш имконига эга бўладилар.

Германияда кичик бизнес субъектлари учун молиявий ёрдамнинг бевосита бошқача усуллари ҳам қўлланилади. Аксарият федерал ерларда турли семинарларда қатнашувчи янги компания эгалари ҳаражатларининг мълум бир қисми турли кўмаклашувлар орқали қопланади. Турли кўргазмаларда иштирок этиш, маҳсулот рекламаси, шунингдек маҳсулотлар экспорти учун кичик бизнес корхоналарига молиявий кўмаклашиш чоралари яхши йўлга қўйилган.

### **2.3. Германияда кичик бизнес ва тадбиркорлик мезонларининг шаклланиши**

90-йилларда ГФР ва ГДР ўртасидаги тарихда машҳур «Берлин девори» олиб ташланди ва Германия яна бирлашди. Бу даврда Германияда ўзига хос ислоҳотлар бошланди. Жумладан, кичик ва ўрта бизнес корхоналарининг ҳукуқий асослари ва мезонлари ҳам ислоҳ этилди.

Бироқ, ҳар қандай даврларда фирмаларнинг градация тизими ва кичик ёки ўрта мақомга тегишли бўлишида ўзига хос муаммолар келиб чиқдики, кўпроқ кичик корхоналарга таалуқли бўлиш мақсадга мувофиқроқ кўринди. Чунки кичик корхоналар давлат томонидан яхши ва кенг қўллаб-куватланади, турли имтиёзларга ва давлат буюртмаларига эга бўладилар<sup>2</sup>. Кичик бизнес мезонларини белгилаш ва градация тизимида муаммолар бўлишига қарамай, бугунги кунда Германияда кичик бизнес кўйидагича градацияяга асосланади<sup>3</sup>:

- ишчилар сонига кўра;
- йиллик савдо ҳажмига кўра;
- капитал қўйилмалар ҳажмига кўра.

Германияда биргина ишчилар сонига кўра кичик ва ўрта бизнес корхоналари 4 та категорияга бўлинади:

<sup>1</sup> <http://www.mispsnk.ru/articles/> // Малый бизнес: зарубежный опыт. [2012].

<sup>2</sup> Манба: <http://www.lawreg.ru/kenims-1615-1.html> // Малый бизнес в Германии. [Электрон ресурс].

<sup>3</sup> Лапуста М.Г. Малое предпринимательство: Учебник. –М.: ИНФРА-М, 2008. С. 19.

- 20 дан 49 гача;
- 50 дан 99 гача;
- 100 дан 199 гача;
- 200 дан 499 гача.

Германияда кичик бизнес корхоналарини тан олиш учун уларнинг йиллик айланмаси 3,5 млн. DM дан 11,5 млн. DM гача<sup>1</sup> бўлиши керак<sup>2</sup>. Бироқ, шунга қарамай, кичик бизнес корхоналарини градациялашда муаммолар йўқ эмас.

Капитал кўйилмалари ҳажми 5 млн. европга ва йиллик савдо ҳажми 7 млн. еврода ошмаган, ишчилар сони 1-49 кишигача бўлган ташкилотлар кўринишидаги кичик корхоналар ҳам мавжуд. Ишчилари 50-249 кишигача ва капитал кўйилмалари ҳажми 27 млн. европга тенг бўлиб, йиллик савдо ҳажми 40 млн. еврода ошмаган корхоналар эса ўрта корхоналар ҳисобланади<sup>3</sup>.

Хуллас, тармоклар бўйича олганда, саноатда 49 кишигача, улгуржи савдода 9 кишигача, чакана савдо ва хизмат кўрсатишда 2 кишигача ишчиси бўлган корхоналар кичик бизнес корхоналари ҳисобланади. Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик фаолияти туфайли Германияда ялпи ички маҳсулотнинг учдан икки қисми 2,1 миллионта майда ва ўрта бизнес субъектлари ҳиссасига тўғри келмоқда<sup>4</sup>.

Германияда хусусий фирмаларни ташкил этишининг турли шакллари, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик соҳасининг ривожланишига олиб келди. Ҳозирги кунда соҳанинг учта асосий ҳукуқий шакли кенг оммалашган:

- якка тартибдаги тадбиркорлик;
- шерикчилик (ёки ҳамкорлик) асосидаги тадбиркорлик;
- корпорация.

Якка тартибдаги тадбиркорлик асосидаги фирмалар кичик бизнес соҳасидаги энг содда кўринишидир. Бундай тадбиркорлик билан шуғулланиш учун маҳаллий ҳокимиятдан лицензия олиш ва рўйхатдан ўтишининг ўзи кифоя.

Германияда ҳунармандчилик савдоси секторидаги барча корхоналар кичик корхоналарга таалуклу. Аникрофи, ҳунармандчилик савдоси реестрида рўйхатта олинган корхоналар ўлчовлари ва фаолият туридан қатъий назар кичик корхоналар ҳисобланади.

## 2.4. Германия иқтисодиётида кичик ва ўрта бизнеснинг ўрини

Германияда кичик ва ўрта бизнес корхоналарининг самарадорлиги АҚШ ия Япония каби ривожланган давлатлардагига нисбатан анча юқоридир. Шунинг учун мамлакат иқтисодиётида бундай «митти» корхоналарининг «китта» ўринини инкор этиб бўлмайди. Йирик корхоналар экспортининг


<sup>1</sup> Манба <http://www.lawreg.ru/keninis-1615-1.html> // Малый бизнес в Германии.

<sup>2</sup> Ишч. 01.01.2002 йилдан Германияда «евро» мумалага кирган. Унгача мумалада немис маркази (DM) бўлган

<sup>3</sup> Панчула М.Г. Малое предпринимательство: Учебник. –М.: ИНФРА-М, 2008. С. 20.

<sup>4</sup> Каринг [www.21am.uz](http://www.21am.uz) // Жаҳон иқтисодиётининг таъиҷ нуткаси. Маълумот 23 декабрь, 2010 йил ҳолатига тўғри

40 фоизида кичик ва ўрта бизнес корхоналари бевосита иштирок этади. Бу давлатда 12,3 фоиз йирик корхоналар<sup>1</sup> улушига миллий даромаднинг 52,6 фоизи тұғри келса, қолган 47,4 фоизи кичик ва ўрта бизнес улушига тұғри келади (2.4.1-расмга қараңғ). Шунингдек, янги иш үринларининг 2/3 қисми кичик бизнес ва хусусий табдиркорлик туфайли яратилади. Хусусан, 1996 йилга тегишли маълумотларга күра, мамлакатда мавжуд 2,6 млн. ишчи үрнидан 1,8 млн. таси кичик ва ўрта бизнесга тұғри келиб, бундай корхоналарда 29 кишигача ишчилар меҳнат билан банд.



2.4.1-расм. Германияда миллий даромад ва банд бұлғанлар улуси

90-йилларнинг бошларида турли янгиликтар ва илмий-технологик ихтииорларнинг бизнес секторға тұғри келген қысаси Германияда – 68 фоизни ташкил этди. Илмий-техника тараққиеті шиддат билан ривожланды, ишлаб чыкаришнинг янги соҳалари очилди ва бу соҳаларни ҳаётта жорий этишда бизнес секторнинг фаолияти кенгайиб борди. Масалан, ГФРнинг янги ерларнда (собиқ ГДР худудларида) инновацион маҳсулотларнинг 48 фоизи кичик бизнес корхоналари томонидан ишлаб чыкарилиб<sup>2</sup>, уларнинг 43 фоизи янги технологияларни жорий этишга киришган. Бу мамлакатда “кичик бизнеснинг инновацион саноат маҳсулотлари экспортидаги улуси 40 фоизи”<sup>3</sup> ташкил этади. Бу мамлакатда кишлоқ хұжалик маҳсулотларини экспорт қылувчи кичик бизнес субъектларининг транспорт харажатлари ва маҳсулотларни сақлаш харажатлари тұлық субсидияланади.

Германияда ўрта синф вакиллари мамлакат иқтисодиётининг ҳаракатлантирувчи кучига айланған. Демек, сұнгти йилларда ўрта синф

<sup>1</sup> Изох: Бундай корхоналарда банд бұлғанлар 34%-ны ташкил этади.

<sup>2</sup> Шулус А. А. Мелкие и средние предприятия в народном хозяйстве ФРГ. // Ж. Российской экономический журнал. №3. 1993. С. 23.

<sup>3</sup> Рұзимова Д. Кичик бизнеснін инвестициялапда хориж тажрибасы. // Ўзбекистон иктиносидін ахборотномаси. №2. 2013. 46 бет.

вакиллари анъанавий тарзда янги ғояларнинг генератори сифатида ўзини намоён этмоқда. Сабаби жуда кўп инновациялар ва патентлар кичик ва ўрта бизнеседа ишлаб чиқилди.

Бирок, кичик бизнес субъектлари орасида банкротликка дучор бўлгандлари ҳам талайгина. Маҳсулот савдосидаги омадсизлик, шунингдек малаканинг етишмаслиги ва тажрибанинг йўқлиги, уларнинг банкрот бўлишининг асосий сабабларидир. Айрим ҳолатларда кичик корхоналар йирик корхоналар томонидан сотиб олинади ёки уларнинг ўзлари йирик корхоналарга айланниб қолади. Лекин янги яратилган корхоналар сони банкрот бўлгандларга нисбатан кўпроқ бўлиб, кичик бизнес ва тадбиркорлик корхоналарининг йилдан-йилга ривожланишини таъминлайди.

### *Кўшимча маълумотлар*

#### **Антица бизнес**

2012 йилнинг январь ойида Германияяда расом чизадиган роботлар яратилди. Бу ажойиб капифиёт, яъни расом роботлардан бизнесда фойдаланиш имкониятлари яратилимоқда. Расом роботлар синовдан ўтган. Айниқса, сайёхлар кўнглини олиш мақсадида амалга оширилган ушбу лойиҳа Ганновердаги «СеВТ» кўргазмаси ташкилотчиларига тақдим этилди.

Эътиборлиси, «темир одам» хоҳловчилар талабига кўра уларнинг суратини бир зумда чизиб бера олади. «RoboLab» расомлар гурӯҳи томонидан тайёрланган бундай роботлар яқин вақт ичидан мамлакатдаги сайёхлар ташриф буюрувчи диккатга сазовор жойларга ўрнатилиши режалаштирилган.

Бизнес юритишдаги бундай инновацияни жорий этиш албатта катта маблаг талаб этиди. Аммо ундан келадиган фойда ҳам қилинган харажатдан кам эмас.

Манба: Мусаввири роботлар. // Халқ сўзи.  
2012 йил 1 март.

Алоҳида қайд этиш керакки, 1990 йил октябрь ойида ГФР ва ГДР ўртасидаги чегара-девор олиб ташлангандан кейинги ilk даврларда кичик корхоналар қандай осон ташкил этилган бўлса, турли сабабларга кўра шундай осон инқирозга юз тутган. Масалан, 1990 йилда 14500 та кичик корхона инқирозга учраган, ваҳоланки, уларнинг 40 фоизи атиги беш йил фаолият кўрсаттган. Натижада банкрот бўлган кичик корхоналар улушида таваккалчиллик устуворлик қиласи. Аниқроғи, тадбиркор янги маҳсулотларни ишлаб чиқараётганда мураккаб ракобатли муҳитдаги муаммоларга дуч келади. Сабаби эндиғина иш бошлаган кичик фирма фаолият кўрсатаётган кичик корхонага нисбатан анча кўп харажатларни амалга оширади. Шунинг учун ҳам фаолият кўрсатишни бошлаган кичик корхонада маҳсулот таннархининг юқорирок бўлиши ҳам табиий.

Кичик корхоналарнинг банкротга учрашига боғлиқ сабаблар қаторида бизнес соҳасига доир чукур билимга эга бўлмаслик, тажрибанинг йўқлиги, маҳсулотлар савдосидаги омадсизлик кабиларни қайд этиш мумкин. Аммо,

шундай бўлишига қарамай, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик корхоналари орасида ликвидлиги бор субъектлар улуши ортиб бормоқда. Бу эса йилдан-йилга кичик ва ўрта бизнес корхоналарининг микдор жиҳатидан ўсиб боришига олиб келди. Хусусан, иқтисодиётнинг ривожланишига ижобий таъсир кўрсатиб, унинг юксалиб боришидаги ўрни ҳам тобора ошиб борди.

Бироқ, ҳозирги даврга келиб, Германияда кичик ва ўрта корхоналар жуда кам ҳолатларда тўла банкрот бўлади. Чунки сўнгги йилларда миттельштандларни ривожлантиришнинг ижтимоий аҳамияти ошиб бормоқда.

## **2.5. Германиядаги кичик ва ўрта корхоналарнинг Федерал бирлашмаси фаолиятининг кенг кўламлилиги**

Кичик ва ўрта корхоналарнинг Федерал бирлашмаси<sup>1</sup> (ингл. German Association of Small and Medium-Sized Enterprises) 1975 йилда ташкил топган. Бу ташкилот сиёсий жиҳатдан бетараф (нейтрал) ташкилот бўлиб, кичик ва ўрта бизнес вакилларининг иттифоқидан иборат уюшма-ташкилотdir. Мазкур Федерал бирлашманинг 150 мингдан ортиқ аъзоси бўлиб, тармоқлараро ва кичик бизнес корхоналаридағи касбга доир функционал вазифаларни бажаришга ихтисослашган. Ушбу ташкилот барча тижорат тармоқларига хизмат кўрсатиш билан бирга, кичик ва ўрта бизнес субъектларининг манфаатларини ҳимоялайди. Маъмурий органлар ва савдо уюшмалари ўртасидаги иқтисодий-ижтимоий муносабатларда муҳим аҳамият касб этади.

Федерал бирлашманинг 220 дан ортиқ ваколатхонаси Германиянинг ўзида жойлашган бўлса, 30 га яқини хорижий давлатларда мавжуд<sup>2</sup>. Кичик ва ўрта корхоналарнинг Федерал бирлашмасига қарашли бу ваколатхоналарда кичик бизнес субъектлари фаолиятини яхшилашга доир чора-тадбирлар кўриб борилади. Федерал бирлашма кичик бизнес субъектлари учун маҳаллий, регионал ва ҳалқаро кўламларда ҳар томонлама хизмат кўрсатишни амалга оширади. Айниска, кичик ва ўрта бизнес субъектларини зарур бўлган ахборот янгиликлари билан таништириб борилиши мухимдир. Кичик бизнес субъектлари ўз фаолияtlари мобайнида стратегик режаларини амалга оширишлари ва истиқболдаги вазиятларни аникроқ тасаввур қила олишлари учун бу ташкилотнинг ўрни каттадир.

Германияда кичик ва ўрта корхоналарнинг Федерал бирлашмаси ўрта синф вакилларига фаол хизмат кўрсатиб, мамлакатда ишбилармонлик мухитининг авж олишига ёрдам беради. Ишбилармонлик мухитидаги салбий ўзгаришларнинг олдини олишда яхши восита ҳисобланади.

Маълумки, ўрта синф Германия иқтисодиётининг асосини ташкил этади. Ҳозирги даврга келиб, Германияда кичик ва ўрта корхоналар сони 3,3 миллиондан ошмоқда<sup>3</sup>. Айнан шу секторда янги иш ўринларининг 70 фоиз

<sup>1</sup> Изоҳ: Русча иқтисодий илмий манбаларда ушбу ташкилот номи ФОМСП (яни Федеральное объединение малых и средних предприятий) абревиатураси билан кайд этилади.

<sup>2</sup> Қаранг: <http://www.bvmw.de/service/spiachen/ru.html>.

<sup>3</sup> Қаранг: <http://russia-consulting.eu/ru/node/389>.

яратиласди. Бошқача айтганда, 2,6 млн. янги иш жойларининг 1,8 миллионтаси, ишчилари 29 кишигача бўлган кичик корхоналарга тўғри келади<sup>1</sup>.

Фикримизча, жаҳон миёсидағи ҳар қандай ривожланган мамлакат ички бозордан кўра ташки бозорни эгаллашга қизиқади. Немис тадбиркорлари ҳам жаҳон бозорида иштирок эта оладиган салоҳиятта эга. Бу ишда кичик ва ўрта корхоналарнинг Федерал бирлашмаси фаоллик кўрсатади.

Германияда кичик бизнес субъектлари илк фаолияти даврида ёқ ҳалқаро бозорга кириб боришига интиладилар. Чунки улар ҳалқаро бозордан катта фойда кўриш мумкинлигини яхши тушунадилар. Айниқса, глобаллашув жараёнларида ҳалқаро муҳитда иштирок этиш немис тадбиркорлари учун жуда муҳим ҳисобланади.

Хозирги даврда глобализация жараёнлари рақобатбардошликни сақлаш учун катта имкониятлар яратмоқда. Ўз навбатида рақобат кўлами ҳам кенгайиб бормоқда. Бу эса ҳалқаро муҳитда мижозларнинг кўпайишига ва ишлаб чиқарилган маҳсулотларнинг имиджини яратишга эришиш мумкинлигини кўрсатмоқда.

2003 йилдан бошлаб кичик ва ўрта корхоналарнинг Федерал бирлашмаси бутун жаҳон бўйлаб ўзининг ҳамкорлик офисларини очди. Бунда Шарқий Європа, Ўрта Шарқ, Осиё, Жанубий ва Шимолий Америка бозорларига кириб бориш учун зътибор устуворроқ бўлиб, бу ҳудудларда истиқболдаги манфаатларни қўлга киритиш мақсадидаги стратегик режалар амалга оширила бошланди. Кичик ва ўрта корхоналарнинг Федерал бирлашмаси Європа Иттифоқининг кичик ва ўрта корхоналар миллий ўюшмасининг аъзоси сифатида ҳам ўз фаолиятини олиб боради. Шунинг учун ҳам жаҳоннинг деярли барча мамлакатларида ваколатхоналар ўзаро алоқадорлик асосида иқтисодий муносабатларни узлуксиз равишда олиб боради. Шунингдек, мамлакатлар ичида ўз фаолиятини олиб бораётган ташкилотлар билан ҳам ўзаро ҳамкорлик муносабатларини яхши ташкил эта олади.

Германия иқтисодиётининг юксалишига немис тадбиркорларининг таъсири катта бўлди. Улар ички ва ташки муҳитнинг ўзаро мутаносиб ривожланишида иштирок этиб борадилар. Кичик ва ўрта корхоналарнинг Федерал бирлашмаси ўзаро ҳамкорлик муносабатлари жараённада иқтисодий фаолиятни кенгайтириш ва тажрибаларни ошириб боришига интилади. Ҳалқаро инжуманларда долзарб мавзу ва лойиҳалар бўйича ўз маъruzalari билан катнашади. Бошқаларнинг фикр-мулоҳазаларини ўрганадилар. Кичик ва ўрта корхоналарнинг Федерал бирлашмаси маҳаллий ва хорижий тадбиркорлар билан жуда кўп учрашувлар олиб борадики, уларнинг фаолиятлари билан яқинидан танишади. Кўриниб турибдики, ушбу ташкилотнинг олиб бораётган иқтисодий фаолияти мамлакатлараро муҳитни ўз ичига қамраб оляпти. Аммо мамлакат ичида ва хорижда жойлашган ваколатхоналарнинг координацияси Берлинда жойлашган марказий офис орқали амалга оширилади.

<sup>1</sup> Гулабиев М.Р. Жаҳон таърибаси асосида Ўзбекистонда кичик ва ўрта биснеси ривожлантириш мумкинлири // «Биснес ва Ўзбекистонда мулкдорлар синфи шакланишининг назарий ва амалий мувоимолари» мавзуларига иммий-амалий конференция материаллари тўплами. –Т.: ТДИУ, 1996. 106 б.

Фикримизча, Германияда кичик бизнес субъектларини бошқарып бориш ва тартибга солишда кичик ва ўрта корхоналарнинг Федерал бирлашмаси алоҳида аҳамиятга мөлкик бўлган вазифаларни бажариб боради. Шунинг учун Германия жамияти миқёсида ҳам ушбу ташкилотнинг ўзига яраша имиджи шаклланган. Бу ташкилот ўзининг аъзолари учун барча имкониятларни яратишга ҳаракат қиласди. Ҳар йили 1800 дан ортиқ тадбирлар ўтказиб, ўзаро аҳборот алмашиниш ва ишбилармонлик алоқаларини ўрнатишига катта хиссасини қўшади. Мавжуд қонунчилик (ёки қонунчиликдаги ўзгаришлар) ва хукумат фармойишлари тўғрисидаги янгиликлар билан бизнес субъектларини таништириб боради. Бу эса кичик бизнес субъектларининг ўз рақобатчилари олдидағи ҳатти-ҳаракатларида янгича ёндашувларнинг шаклланишига олиб келади.

Кичик ва ўрта корхоналарнинг Федерал бирлашмаси ўзининг «Der MIGELSTAND» номли нашрига эга. Бу нашр йилига 30 минг нусхада чоп этилиб, бирлашма аъзолари ва бошқа бизнес вакиллари ўртасида (пуллик асосда) тарқатилади. Федерал бирлашма мунтазам равища халқаро кўргазмалар ва, умуман, халқаро воқеликка доир аҳборот бюллетенларини тузиб, электрон почта орқали тарқатиб боради. Федерал бирлашма ўз фаолияти мобайнида муҳим Интернет-порталларига ҳамкорлик қилиш учун ўз тақлифларини бериб боради. Кичик ва ўрта корхоналар Федерал бирлашмасининг веб-сайтида бизнесга оид бўлган долзарб маълумотлар билан танишиб бориш мумкин.

Хуллас, кичик ва ўрта корхоналарнинг Федерал бирлашмаси немис тадбиркорлари ва ишбилармонларига нафақат мамлакат ичкарисидаги фаолиятига балки, мамлакатдан ташқаридаги иқтисодий фаолиятларига ҳам салмоқли кўмагини бериб боради.

## **2.6. Германияда хусусий бизнесни молиялаштириш ва давлат томонидан қўллаб-қувватлаш**

Германияда кичик ва хусусий бизнесни қўллаб-қувватлашнинг давлат дастурлари ишлаб чиқилади ва уларни бажариш муддатлари белгиланади. Миттельштандларга бериладиган имтиёзлар давлат ташкилоти томонидан пухта ишлаб чиқилган бизнес режага асосан амалга оширилади. Кейинчалик бу кредитор ташкилотлар кредитдан мақсадли фойдаланилаётганлигини жиддий назорат қиласди ва барча харажатлар тегишли ҳисоб-варақлар билан тасдиқланишини талаб этади. Ишлаб чиқариш соҳасида фаолият юритаётган кичик корхоналар арzon нархларда қурилиш учун ижарага участкалар олиши ҳам мумкин.

Германияда кичик ва ўрта бизнесни ривожлантиришнинг асосий дастурлари кўйидагича:

- «Кичик ва ўрта бизнес корхоналарида илмий-техника сиёсатини ривожлантириш концепцияси» дастури;
- «Ўз ишини очиш учун жамғармаларни рағбатлантириш» дастури.

Биринчи дастур кичик ва ўрта бизнесни молиялаштиришни таъминлайди, иккинчи дастур «start-up» лойихаларини, яъни, ўз ишини бошловчилар учун кўмаклашади. Федерал ҳукуматга бевосита бўйсунадиган маҳсус давлат органи – Қайта тиклаш бўйича кредит кенгаси ушбу дастурларнинг бажарилишини назорат қилиб боради ва унинг ижро механизмини таъминлайди.

Федерал қўламдаги дастурларни бажаришда кичик бизнес учун имтиёзли кредитлар ажратиш имкониятлари мавжуд. Бундай кредитларнинг фоиз ставкалари ихчам (5–8 фоиз) бўлиб, муддати 5–15 йилни ўз ичига олади.

Эътиборлиси шуки, Германияда кичик ва ўрта бизнесни давлат томонидан қўллаб-куватлаш масалалари мамлакатнинг ўзига хос ривожланишидан келиб чиқиб амалга оширилади. Аниқроғи, хусусий секторни қўллаб-куватлаш концепцияси ҳар томонлама ривожланган ва жуда кенг тарзда оммалашган. Масалан, микрокредитлаш соҳаси бошқа ривожланган мамлакатлардан фарқ қиласи, яъни Германияда кичик бизнес учун ажратиладиган микрокредитлар ҳажми 25 минг европача ташкил қиласи. Бу эса бошқа ривожланган давлатлардагига нисбатан олганда бир неча баробарга кўп. Жорий этилган давлат дастурлари асосан қўйидагиларга йўналтирилган:

- майда иш билармонлар;
- катта бўлмаган оиласиий корхоналарнинг эгалари (ресторанлар, сартарошхоналар, таъмиглаш марказлари ва б.).

Банк муассасалари томонидан тадбиркорга фаолиятнинг дастлабки икки йилида фоизсиз кредит берилиши ҳам йўлга қўйилган. Кейинги йилларда эса жуда паст ставкаларда йиллик фоизлар ундирилади. Шу тариқа деярли бепул бошлангич сармоя билан таъминланади. Давлат органлари томонидан молиялаштириладиган йўналишларга қўйидагилар киради:

- инновацион фаолиятга йўналтирилган кичик ва ўрта корхоналарни кредитлаш;
- атроф-муҳитни муҳофаза қилиш, экологияни ҳимоялаш ва экологик шароитларни яхшилашга йўналтирилган лойихаларни кредитлаш;
- Германиянинг иқтисодий жиҳатдан қолоқ ҳудудларини ривожлантириш ва бунда кичик бизнес иштирокини таъминлаш мақсадида кредитлар ажратиш;
- қурилиш ва яшаш муаммоларини ҳал этиш билан шуғулланадиган кичик корхоналарни кредитлаш;
- ишлаб чиқаришни тубдан модернизация қилишга муҳтоҷ бўлган маълум тармоқлардаги корхоналарни молиявий лойихалаш.

Шуни алоҳида қайд этиш керакки, Berlin Инвестицион банки (Investitionsbank Berlin – IBB) ва бошқа шу каби банклар оркали кредит олиш жараёнлари бошқа хусусий банкларнинг кредитлаш жараёнларидан кўра солингирок, афзалроқ ва тезроқ амалга ошади. Германия илмий тадқиқотлари институтининг (DIW) маълумотларига кўра оддий банкларда йиллик кредит фоизлари 20 фоизни ташкил этса, ўлкага оид банкларда<sup>1</sup> йиллик фоиз ставкалар

<sup>1</sup> Германинча банкларнинг турларидан бири шундай номланади. Бундай банкларнинг барча кредитлари 20 фоизни ривожлантиришга йўналтирилади.

4–6 фойзни ташкил этади. Жаҳон молиявий-иктисодий инқирози даврида бундай банклар томонидан ажратилган кредитлар ҳажмининг ортиши табиий ҳол. Масалан, 2008 йилда 120 млн. еврога тўғри келган бўлса, 2009 йилда 145 млн. еврога тўғри келган. Мамлакат бўйича инқирозли даврларда кичик бизнес субъектларига берилган микрокредитларнинг сони 7 мингдан 8,1 мингтacha ошган.

Айниқса, Баварияда (мамлакатнинг жанубий-шарқий қисми) микрокредитларга бўлган талаб анча юқоридир. Бу худудда маҳаллий банклар томонидан фаолият кўрсатаётган компанияларга йиллик фоиз ставкаси 4,2 дан 4,7 фойзгача бўлган кредитлар таклиф қилинади. Янги иш бошловчи тадбиркорлар учун эса бу кўрсаткич йиллик фоиз ҳисобида 3,65–4,15 фойзгача туширилади. Сабаби шуки, Бавария ҳозирча мамлакатнинг нисбатан ривожланмаган худуди ҳисобланиб, унинг шимолий ва шарқий қисмини ривожлантиришга жиддий зътибор қаратилган. Бунинг учун ЕИ мамлакатларини қўллаб-куватлаш доирасидаги ташкилотлар томонидан ҳам молиявий ёрдамлар кўрсатилади.

Германияда микрокредитлар ажратиш орқали кичик бизнесга молиявий ёрдам беришдан ташқари давлат банклари томонидан ҳам жиддий қўллаб-куватлаш ишлари амалга оширилади. Бундай банклар кредит маблағларини кафолатлаш имкониятларини яратиб (бу борада дастурлар ишлаб чиқилади), бизнес юритувчи субъектларнинг иктиносидаги фаолиятига туртки беради.

Тадбиркор ва ишбилиармонларга бевосита молиявий ёрдамдан ташқари бошка кўринишдаги кўмаклашув чора-тадбирлари ҳам кўрилган. Аксарият федерал худудларда янги ташкил этилган корхоналар ҳаражатларининг маълум бир қисми компенсацияланади. Бундай компенсация чора-тадбирлари кўйидаги жараёнларда амалга оширилади:

- бизнес-семинарларда иштирок этишда;
- тармоқ кўргазмаларида иштирок этишда;
- маҳсулот рекламасини ташкиллаштиришда;
- хориж билан алоқалар ўрнатишда ва ҳоказо.


Германияда тадбиркорлар фикрини ўрганиш ишлари яхши йўлга кўйилган. Бу билан кичик бизнесга кўмаклашиш мақсадида «яна қандай қилиб қўллаб-куватлаш мумкин» лигини ўз ичига олган муаммолар ечими ҳал этилади. Бунинг учун уларга доимий равишда консалтинг хизматлари кўрсатиб борилади.

Давлат даражасида фаолият кўрсатаётган Савдо-саноат палатасининг федерал худудлардаги бўлимлари Ассоциация тарзида бирлашган. Бу ассоциациянинг асосий вазифаси ЕИ таркибидағи мамлакатларнинг савдо-саноат палаталари билан узвий алоқалар ўрнатиш ва тадбиркорларнинг ташки бозорлардаги муаммоларини ҳал этишга кўмаклашишдан иборатdir.

Ҳозирги кунда Германия Савдо-саноат палатаси кичик ва ўрта бизнесни тартибга солиш мақсадида барча поғоналарда бюджет маблағларини шакллантиришида иштирок этмоқда. Палатанинг энг устувор вазифаси – кичик ва ўрта бизнесни ҳар томонлама қўллаб-куватлашдир.

## 2.7. Кичик бизнес ва тадбиркорликини ривожлантириш йўналишидаги ислоҳотлар

«Кун тартиби – 2010» доирасида амалга оширилган давлат сиёсатидаги ислоҳотлар Германияда хусусий секторни фаоллашувига олиб келди. Мазкур ислоҳот туфайли кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектлари ўртасида авж олган рақобат муҳити хусусий секторда навбатдаги ўсиш суръатларини таъминлай бошлади. Инновация фаолияти, юқори технологияларни ўзлаштириш, кадрларни тайёрлаш ва малакасини ошириш, экспорт имкониятларини кенгайтириш ва ривожлантириш, янги корхоналарни яратиш ва бандликни рағбатлантириш (айниқса, собиқ ГДР худудларида) кўллаб-куватлашнинг устувор йўналишларига айланди.



2.7.1-расм. Кўйларни давлат томонидан кўллаб-куватлаш тузилмаси<sup>1</sup>

Бу ислоҳот туфайли кичик бизнес ва тадбиркорлик корхоналарига давлат молия муассасалари томонидан кўмаклашиш ва кафолат бериш тарзидаги молиявий кўллаб-куватлаш, федерал ва маҳаллий кўламларда тенг амалга ошириб борилади. Кичик бизнес ва тадбиркорликни кенг ривожлантириш мақсадларида Европа мамлакатларининг асосий маблағлари йўналтирилди ва хусусий инвестициялар жалб этилади. Ўз навбатида бундай сиёсат юритиши туфайли «Федерал иктисодиёт ва меҳнат вазирлиги» (ФИМВ) томонидан

<sup>1</sup> Манба: <https://kfpp.ru/analytics/material/foreignsupportexp.php> // Зарубежный опыт поддержки малого и среднего предпринимательства: Развитие предпринимательства в Германии.

**Германияда кичик бизнес ва тадбиркорликни ривожлантириш  
ва қўллаб-куватлашнинг Давлат дастурлари ва таинч худудий  
инфратузилмаси<sup>1</sup>**

<b>Кўллаб-куватлаш дастурлари ва ваколатли ташкилотлар</b>	<b>Сони</b>	<b>Инфратузилмалар таркиби</b>
Давлат дастурлари ва бошқа кўплаб ер эгаликлари ҳамда тармоқларга йўналтирилган дастурлар (2005 йилгача)	41	<input type="checkbox"/> техник (ўқитиш ва маслаҳатлар бериш); <input type="checkbox"/> молиявий инвестициявий қўллаб-куватлаш; <input type="checkbox"/> инновациялар ва янги технологиялар; <input type="checkbox"/> янги иш бошловчи корхоналарни қўллаб-куватлаш; <input type="checkbox"/> экспортни ривожлантириш; <input type="checkbox"/> ўз-Ўзинини банд этиш, аёллар ва ёшлар тадбиркорлиги ва бошқа тадбирлар.
БД-VIII худудий бўлимлари ва шерикчилик ташкилотлари		Мамлакатнинг барча жойларида ва йирик шаҳарларда мавжуд
Ваколатли кредит-молия ташкилотлари		<input type="checkbox"/> КЎКларга кўмаклашувчи Банк (Mittelstandbank); <input type="checkbox"/> Инвестициялар ва тараққиёт жамиятлари (DEG); <input type="checkbox"/> Мамлакатнинг барча худудларидағи бўлимлар.
Янги технологияларни ётказиб берувчи ҳамкорлик марказлари	374	<input type="checkbox"/> 350 инновация марказлари; <input type="checkbox"/> 24 электрон тижорат марказлари. <input type="checkbox"/> 40 молиявий маслаҳат берувчи пунктлар.
Консалтинг марказлари		
Бизнес-инкубаторлар ва технопарклар	182	Ҳамма жойларда, йирик шаҳарларда, саноат ва илмий марказларда мавжуд.
Ижтимоий йўналтирилган тадбиркорлик марказлари	~90	<input type="checkbox"/> аёллар бизнеси; <input type="checkbox"/> ногиронлар, иммигрантлар ва бошқалар учун.
Ахборот марказлари	33	<input type="checkbox"/> ЕИ дастурлари доирасида ишлайди.
Ахборот тармоқлари (федерал, ерга эгалик ва маҳаллий даражаларда)		Умумевропа ва глобал тармоқлар билан алоқалар мавжуд, ўзига хос ҳусусиятга эга: техника, молиялар, буюртмалар ва бошк.
Экспортни қўллаб-куватлаш марказлари		<input type="checkbox"/> Йирик шаҳарларда жойлашган; <input type="checkbox"/> 115 агентликлар билан ўзаро алоқалар мавжуд.
КЎКларнинг манфаатларини ҳимоялаш	382	<input type="checkbox"/> 200 саноат ассоциациялари; <input type="checkbox"/> 50 ҳунармандчилик палатаси; <input type="checkbox"/> 46 савдо бирлашмалари; <input type="checkbox"/> 81 Савдо-саноат палаталари.


<sup>1</sup> Манба: <https://kfpp.ru/analytics/material/foreignsupportexp.php> // Развитие предпринимательства в Германии.

давлат ва барча шерикчилик ташкилотлари фаолиятини мувофиқлаштириш чора-тадбирлари амалга оширилади. ФИМВда кичик бизнес ва тадбиркорлик, ҳунармандчиллик, хизмат кўрсатиш, якка тартибдаги меҳнат фаолияти ва КУБда касбга ўқитишни қўллаб-кувватлашнинг барча оператив масалалари билан «Бош Директорат - VIII» (БД-VIII) шуғулланади<sup>1</sup>.

## **2.8. Жаҳон молиявий-иктисодий инқироз даврида Германиядаги иктиносидий вазият ва сўнгти йиллардаги ўзгаришлар**

Жаҳон молиявий-иктисодий инқироз Европанинг барча мамлакатларига жиддий салбий таъсир кўрсатганидек, Германия иктиносидиётини ҳам оғир вазиятга солиб қўйди. Хусусан, Германияда «...500 мингдан зиёд иш ўрнининг кисқаргани» ва бу мамлакат корхоналарида «...арзимаган хато учун ишдан ҳайдаш ҳоллари...»<sup>2</sup> одатий урфга айланганлигини алоҳида қайд этиш керак.

Германияда ишсизлик даражаси, айниска, 2010 йилда сезиларли ошли ва 10,6 фоизни ташкил этди. Айни шу даврда мамлакат иктиносидиётига жаҳон миёсидағи молиявий-иктисодий инқироз ўзининг жиддий салбий таъсирини кўрсатган. Лекин Германия ҳукумати томонидан инқирозга қарши чора-тадбирлар кўриб борилди.



**2.8.1-расм<sup>3</sup>. Германияда 2002–2017 йиллардаги ишсизлик даражаси<sup>4</sup>**

<sup>1</sup> <https://kfpp.ru/analytics/material/foreignsupportexp.php> / Развитие предпринимательства в Германии.

<sup>2</sup> Ганазул соиси. // XXI аср. 16 сентябрь. 2010. №37 . 7-бет.

<sup>3</sup> Чизма муаллиф томонидан тузилган. Манба: Ўзбекистон Республикаси йиллик статистик тўплами. –Т.: 2008.; Бекмурадов А. Государство как эффективный институт обеспечения инвестиционного развития экономики: опыт Республики Узбекистан. // Ж. «Ўзбекистон иктиносидий ахборотномаси». №3-4, –Т.: 2013. С. 79. Бўнда 2013 ва 2014 йиллардаги маълумотлар CIA World Factbook сайтидан олинган.

<sup>4</sup> Иктиносик бўйича 2013 йилга тегиши кўроатчиқ Евростат ва Жаҳон банки маълумотларига асосланилган. Бўнда 2013 йилнинг маълумоти маълумоти ойига ва 2014 йилнинг маълумоти сентябрь ойларига тегиши. Манба: <http://www.vestfinance.ru/macro/statistics>; Шунингдек, 2015 ва 2016 йилларнинг маълумотларин декабрь ойига ва 2017 йилнинг февраль ойига тегиши. Манба: <http://www.rosbalt.ru/business/2016/09/29/1554304.html>

Германиядаги ишсизлик 2016 йил сентябрь ойида 6,1 фоизни ташкил этди. Ишга жойлаштириш бүйича Федерал агентлик маълумотларига кўра, бу кўрсаткич мамлакатлар (ГДР ва ГФР) бирлашгандан буён эришилган энг паст кўрсаткич бўлди. Шунга қарамай, бу даврда ишсизлар сони 1 минг кишига ошиб 2,68 млн. кишини ташкил этган.

Иш берувчилик ва ёлланма ходимлар учун умумий бадал бруттодаромаднинг 6,5 фоиз (3,25 фоиз ҳар бирига) ташкил қиласди. Ишсизликдан сугурталаш фондининг дефицити давлат субсидиялари ҳисобидан қопланди. Ишсизликдан моддий ёрдам бюджет маблағлари ҳисобига молиялаштирилди<sup>1</sup>.

Германияда эксперталарнинг ҳисобларига қараганда, 2010 йил ЯИМнинг 6,3 фоизга камайиши қайд этилган эди. Мюнхендаги IFO институти томонидан эса 2010 йилда ишсизлик кўлами ошиб, 4,4 млн. кишига етиши башорат қилинган. Эътиборлиси шуки, бундай нобарқарорликнинг олдини олиш мақсадида Германия ҳукумати томонидан қабул қилинган дастурни «Spiegel» журнали таҳлил этиб, икки бўлимдан иборат рўйхат тайёрлади. Унда дастур ижросига киритилгач, «ютқазадиганлар» ва «ютадиганлар» қатлами эълон қилинди (2.8.1-жадвалга қаранг).

## 2.8.1-жадвал

### Германия ҳукумати томонидан қабул қилинган дастурнинг «Spiegel» журнали таҳлили<sup>2</sup>

Ютқазадиганлар	Ютадиганлар
Ишсизлар	Олимлар
Оилалар	Бойлар ва ўзига тўқ фуқаролар
Бундесвер (армия)	Энергетик концернлар
Бюджет хизматчилари ва давлат хизматчилари	Касалхоналарнинг сугурта кассалари
Авиайўловчилар	Молиявий институтлар
Германия темир йўллари	

«Spiegel» журналида таҳлил этилганидек, ютадиганлар қаторида энг дастлаб илм билан шуғулланувчи олимлар ўрин олган. Шунингдек, аҳолининг бой ва ўзига тўқ қатлами ҳам шу қатордан жой олган. Ютқазадиганлар қаторида эса ишсизлар, оилалар, бундесвер (армия), авиайўловчилар ҳамда бюджет хизматчилари ва давлат хизматчилари ўрин олган.

Кўриниб турибдики, бу жараёнда ишлаб чиқариш ва янги иш ўринларини яратишдаги улушларини ҳисобга олган ҳолда йирик бизнес ва молиявий секторга тегмасликка қарор қилинган. Бусиз миёси жиҳатидан мисли

<sup>1</sup> Ирматова А.Б. Ишсизликдан ижтимоий ҳимоя килиш тизими: хорижий давлатлар тажрибаси ва Ўзбекистон шароитида уни кўйлаш имкониятлари. // “Иктиносидёт ва инновацион технологиялар” илмий электрон журнали. № 2 ноябрь, 2011 йил. 5 бет.

<sup>2</sup> Манба: «Spiegel» журнали маълумотларига кўра муаллиф томонидан тузилган.

күрилмаган инқироздан улкан талафот кўрган корхоналар ва тадбиркорлик субъектларини сақлаб қолишнинг иложи йўқ, деб ҳисобланди. «Spiegel» журналида ёзилишича, бундай мураккаб муаммоларга Германия биринчи маротаба дуч келганлиги ҳам алоҳида қайд этилган<sup>1</sup>. Инқирозли даврларда Германияда ишсизлар сонининг ўсиши ҳамда бюджет тақчиллигининг Европа Иттифоқи талаблари даражасидан ошиб кетаётганини маълум бўлган.

Сўнгги йилларда бизнес вакилларининг сўровномалари натижаларига кўра, Германияда саноат тармоғи ва хизмат кўрсатиш соҳасининг фаоллашуви туфайли ишбилармонлик мухитининг яхшиланиши рўй берди<sup>2</sup>. 2017 йилда Германияда ишбилармонлик мухити индекси кутилмаганда 111 пунктгача кўтарилди. Бу эса IFO тадқиқот институтининг кузатишлирага кўра, 2017 йилнинг январь ойига нисбатан 1,1 пунктга ошганлигини кўрсатади<sup>3</sup>. Шу тарзда иқтисодий ўсиш суръатлари сўнгти 5 йилда бир оз тезлашди.

## 2.9. Инқирозли даврда кичик ва ўрта корхоналар фаолияти

Жаҳон миёсида чуқур иқтисодий инқироз бўлишига қарамай, 2005 йилдан Германиядаги кичик ва ўрта корхоналарнинг хусусий капитал тузилишини оптималлаштирилди.

Кичик ва ўрта корхоналарнинг жами капиталидаги хусусий капитал улуши (бу кўрсаткич баланс натижаси ва хусусий капитал ҳажмидан келиб чиқарилган) 2005-2009 йиллар мобайнида 4 фоизга ўсиб, 26,4 фоизни ташкил этди. Бу ҳақда KfW тараққиёт банки томонидан қилинган маърузада қайд этилди. 2009 йилдаги инқирозли даврда кичик ва ўрта корхоналар ўзларининг хусусий капитал кўрсаткичларини ўртacha ҳисобда атиги 1 фоизга ижобий томонга ўзартиришга эришдилар. Янада ижобийроқ натижалар 10 кишигача ишчиси бўлган фирмаларда рўй берди.

2009 йилда эксперtlар томонидан Германияда кичик ва ўрта корхоналарнинг кредит олиш қобилияти пасайиб кетиши тахмин қилинган эди. Аммо KfW тараққиёт банкининг тадқиқотларига кўра, молиявий инқироз натижасида кичик ва ўрта корхоналарнинг кредит қобилияти ёмонлашувини башорат қилган эксперtlарнинг тахминлари тўғри бўлиб чиқмади<sup>4</sup>. Тадқиқотда таъкидланадики, немис корхоналарининг бундай ижобий ривожланишининг сабаби айланмадан (оборотдан) даромадларнинг барқарор ўсиб бориши эди. Шунингдек, таназзулли 2009 йилда ҳам Германиядаги кўпчилик кичик ва ўрта корхоналар фойда олиб ишладилар. 2005 йилдан буён Германиянинг кичик ва ўрта корхоналари ўз капиталлари таркибини анчагина мақбуллаштирилдилар, бу жараён инқирозга қарамасдан 2009 йилда ҳам давом эттирилди.


<sup>1</sup> Қарант: [www.21asr.uz](http://www.21asr.uz) // Европа оиласининг қора кунлари. 1 юль. 2010.

<sup>2</sup> <http://www.rosbalt.ru/business/2017/03/01/1595423.html>

<sup>3</sup> Манба: <http://www.rosbalt.ru/business/2017/02/22/1593988.html> / Индекс делового климата в Германии воожиданино вырос

<sup>4</sup> Манба news.finance.ua сайти маълумотларидан олинган.


«Жаҳон молиявий-иктисодий инқироз даврида Германия ҳукумати юридик шахслардан, хусусан, кичик бизнес субъектларидан олинадиган фойда солигини 39 фоиздан 30 фоизгача қисқартириди. Шунингдек, ишсизлик бўйича бадални 6,5 фоиздан 3,3 фоизгача пасайтириш билан бирга ижтимоий сугурта фондига ажратмаларни ҳам камайтирган»<sup>1</sup>.



2.9.1-расм. Германияда<sup>2</sup> ЯИМнинг 2004–2017 йиллардаги<sup>3</sup> ўсиш динамикаси<sup>4</sup>

Германия иқтисодиёти 2011 йилда ҳам бир оз қийин ҳолатда ривожланди. Аммо 2012 йилнинг бошидан бошлаб барча соҳада ўсиш аломатлари намоён бўла бошлади. Мамлакатнинг ЯИМда ўсиш суръати 2010 йилда 3,6 фоизни ташкил этди. Бирок 2013 йилга келиб, мамлакат бўйича ЯИМнинг ўсиш суръати аввалги йилларга нисбатан, пасайган тарзда намоён бўлди (2.9.1-расм).

2014 йилдан бошлаб эса Германия ЯИМнинг ўсиш суръатида жонланиш юзага келди. Шу тарзда мамлакатда ишбилармонлик мухити индекси ҳам 2014 йилнинг январ ойидан май ойигача жуда ижобий бўлди (2.9.2-расм).



2.9.2-расм. Германияда ишбилармонлик мухити индекси (IFO бўйича)<sup>5</sup>

<sup>1</sup> Тұхсанов Қ. Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектлари фаолиятини солиқка тортишининг хорижий мамлакатлар тажрибалари. // Ж. Иқтисод ва таълим. №1. 2013. 93 б.

<sup>2</sup> Манба: CIA World Factbook.

<sup>3</sup> 2016 йил маълумотлари манбаси <http://www.interfax.ru/business/545051> сайтидан олинган.

<sup>4</sup> 2017 йил маълумотлари XBF бош иқтисодчеси Morris Obstfeldдинг прогнозларига кўра берилган. Манба: <http://ru.euronews.com/2017/04/18/imf-raises-growth-predictions-frets-about-protectionism>.

<sup>5</sup> Чизми муаллиф томонидан тузилган. Манба: CESifo Group. Ifo Institute.

Хусусан, Бундесбанк прогнозига кўра 2012 йилда иқтисодий ўсиш 0,6 фоизни ташкил этди, 2013 йилда эса бу кўрсаткич 1,8 фоизни ташкил этиши мумкин, деб прогноз қилинган. 2013 йилнинг сўнгги чорагида эса яъни ялпи ички маҳсулот ҳажми ўсиб борди ва Германия иқтисодиётида ўсиш суръати 0,4 фоизга таъминланган<sup>1</sup> бўлса, йил якунидаги 0,5 фоизни ташкил этди.

Мамлакатда ишбилармонлик муҳити индекси 2013 йилнинг октябрь ойидан 2014 йилнинг июль ойигача юқори даражага кўтарилиди. (2.9.2-расм). Бу ўз навбатида Германия иқтисодиёти учун жуда муҳим аҳамият касб этди. Инқироздан чиқиши давридаги иқтисодий кўрсаткичларнинг ўсиш суръатлари мамлакатнинг ҳам ички, ҳам ташкини мухитидаги мувозанатини барқарорлаштириб борди.

## 2.10. Германияда солиқлар ва солиқ фойзлари

Германияда солиқлар жуда юқори тарзда белгиланиб, уларнинг турлари жуда кўп. Бундай солиқлар тадбиркорлар фаолиятларини иқтисодий жиҳатдан чегаралаб қўйиши ҳам мумкин.

Ҳозирги кунда ГФРда қўлланадиган солиқлар тури 50 тага яқин бўлиб, уларнинг асосийлари куйидагича<sup>2</sup>:

- корпорация фойдасидан олинадиган солиқ (акциядорларга тақсимланган фойданинг 36 фоиз микдорида ва тақсимланмаган фойданинг 50 фоизи микдорида ҳамда хорижий компаниялар бўлинмаларидан 46 фоиз микдорида);

- маҳаллий хунармандчилик солиғи (капитал ва даромадга тақсимланмаган фойданинг микдоридаги базавий ставкада глюс капиталдан таҳминан 0,2 фоиз микдорда). Маҳаллий ҳокимият хунармандчилик солиғи базавий ставкасини ошириши мумкин. Натижада солиқнинг ставкаси ерга ва жамоага боғлиқ равишида фирмаси тақсимланган 15 фоиздан 24 фоизгачаси даражасида ўзгариб туради. Бундай солиқка тортишда минимал даромад 60 000 еврони ташкил этади;

- мулк солиғи (фирма соғ активларининг, яъни унинг қарзларини чиқариб ташлаб, микдоран 0,45–06 фоиз гача). Фирма мулки 60 000 евродац кам бўлса солиқ олинмайди;

- қўшилган қиймат солиғи (асосий ставка – 15 фоиз);
- капиталини кўчиришга солиқ (жамият ташкил этилишида устав капиталининг 1 фоизи микдорида тўланади, қимматли қофозларни сотиб олишда 0,25 фоиз ва мавжуд масъулияти чекланган жамият капиталидаги улушни сотиб олишда тўланган сумманинг 2,5 фоиз микдорида);

<sup>1</sup> Манба: Халқ сўзи. 18 февраль 2014. // Умумий кўрсаткичлар таҳлили. / Жаҳон 24 соат ичидаги рубрикаси.

<sup>2</sup> Итоҳ. Бу ерда корхоналар мақоми берилмаган. Юқорида келтирилган солиқ турларининг уёқи бу ҳифринини кичик бизнес корхоналарига таалузлики, айримлари йирик корхоналарга тегишили.

- маҳаллий ер солиги (ер участкаларига, уни ҳисоблаш тартиби хунармандчилик солигини ҳисоблаб чиқилиши билан бир хил, базавий ставкаси 0,26-0,6 фоиз, реал ставка ўртача 1,2 фоиз)

- кредит муассасаларига пул кўйилмаларини кўйганда олинадиган фоиз даромаддан солик (10 фоиз миқдорида).

Соликларнинг базавий ставкалари компанияларнинг солик сифатида ўз фойдасининг ўртача 70 фоизини тўлашга мажбур этади. Солик имтиёзлари ва бошқа имтиёзларни ҳисобга олган ҳолда компания амалда ўз фойдасининг 50 фоиздан камроғини тўлайди. Бироқ, шу даража орқали ҳам Германия юқори солик тўланадиган мамлакатлардан бири эканлиги кўриниб турибди.

Хулоса қилиб айтганда, Германияда соликларнинг юки катта бўлса-да, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик билан шуғулланадиган шахслар ўз вақтида солик тўловларини амалга оширадилар.

### Иккичи боб бўйича хулоса

1. Германияда кичик бизнес ва тадбиркорликнинг ривожланишида ўзига хос тарихи бор. Муайян даврларда Германия иккига бўлиниб (ГФР ва ГДР тарзида) яшаганлиги, унинг хусусий секторига ўз таъсирини кўрсатган. «Миттельшатанд»лар асосан ГФРда яхшиrok ривожланди. Уларнинг градацияси ишчилар сонига ва йиллик савдо ҳажмига кўра белгиланди. Шунингдек, тармоклар бўйича ҳам табақалаштирилди. ГДРда эса иқтисодий тизим социализмга асосланганлиги сабабли тадбиркорлик сектори суст ривожланиб борди. Бу ҳолат «Берлин девори» олингунга қадар давом этди.

2. «Берлин девори» олингандан кейин Германия бирлашди ва кичик бизнес корхоналарини давлат томонидан тартибга солишда ўзига хос ислоҳотлар амалга оширилди. Жумладан, кичик ва ўрта бизнес корхоналарининг ҳуқуқий асослари ва мезонлари ҳам қайта кўриб чиқилди. Белгиланган градация такомиллаштирилди. Масалан, ишчилар сонига кўра кичик ва ўрта бизнес корхоналари 4 та категорияга бўлинди. Шунингдек, капитал кўйилмалар ҳажмига кўра ҳам кичик бизнес корхоналари мақоми белгиланди.

3. Германиянинг кичик бизнесида самараדורлик АҚШ ва Япония каби ривожланган мамлакатлардагига нисбатан анча юқори бўлиб, айниқса экспортдаги улуши сезиларли ошмоқда. Муҳандислик технологиялари соҳасидаги кичик бизнес корхоналари сезиларли ривожланмоқда.

4. 1975 йилда ташкил топган «Кичик ва ўрта корхоналарнинг Федерал бирлашмаси» номли ташкилот мамлакатдаги кичик бизнес субъектларининг манфаатларини ҳимоялайди, ишбилармонлик мухитидаги салбий ўзгаришларнинг олдини олишда яхши восита бўлиб хизмат қиласди. Шунингдек, ташки тозорларга чиқишига кўмаклашиб боради. Федерал бирлашма фаолияти интернет тизимига уланган бўлиб, тадбиркорларни фаоллашувига ёрдам беради.

5. Германияда хусусий бизнесни молиялаштири ва давлат томонидан қўллаб-кувватлашда бир қатор давлат дастурлари ишлаб чиқилган бўлиб, уларнинг ҳар бири ўзига хос жабҳалардаги муаммоларни ҳал этишга йўналтирилган. Кичик бизнесни ривожлантиришда давлат органлари томонидан молиялаштириладиган йўналишларга инновацион фаолият, атроф-мухитни муҳофаза қилиш, экологияни ҳимоялаш, қолоқ ҳудудлардаги кичик бизнес субъектларига қўмаклашиш, қурилиш ва ишлаб чиқаришни модернизациялаш кабилар киритилган.

6. Мамлакатда тадбиркорларни фикрларини ўрганиб бориш яхши йўлга кўйилган бўлиб, «яна қандай қилиб қўллаб-кувватлаш мумкин»лигини ўз ичига олган муаммолар ечими доимий равишда ҳал этиб борилади.


7. Жаҳон молиявий-иқтисодий инқироз даврида Германия иқтисодиёти талафот кўрди. Лекин, иқтисодиётни ривожлантириш йўлида қатор ислоҳотларни ўз ичига олган дастурлар қабул қилди. Бундай дастурлардан бири «Кун тартиби – 2010» доирасида амалга оширилган давлат сиёсатидаги ислоҳот муҳим аҳамиятта эга бўлди. Чунки мазкур ислоҳот туфайли кичик бизнес корхоналарини давлат томонидан қўллаб-кувватлаш тузилмаси фаолиятида жiddий чора-тадбирлар амалга оширилди.

8. 2010 йилда Германияда ишсизлик даражаси 10,6 фоизни ташкил этди. Бу ҳолат жаҳон молиявий-иқтисодий инқироз туфайли рўй берди. Лекин 2017 йилга келиб, ишсизлик даражаси 5,9 фоизни ташкил этди. Бу макроиқтисодий кўрсаткичининг ўзгаришида кичик бизнеснинг (янги иш ўринларини яратиш, янги соҳаларни ривожлантириш) алоҳида ҳиссаси бор.

9. Жаҳон молиявий-иқтисодий инқироз ЯИМнинг ўсишига жiddий салбий таъсирини кўрсатди. Масалан, 2009 йил мамлакат иқтисодиётида жуда оғир йил бўлди. Бу даврда кичик бизнес корхоналари бирин-кетин банкрот ҳолатига туша бошлади. Вазиятни ўнглаш борасида кўрилган чора-тадбирлар қаторида хусусий капитал тузилишини оптималлаштириш ва солиқларни қисқартириш ҳам муҳим ўрин эгаллаган эди.

10. Германияда кичик бизнес корхоналарининг бошқарилишидаги ўзига хос менежментнинг ривожланиши ишбилармонлик муҳитининг фаоллашувига олиб келди.

11. Шуни қайд этиш керакки, Германияда солиқларнинг юки катта. Масалан, солиқларнинг базавий ставкалари компанияларнинг солиқ сифатида ўз фойдасининг ўртача 70 фоизини тўлашга мажбур этади. Агар солиқ ва бошқа имтиёзларни ҳисобга олинса, корхоналар амалда ўз фойдасининг 50 фоиздан камроғини тўлайди. Аммо шунга қарамай, Германияда кичик бизнеснинг ривожланишига етарлича шарт-шароитлар яратилган.



### З БОБ. ФРАНЦИЯ (France)



### З БОБ. ФРАНЦИЯ (France)



Майдони ~ 549,2 минг кв.км.

Пойтахти – Париж

Аҳолиси ~ 64,8 млн. киши (2016 й.)<sup>1</sup>

Пул бирлиги – евро

Майдони бўйича жаҳонда 48-уринда туради.

«Французлардаги миллий ифтихор ҳисси доим кул остида тутагандек кўринади. Уни ёндириб юбориш учун озгина учқун етаришдир».

*Наполеон Бонапарт*

#### 3.1. Қадимий Францияда кичик бизнес ва тадбиркорликнинг ривожланиши

Франция ўзининг афсонавий тарихи ва маданий анъаналарининг бойлиги билан кўпчиликни лол қолдириб келган. Аммо романтикага тўла бу мамлакатда ҳам ишибилармонларга хос муҳит шаклланган. Кичик бизнес ва тадбиркорлик ушбу муҳитнинг ажралмас қисмидир.

Бугунги кунда бизнес фаолияти тўғрисида мулоҳаза юритганимизда инглиззабон халқ кўз олдимиизда намоён бўлиши турган гап. Чунки илмий манбалардан ва оммавий ахборот воситаларидан бу атама Англияда пайдо бўлганлигини англаш қийин эмас. Аммо илмий манбаларда учрайдиган «тадбиркор» ёки «тадбиркорлик» тушунчалари биринчи бўлиб, 1723 йил Парижда чоп этилган иқтисодий адабиётларда қўлланилганлиги қайд этилади<sup>2</sup>. Дастлаб бу атаманинг маъноси «ишлаб чиқариш ёки қурилиш обьектини бажариш мажбурияти»ни ўз зиммасига олган инсонни англатган<sup>3</sup>.

Францияда аҳолининг ўрта синф вакилларига аталган дастлабки илмий манбалар Ж.Лекордъенинг «Средние классы в походе», П.Блетоннинг «Люди грядущих времён», П.Бессоннинг «Существенное место мелких и средних предприятий во французской экономике»<sup>4</sup> номли асарларида қайд этилган. Француздар олимларининг бу ишларида шундай фикр-мулоҳазалар учрайди: ўрта қатлам ижтимоий кучнинг шундай қисмики, буржуазия билан пролетариат ўртасидаги антагонизмни четлашга олиб келади. Буржуазия билан пролетариат ўртасидаги муҳитда пайдо бўладиган бўшлиқни айнан ўрта синф вакиллари тўлдириб туради.

<sup>1</sup> Минба: <http://countrymeters.info/ru/France>

<sup>2</sup> Қаранг: Hoselitz B.F. The Early History of Entrepreneurial Theory. Chicago, 1960.

<sup>3</sup> Основы бизнеса Под ред. Ю.Б.Рубина. Учебник. 6-е издание, переработанное и дополненное. –М.: ООО «Маркет ДС Корпорейшн», 2005. С. 47.

<sup>4</sup> Қаранг: <http://works.doklad.ru/view/V9hkpHqP64U/all.html>

Французлар ўрта асрларда тадбиркорлик билан машғул кишиларни «entrepreneur»<sup>1</sup> деб аташган. Шунинг учун тадбиркорлик тушунчаси фанга француз тилидан кириб келган деб ҳисобланади<sup>2</sup>. Уларнинг асосий вазифаларидан бири воситачилик бўлган. Бундай ишлар билан дастлаб руҳонийлар шугулланишган.

Кейинчалик тадбиркорлик фаолияти оммалашди ва бу атамани инглиз иқтисодчиси Р.Кантильон Францияда яшаган даврида биринчи бўлиб фанга киритди<sup>3</sup>. Farb мамлакатларида тадбиркорлик инсон қобилиятининг юкори даражаси сифатида баҳоланиб, жамиятнинг ривожланишида жуда муҳим ва ижобий аҳамияти борлиги алоҳида қайд этилади.

Қадим замонлардаёқ француз тадбиркорлиги нафақат мамлакат ичкарисида, балки мамлакатдан ташқарида ҳам астойдил ривожланди. Масалан, «Канаданинг Шаҳзода Эдуард ороли, Нью-Брансуик, Янги Шотландия, Онタрио ва Квебек каби худудлари алгонкинлар, ирокезлар (XVI аср бошлари) ва гуронлар (XVIII асрлар) яшаган даврлардаёқ «Янги Франция» деб атала бошланган. Чунки француз тадбиркорлари ва савдогарлари маҳаллий қамбағал қабилалар билан (французлар) ўзларига кераксиз предметлар билан савдо-сотик муносабатларини ўрнатиб, бундай предметлар орасида шиша шарлар, шунингдек уй-рӯзгор анжомлари ва ҳайвонлар териси учун ишлатиладиган металл асбобларни учратиш мумкин бўлган. Айрим савдогарлар маҳаллий ҳайвонларни овлашга қизиқиб, овланган ҳайвонлар терисини Европага олиб бориб сотишган»<sup>4</sup>. Шу тарзда француз тадбиркорлигининг ривожланиши мамлакатдан ташқаридаги худудларни ҳам қамраб борган.

### **3.2. Замонавий кичик бизнес ва тадбиркорликнинг ривожига таъсир қилган илк шарт-шароитлар**

Иккинчи жаҳон урушидан кейин Францияда ишлаб чиқариш кувватларини қайта тиклашга устувор даражада эътибор қаратилди. Натижада ишлаб чиқаришнинг бир жойга тўпланиши ва кўп тармоқли корхоналар яратишга йўналтирилганлик кучайиб борди. Мамлакатда ишлаб чиқариш корхоналари рақобати тобора авж олди. Бу ҳолат ўтган асрнинг 50–60-йилларига қадар давом этди.

Францияда кичик бизнес ривожи охирги 20–30 йиллар мобайнинда сезиларли ўзгарди. Бу даврда унча катта бўлмаган ишлаб чиқариш корхоналари бозорнинг эскирган сегментини ўзида касб этган бўлиб, улар арzon ёки эскириб колган ускуналарга эга бўлганлар. Бугун эса вазият сифат жиҳатидан ижобий

<sup>1</sup> Французча «entrepreneur» «воситачи» деган маънони англатади.

<sup>2</sup> Қаранг: Ахмедов Д. К. Частное предпринимательство и проблемы его эффективного функционирования в условиях Узбекистана. // Тезисы докладов научно-практической конференции «Проблемы развития малого и частного предпринимательства в Республике Узбекистан». –Т.: ТГЗУ, 1996. С. 6.; Хаджимуроват А.А. Предпринимательство: сущность и основные компоненты. –СПб.: СПБУЭФ, 1995. С. 5.

<sup>3</sup> Изоҳ: Англиядо «бизнес» ва «тадбиркорлик» тушунчаларининг келиб чиқишига назарий сендашув тўғрисидаги (1-боб 1.1. банддаги) мулоҳазаларимизга қаранг.

<sup>4</sup> Манба: <http://www.erreport.ru/articles/weconomy/canada.htm>.

томонган ўзгарган. Замонавий кичик корхоналар, айниқса ишлаб чиқариш соҳасидаги кичик корхоналар юқори технологиялар асосида ўз фаолиятларини ташкил этганлар. Негаки, аксарият ҳолатларда йирик корпорациялар барчасини ўзида ишлаб чиқаришни хоҳламай қолди. Сабаби харажатлар қопланмай қолди. Натижада йирик корхоналар кичик корхоналар билан ҳамкорликда пудратчилик асосида ишлай бошладилар. Шу билан бирга, йирик корхоналар тижорат асосида хомашё етказиб бериш, технологияларни жорий этиш бўйича кичик корхоналарга ёрдамлашиб борди. Сервис соҳасидаги кичик корхоналарнинг ривожланиши ўзига хос эркин тарзда амалга ошиб борди. Кичик сервис корхоналари кўплаб жойларда ўзларининг хизмат кўрсатиш (масалан, кафелар, дўкончалар ва ўнлаб лотерея чиптаконаларидан иборат) пунктларини жорий этиб борди. Шунингдек, шаҳардан ташқарига чиқиш йўлларида бензин қўйиш жойлари билан бирга, дўкончалар, емакхоналар ташкил этиш оммалашди. Коида бўйича ҳар бир шундай унча катта бўлмаган мажмуучалар бир шахсга тегишли<sup>1</sup> бўлиб, уларнинг хўжайинлари сифат даражасини оширишга йўналтирилган чораларни кўллашган.

Аммо, 70-йилларнинг ўрталарида мамлакатдаги йирик корхоналарнинг суст фаолияти туфайли иқтисодий инқироз бошланди. Ҳудди шу даврдан кичик бизнес корхоналарининг иқтисодий муносабатларга қобилиятилиги исботланди<sup>2</sup>. 80-йилларда давлат томонидан кичик бизнес ва тадбиркорликни фаол қўллаб-қувватлаш билан бир қаторда, давлат бошқарувини марказлаштиришга чек қўйилди. Аксарият корхоналарнинг бошқарувида иқтисодий эркинлик асосидаги тамойилларга ургу берилди, бунинг натижасида айнан кичик бизнес ва хусусий корхоналарнинг ривожи авж олди.

Франциянинг давлат сиёсатида янги кичик ва ўрта корхоналарни (КЎКни) яратиш ва ривожига жиддий эътибор қаратилди. Инновацияларнинг кенг қўлланилиши мамлакат минтақалари иқтисодиётининг ривожланишига ва бандликнинг ўсишига таъсир қилди. Электрон бизнеснинг ривожланиши, КЎКларга хизмат қилувчи тизимнинг такомиллашуви ва уларнинг иқтисодий барқарорлигини, қолаверса, жаҳон бозорларида юқори рақобатбардошли бўлишини таъминлаш мақсадида юритилган давлат сиёсати хусусий секторнинг жадал ривожланишига катта йўл очиб берди. Бундай сиёсат беш йиллик режаларда ва дастурларда ўз аксини топиб борди. Ҳукумат ва мамлакатга тегишли бўлган турли минтақаларнинг ўзаро келишувлари асосида КЎКларни қўллаб-қувватлаш бир хил улушларда амалга ошириб борилди. Бундай қўллаб-қувватлашни молиялаштириш ЕИ фондлари ва хусусий капиталлар ҳисобига амалга оширилди. Шу билан бирга, Молия, иқтисодиёт ва саноат вазирилиги (МИСВ) томонидан кичик бизнес ва тадбиркорлик корхоналарининг фаолиятида юзага келган муаммолар ўрганиб борилди ва уларнинг ечимини уйғун тарзда ҳал этиш чоралари қўлланилиб борилди.

Бу каби чора-тадбирлар натижада 1995 йилнинг бошида Франция саноатида банд бўлғанларнинг 53,2 фоизи КЎКлар ҳисобига тўғри келди.

<sup>1</sup> [https://www.openbusiness.ru/html\\_euro/france\\_open11.htm](https://www.openbusiness.ru/html_euro/france_open11.htm) // Масляева М. Малый бизнес по-французски.

<sup>2</sup> "L'industrie francaise" INSEE 1996-1997. TEF 1996/97. p. 134.

Айнан КҮКлар йирик корхоналар маҳсулотларининг қўшилган қиймати улушиди 41,7 фоизни<sup>1</sup> ташкил этди.

Хулоса шуки, давлат томонидан тўғри юритилган сиёsat туфайли КҮКларни қўллаб-куватлаш бўйича муваффакиятли модернизация жараёнлари амалга оширилди. Иқтисодиётдаги тизимли ўзгаришларда маҳаллий ҳокимликлар мухим роль ўйнади. Бошқарув органлари томонидан ривожланиши стратегияси ишлаб чиқилиб инвесторлар ва ҳамкорларнинг қизиқишиларини мамлакат иқтисодиётига жалб этиб бордилар.

### **3.3. Францияда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик мезонларининг ривожланиши**

Францияда жуда кўп корхоналар фаолият кўрсатиб, уларнинг ташкилий-хукуқий шакллари асосан 3 хил категорияга бўлинади:

**1. Якка тартибдаги корхоналар.** Бу категориядаги корхоналар Франциядаги жами корхоналарнинг 85 фоизни ташкил этди. Бундай корхоналар муайян шахснинг ўзига тегишли бўлиб, унинг мулки асосида ташкил топади.

**2. Фуқароларнинг шерикчалик асосидаги ёки жамият кўринишидаги корхоналар (SC<sup>2</sup>).** Бундай корхоналар фаолиятида тижорат мақсадлари кўзланмайди. Бу категориядаги корхоналар қўйидагиларни ўз ичига олади: кўчмас мулк курилиши учун ёки уларни сотиб олиш бўйича фуқаролик жамиятлари (SCI<sup>3</sup>); баъзи эркин касбларни умумлаштирувчи бирлашмалар (SCP<sup>4</sup>) ва моддий ресурслардан фойдаланиш бўйича фуқаролик жамиятлари (SCM<sup>5</sup>). Бундай фуқаролик жамиятлари (SCM) эркин касб аъзоларидан иборат иштирокчилар учун турили моддий воситалардан (хоналар, асбоб-ускуналар, персоналлар ва ҳоказо) ҳамкорликда фойдаланиш мақсадида тузилади. Фуқароларнинг шерикчалик асосидаги жамиятлари хунармандларни, эркин касб вакилларини, қишлоқ ҳўжалиги соҳибкорларини бир оила аъзолари каби бирлаштиради. Бундай шерикчалик корхоналари икки иштирокчи асосида яратилади ва бунда низом капиталининг минимал ҳажми тақдим этилмайди.

**3. Тижорат фаолиятини амалга оширувчи савдо компаниялари.** Бундай корхоналар қўйидагиларни ўз ичига олади: масъулияти чекланган якка тартибдаги корхоналар (EURL<sup>6</sup>), масъулияти чекланган жамиятлар (SARL<sup>7</sup>) ва акциядорлик жамиятлари (SA<sup>8</sup>).

<sup>1</sup> Зойдов К.Х., Моргунов Е.В. Биджамова К.В. Особенности эволюции малого и среднего инновационного предпринимательства кризисной экономики в постсоветском пространстве. –М.: ЦЭМИ РАН, 2009. С. 12.

<sup>2</sup> SC – Societe civil – яъни, фуқаролик жамиятлари.

<sup>3</sup> SCI – Societe civil immobilier – яъни, кўчмас мулк бўйича фуқаролик жамиятлари.

<sup>4</sup> SCP – Societe civile professionelle – яъни, касбга оид (профессионал) ҳамкорлик.

<sup>5</sup> SCM – Societe civil de moyens – яъни, моддий воситалардаги иборат фуқаролик жамиятлари.

<sup>6</sup> EURL – Entreprise unipersonnelle a responsabilite limitee – яъни, масъулияти чекланган якка тартибдаги корхона.

<sup>7</sup> SARL – Societe a responsabilite limite – яъни, масъулияти чекланган жамият.

<sup>8</sup> SA – Societe anonyme – яъни, акциядорлик жамияти.

Францияда бизнес юритишнинг ўзига хос жиҳати шундаки, бизнес субъектлари ҳар ойда ҳисобот бермайдилар, балки бир йилда бир марта тегишли органларга ҳисобот тақдим этадилар. Нозик томони шундаки, корхона устав фонди бир йил мобайнида 50 фоизга қисқартирилса, фирма ўз фаолиятини тұхтатади<sup>1</sup>. Бирок, бу жуда кам учрайдиган ҳолат бўлиб, аксарият кичик корхоналар ўз ҳәётий цикларини узайтириш чораларини кўриб боради.

Францияда кичик ва ўрта бизнес деган тушунча турлича таснифланадиган кичик фаолият юритувчи субъектларни англатади. Масалан, энг майда фирмалар, кичик ва ўрта корхоналар бир-биридан фарқланади. Энг майда корхоналар барча ҳунармандчилликка хос ишлаб чиқаришни бирлаштиради. Бундай бирлашмаларга 200 кишигача ишчиси бўлган фирмалар киради.

Кайд этиш керакки, Францияда кичик ва ўрта бизнес учун малака ошириш бўйича дастурлар амалга жорий этилган. Бу дастурлар бўйича маҳсус тренинглар, семинарлар, мастер-сінфлар ва ҳоказоларни амалга ошириш учун давлат бюджети томонидан маблағлар ажратилади. Бундай ёндашув, айниқса, бошловчи тадбиркорлар учун фойдалидир. Уларнинг бозорга кириб келишлари, меҳнат қонунчилигида юзага келган муаммоларни бартараф этишлари, солик тўловларидан озод бўлишлари ва бошқа шу кабиларга эришишлари учун керакли билимлар ва маслаҳатлар берилади.

Хусусан, 2005 йилда Францияда 2,9 млн. кичик ва ўрта корхоналар ўз фаолиятини олиб борган. Уларнинг 1,3 миллионтаси якка хусусий корхоналардир. 2004 йилда кичик ва ўрта корхоналарни қўллаб-куватлаш ва ривожлантириш учун қилинган харажатлар ҳажми 1,2 млн. еврони ташкил этиб, давлат бюджетининг 0,4 фоизни ташкил этган<sup>2</sup>.

Францияда корхоналарнинг кўйидаги классификацияси ишлаб чиқилган:

- энг майда корхоналар – ишчиси 10 кишигача<sup>3</sup>;
- кичик корхоналар – ишчиси 10–100 кишигача;
- ўрта корхоналар – ишчиси 100–250 кишигача;
- йирик корхоналар – ишчиси 250 кишидан кўп.

### 3.3.1-жадвал

#### Францияда кичик ва ўрта бизнес корхоналарини белгилайдиган мезонлар<sup>4</sup>

Мезонлар	Корхоналар	
	кичик	ўрта
Ишчилар сони	1–49 кишигача	50–249 кишигача
Киритилган капитал ҳажми	5 млн. еврогача	27 млн. еврогача
Йиллик савдо ҳажми	7 млн. еврогача	40 млн. еврогача

<sup>1</sup> Минба: <http://www.advokat-miller.ru/salefinance.htm?id=486>

<sup>2</sup> Лапуста М.Г. Малое предпринимательство: Учебник. –М.: ИНФРА-М, 2008. С. 562.

<sup>3</sup> Изоҳ: Бундай корхоналар кўпроқ ҳунармандчилликка асосланиб, улар кичик корхоналар таркибига киритилади.

<sup>4</sup> Минба: Лапуста М.Г. Малое предпринимательство: Учебник. –М.: ИНФРА-М, 2008. С. 23.

Масалан, россиялик иқтисодчи олим М.Г.Лапуста ўзининг «Кичик тадбиркорлик» номли дарслигига 3.3.1-жадвални келтирган. Ушбу жадвалдаги маълумотларга кўра кичик бизнес субъектлари 3 хил кўрсаткич буйича кичик ёки ўрта табақаларга бўлиниши кўрсатилган. Масалан, 1-49 кишигача ишчиси бўлган, киритилган капитал ҳажми 5 млн. еврогача ва йиллик савдо ҳажми 7 млн. еврогача бўлган корхоналар кичик корхоналар деб юритилиди (3.3.1-жадвал).

Дастлаб Францияда янги иш бошлаган фирмаларнинг йиллик айланмаси (солиқлар ҳисобга олинмаган ҳолда) бошланғич даврда 100 млн. франкдан ошмаслиги керак эди. Кейинчалик 1984 йил 16 январдаги КГ 84-36-сонли Декрет билан бу рақам 200 млн. франкгача ўзгаририлди.

### **3.4. Кичик бизнеснинг фан-техника тараққиётига таъсири ва инфратузилма фаолиятининг ривожланганилиги**

Барча Европа мамлакатларида бўлганидек, Францияда ҳам фан-техника тараққиётида кичик ва ўрта бизнеснинг ўрни катта. Францияда 90-йилларга келиб, янги ихтиrolар ва илмий-технологик кашфиётларнинг бизнес секторга тўғри келган ҳиссаси 61 фоизни ташкил этди. Фан-техника тараққиётининг ривожланиши ва ишлаб чиқаришда янги турдаги маҳсулотларнинг кўпайиши кичик ва ўрта бизнес секторидаги корхоналар ракобатини кучайтирди. Мамлакатда ихтиrolарни амалиётга жорий этиш мақсадида миллий агентлик ташкил этилган бўлиб, бу агентлик томонидан янги техникаларни амалиётда қўллаш учун кичик корхоналар харажатларининг 35 фоиз қопланади. Шунингдек, янги технологияларни ва маҳсулотларни ўзлаштириш мақсадида 50 фоиз атрофидаги харажатлар қопланади<sup>1</sup>.

Францияда кичик ва ўрта корхоналарда ишлаётган 12 млн. ишчининг инвестициялардаги улуши 48 фоиз, савдо айланмасида 60,2 фоиз, экспортда эса 49,6 фоизни ташкил этмоқда<sup>2</sup>. Йирик корхоналар экспортининг 50 фоизида кичик ва ўрта бизнес корхоналари бевосита иштирок этади. Бундан ташқари Францияда туризм бизнеси жуда яхши ривожланган. Туризм бизнесидан келадиган даромад миллий даромаднинг 40–50 фоизини ташкил қилади.

Францияда бепоён территориал инфратузилма фаолият кўрсатиб, мамлакатнинг барча регионларида уларнинг бўлинмалари ўз фаолиятини олиб боради. Масалан, Кичик ва ўрта корхоналар тараққиёт банкининг 55 та филиаллари, банкларнинг 228 та бўлинмалари ва 197 та молия-кредит ташкилотлари кичик бизнес субъектларини иқтисодий жиҳатдан фаоллашувига хизмат кўрсатиб келмоқда. Францияда 600 та тадбиркорликни ривожлантириш марказлари, консалтинг марказлари, 216 та бизнес-инкубаторлар, технопарклар ва инновацион марказлар мавжуд бўлиб, уларнинг минтақавий бўлинмалари

<sup>1</sup> Морозов В.А. Зарубежный опыт поддержки малого предпринимательства // Российское предпринимательство. – 2002. № 10 (34). С. 99–104. – URL: <http://fgscience.ru/lib/744/>

<sup>2</sup> Қаранг: [www.21asr.uz](http://www.21asr.uz) // Жаҳон иқтисодиётининг таянч нуктаси. Маълумот 23 декабрь, 2010 йил ҳолатига тўғри.

ҳам ўз фаолиятини амалга ошириб келмоқда. Бундай инфратузилма объектлари ясасан мамлакатнинг турли ҳудудларида, айниқса йирик шаҳарларда кенг фаолият кўрсатиб боряпти. Аёл тадбиркорларни, ветеран ва ногирон-тадбиркорларни қўллаб-кувватлаш учун 41 та ижтимоий йўналтирилган марказлар ўз фаолиятини олиб бормоқда<sup>1</sup>.

Маълумки, кичик бизнесга хизмат кўрсатадиган инфратузилма объектлари орасида савдо судлари ўз фаолиятини олиб боради. «Консуллик» деб аташ одатга айланниб қолган мазкур судлар, ҳукуқий мақомга эга бўлиб, савдогарлар, ишбайлармонлар ёки кредит муассасалари ўртасидаги можароли масалаларни, шунингдек, компанияларнинг иқтисодий муносабатларида юзага келган келишмовчилик вазиятларини ҳал этишга хизмат қилади. Савдо судлари истеъмолчиларнинг ҳукуқига боғлик масалаларни кўриб чиқмайди<sup>2</sup>.

Қўриниб турибдики, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик учун яратилган инфратузилма объектлари фаолиятларида ҳам яхшигина рақобат мухити шаклланган. Турли инфратузилма объектлари ўзаро рақобатда бўлиб, хизмат кўрсатишдаги сифат даражасига ўзининг ижобий таъсирини кўрсатган. Бу ҳолат, айниқса, туризм ва озиқ-овқат тармоқларида жуда сезиларлидир.

Францияда 34 та ахборот олиш ва тарқатиш марказлари доимий ишлайди. Улар кичик бизнес учун ахборот ва коммуникация йўналишида комплекс хизматлар кўрсатади. Шунингдек, 200 дан ортиқ саноат ассоциациялари, 370 дан ортиқ истеъмолчи ассоциациялар, 46 та савдо конфедерациялар ва 180 та савдо-саноат палаталари тадбиркорлар манфаатларини ҳимоя қилади<sup>3</sup>.

Хулоса қилиб айтганда, кичик бизнес ва тадбиркорлик субъектлари фаолиятининг ривожланиши Францияда ўзига хос бўлиб, буни давлат томонидан кичик бизнес субъектларини тартибга солиш ва уларни молиявий ресурслар билан қўллаб-кувватлаш тизими асосида изоҳлаш мумкин. Колаверса, маҳаллий инфратузилмалар фаолияти кичик бизнес ва тадбиркорликнинг ривожланишига ижобий таъсир кўрсатиб борди.

### 3.5. Француз бизнесининг қийинчиликлари ва қулайликлари

Бугунги кундаги глобализация ва модернизация жараёнлари Франция иқтисодиёти учун ҳам таалукли бўлиб, мамлакатда кичик ва ўрта корхоналар миқёсида амалга оширилган модернизация жараёнлари ушбу секторнинг рақобатбардошлигини кучайишига олиб келди. Францияда қилинган ихтиrolарнинг аксарияти кичик бизнес корхоналарига тўғри келса-да, моддий манфаатдорлик доирасида муаммолар йўқ эмас. Масалан, франциялик малакали ишчилар Германиядаги ишчиларга нисбатан олганда 25 фоизга кам маош<sup>4</sup> оладилар. Бундан ташқари, агар «...кичик бизнес ва тадбиркорлик субъектлари

<sup>1</sup> Лапуста М.Г. Малое предпринимательство: Учебник. -М.: ИНФРА-М. 2008. С. 562.

<sup>2</sup> <http://www.export-ugta.ru> // Франция. Путеводитель для бизнеса. С. 26.

<sup>3</sup> Лапуста М.Г. Малое предпринимательство: Учебник. -М.: ИНФРА-М. 2008. С. 562.

<sup>4</sup> Дудко И. Развитие малого и среднего бизнеса во Франции. // «Малый иктиносидёт соҳаларида ҳалқаро тажрибани ўртаниш ва уни кичик бизнес, хусусий тадбиркорликни ривожлантиришда татбиқ этиш» илмий-амалий анжуманининг маъruzalar тўплами. -Т.: ТДИУ, 2004. 151 бет.

фаолиятини бошлаганига уч йил тұлса, 25 фоиз, тұртқынчи йилдан 50 фоиз, бешинчи йилдан кейин эса 75 фоиз солиқ ставкалары жорий этилади<sup>1</sup>.

Францияда хориждан келгеннлар учун ҳам үзига хос тартиб-қоидалар жорий этилган. Масалан, Францияда ишлаб чиқариш, хунармандчилік ёки савдо фаолияти билан шугулланмоқчи бўлган хорижликлар, шунингдек, савдо корхоналарига раҳбар этиб тайинланган хорижий шахслар, хорижий тижоратчи<sup>2</sup> гувоҳномасига эга бўлган ҳолда вактингча яшаш рўйхатидан ўтишлари шарт. Яшаш ҳукуки учун биринчи талабнома Франция элчихонаси ёки консулилги орқали ҳал этилади. Бунинг учун, энг аввал, хорижлик шахс «савдогар» сифатидаги узоқ муддатли визага эга бўлган бўлиши керак (*dossier de demande de visa long saeour «commersant»*).

Эркин касб заси, талаба, ёлланма ишчи, илмий ходим ёки меҳмон сифатида яшаш ҳукуқига эга бўлган шахслар, савдо, хунармандчилік ёки ишлаб чиқариш билан шугулланмоқчи бўлсалар, ўзларининг статусларини ўзгартиришлари учун префектурага сўровнома йўллашлари шарт. Францияда савдо фаолиятини юритмоқчи бўлган чет элликлар, агарда Францияда доимий яшашни истамасалар, савдони амалга оширадиган жой департаменти префектурасига соддалаштирилган декларацияни тўлдириб берадилар.

Энг муҳими, агар бирон бир шахс Францияда туриб қандайдир бизнесни сотиб олиш нияти бўлса, уни бемалол амалга ошириши мумкин, чунки Францияда хорижий ишбилармонлар ва инвесторларга нисбатан европача бағрикенглик жуда яхши шаклланган бўлиб, ўз бизнесини бошламоқчи бўлганларга минимал чекловлар бор холос.

Дарҳақиқат, бошланғич харажатларни қоплаш учун катта микдорда маблағ талаб этилади, аммо корхоналарнинг устав капиталини шакллантиришда қатъий қоидалар ёки минимал чекловлар кўйилмаган. Масалан, Францияда устав капитали 37 000 еврони ташкил этган ҳолда битта акциядорлик жамияти фаолиятини йўлга кўйиш мумкин<sup>3</sup>.

Эътиборлиси шундаки, француз ишчилари кўпроқ хорижий инвестициялар асосида ташкил этилган корхоналарда ишлашга мойилроқ бўладилар. Бундай кичик корхоналар Франциянинг, айниқса, Лотарингия ва Эльзас каби ҳудудларида кўплаб жойлашган бўлиб, уларда ишчилар маоши маҳаллий кичик бизнес корхоналаридагига нисбатан юқориодир. Бу мамлакатда иш билан банд бўлган ишчиларнинг иш ҳақида жуда катта фарқ қиласи. Агар ривожланаётган мамлакатлар билан рақобатбардошлик солишитирилса, ишлаб чиқариш харажатлари француз кичик корхоналаридагига

<sup>1</sup> <http://gosbook.ru/documents/53728/53762/preview> // Макарова М.В., Погорелов В.В. Малый бизнес: Зарубежный опыт и уроки для современной модернизации экономики России.

<sup>2</sup> Carte de commerçant étranger – чет элликнинг тижорат фаолияти билан шутулланиш ҳукужини берувчи гувоҳномаси.

<sup>3</sup> Манба: <http://www.advokat-miller.ru/salefrance.htm?id=486>

нисбатан олганда 30–50 баробар<sup>1</sup> кам. Шунинг учун Франциянинг саноат корхоналари Жанубий-Шарқий Осиё мамлакатларига тобора кириб борди.

Айрим кичик ва ўрта корхоналар тайёргарликсиз экспорт жараёнларида иштирок этиб, ташки бозорга чиқишига интилади. Ташки бозорда рақобат мухити мураккаброқлигини аввалдан англамаган кичик бизнес субъектлари ўз-ўзидан муайян қийинчиликларга ва муаммоларга дучор бўладилар.

Катта солиқ ставкаларига ва ижтимоий тўловларга доимий дуч келиш бизнес юритишдаги асосий қийинчиликлардан хисобланади. Шу боис бўлса керак, Францияда кичик ва ўрта бизнес вакиллари солиқ тўловларини четлаб ўтишнинг моҳирона йўлларини кўллашга мойиллilikлари бор. Қонунни айланниб ўтувчилар орасида (солиқ бўйича) энг кўпчилигини тиш даволовчилар, адвокатлар, рассомлар, косметологлар, автомеханиклар ва ҳоказолар ташкил этади. Мижозлар билан бўлган муносабатларда айнан шу касб эгалари орасида хужжатларни норасмий тарзда юритиш каби хуфиёна ҳолатларни қўпроқ учратиш мумкин. Бу эса албатта қонунга хилоф ишдир. Францияда (айниқса йирик шаҳарларда) яширинча устахоналар ҳам мавжуд бўлиб, бу ердаги ишчиларни асосан иммигрантлар (жумладан, мамлакатга яширинча келганлар) ташкил қиласди. Шу тарзда XX асрнинг 60-йилларидан бошлаб мамлакатга кўтлаб иммигрантлар кириб кела бошлагандан, бозор субъектлари орасида солиқ тўловларини четлаб ўтиш ҳолатлари фаоллаша бошлаган.

Эътироф этиши керакки, Италияда солиқ тўлашдан бўйин товлаш деярли миллый урф-одатдек туюлса, Францияда солиқ тўловларининг бузилишига умуман йўл қўйилмайди. Солиқ тўлаш масъулияти (қийинчиликлари) французларнинг уйқусини келтирмайди, деса ҳам бўлади. Шунинг учун солиқ тўлашдан бўйин товлаган барча хукуқбузар тадбиркорлар жазосиз қолмайдилар<sup>2</sup>. Тижорат фаолиятидаги яна бир муаммо савдо тизимидағи ислоҳотларга давлат томонидан бўлган зътиборнинг сустлигидир. Париж Савдо-саноат палатаси томонидан олиб борилган тадқиқотлар шуни кўрсатдики, охириги беш йил мобайнида 75 фоиз кичик ва ўрта фирмалар бозорга янги маҳсулотлари билан чиқсан бўлсалар, уларнинг 20 фоиз бозорни ўрганиш билан машгул бўлдилар<sup>3</sup>.

Француз тадбиркорлари бизнес билан шуғулланишини бошлаган даврда жиддий тўсиқка учрашлари табиий ҳол. Германияда кичик бизнесни бошловчилар учун кенг имкониятлар яратилган бўлса, Францияда кичик бизнесни бошловчилар учун анчагина муаммолар юзага келиши мумкин. Жумладан, давлат томонидан кўллаб-кувватлаш тизимида ҳам бошловчи тадбиркорлар учун бир оз мураккаб жараёнлар шаклланиши табиий.

Францияда давлат томонидан қатъий, шу билан бирга, оғирроқ меъёрий асосларнинг яратилганлиги, тадбиркорларни жиддийроқ ҳаракат қилишларига

<sup>1</sup> Дудко И. Развитие малого и среднего бизнеса во Франции. // «Миллый иқтисодиёт соҳаларида халқаро тажрибани ўрганиш ва уни кичик бизнес, хусусий тадбиркорликни ривожлантиришда татбиқ этиши» илмий-амалий анжуманининг маъruzалар тўплами. –Т.: ТДИУ, 2004. 151 бет.

<sup>2</sup> [https://www.openbusiness.ru/html\\_euro/france\\_open11.htm](https://www.openbusiness.ru/html_euro/france_open11.htm) // Масляева М. Малый бизнес по-французски.

<sup>3</sup> Дудко И. Развитие малого и среднего бизнеса во Франции. // «Миллый иқтисодиёт соҳаларида халқаро тажрибани ўрганиш ва уни кичик бизнес, хусусий тадбиркорликни ривожлантиришда татбиқ этиши» илмий-амалий анжуманининг маъruzалар тўплами. –Т.: ТДИУ, 2004. 152 бет.

олиб келади. Масалан, «...тадбиркорларнинг солиқ тұловларини амалға оширишда полициянинг молиявий бригадалари (бұлымлари) орқали қаттык назоратта олинади. Назорат ички ишлар бошқармаси томонидан барча префектураларда амалға оширилади. Бундай назоратни юритишдан мақсад ҳар хил иқтисодий жиноятларни очышынан. Францияда солиқ тұлашдан атайын бүйін товлаганлар (иктисодий соҳаларда оғир хукуқбүзарлық ҳаракатларини қылмаган бұлсалар ҳам) қаттык жазоланадылар. Бундай шахсларга белгиланадын жарималар 40 минг евродан бошланады ва 5 йилгача озодликдан маҳрум этиладылар»<sup>1</sup>.

Францияда венчур капитал устун равища ривожланган бизнес учун йұналтирилади. Шунга күра тадбиркорлық фаолиятни янги бошловчилар учун якка тартибдаги инвестициялар ажратып паст даражада ривожланган. Бу ерда асосий муаммо маблагн айнан кимга бериш кераклиги устида боради.

Кичик ва ўрта бизнеснинг ривожланишига 1994 йили қабул қилинган «Медлен режаси» деб номланувчи қонун катта тасыр күрсатади. Үнга күра янги иш бошловчилар учун молиявий таъминот кафолатсиз, фоизсиз қарз бериш шаклида амалға оширилади. Бунда 5 йил мобайнида тұлаб борилувчи, катта бўлмаган фоизлар белгиланган якка тартибдаги қарз кўринишлари устун равища амал қилади. Мехнат, иш билан бандлик ва касбий ўқитиш идораларида ўз ишини йўқоттанларга ҳамда бизнес билан шуғулланишни хоҳловчиларга 32 минг франкгача субсидиялар ажратылади<sup>2</sup>.

Эътиборлиси шундаки, Францияда «иктисодий депрессив зоналар»да ишга туширилган кичик корхоналар учун фаол кўмаклашув чоралари кўриб борилади. Бундай худудлардаги кичик корхоналарга имтиёзли кредитлар бериш билан бирга, ижтимоий сугурта учун тұловлар бекор қилинади. Бутунги кунда мазкур мамлакатда тадбиркорликни янги бошловчилар учун маркетинг, юриспруденция, аудит ва шу каби бошқа соҳалар бўйича бепул консалтинг хизматлари ташкил этилган. Шундай қилиб, янги кичик бизнес корхоналари фаолиятини режалаштириш, ривожлантириш ва уларга кафолат бериш бўйича давлат ўз олдига белгилаган вазифаларини бажарип боради.

Умуман, Францияда: «Мен тадбиркорлик билан шуғулланаман», – деган шахсларни «чертиб» кўрилади. Бошқача айтганда, рўйхатта олишдан то банкдаги хисоб ракамини очишгача бўлган жараёнларда, бўлажак тадбиркорни ёки ишбилармонни қобилияти ўзига билдирилмаган ҳолда назорат қилиш тарзида ўрганилади. Агар бизнесни бошловчи шахсларда пулни кўпайтириш қобилияти бўлса, үнга барча шарт-шароитлар яратила бошланади. Демак, давлат томонидан кўллаб-куватлаш жараёнида берилган ёрдамлар зое кетмаслиги хисобга олинади. Бироқ, ҳақиқий фаолият кўрсатаётган тадбиркорлар учун Францияда қабул қилинган қонун-коидалар доирасида салмоқли ёрдамлар кўрсатилади.

<sup>1</sup> [https://www.openbusiness.ru/html\\_euro/france\\_open11.htm](https://www.openbusiness.ru/html_euro/france_open11.htm) // Масляева М. Малый бизнес по-французски.

<sup>2</sup> Қаранг: Гафуров У.В. Кичик бизнесни молиялаштириш ва солиқда тортиш бўйича хориж тажрибалари. Манба: <http://www.testing.uz/load/ikitisodiyot>

### **3.6. Франция ва АҚШ мисолида кичик бизнес мезонларининг сифат кўрсаткичлари бўйича назарий таҳлил**

Жаҳон миқёсида кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни сифат кўрсаткичлари бўйича табақалаштириладиган мезон ҳам мавжуд бўлиб, бу мезонни тавсифлаш мураккаброқдир. Ҳанузгача бу муаммо бўйича олимлар ўргасида ягона бир фикрга келинмаган. Шунга қарамай, биз икки давлат, яъни Франция ва АҚШ мисолида кичик бизнес мезонининг сифат кўрсаткичлари бўйича таҳлил қилишга уриниб кўрамиз.

Францияда кичик ва ўрта тадбиркорларнинг умумий конфедерацияси томонидан «капиталнинг катта қисмини ўз мулки сифатида ташкил этиб, ўз персоналининг бошқарувини таъминлаб, улар билан доимий ва бевосита алоқага чиқа оладиган корхона этаси бошқарувидаги корхоналарни кичик ва ўрта корхоналар қаторига киритилади»<sup>1</sup>, деб қайд этилган.

Францияда хунармандлар ҳам фаолият кўрсатади. Улар ўзлари ҳисобидан корхона ташкил этиб, 10 кишигача иш ўринларини яратишлари мумкин. Кези келганда хунарманднинг ўзи ўз корхонасида ишчилар билан тенгма-тeng меҳнат қиласи, чунки ишлаб чиқариладиган буюмнинг энг нозик жойларига ишлов беришда уларнинг меҳнатини ишчилар меҳнати билан тенглаштириб бўлмайди. Сабаби улар шу хунар ёки касб бўйича мукаммал билимга эгадирлар. Уларнинг профессионалларни сертификат билан тасдиқланиши шарт. Акс ҳолда Хунармандлар палатасига аъзо бўла олмайдилар.

АҚПда Small Business Administration (SBA) маълумотларига қараганда, одам сонидан ташқари яна бошқа кўрсаткичлар қўлланилади. Жумладан, қайта ишлаб чиқариш саноатида камида 250 кишигача ишчиси бўлган корхоналарни кичик бизнесга таалукли деб ҳисобланса, йирик бизнесда 1000 кишидан кўпроқ ишчилари бўлган корхоналар киритилади. Бир қараща бу каби тавсифлаш кичик бизнес мезонидаги миқдорий кўринишга ўхшайди. Аммо фикримиз давомида шуни қайд этмоқчимизки, АҚШда қайта ишлаб чиқариш саноати яна майда тармоқчаларга бўлинib кетган. Йирик тармоқнинг тармоқчалирида кичик бизнес мезонидаги кўрсаткичлар янада фарқланади.

Худди шу фикримизнинг далили сифатида Николас Л. Сирополиснинг «Кичик бизнесни бошқариш» китобидан 3.6.1-жадвални келтирамиз. Бу жадвалда кўринишича, йирик тармоқ ўзининг тармоқчаларига эга. Турли тармоқчаларда ишчиларни ёллаб ишлатиш мумкин бўлган ишчилар сони берилган. Бу ерда кичик бизнес мезонидаги кўрсаткичлар кишилар сони билан акс этирилса-да, бир тармоқнинг ичидаги тармоқчаларда янада ўзига хос градацияланиш мавжуд. Бу эса кичик бизнесда мезонни белгилашдаги сифат кўрсаткичларини намоён этади. Масалан, ишлаб чиқарувчилар мисолида уч хил кўринишдаги градацияни кўриш мумкин. Бу ҳолат ултуржи савдогарлар ва чакана савдогарлар мисолида ҳам кўрсатилган. Масалан, хизмат кўрсатиши тармоғидаги тармоқчаларда ишчилар сони энг кам эканлигини кўриш, жадвалдан қийин эмас. Айниқса, телевизорларни таъмирлаш тармоқчасида

<sup>1</sup> Рубе В. А. Малый бизнес: история, теория, практика.–М.: ТЕИС, 2000. С. 30.

атиги 3 киши, бухгалтерлик хизматларида эса 4 киши иш билан бандликини ташкил этган. ЭХМ хизматида ишчилар сони 12 кишигача етиши мумкин.

3.6.1-жадвал.

### SBA бүйича кичик корхоналар таркибиңга кирилдувчи мезонлар<sup>1</sup>

<b>Ишлаб чиқарувчилар</b>	<b>Ишчилар сони, киши, камида</b>
Нефтиң қайта ишләшица	1500
ЭХМ	1000
Макарон ва спагетти ишлаб чиқаришица	500
Улгуржи савдогарлар	Ишчилар сони, киши, камида
Спорт маҳсулотлари	500
Мебель	500
Лак ва бүек маҳсулотлари	500
Чакана савдогарлар	Савдодан түшүм, млн. ₸ Ыилигә, камида
Боқдоллик ва озиқ-овқат магазинлари	13,5
Автомобил агентлиги	11,5
Ресторанлар	10,0
Хизмат күрсегити	Савдодан түшүм, млн. ₸ Ыилигә, камида
ЭХМ хизмати	12,5
Бухгалтерлик хизматлари	4,0
Телевизорларни таъмирлап	3,5

Энг күп ишчилар ишлаб чиқариш тармоғидаги тармоқчаларда намоён бўлмокда. Ўртacha ҳолат улгуржи савдо тизимидағи тармоқчаларда кўзга ташланади. Масалан, мебель маҳсулотларини ишлаб чиқарувчи кичик корхоналарда камида 500 тагача ишчи ишлаши мумкин. Бу мезонлар АҚШ Конгресси томонидан ишлаб чиқилган меъёрий ҳужжатларда ўз аксини топган.

<b>Франшиза тадбиркори</b>	Майдада тадбиркор	ўзининг фирмасини ўзи бошқаради ва ишчилар билан бевосита алоқа ўрнатади	АҚШдаги күринини
	Ўрта тадбиркор	аклий меҳнат килиади, ёлланма ишчиларни ишлатади ва асосан улар билан кўпроқ алоқа ўрнатади	
	Йирик тадбиркор	корхона бошқарувидан ажралган, ўзининг персонали билан, айниқса ишчилар билан бевосита алоқа ўрнатади	
	Хунарманд	бир вақтнинг ўзида ҳам мулкдор, ҳам бошқарувчи, ҳам ишчи	

### 3.6.2-расм. Франция ва АҚШда корхона соҳибининг меҳнатга ва корхонани бошқаришга бўлган муносабати орқали кичик бизнес мезонини белгилашдаги сифат кўрсаткичлари<sup>2</sup>

<sup>1</sup> Манба: Сирополис Н. Управление малым бизнесом. Руководство для предпринимателей. / Пер. с англ. Академия народного хозяйства. -М.: Дело, 1997. С. 20.

<sup>2</sup> Расм муаллиф томонидаги илмий манбалар асосида ишлаб чиқилган.

Фикримизча, турли ҳажмдаги корхоналарни аниқлап учун кичик бизнес мезонини белгилашдаги асосий сифат кўрсаткичлари корхона сохибининг меҳнатга ва корхонани бошқаришга бўлган муносабати орқали намоён бўлади. Фикримизни 3.6.2-расм орқали аникроқ тушунтиришимиз мумкин. Масалан, Францияда хунармандлар учун алоҳида эътибор берилса, АҚШда энг майдада тадбиркорлар учун эътиборли муносабатлар ўринатилгандир.

Ғарбнинг иқтисодчи олимлари ва мутахассислари кичик бизнес учун ўзларининг сифат кўрсаткичларини ўз ичига олувчи мезонни таклиф этадилар. Хусусан, америкалик профессор Стейли ўзининг «Кичик саноатнинг ривожланиши» китобида қўйида келтирилган бандларнинг ҳеч бўлмаганда иккитаси тўғри келса, бундай корхоналарни кичик корхоналар қаторига киритганди. Бу бандлар қўйидагича:

- нисбатан кам иктинослаштирилган корхонани шахсан бошқариш;
- юқори погонадаги раҳбариятнинг ишчи-ходимлар, мижозлар ва таъминловчилар билан бевосита алоқа ўрната олиши;
- тез-тез бўлиб турадиган капитал бозорига кириш имконини топа билмаслик ва қисқа муддатли кредитларни олиш билан боғлиқ қийинчиликлар;
- олди-сотди музокараларини юритишги ўқувсизлик ва ўзининг кучли жиҳатларини намоён эта олмаслик;
- мулкдорлар, раҳбарлар ва яқин бозорларга нисбатан боғлиқлик ҳамда таъминот манбаларидан иборат маҳаллий жамоанинг нисбатан заиф бирлашуви.

Агар дастлабки иккита тавсиф кичик ва ўрта корхоналар ўртасидаги фарқни етарли даражада акс эттира, қолгандари тенг ҳолатда ҳам кичик, ҳам ўрта корхоналарга таалуқли бўлган тақдирда кичик ва ўрта корхоналар кўламини ажратиб олиш қийин эмас.

Инглиз иқтисодчиси Ф. Кларк кичик бизнесга доир ишида «майдада тадбиркорликнинг моҳияти қониқтирадиган даражадаги максимал фойда олиш билангина ифодаланмайди, шуни билмоқ керакки, фойда ва зарар рақамлари билан ҳеч қачон ўлчаб бўлмайдиган мустақиллик, ишга ижодий ёндашув, яхши ҳаёт тарзи каби номоддий омилларни ҳам яхшигина ҳис этиш даркор»<sup>1</sup> эканлигини алоҳида қайд этган.

Дарҳақиқат, бундай номоддий омиллар ўз бизнесини бошлаётган киши учун муҳим аҳамиятга эга. Аммо максимал фойда олишни инкор этадиган тадбиркор ҳеч қаерда топилмайди, чунки фойда олиш тадбиркорнинг энг биринчи ва, айтиш мумкинки, жиддий равишда эътиборини тортадиган тамойиллар.

Француз олимларидан Ж. Шатен ва Р. Годон «Майдада ва ўрта корхоналар: танлаш вақти»<sup>2</sup> номли асарида корхоналарни сифат хусусиятларидан келиб чиқсан ҳолдаги мезонга ургу берилб, ўз ёндашувларига хос таснифлаганлар. Бу қўйидагича:

<sup>1</sup> Рубе В. А. Малый бизнес: история, теория, практика. –М.: ТЕИС, 2000. С. 33.

<sup>2</sup> Каранг: Chatain J., Gaudon R. Petites et moyennes entreprises: l'heure du choix. Paris, 1975.

1. Бевосита ишлаб чиқариш функцияларидан асосий даромад олуучи хунармандлар ва майда хұжайинлар. Корхона эгаси ишлаб чиқаришида бевосита қатнашади ва у юкори даражадаги малакага зә.

2. Чекланган міндердің яшайдыған ёлланма ишчилардан фойдаланадын майда корхоналар. Бундай майда корхоналар номонопол күриништегі оддий тақрор ишлаб чиқарышни амалга оширадын ва башқарувчига тирикчилик воситаси сифатыда даромад келтириадын корхоналардир.

3. Капитал асосида кенгайтирилген тақрор ишлаб чиқаришга зә бұлған, лекин монополистик рақобат шароитларига мослашмаган майда ва үрта корхоналар. Бундай корхоналар үнлаб ва ҳатто қозлаб ёлланма ишчилари бор бұлған, лекин талаб ва тақлиф үзгаришларига, іқтисодий ва сиёсий муаммолар оқибатларига дучор бұладын корхоналардир (масалан, кредитларнинг чекланғанлығы).

4. Үрта ва йирик номонополистик корхоналар. Бундай корхоналар тармокнинг монополлашған шароитида ахволи заифлашадын корхоналардир<sup>1</sup>.

Бундай таснифланиш ривожланған бозор іқтисодиетидеги турлича корхоналар ахволи ҳақида умумқабул қилинған тасаввурларни деярли түлік намоён эта олади.

### **3.7. Францияда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликнинг давлат томонидан тартибга солынышы**

Францияда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни давлат томонидан құллаб-куватлаш юкори даражада ташкил этилған. Бундан асосий мақсад – бандлукни күпайтириш ва рақобатбардошликтен ошириштеди. Бу, асосан, тұғридан-тұғри күмаклашиш, бизнес ҳақида аник ахборотларға зә бұлиш, маъмурый тұсқындарни ва солиқларни камайтириш ва шу кабилар хисобига содир бұлади. Давлат сектори 30 фойзни ташкил эттеган ва маъмурый башқаруви үзиге хос бұлған ушбу мамлакатда хусусий секторни тартибга солуучи ва уннинг ривожланишында күмаклашадын қуйидаги ташкилотлар мавжуд:

- кичик ва үрта корхоналарни құллаб-куватлаш бүйіча конфедерация;
- савдо-саноат палатаси;
- хунармандчилік ишлари бүйіча палата;
- қишлоқ хұжалиғи палатаси;
- иш бошловчилар учун миллий агентлік;
- инвестицион хавф-хатарни сұғарталаштырып француз жамияти;
- бизнесни ташкил қилиш маркази ва башқа ташкилотлар.

Бу ташкилотлар кичик ва үрта бизнес субъектларининг бир маромдаги іқтисодий фаолиятини таъминлаш мақсадыда барча чора-тадбирларни үзаро мувофиқ ва узлуксиз амалга ошириб борадылар. Одатда бизнес фаолиятини бошловчилар учун давлат томонидан қуйидаги тарзда ёрдам беріледі:

<sup>1</sup> Chatain J., Gaudon R. Petites et moyennes entreprises: l'heure du choix. Paris, 1975. P. 43.

- кафолатсиз, фоизсиз қарз (сүз бериш остида қарз) бериш;
- 5 йил давомида тұланадиган кичик фоизли қарзлар бериш;
- ишини йүкоттан ва бизнесни бошлашни истовчилар учун 32 минг франк міндердігача субсидиялар ажратиш;
- имтиёзли солиққа тортишнинг турли шакллари тарзидан молиявий ёрдам бериш.

Бу каби күмаклардан ташқари «Франция тадбиркорлик жамиятлари манфаатларини химоя қилиш мақсадыда француз тадбиркорларининг ҳаракати» (МЕДЕФ) ташкил этилган. Кичик корхоналар әгалари ўз манфаатларининг химоялапишини күзлаб (айниқса, солиқлар ва турли фонdlарга ажратмаларга тааллукли бўлганда), давлат билан яқиндан мулоқотлар олиб борадилар. Кичик бизнес субъектларини, хусусан, солиқлар ва уларнинг ставкалари қизиқтиради. Мамлакат бўйича ўз фаолиятини бошлаган янги кичик корхона 2 йилга маҳаллий солиқлардан, ижтимоий таъминот фонdlари бадалларидан озод этилса, депрессив ҳудудлардаги тадбиркорлар учун бошқа турдаги солиқлар ҳам камайтирилади<sup>1</sup>.

Умуман олганда, Францияда иқтисодиётнинг айрим тармоқларида янги очилган кичик корхоналар икки йилгача турли солиқлардан озод этилади. Франция қонунчилигида кичик бизнес корхоналари учун соддалаштирилган ва вақтингча белгиланадиган солиқлар ҳам мавжуд. Аммо уларни кўллашда кичик корхоналарнинг йиллик даромад ҳажми ҳисобга олинади. Микрокорхоналар эса ёнг соддалаштирилган декларацияларни тўлдириш ҳуқуқига эга ва йирик компанияларга кўра солиқ тўлашнинг оддий шаклларидан фойдаланилади. Микрофирмаларга жисмоний шахслар ҳам киритилиб, уларнинг даромадлари кўйидаги кўрсаткичлардан ошмаслиги керак<sup>2</sup>:

- ултуржи ва чакана савдо соҳасидаги солиқ тўловчилар учун – 250 000 евро, КҚСиз;
- хизмат кўрсатиш соҳасидаги солиқ тўловчилар учун – 85 000 евро КҚСиз.

Шу билан бирга, Францияда КўКлар учун фойдани декларация килишининг ва солиқ тўлашнинг соддалаштирилган механизми жорий этилиб, бундан кўйидагилар фойдаланиши мумкин:

1. Фойда солигини тўлашга мажбур бўлган шахслар.
2. Йиллик даромади кўйидаги кўрсаткичлардан ошмайдиган солиқ тўловчилар, яъни:
  - ултуржи ва чакана савдо соҳасида хизмат кўрсатишдан тушган тушум – 250 000 дан 2 500 000 еврогача, КҚСдан ташқари;
  - турли хизматлар кўрсатишдан тушган тушум ёки нотижорат фаолиятидан тушган тушум 85 000 дан 750 000 еврогача, КҚСдан ташқари;
  - агарда солиқ тўловчи жисмоний шахс мақомида бўлса, хизматлар кўрсатишдан тушган тушум ёки нотижорат фаолиятидан тушган тушум ва кўрсатилган хусусий хизматлар – 875 000 еврордан кўп, КҚСдан ташқари.

<sup>1</sup> <http://gosbook.ru/document/53728/53762/preview> // Макарова М.В., Погорелов В.В. Малый бизнес: 74 рубежный опыт и уроки для современной модернизации экономики России  
Манба: <https://www.eduherald.ru/ru/article/view?id=13422> (кирилган сана: 23.02.2017).

Францияда КУКлар фаолиятини молиявий таъминлаш мақсадида турли йўналишларда кредитлар жорий этилган. Хусусан, мамлакатда «Caisse des Depots et Consignations»<sup>1</sup> банки фаолият кўрсатиб, молиявий ташкилот кичик ва ўрта бизнес субъектларига имтиёзли кредитлар ажратиб боради. Ажратилган кредитлар, асосан, куйидаги йўналишларни ўз ичига қамраб олган:

- саноат тармоғини ривожлантириши;
- бандликни қўллаб-куватлаш;
- хомашё ресурсларидан унумли фойдаланиш ва самарадорликни ошириш.

Умуман, банкларнинг назорати хоҳ у давлат банки бўлсин, хоҳ у хусусий банк бўлсин, Франция марказий банки (Banque de France)га маълумотлар бериш асосида амалга оширилади. Маълумотлар савдо-сотик муносабатларидағи барча турдаги (жумладан, кўчар ва кўчмас мулклар савдосидаги) тўловлар ҳажмини қамраб олган. Шунингдек, хорижга унча катта бўлмаган (масалан, 2 минг евро бўлса ҳам) ҳажмдаги пул ўтказмалари бўйича ҳам марказий банкка маълумотлар берилади<sup>2</sup>.

Эътиборлиси шундаки, Францияда кичик ва ўрта бизнес корхоналарининг 2 фоиздан камроғи бир йилда солиқ текширувига тортилади<sup>3</sup>. Аслида Францияда солиқ тизими Италия ва Буюк Британияга нисбатан солиштирганда анча мураккаб, аммо тадбиркорлар учун қулийликлар яратилган. Масалан, Франция солиқ тизимида кичик бизнес ва тадбиркорлик фаолиятининг дастлабки икки йилида маҳаллий бюджетларга тўланадиган барча солиқлардан озод қилинади. Хусусан, «...ҳар йили 100 мингта корхона солиқдан тўлиқ ва қисман озод этилади»<sup>4</sup>. Бундай тартиб акциядорлик жамиятлари фаолиятини солиққа тортишда ҳам қўлланилади. Бундан ташқари, бошқа солиқ турлари бўйича солиқ ставкалари пасайтирилади.

Бундан ташқари солиқ тизими орқали кичик бизнес корхоналарининг даромадлари тўғрисидаги декларациялари танланма усулда назорат қилинади. Даромад тўғрисидаги декларациялар ҳар йили бир марта (март ойида) кичик бизнес субъектлари томонидан солиқ идораларига топширилади. Декларацияга илова қилган ҳолда даромаднинг ҳар бир тури бўйича ҳужжатлар тақдим этилади. Бундай ҳужжатлар нусхалари ҳар бир солиқ тўловчига почта орқали етказилади. Назорат ва текширишлар частотаси тармоқ ёки ихтисослиска боғлиқ ҳолда амалга оширилади. Масалан, бир йилда 150 та фермер, 75 та кўчмас мулк агентликлари ва бошқа шу кабиларнинг фаолияти текширувдан ўтказилади. Узлуксиз тарзда бўлса-да, лекин танланма усулда йилига 50 мингга яқин корхоналарнинг бухгалтерия ҳисоботлари текшириб борилади<sup>5</sup>.

<sup>1</sup> Caisse des Depots et Consignations – Франция давлат тараққиёт банки, 1816 йилда асос солинган ва француз парламентининг назоратидадир.


<sup>2</sup> [https://www.openbusiness.ru/html\\_euro\\_france\\_open11.htm](https://www.openbusiness.ru/html_euro_france_open11.htm) // Масляева М. Малый бизнес по-французски.

<sup>3</sup> IFC, 2009. The Costs of Tax Compliance in Ukraine.

<sup>4</sup> Ибрагимов И. Ҳайдаров Ш. Тадбиркорлик фаолиятини ривожлантириш ва унинг молиявий манбалари. // Ж. Ихтисодиёт ва таълим. №2. 2006. 99 бет.

<sup>5</sup> [https://www.openbusiness.ru/html\\_euro\\_france\\_open11.htm](https://www.openbusiness.ru/html_euro_france_open11.htm) // Масляева М. Малый бизнес по-французски.

Умуман олганда, Франция хукумати кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантиришнинг асосий йўналишларини 3.7.1-расмда келтирилган тарзда белгилаб берган.



**3.7.1-расм. Франция хукумати томонидан кичик ва ўрта корхоналарни ривожлантиришнинг асосий йўналишлари<sup>1</sup>**

Кичик бизнес ва тадбиркорлик субъектларини зарур аҳборот билан таъминлаш ва бу орқали бозор мұхитидаги ўзгаришларга бизнес субъектлари таъсирчанлигини ошириш масалалари хукумат сиёсати даражасида кўриб чиқлади. Кичик бизнес субъектларига доимий равишда молиявий ёрдам кўрсатилади ва уни қўллаб-қувватлаш ишлари жорий этилган. КЎКларни ривожлантириш доирасида қабул қилинган дастурлар давлат ва шерикчилик ташкилотлари вакиллари билан бирга оширилади (3.7.2-расм).

3.7.2-расмда келтирилганидек, Молия, иқтисодиёт ва саноат вазирлиги (МИСВ) миллый иқтисодиёт ва техник сиёсатга доир барча масалаларни уйғун тарзда (комплекс) ҳал этиб боради. Бунинг учун КЎКларни ривожлантириш банки таъсис этилди, шунингдек, Молия, иқтисодиёт ва саноат вазирлиги (МИСВ) хузурида «КЎКлар, хунармандчилик, якка тадбиркорлик ва истеммолчилар билан алоқалар ўрнатиш бўйича Департаменти» (КЎКД) ўз фаолиятини олиб боради.

Иқтисодиётни глобаллаштириш шароитларида корхоналарнинг ғластиклигини, барқарорлигини ва рақобатбардошлигини оширишга қаратилган КЎКларни ривожлантиришнинг давлат стратегияси қўйидаги вазифаларни бажаришга йўналтирилган:

– ўқитиши тизимини такомиллаштириш ва КЎКлар учун мутахассисларни қайта тайёрлаш;

<sup>1</sup> Расм муаллиф томонидан ишлаб чиқилган.



3.7.2-расм. Францияда КЎКларни давлат томонидан қўллаб-куватлаш тузилмаси<sup>1</sup>

- инновацион фаолиятни рағбатлантириш, КЎКларнинг экспорт имкониятларини ошириш учун янги ва юқори технологияли трансфертларига<sup>2</sup> кўмаклашиш;

- КЎКларни ривожлантириш ва қўллаб-куватлашнинг миллий ва Европа дастурларини самарали амалга ошириш мақсадида давлат муассасалари, шерикчилик ва жамоат ташкилотлари билан ўзаро алоқаларни яхшилаш;

- давлатнинг тартиба солиш чораларини кучайтириш ҳамда тадбиркорликда буйруқбозлик ва сунъий расмиятчиликни (хар йили бу туфайли 9 млрд. еврогача йўқотиш келиб чиқиши мумкин) минималлаштириш;

- тармоқ сифатида энг жадал ривожланаётган аҳборот технологиялари ва электрон бизнес фаолиятининг ҳар томонлама ривожлантириш.

Францияда кичик бизнес субъектларининг фаолиятида рақобатбардошликни таъминлашга йўналтирилган чора-тадбирлар ҳам давлат сиёсати даражасида кўриб борилади. Шунингдек, кичик бизнес субъектлари томонидан ишлаб чиқарилган маҳсулотларни рақобаттага чидамли бўлиши учун экспорт салоҳиятини оширишга алоҳида ургу берилади. Францияда экспортни рағбатлантиришга йўналтирилган чора-тадбирлар узлуксиз кўлланиб келинади.


<sup>1</sup> Манба: <https://kipr.ru/analytics/material/foreignsupportexp.php> // Зарубежный опыт поддержки малого и среднего предпринимательства.

<sup>2</sup> Трансферт (фран. transfert ёки лотин. transfero – кўчираман, жойини ўзгартираман) – Савдо-сотиқ муносабатларida кўлланадиган бу атама, ўзбек тилида ўтказиш маъносини англитади (Глоссарийда кенгроқ берилган – А.О.).

### 3.8. Жаҳон молиявий-иктисодий инқироз давридаги ҳолат

Жаҳон молиявий-иктисодий инқироз даврига қадар Франция экспорти жаҳон бўйича олганда тўртинчи ўринда, хизмат кўрсатиш соҳасининг ривожланиши бўйича олганда, эса иккинчи ўринда турган. Хусусан, 2000 йилда барча саноат фирмалари томонидан хорижга сотилган маҳсулотлар ҳажми 630 млрд. франкни<sup>1</sup> ташкил этди. Аммо саноат маҳсулотлари экспортида кичик бизнес корхоналарининг 16 фоизи ўзларининг фаоллигини кўрсатмадилар, яъни уларнинг экспортдаги иштироки суст бўлиб, ушбу кичик бизнес корхоналарида экспорт 5 фоиздан кам миқдорни ташкил этди.

Жаҳон молиявий-иктисодий инқирози рўй берган даврда Франция иқтисодиёти оғир кунларни бошдан кечира бошлади. 2000 йилдаёқ<sup>2</sup> Франциянинг иқтисодий ўсиш суръатларида сезиларли даражадаги пасайиш кузатилган. Жуда кўп кичик ва ўрта бизнес корхоналари банкрот ҳолатига тушиб қолди. Франция ҳамкорлигидаги қўшма корхоналар фаолияти тўхтаб қолди. Масалан, 2009 йил ва 2010 йилнинг биринчи чорагига тегишли маълумотларга кўра, Франциянинг «Canefour» компанияси Россия бозоридан чиқишига мажбур бўлди. Сабаби айланма капиталнинг тегишли давлатлар валюталарида белгиланган курсларида турғунликка эришиб бўлмади<sup>3</sup>. Бу жараёнлар йирик корхоналар фаолиятига ҳам салбий таъсир кўрсатиб, мамлакат оғир аҳволда қолди.



3.8.1-расм. Францияда 2002–2017 йиллардаги ишсизлик даражаси<sup>4</sup>

<sup>1</sup> Дудко И. Развитие малого и среднего бизнеса во Франции. // «Миллий иқтисодиёт соҳаларида ҳалқаро таърибани ўрганиш ва уни кичик бизнес, хусусий тадбиркорликни ривожлантиришда татбиқ этиш» илмий-маддий анжуманининг маъruzалар тўплами. –Т.: ГДИУ, 2004. 152 б.

<sup>2</sup> Итох Нафакат Франция балки жаҳоннинг энг ривожланган мамлакатлари каторидаги Буюк Британия, Германия, Италия, Мексика каби давлатларда ҳам инқирознинг бошланиши 2000 йилларга бориб тақалади.

<sup>3</sup> Маълумотлар [www.rbc.ru](http://www.rbc.ru) сайтидан олинган.

<sup>4</sup> Манбалар: Ўзбекистон Республикаси йиллик статистик тўплами. –Т., 2008.; CIA World Factbook. Бунда 2014 йилдаги ҳолат шу йилнинг март ойига тўғри келиб маълумот Мехнатни ҳалқаро муҳофаза килиш ташкилини (яъни рус тилида МОТ) томонидан хисобланган. 2016 ва 2017 йилга тегишли маълумотлар <http://ru.investing.com> сайтидан олинган.

Инқирознинг салбий жиҳатларини 3.8.1-расмдаги ҳолат ҳам тасдиқлайди. Францияда ҳозирга қадар ишсизлик даражаси пасаймаяпти. Айниқса, 2015 йилда мамлакатдаги ишсизлик даражаси 10,3 фоизни ташкил этди. Бу эса экспертларнинг фикрига кўра, сўнгги 20 йил мобайнида Франциядаги ишсизлик даражасининг рекорд ҳолатини кўрсатмоқда. 2016 йилнинг бошида мамлакат Президенти Франсуа Олланд «...режасига кўра ишсизликнинг олдини олиш мақсадида 2 млрд. евро...»<sup>1</sup> сарфланиши белгиланган эди. Аммо 2017 йилнинг феврал ойида ҳам ушбу кўрсаткич ижобий томонга силжигани йўқ.

Франция Европа Иттифоки сиёсати тамойиларидан чекинган ҳолда префектураларга (вилоятларга) автомобиль саноатини қўллаб-куватлаш учун маблағлар ажратди. Шунга қарамай мамлакатда фаолият кўрсатаётган кичик бизнес ва тадбиркорлик субъектларининг банкротта учраши сезиларли бўлди.

Жаҳон миқёсида рўй берган молиявий-иктисодий инқироз туфайли Франция хукумати томонидан давлат дастурлари қабул қилинди. Франция ўзининг иқтисодий ривожланишидаги муаммоларидан келиб чишиб, инқирозга қарши чоралар бўйича давлат дастурини қабул қиласа экан, у бошқа ривожланган давлатлардаги дастурларга нисбатан моҳияти ва мазмуни жиҳатидан фарқ қилди. Бошқача айтганда, мамлакат иқтисодиётини жонлантириш учун маблағ ажратиш чора-тадбирларида «етти ўлчаб бир кесиши» тамойили устуворлик қилди.

Бироқ, 2011 йилнинг бошларидан мамлакат иқтисодиётида ижобий томонга ўзгаришлар бўлиши кузатилса-да, аммо инқироз асоратидан тўлиқ ҳалос бўлишга эришилгани йўқ. Масалан, телекоммуникация соҳаси учун жиҳозлар ишлаб чиқарувчи «Alcatel-Lucent» компанияси 2015 йилга қадар мавжуд иш ўринлари сонини ўн мингтага камайтиришни режалаштириди. Шунингдек, корхона Ренн, Тулуза шаҳарларидаги бўлимлари фаолиятини тутгатишини ва Орм ҳамда Орводаги муассасаларини сотишни ҳам кўзлаганди. Иш ўринлари компаниянинг Европа, Африка, Ўрта Шарқ, Осиё, Жанубий ва Шимолий Америкадаги бўлимларида қисқартирилди. «Alcatel-Lucent» шу чора-тадбирлар орқали 1 млрд. евро микдоридаги маблағни тежаб қолишини кўзда тутган эди<sup>2</sup>.

2013 йилнинг сўнгги чорагида Франция иқтисодиёти аввалги йилнинг шу даврдагига нисбатан 0,3 фоиз ўсади<sup>3</sup>. Мамлакатда ялпи ички маҳсулот ҳажмидаги юксалиш мухим аҳамият касб этди ва иқтисодиёт барқарорлаша бошлади.

Инқироз даврида аксарият компаниялар ўз товарлари учун бутловчи маҳсулотлар ишлаб чиқаришни фойдасиз деб билдишар. Хусусан, йирикроқ ва ривожланганроқ корхоналар кичик ва ўрта бизнесга кўмаклаша бошладилар. Бу билан ҳар икки томоннинг фойдаси кўзланниб, шу тарзда муаммолар бартараф бўла бошлади.

2013–2014 йилларда Франция ўз экспортининг ривожланиши учун 1,6 млрд. евродан ортиқ маблағ сарфлади. Давлатнинг ўзи кичик ва ўрта

<sup>1</sup> Манба: <http://www.mk.ru>

<sup>2</sup> Манба: Халқ сўзи. 12 октябрь, 2013. Иш ўринларини қисқартиради. / Жаҳон 24 соат ичизда рубрикаси.

<sup>3</sup> Манба: Халқ сўзи. 18 февраль 2014. // Умумий кўрсаткичлар таҳлили. / Жаҳон 24 соат ичизда рубрикаси.

тадбиркорлик субъектлари учун ишончли хорижий шерикларни топиш билан шугулланди. Жаҳон молиявий-иқтисодий инқироз даврида ҳалқаро муносабатларнинг ривожланиши ва кичик тадбиркорлик корхоналарида экспорт салоҳиятининг ўсишига эътибор қаратиш Франция ҳукумати учун КЎКларни қўллаб-кувватлашнинг устувор йўналишларидан бирига айланди.

2016 йилга келиб мамлакатда жадал тарзда қўрилаётган чора-тадбирлар натижаси ижобий тенденцияларнинг шаклланишига олиб келди. Шунингдек, 2017 йилга евроҳудуд мамлакатларида иқтисодий ўсиш 1,7 фоизни ташкил этиши кутилган. ХВФ экспертларининг фикрича, саноат ва савдо соҳаларида инвестицияларнинг кенг жалб этилиши ҳисобига глобал иқтисодий фаоллик ўсиб боради. Лекин “кучлироқ тикланиш учун сақланиб қоладиган таркибий тўсиқлар” тўғрисида эсдан чиқармасликни алоҳида қайд этишган<sup>1</sup>.

### Учинчи боб бўйича хулюса

1. «Тадбиркорлик» француза «entrepreneur» сўзидан олинган ва «воситачи» деган маънони англатади. Бу атамани биринчи бўлиб Р.Кантильон ўзининг илмий асарларида қўллаган. Дастребки даврларда воситачилик билан руҳонийлар машгул бўлишган. Кейинчалик тадбиркорлик билан турли соҳа эгалари шугуллана бошлишди. Бугунги кунда ер юзидағи деярли барча мамлакатларда «entrepreneurship», яъни «тадбиркорлик» кенг оммалашган.

2. Иккинчи жаҳон урушидан кейин мамлакатда ишлаб чиқариш кувватларини қайта тиклашга эътибор қаратилди. Ишлаб чиқариш корхоналари ракобати тобора авж олди ва бу XX асрнинг 50–60-йилларига қадар давом этди. Ишлаб чиқаришдаги кичик корхоналар юқори технологиялар асосида ўз фаолиятларини олиб боришиди.

3. Францияда инновацияларнинг қўлланилиши мамлакат иқтисодиётнинг ривожига ва бандликнинг ўсишига таъсир қилди. Бунда кичик бизнес ҳам фаол иштирок этди.

4. Молия, иқтисодиёт ва саноат вазирлиги томонидан кичик бизнес корхоналари фаолиятидаги муаммолар ўрганиб борилди ва уларнинг ечимини ҳал этиш чоралари қўллаб борилди. Натижада саноатда банд бўлганларнинг 53,2 фоизи КЎКлар ҳисобига тўғри келади.

5. Францияда кичик бизнес ва тадбиркорлик корхоналарининг ташкилий-ҳукукий шакллари асосан 3 хил категорияга бўлинади. Булар: 1) якка тартибдаги корхоналар; 2) фуқароларнинг шерикчилик асосидаги ёки жамият кўринишидаги корхоналар; 3) тижорат фаолиятини амалга оширувчи савдо компаниялари. 3-чи категориядаги корхоналар ўз навбатида яна уч хил кўринишга бўлинади (3.3-бандга қаранг).

6. Кичик бизнеснинг фан-техника тараққиётiga таъсири жуда катта. Масалан, 90-йилларда янги ихтиrolар ва илмий-технологик кашфиётларнинг кичик бизнес корхоналарига тўғри келган ҳиссаси 61 фоизни ташкил этган.

<sup>1</sup> Манба: <http://ru.euronews.com/2017/04/18/imf-raises-growth-predictions-frets-about-protectionism>

7. Францияда кичик бизнес фаолияти учун рақобат асосидаги инфратузилма яхши шаклланган. Барча худудларда инфратузилма обьектларининг бўлинмалари ўз фаолиятини олиб боради. Инфратузилма обьектлари орасида савдо судлари ҳам ўз ишини олиб боради. Улар тадбиркорларни турли инфратузилма обьектлари билан боғлиқ муаммоларини ҳал этишга хизмат қиласди. Аммо савдо судлари истеъмолчиларнинг ҳукуқига боғлиқ масалаларни кўриб чиқмайди.

8. Мамлакатда хориждан келгандар учун ўзига хос тартиб-қоидалар жорий этилган. Бу ерда бизнес билан шуғулланмоқчи бўлган хорижлик шахслар хорижий тижоратчи гувоҳномасига (*Carte de commerçant étranger*) эга бўлган ҳолда вактингча яшаш рўйхатидан ўтишлари шарт. Француздарнинг ўзлари ҳам кўпроқ хорижий инвестициялар асосида ташкил этилган корхоналарда ишлашга мойилроқдирлар.


9. Францияда катта солиқ ставкаларига ва ижтимоий тўловларга доимий дуч келиш бизнес юритишдаги асосий қийинчиликлардан ҳисобланади. Шундай бўлса-да, солиқ тўлаш тартибларининг бузилишига умуман йўл қўйилмайди. Бироқ, кичик бизнес вакиллари орасида солиқ тўловларини четлаб ўтишнинг моҳирона йўлларини кўллашга ҳам мойилликлар учраб туради. Лекин уларнинг аксарияти иммигрантлар ҳиссасига тўғри келади.

10. Бу давлатда бизнесни бошламоқчи бўлгандар анчагина муаммоларга дуч келишлари табиий. Оғироқ меъёрий асосларнинг яратилганилиги тадбиркорларни жиддийроқ ҳаракат қилишларига олиб келади. Аникроғи, «Мен тадбиркорлик билан шуғулланаман», деган шахслар «чертеб» кўрилади. Қисқаси рўйхатга олишдан то банкда ҳисоб рақами очилгунга қадар тадбиркор қобилияти ўзига билдирилмаган тарзда назорат асосида ўрганилади. Бу жараёнлардан муваффакиятли ўтган шахсларга барча шарт-шароитлар яратила бошланади. Демак, давлат томонидан қўллаб-куватлаш жараёнида берилган ёрдамлар зое кетмаслиги ҳам инобатта олинади.

11. Францияда хунармандлар учун алоҳида эътибор берилади. Уларга бунинг учун давлат томонидан алоҳида имтиёзлар белгиланган.

12. Кичик бизнес ва тадбиркорликни давлат томонидан қўллаб-куватлашнинг юқори даражада ташкил этишдан асосий мақсад – бандликни қўпайтириш ва рақобатбардошликни оширишdir.

13. Жаҳон молиявий-иктисодий инқироз даврига қадар Франция экспорти жаҳонда тўртингчи ўринни, хизматлар қўрсатиш соҳасининг ривожланишида эса, иккинчи ўринни эгаллаган. Рўй берган инқироз туфайли бундай натижаларга эришиш сусайди. Бироқ, инқирозга қарши чоратадбирларнинг жиддий қўлланилиши мамлакат иқтисодиётининг яна ривожланишига олиб келди.



#### 4 БОБ. ИТАЛИЯ (Italy)



#### 4 БОБ. ИТАЛИЯ (Italy)



Майдони – 301,2 минг км. кв.

Пойтахти – Рим

Аҳолиси – 59,8 млн. киши (2016 й.)<sup>1</sup>

Пул бирлиги – евро

Майдони бўйича жаҳонда 71-ўринда туради.

*Итальянлар чарчаб тугиладилар ва дам олиш учун яшайдилар.*

#### *Италия халқи мақоли*

#### 4.1. Италия иқтисодиётининг тавсифи ва миграциянинг ўзига хослиги

Италия дунёдаги энг йирик ва Европанинг етакчи цитрус ишлаб чиқарувчи мамлакатидир (йилига 3,3 миллион тонна). Шунингдек, томат (йилига 5,5 миллион тоннадан ортиқ), узум (йилига 10 миллион тонна атрофида, жумладан, 90 фоиз дан зиёдроқ қайта ишланган шароб), зайдун етишириш яхши йўлга қўйилган. Мамлакатда гулчилик ва паррандачилик ҳам ривожланган. Шунингдек, ҳайдаладиган ер 31 фоиз; доимий экин майдонлари 10 фоиз; доимий яйловлар 15 фоиз; ўрмонлар 23 фоизни ташкил этади.

Италияда табиий ресурслар жуда кам. Оз микдорда темир, кўмир ва нефть конлари бор. Табиий газ заҳиралари асосан По дарёси<sup>2</sup> водийларида ва Адриатика денгизида мавжуд бўлиб, сўнгги йилларда мамлакатнинг энг муҳим минерал ресурслари ҳам етишмоқда. Мамлакатга саноат учун зарур бўлган хом ашё материаллари ва энергиянинг 80 фоизи импорт орқали кириб келади.

Маълумки, Италия Евropa Иттифоки таркибига кирган. Лекин айнан шу жараён мамлакат ЯИМнинг ўсишига салбий таъсир кўрсатди. 1999–2015 йилларда ЯИМ ўсиши 0 фоизни ташкил этди. 2008–2016 йилларда эса 7 фоизга кискарди. Анъанага кўра Италия иқтисодиётининг заиф томони меҳнат унумдорлигининг пастлиги билан ҳам изоҳланади. Чунки худди шундай кўрсаткичлар бўйича 1970 йилдан бери қўшни Франция ва Германия каби давлатлардан ўртacha 25 фоизга ортда қолиб келмоқда<sup>3</sup>. Шунинг учун Италия евроҳудудга қўшилгандан кейин унинг маҳсулотларидағи экспортга йўналтирилган ракобатбардошлиги жаҳон бозорида кескин тушиб кетди. Бу ўз навбатида ЯИМнинг ўсишига салбий таъсирини кўрсатди. Евроҳудуд иқтисодиётига қўшилгунга қадар мамлакат иқтисодиётидаги сусайишни (жаҳондаги арzon валюталардан бири бўлган) лиранинг доимий девалвацияси кутқариб борган эди.

<sup>1</sup> Майба: <http://countrymeeters.info/rv/Italy>

<sup>2</sup> Италиянинг шимолий қисмидаги дарё. По дарёсининг узунлиги 652 км. Оқими Шарқ томонга бўлиб, Падан текислиги бўйлаб жойлашган Пъемонт, Ломбардия ва Венеция вилоятларидан ўтган. Адриатика денгизига куйилади.

<sup>3</sup> <http://marcello.mineenna.it/wp-content/uploads/2017/01/Italy-2017-01-19.pdf>. // Italy: Re-denomination risk down as time goes by. 19 January 2017. P. 3.

Италияниң қишлоқ хұжалигыда күпроқ үсімлікшүнослик яхши ривожланған. Асосий әқинлар буғдой, маккажұхори, шоли бұліб, уларни етиштириш бүйічә Италия Европада 1-үринні згаллады (йилига 1 млн. тоннадан ортік). Шунингдек, мамлакатда қанд лавлаги ҳам етарлича етиштирилади.

Италияга доимий яшашга келган хорижликлар мамлакатнинг шимолий ва марказий худудларидан үзларига мөс яшаш жойларини топмоқдалар. Миграцион үсиш нұқтаи назаридан олғанда, охирги иккі йилда (2017 йилларга қадар) демографик қолат яхшиланған. Масалан, расмий статистика бүйічә Африка, Руминия, Албанія ва Лотин Америкаси мамлакатларидан оммавий тарзда кириб келаёттан мұхажирлар ҳисобига мамлакат ақолиси 4,0 млн. кишига күпайған. Бу үз навбатида ақоли жон бошига тұғри келадиган даромаднинг ва ақолининг умумий турмуш даражасининг тушишига сабаб бўлди. Натижада 2016 йилга келиб мамлакат ЯИМ 1995 йилдаги даражага огиб қолди<sup>1</sup>.



4.1.1-расм. Италия ақолисининг этник тузилиши

Маҳаллий ақолининг үсиши үзгаришсиз бўлса-да, бироқ Европа ва бошқа мамлакатлардан чет элликларнинг Италияга кириб келиши ақоли сони үзгаришларига ижобий таъсир қылғандек кузатылмоқда. Масалан, күплаб европаликлар, араблар ва осиёликлар Аленнин ярим оролига күчіб келмоқдалар. Мамлакатда ақолининг ўртача зичлиги 1 кв. км. жойга 200 киши тұғри келади. Аслида, Италия Европада ақолисининг зичлиги бүйічә 5-үринда туради. Мамлакатнинг этник тузилиши 4.1.1-расмдагидек тавсифланади<sup>2</sup>.

Охирги йилларда Магриб ва Осиёдан келғанлар Шарқий Европа ва Шимолий Африкадан күчіб ўттанлардан кўра күпроқни ташкил этмоқда. Бу эса ақоли этник таркибининг янгиланишига олиб келмокда. Бу ерда, айниқса

<sup>1</sup> Карапт: <http://marcello.minenna.it/wp-content/uploads/2017/01/Italy-2017-01-19.pdf>. // Italy: Re-denomination task down as time goes by. 19 January 2017. P. 3.

<sup>2</sup> Манба: Прекрасная страна иммигрантов и стариков. // <http://italy4.me/interesnoe-ob-italii/naselenie.html>.

лўлилар ва хитойликлар кўпчиликни ташкил этади. 2012 йилга келиб мамлакатда қонуний ва ноконуний иммиграция туфайли яшовчилар сони 4,2 млн.дан ошиди. Бу эса жами аҳолининг 7 фоизни ташкил этади. Иммигрант оиласаларда түғилган деярли 600 минг болалар Италия демографиясига таъсир қилмай қолмайди.

Эътироф этиш керакки, Италияда доимий яшаб қолган иммигрантлар ўзига хос жойлашув тавсифига эга<sup>1</sup>:

– 2000 йилдан то ҳозирги давргача кўчиб келган чет элликлар сони уч мартага кўпайди (жойлашган майдони деярли 152 000 км кв. ни ташкил этади);

– бошқа юртдан келган муҳожирларнинг 39 фоизи, мамлакатнинг шимолий ва шимоли-гарбий худудларида жойлашганлар. Ички миграция жанубдан шимолга йўналтирилган, негаки, бу худудлар иқтисодий жиҳатдан ривожланганроқ. Бу худуддаги келгиндиларнинг сони 3,5 млн. кишини ташкил этади. Яна 34 фоиз фуқаро мамлакатнинг марказий худудларида истиқомат килиш учун жойлашганлар. Факат 13 фоиз хорижликлар мамлакатнинг жанубий аграр худудларида жойлашиб, қишлоқ ҳўжалигида банд бўлдилар;

– туб бўлмаган аҳоли ҳисобига Шимолий Италияда яшовчиларнинг зичлиги 300 кв. км.дан ошмоқда. Шимолий шаҳарлarda аҳолининг юқори концентрацияси мамлакат аҳолиси ўртacha зичлигининг ошишига ҳам таъсир этган. Хусусан, Неаполда 1 кв. км. жойга 2000 киши тўғри келади. Аммо тоғли худудлarda бу кўрсаткич зўрға 40 кишини ташкил этади;

– кўчиб келгандарнинг таҳминан ярми катта бўлмаган этножамоани ташкил этиб яшайдилар. Уларда италияликлар улуши жуда оз фоизни ташкил этади. Бундай жойлашишга мисол тариқасида Ломбардиядаги Брешия худудларини қайд этиш мумкин.

Иммигрантларнинг интенсив ўсиши табиий ўсишга ижобий таъсир этгандек кўринса-да, лекин сунъий тарздаги иқтисодий номувофиқликни келтириб чиқармоқда. Аҳолининг ўсишига ЯИМнинг ўсиши мос келмаяпти. Шу билан бирга, аҳолининг 67 фоиз ёшлардан иборат эмас. Сўнгти йилларда италияликларнинг ўртacha ёши 45 ёш ва ундан кўпроқни ташкил этмоқда. Хуллас, миллат жуда секин кўпаймоқда, аммо жуда тез қаримоқда.

#### 4.2. Қадимги Римда тадбиркорликнинг ривожлана бошланиши

Рим империясининг кулаши (410–476 йиллар) даврларида ҳудуд иқтисодиётини бошқариш тобора оғирлаша бошлади. Йирик мулкдорлар орасидан тайинланган муниципал амалдор шахслар (куриаллар – curiales)<sup>2</sup> солиқ тўловларини ва барча турдаги бошқа йигимларни тўплаш учун жавобгар

<sup>1</sup> Манба: <http://italy4.me/interesnoe-ob-italii/naselenie.html>. // Особенности размещения и проживания иммигрантов.

<sup>2</sup> Иззоҳ: Курialiлар (куриалы – curiales) – Рим империяси давридаги провинциялар ва шаҳарларда фаолият олиб борган шаҳар кенгаши аъзолари. Улар шаҳар аҳолисининг юқори катламини ташкил этган бўлиб, шаҳарларнинг бошқарилиши бўйича ҳаражатларни амалга ошириш, давлат солиқларининг тўғри келиб тушишини назорат килиш ва ўз маблаглари ҳисобидан берилган қарзларни ундириш каби ишлар билан машгул бўлишган. Таъсирили жиҳати шундаки, курialiлар йирик мулкдорлар орасида ташлаб олинган.

шахс ҳисобланиб, улар томонидан шаҳар коллегиясида солиқ ва тўловларнинг барча турлари бўйича доимий муҳоқамалар олиб борилди. Ўз наебатида бундай тадбирларнинг хукукий маҳоми кенгая бошлади. Солиқлар юки ўта оғир бўлган даврлар бошланди. Бу эса аксарият тадбиркорларга ёқмай, уларнинг соҳибкорлик ёки ишбилармонлик ишлари билан шугулланишларига салбий таъсир этди<sup>1</sup>. Бундай мухит Италияда ўрта асрларга қадар давом этди.

XIII аср бошларидан савдо, ҳунармандлик ва саноат сезиларли ривожлана бошлади. XII асрдан XIV асрга қадар Венеция, Флоренция ва Генуя каби шаҳарларда ишбилармонлик фаоллаша бошлаган. XIII аср охирларигача бўлган даврларда савдо айланмасининг асосий қисми сайёр тадбиркорлар улушкига тўғри келган. У даврларда кўпчилик тадбиркорларнинг товар айланмаси катта бўлмаган. Шунинг учун фойда меъёри ҳам жуда паст бўлган. Шундай бўлса-да, фаол тадбиркорлар ва савдогарлар сони номутаносиб тарзда кўпайиб борди<sup>2</sup>.

Савдогарлар ўзларига керакли товарларни сотиб олиш мақсадида доим бир ярмаркадан бошқасига ўтиб юришган. Энг ривожланган ва таникли ярмаркалар Франциянинг шимолидаги Шампань провинциясида жойлашган бўлиб, бу ердан Шимолий Европага бориш учун куляй савдо йўллари ўтган. Шампань ярмаркаларига Левантадан, Италиядан, шимолий мамлакатлардан ва Нидерландиядан тадбиркорлар ва савдогарлар келиб туришган. Улар юз йил давомида ҳар йили бу ярмаркаларда тўпланишар ва 32 хафта мобайнида савдо-сотик ишлари билан банд бўлишган. Ярмаркаларда газламалар, чарм, дорилармонлар, озиқ-овқат маҳсулотлари ва бошқа товарлар савдоси билан бир каторда, мулкни изярага бериш, ссудалар олиш, қарзларни йиғишириш, ва пулларни айирбошлиш каби ишлар яхши йўлга қўйилган. Бирок, ўша даврда Италияда “утроклашиб” қолган савдогарларнинг таъсири кучайиб борди. Денгиз бўйидаги шаҳарлар тез ривожланди. Дарё транспортининг ривожланиши ва шаҳар жойларидаги бозорларнинг кенгая бориши, аҳолининг савдогарлардан иборат қатлами (*negotiatores*)ни ҳаракатга келтирди. Айстульфанинг 750 йилда қабул қилинган ҳаммага таникли қонуни туфайли савдогарлар биринчи бор аҳолининг ижтимоий қатлами таркибида ўзига хос обрў қозона бошлади. Мамлакат кироли савдогарларни уч категорияга бўлди: йирик савдогарлар (*mariores* ёки *potentes*), нисбатан бойроқ савдогарлар (*sequentes*) ва майдо маҳаллий савдогарлар (*minores*). *Minores* табақасига мансуб бўлганлар шаҳардаги эркин аҳолининг қуий синф вакилларини ташкил этган<sup>3</sup>.

Римнинг VIII асрга тегишли тарихий ҳужжатларида савдогарлар қатори шаҳар жойларида яшаган ҳунармандлар тўғрисида ҳам алоҳида манбалар келтирилган. Ўша даврнинг қўли гул усталари, рассомлар, табиблар, тикдўзлар, чеварлар ва совунгарлар каби ўз ишининг моҳирлари бозор талабини қондириб борганлар.

<sup>1</sup> Луциатто. Экономическая история Италии (Античность и средние века): Пер. с итал. -М.: Иностранная литература, 1954. С.145.

<sup>2</sup> Июх. Кадимги Римда савдо-сотик муносабатлари яхши ривожланган. Лекин иктисолдий муносабатлардаги тадбиркорликка хос ёдандувларнинг илк кўринишлари Рим империясининг кулаши даврига тўғри келган.

<sup>3</sup> Луциатто. Экономическая история Италии (Античность и средние века): Пер. с итал. -М.: Иностранная литература, 1954. С.184.

Қадим замонлардан Италияning савдо-иктисодий муносабатларида Венеция, Генуя, Флоренция каби йирик ва буюк шаҳарлар муҳим стратегик аҳамиятга зга бўлиб, хозирга қадар мамлакат савдо капиталининг фаоллашувида муҳим роль ўйнайди. Демак, қадимги римликларнинг ҳукуқий қарашларида «тадбиркорлик» атамаси бирон-бир иш ёки фаолиятни, айниқса, тижорат фаолияти билан машғул бўлганларни англатган. Тадбиркор деганда, ижарага берувчи, жамоат қурилишларини амалга оширувчи инсонлар ҳам тушунилган<sup>1</sup>. Умуман, «тадбиркор» тушунчаси жуда кўп маъноларда қўлланилган<sup>2</sup>. Кейинчалик ташки савдо билан шугулланувчилар ҳам «тадбиркорлар» қаторига киритилган. Масалан, бундай тадбиркорлик билан шугулланганлардан бири Марко Полодир. У таниқли сайёхлардан бири бўлиб, Европа ва Хитой ўртасидаги савдонинг ривожланишига катта ҳисса кўшган.

Ўша давр шароитларида тадбиркорлар қаторига тантаналар, томошалар (ъини ярмаркалар, сайиллар, байрамлар, масҳарабозликка хос томошалар) ва намойишлар ташкилотчиларини киритгандар<sup>3</sup>. Шунингдек, йирик ишлаб чиқариш ва қурилиш лойиҳаларининг раҳбарларига нисбатан ҳам тадбиркор тушунчаси қўлланилган. Бундай раҳбарлар лойиҳаларни чизишмаган, балки уларни амалга оширишга раҳбарлик қилинган. Кўпинча бундай ишларга руҳонийлар<sup>4</sup> жалб қилинган бўлиб, улар ўзларининг билим савијаси билан бундай вазифаларни улдалай олган. XIV асрларда Италияда банк иши кенг ривожлана бошлади<sup>5</sup>. Кредитлари асосан феодал зодагон табақага берилган. Масалан, савдогарлар, мулқдорлар, катта ер эгалари банк кредитларидан унумли фойдаланишган. Айнан ўша даврларда Гамбург, Амстердам, Любек<sup>6</sup> каби йирик савдо марказларида факат кредит бериш эмас, балки воситачилик асосида ҳам мижозларнинг пул-маблағларини тартибга солиб турадиган банклар фаолияти кўрсата бошлаган.

Хулоса қилиб айтганда, қадимги Римда бирон-бир ишни улдалайдиган, ва ҳаммани ўзига жалб эта оладиган, қолаверса, Рим аҳлига, умуман мамлакатга наф келтира оладиган қобилият сохибини – тадбиркор деб юритилган ва унинг фаолияти тадбиркорлик бўлган.

#### 4.3. Италия иқтисодиётининг мўъжизаси

Италия иқтисодиётига хос мўъжиза 1950-йилларнинг ўрталаридан то 1970-йилларнинг ўрталаригача бўлган даврни ўз ичига қамраб олади. Бу давр мобайнида Италия иқтисодиёти тез суръатларда ўсида ва аграр-индустрialiал

<sup>1</sup> Белинов А. Малое предпринимательство: организационные и правовые основы деятельности. -2-е изд. -М.: «Ось-89», 1998. С. 7.

<sup>2</sup> Каранг: Бартоншек М. Римское право: понятие, термины, определения. -М.: Юридическая литература, 1989.

<sup>3</sup> Каранг: Каминка А. И. Основы предпринимательского права. -Пг.: Труд, 1917.

<sup>4</sup> Каранг: Hoseit B. F. The Early History of Entrepreneurial Theory. -Chicago. 1960.

<sup>5</sup> Изюх: Бу даврда Германия ва Нидерландияда ҳам худди шундай жараёнлар рўй берган.

<sup>6</sup> Основы бизнеса / Под ред. Ю.Б.Рубина. Учебник. 6-е издание, переработанное и дополненное. -М.: ООО «Маркет ДС Корпорейшн», 2005. С. 282.

мамлакатдан жаҳоннинг энг ривожланган, саноати илғор мамлакатларидан бирига айланга борди.

Маълумки, Италия Иккинчи жаҳон урушида жиддий талофат кўрган мамлакатлардан бири эди. Уруш тугагач, Италия иқтисодиётида жуда кенг модернизация жараёнлари бошланди. Бу жараёнларда италиялиқ ишбильармонлар ҳам алоҳида фаоллик олиб бордилар. Падан текислигида<sup>1</sup> топилган метан ва гидрокарбонатлар конининг ишга туширилиши эса қора металлургиянинг янада ривожланишига олиб келди. Италия пўлатларининг эритилиши АҚШнинг катта кўмаклашуви асосида амалга ошириб бориларди. Асосий мақсад шу бўлдики, бу саноатлаштириш туфайли нафақат миллий иқтисодиёт тармоқларини ривожлантириш, балки жаҳон бозорида рақобатлашувгacha бўлган жабҳалар қамраб олинди.

50-йилларнинг бошларидан Италия мисли кўрилмаган даражадаги ривожланиш босқичларини босиб ўтди. Мамлакат саноат маҳсулотлари ишлаб чиқариш бўйича ўртacha йиллик кўрсаткичларда фақат Япониядан кейинги ўринда турадиган даражада юксалди. 1959–1962 йилларда ЯИМнинг иқтисодий ўсиши йилига ўртacha 6,3 фоизга яқин бўлди. 1957–1960 йиллар мобайнида саноат ишлаб чиқаришнинг ўртacha йиллик ўсиши 31,4 фоизни ташкил этди. Куйидагилар энг зўр таассурот қолдирган тармоқларга айланди<sup>2</sup>:

- автомобилсозлик – 89 фоиз;
- аниқ машинасозлик – 83 фоиз;
- сунъий толалар ишлаб чиқариш – 66,8 фоиз.

Хуллас, 1953–1962-йиллар мобайнида саноат ишлаб чиқариш хажми уч мартаға ўди. Шунингдек, Корея уруши (1950–1953)<sup>3</sup> ва танклар ҳамда самолётларни ишлаб чиқариш билан боғлиқ пўлат хомашёсига бўлган эҳтиёж Италия иқтисодиётининг ўсишига қўшимча туртки берди. 1964 йилдан йиллик ўртacha ўсиш 8 фоизни ташкил этди<sup>4</sup>. Италиянинг саноати ривожланганроқ шимолий шаҳарларида (Милан, Генуя, Турин) ривожланиш янада тезроқ суръатларда рўй берди ва асосий маҳсулотлар куйидагилардан иборат бўлди:

- турли модадаги кийим-кечаклар ва пойабзаллар (асосан Миланда);
- босма машиналар (Оливетти фирмаси);
- кир ювиш машиналари;
- автомобиллар (Фиат, Ламборгини, Мазерати, Феррари);
- асбоб-ускуналар;
- бензин.

Италия импорт ва экспорт борган сари барқарорлашиб борди. Иқтисодий ўсишдан таъсиранган АҚШ президенти Джон Ф. Кеннеди Италия

<sup>1</sup> Изот; Падан текислиги Италиянинг шимолий қисмида (Альп, Апенинин ва Адриатика дегизи оралигига) жойлашган. Падан текислиги шимолдан жанубга 200 км ва гарбдан шарқка томон 500 км масофага чўзилган. Падан текислигининг умумий майдони 46 км кв. бўлиб, дегиз сатҳидан 400 км баландликда жойлашган.

<sup>2</sup> Boom economico // <https://it.wikipedia.org>

<sup>3</sup> Корея уруши (кор. 한국 전쟁) – 1950-йилнинг 25-июнидан 1953-йилнинг 27-июлигача чўзилган Шимолий Корея ва Жанубий Корея орасидаги уруш. Бирор, урушнинг расмий турда тўхтатилгани ўзлон килинмаган.

<sup>4</sup> Italy // <https://www.britannica.com/place>

президенти Антонио Сеньи билан Римда тушлик қилиб ўтирганда Италия иктисодиёти динамикасини жуда юкори баҳолаган<sup>1</sup>.

1951–1961-йилларда ижобий иктисодий конъюнктура шароитига саноат ишчиларининг иш ҳақи соатига ўртacha 20 фоизга ўсди. Лекин саноат конвейерли ишлаб чиқаришни кенг жорий этилиши натижасида иш ҳақининг бундай ўсиши ишчиларнинг жисмоний ва асад кувватларининг сарф харажатларига нисбатан ортиқ даражада номувофиқ эди.

Италия саноатининг илғор тармоқларига машинасозлик, металлургия химия, нефть-химия ва енгил саноат каби тармоқларни киритиш мумкин Талькидлаш жоизки, Италия ўша даврда автомобиллар (кўпроқ Alfa-Romeo ва Fiat русумидаги автомобиллар ишлаб чиқарилади), велосипедлар, мопедлар, тракторлар, кир ювиш машиналари ва музлатгичлар, радиоэлектро маҳсулотлари, саноатда ишлатиладиган асбоб-ускуналар, пўлат кувурлар, пластмасса ва химия толалари, автомобиль шиналари, шунингдек тайёр кийим кечаклар ва чарм пойабзаллари, макаронлар, пишлюқлар, зайдун ёғлари винолар, сабзавотли ва томат консервалари каби маҳсулотларни жаҳон бозорига етказиб берувчи илғор мамлакатлар қаторидан жой олган эди. Цемент ишлаб чиқариш, натурал эссенциялар, сабзавотлар ва гуллардан тайёрланган эфир мойлари, ойнадан тайёрланган бадиий буюмлар, фаянс ва ювелир буюмларини ишлаб чиқариш яхши ривожланган. Бирок, мамлакат ҳудудининг катта қисми қишлоқ хўжалиги учун яроқсиз ҳисоблангани учун озиқ-овқа маҳсулотлари асосан импорт туфайли келтирилади. Лекин пирит қазиб олиши симоб рудаси, табиий газ, калий тузи, доломит ва асбест конлари мавжуд. Мамлакат ҳудудининг кичиклиги ва аҳолининг ўта зичлиги туфайли чикиндиларнинг қайта ишлаб чиқариш жиддий муаммолардан ҳисобланади.

Иктисодий мўъжиза туфайли ўзгариб бораётган Италияни бора-бора “неокапитализм”<sup>2</sup> мамлакати, деб аташ одатта айланди. Аммо Италиядаги ҳудудий номутаносибликлар ва ижтимоий жиҳатдан чукур қарама-каршиликлар ҳақиқатда анъанавий ҳолда ўзига хос эди. 1973 йилдаги нефть қазиб олиш соҳасида рўй берган инқироз (Нефтяной кризис) туфайли мамлакатнинг иктисодий тараққиёти вақтинча тўхтаб қолди. Инфляция суръати ўсиб борди, энергия таъминотининг нарх-наволари ортиб бораради (Италия нефть ва табиий газ импортига жуда боғлиқ мамлакат ҳисобланади). Бу каби иктисодий пасайиш 1980-йилларнинг ўрталаригача давом этди.

#### 4.4. Италияда кичик бизнес корхоналарининг ривожланишида ўзига хос ҳусусиятлар

Италия ўзининг тузилмавий ислоҳотлари билан жуда кечикий ривожланиб бормоқда. XX асрнинг 50–60-йилларида тўқимачилик пойабзалчилик ва мебелсозлик соҳасида жуда кўп кичик корхоналар ташки-

<sup>1</sup> John F. Kennedy: Remarks at a Dinner Given in His Honor by President Segni.


<sup>2</sup> Неокапитализм – капитализмнинг бир кўриниши. Фарбдаги илмий иктисодий манбаларда социализмда кейин пайдо бўлган деб тушунирилмоқда (Глюссарийда батағфилроқ берилган).

түглиди. Уларнинг аксарияти мамлакатнинг шимолий қисмидаги жойлашган бўлиб, бундай корхоналар ўзининг кам харажатлилиги билан рақобатга чидамлилигини намоён эта олди. Бу тармоқлар сўнгги йилларга қадар нафақат турли Европа мамлакатлари, балки Жануби-Шарқий Осиё давлатлари ва, йи镍иқса, Хитой билан ҳам рақобат учун жуда заиф тармоқлар хисобланган.

Хозирги даврга келиб, итальянча бизнес тобора ривожланиб боряпти. Бироқ, Италияда бизнес құлувчи мафиялар ҳам шаклланғанды, улар айниқса Сицилияда жуда оммалашди. Бугунги кунда Италия ҳукумати ва жамиятни тартибга солувчи давлат органлари томонидан мафияга қарши чора-тадбирлар қонун доирасида амалга ошириб келинімокда.

Шундай бўлса-да, Италияning коррупция бўйича рейтингни яхши кўрсаткичларга эга эмас ва жаҳон бўйича 42-ўринни эгаллади. Бу эса Европанинг бошқа мамлакатларидаги худди шундай кўрсаткичга нисбатан солиштирганда ёмонроқдир. Шундай килиб, коррупция мамлакатнинг ривожланиш салоҳиятига жиддий путур етказиб келмоқда. Италияда коррупциянинг юқори даражада намоён бўлиши хуфёна иқтисодиётнинг ривожига ҳам турткি беради. Масалан, Италияда ЯИМ ҳажмининг 27 фоизи хуфиёна иқтисодиёт улушига тўғри келади<sup>1</sup>.

Хусусан, ЯИМни аҳоли жон бошига хисоблагандаги, расмий статистикада итальянларнинг яширинча (шу жумладан, наркобизнес, фохишибозлик, тамаки контрабандаси) фаоллигидан тушадиган тушумлари ҳам тақдим этилади. 2014 йилда хисоб-китобларга кўра ЯИМнинг йиллик ҳажми 2 фоизга ошган бўлсада, Италия иқтисодиёти стагнация ҳолатидан чиқа олмади. Экспертларнинг таҳлилича, 2011 йилнинг баҳоридан бери ЯИМ ҳажми ўзгаришсиз ҳолатда бўлиб, 2015 йилдан 0,3–0,5 фоизга камайиши прогноз қилинган.



4.4.1-расм. Италия аҳолисининг ўсиш суръати<sup>2</sup>  
(Утган йилларга нисбатан фоизда)

<sup>1</sup> <http://www.grandars.ru> // Экономика Италии.

<sup>2</sup> Муаллифнинг <http://countrymeters.info/ru/Italy> сайти маълумотлари асосида хисоблари асосида тузилган.

Бизнинг фикримизча эса агар иқтисодий муаммоларни вактинча деб ҳисоблайдиган бўлсак, демографик муаммолар Италия учун ёмонлашиб бормоқда<sup>1</sup>. Хусусан, 2005–2017 йилларда, яъни 12 йил мобайнида Италия ахолиси атиги 1375268 кишига<sup>2</sup> кўпайди<sup>3</sup>. Бу кўрсаткич орқали мамлакат ахолиси таркибидаги меҳнат ресурсларининг сони суст ўсаётганлигини билиш қийин эмас. Бу эса, ўз навбатида иқтисодиётнинг турли соҳаларидағи бандликка у ёки бу даражада салбий таъсир кўрсатиши мумкин (4.3.1-расм).

Италия ахолисининг бандликка доир таркиби куйидагича улушларда<sup>4</sup>: қишлоқ хўжалиги – 5 %; саноат индустрияси – 32 %; учинчи сектор<sup>5</sup> – 63 %.

Италия ҳудудининг шимолий ва жанубий қисмларидағи ўта юқори даражадаги фарқланиш мамлакатнинг иқтисодий кўрсаткичларидағи ўртача статистикани келтириб чиқаришга салбий таъсир қилиб қелмоқда. Хусусан, шимолий шаҳарларда яшовчи аҳолининг 3-4 фоизи аграр секторда иштирок этса, жанубий ўлкалардаги яшовчи аҳолининг 12-14 фоизи қишлоқ хўжалигидаги банддир<sup>6</sup>. Италия ривожланганлиги ҳисобига ЯИМнинг ахоли жон бошига тўғри келган улуши 28,4 минг АҚШ долларини ташкил этса-да, 2014 йилда ЯИМнинг ўсиши ноль кўрсаткичда бўлди. Сўнгти 10 йил мобайнида мамлакат иқтисодиёти уч марта рецессия ҳолатига тушган.

Фикримизча, агар Италияning иқтисодий муаммоларини ҳал этишга йўналтирилган чора-тадбирлар кўрилса, иқтисодиётни ривожланиш томонга силжитиш мумкин. Бироқ, мамлакатнинг демографик муаммолари ҳамон турғун ҳолатда қолмоқда.

#### 4.5. Италияда ижтимоий тадбиркорликнинг ривожланиши

Италия ижтимоий (социал) тадбиркорлик (*итал. Impresa Sociale*) соҳасида кўп йиллик тажрибага эга. Шунинг учун бу мамлакатни мазкур соҳани яратувчиларидан бири, деб ҳисоблаш анъанага айланган<sup>7</sup>. Европа мамлакатлари орасида Италия ижтимоий тадбиркорликни давлат миёсида қўллаб-куватловчи биринчи мамлакатdir<sup>8</sup>.

<sup>1</sup> Караганг: [// Этническая эволюция.](http://italy4.me)

<sup>2</sup> Муаллифнинг <http://countrymeters.info/ru/Italy> сайдига маълумотлари асосида ҳисоб-китоблари.

<sup>3</sup> Изоҳ: Ўзбекистонда 2005–2017 йилларда аҳолининг сони 5225377 кишидан кўпроқда кўпайди. Манбалар: <http://countrymeters.info/ru/Uzbekistan>; Ўзбекистон Республикаси йиллик статистик тўплами. –Т.: 2013. 28 бет.; Ўзбекистон ракамларда: Статистик тўплам. –Т.: 2016. 21 б.

<sup>4</sup> Манба: <http://italy4.me/interesnoe-ob-italii/naselenie.html>.

<sup>5</sup> Учинчи сектор – маъжуд нотижорат ташкилотларининг барча жабхаларини ўзида умумлаштирган тушунча. Бир катор давлатларда уларни ноҳукумат ташкилотлари, бошқаларига – жамият шаклидаги ташкилотлар, уччинчаларида – истиёрий, хайрия, нотижорат деб юритилиди. Уларни ривожлантириш учун маблагларнинг асосий манбай – хайриялар ва турли эҳсонлар ташкил этади. Аксарият ривожланган демократик давлатларда “учинчи сектор” фуқаролик жамиятининг асоси ва гуруру ҳисобланади. Мазкур сектор жуда кўп турли хил уюшмаларни ўчишга камраган бўллиб, жамият манфаати кўлида хизмат қиласади.

<sup>6</sup> Манба: Диспропорция “Юг-Север”. // <http://italy4.me/interesnoe-ob-italii/naselenie.html>.

<sup>7</sup> Марина Аларичева. Социальное предпринимательство: опыт Польши (рус.) // [www.cogita.ru](http://www.cogita.ru).

<sup>8</sup> Гришина Я.С. Сравнительно-правовое исследование социального предпринимательства в странах Америки и Европы. Научный журнал «Вестник Пермского университета» №2. 2012.

**Ижтимоий тадбиркорлик** – бу ижтимоий, маданий ёки экологик муаммолар ечимины инновацион тарзда жорий этиш ва молиялаштириш ҳамда турли ишланмалар учун венчур бизнес услубларидан фойдаланишидир<sup>1</sup>. Бу жиҳатдан ижтимоий тадбиркорлик иктиёрий (нотискорат, кўнгилли) сектор сифатида намоён бўлади.

Италия моделидаги ижтимоий корхоналар Европа Иттифоки аъзолигидаги бошқа давлатларда синовдан ўтиб, Польша ва Бельгияда оммалашди. 2006 йилда ушбу фаолият турини тартибга солувчи асосий қонун қабул қилинди. Қонунга кўра иккисодий фаолияти барқарор ва ижтимоий аҳамиятта эга бўлган товарлар ишлаб чиқариш ва хизматлар кўрсатишга йўналтирилган корхоналар ижтимоий корхоналар деб юритилади (уларнинг рўйхати мамлакатда қабул қилинган 155/2006 рақами қонунда келтирилган).

Ижтимоий кооперативлар италияча ижтимоий тадбиркорлик тузилмасининг бош бўғинини ташкил этади. Ижтимоий кооперативлар фаолиятини тартибга солувчи қонун 1991 йилда қабул қилинган бўлиб, бундай тадбиркорлик тарихда биринчи бор ҳукукий мақомга эга бўлди. Чунки «Impresa Sociale» журнали 1990 йилда Италия бўйича «ижтимоий корхона» атамаси матбуотда кенг кўлланаётганлигини қайд этди. Бу атаманинг келиб чиқиши 1980-йиллардаги кооператив ҳаракатлар туфайлидир<sup>2</sup>, деб тушуниш қийин эмас.

Италия янги корхоналарининг асосий хусусияти шундан иборат эдикси, уларнинг яратилиши аҳолининг меҳнат бозоридан истисно тарзидаги қатлами, қолаверса, меҳнат интеграциясининг зарурати билан боғлиқдир. Роман-герман тизими анъаналаридан фарқли равища корпоратив кўринишдаги кооперативларнинг ҳукуклари уларга аъзо бўлиб киргандарнинг барча эҳтиёжларини қондиришга йўналтирилган. Ижтимоий кооперативлар тўгрисидаги қонунга кўра ижтимоий корхоналар икки гуруҳга бўлинади. «A» (ижтимоий хизмат кўрсатиш) гуруҳига соғликни сақлаш, таълим, қариялар ва ногиронларга ғамхўрлик кўрсатиш бўйича хизматлар кўрсатувчи кооперативлар киритилган. «B» гуруҳига эса аҳолининг барча сегменти (жисмоний ёки ахлий жиҳатдан ногиронлар, собиқ ва айни пайтдаги руҳий касал бўлганлар, наркотик моддаларга ва турли алкоголькларга ружу қўйганлар, ҳибса олинганлар) учун ҳар қандай хизмат кўрсатувчи ижтимоий корхоналар киритилади. Шу билан бирга, ишчилари 50 фоиздан кўпроқ бўлган корхоналарда кўнгиллилар роли чеклаб ва тартибга солиб борилади. Италия ижтимоий кооперативларида кўнгиллилар ҳукукий мақомга згадир. Кўнгиллилар иш ҳақи олмасалар-да, уларга давлат томонидан тиббий сугурта қафолати берилади<sup>3</sup>.


<sup>1</sup> The New Heros, What is Social Entrepreneurship, Oregon Public Broadcasting, 2005.

<sup>2</sup> Defourny J., Nyssens M. Conceptions of Social Enterprise in Europe: Recent Trends and Developments // EMES WP, 2010. №08/01. P. 101.

<sup>3</sup> Закон о социальных кооперативах [Электронный ресурс]: ДЗ №94 от 27.04.2006 // УРЛ: <http://www.ngo.pl/files/rus.ngo.pl/public/prawne/zakonokooperativkh.pdf> (дата обращения: 14.01.2012). С.2.

#### 4.6. Иқтисодиётни ривожлантиришдаги мінтақавий хусусиятлар ва тармоқ түзилишига кичик тадбиркорликниң таъсири

Италия иқтисодиётининг ривожланиши мінтақавий (регионал) жиһатдан ўзига хослик касб этади. Бу ўз навбатида мамлакатда кичик тадбиркорлик түзілмаларининг ривожига ҳам таъсир этган. Италияда бир-биридан фарқланувчи учта мінтақавий иқтисодий ҳудудлар мавжуд (4.6.1-расм).



4.6.1-расм. Италияның уч хил иқтисодий мінтақаларыда кичик бизнеснинг турлыча ривожланиши<sup>1</sup>

Биринчиси, мамлакатнинг шимоли-гарбий қисміда шаклланған. Милан, Турин, Генуя каби йирик шаҳарлар бу ҳудуднинг маркази ҳисобланади. Бу ҳудудларда жуда күп йирик саноат корхоналари жойлашған бўлиб, улар узлуксиз технологик жараёнлар ёки оммавий ишлаб чиқаришига ихтисослаштирилган. Шунга мос равишда бу ҳудудда кичик ва ўрта корхоналарнинг ривожланиши йирик корхоналарга боғлиқ ҳолда амалга оширилади. Кичик ва йирик корхоналарнинг ўзаро алоқадорликдаги тараққиёти нафакат саноатнинг ўзини, балки барча турдаги соҳаларни, яъни саноатга

<sup>1</sup> Расм ишлами муродидан ишланған. Мағба: <http://marcello.mineduza.it/wp-content/uploads/2017/01/Italy-2017-01-19.pdf>

хизмат күрсатиши, молия ва техника, лойиҳалаштириш ва инновация, таъминот ва савдо соҳаларини ҳам ўз ичига олади.

Италияниң иккинчи иқтисодий минтақасига шимоли-шарқий ва марказий ҳудудлар киради. Тоскана (Флоренция), Эмилия-Романья ва Венето шу ҳудуднинг марказлари хисобланади. Бу ҳудудларда кичик ва ўрта корхоналар мустакил ривожланади. Юзлаб, ҳаттоқи минглаб кичик корхоналар жойлашган бу ҳудудда саноатнинг анъанавийлиги ўзига хос. Бу ҳудудда мавжуд кичик ва ўрта корхоналар керамик плиткалар, кийим-кечак, пойафзал, трикотаж ва бошқа турдаги саноат маҳсулотларини ишлаб чиқаришига ўта юкори даражада ихтисослашган.

Италияниң жанубий ҳудудлари учинчи иқтисодий минтақа (регион)га таалтуқли бўлиб, Неаполдан то Сицилиягача бўлган ерларни ўз ичига олган. Бу ҳудудларнинг иқтисодий жиҳатдан ривожланиши бошқа ҳудудларга солиштирганда жуда паст даражада. Ижтимоий муҳити ҳам мувозанатлашмаган ва бундай муҳит ҳозиргacha ҳам мавжуд.

Хукуматнинг бу ҳудудни саноатлаштиришга бўлган сайд-ҳаракатлари, шунингдек, кичик корхоналарни ривожлантириш максадида хусусий инвестицияларнинг жалб этилиши кутилган натижани бермаган. Доимий миграция ва, айниқса, аҳолининг ташаббускор табақасига таалтуқли бўлганларнинг бошқа ҳудудларга кўчиб ўтиши бу ҳудудда кичик бизнеснинг ривожланишига салбий таъсир кўрсатган.

Шундай қилиб, Италияда тадбиркорлик шаклларининг ривожланиши ва тараққиёти, иқтисодий жиҳатдан бўлинган минтақаларнинг ўзига хос хусусиятларига кўра боғлиқ бўлган ҳолда амалга ошади. Шу билан бирга, кичик корхоналарнинг ҳаётйлиги, энг аввало, мамлакатда мавжуд жамиятнинг ижтимоий ва институционал тузилмаларига ўзининг ижобий таъсирини кўрсатиб келмоқда.

#### 4.7. Италияда кичик ва ўрта бизнеснинг ривожланиши

Италия тажрибасига кўра юксак тарақкий этган иқтисодиётни барпо этиш учун ишлаб чиқаришни йирик корхоналар асосида куришга ҳожат йўқ, балки кичик корхоналарнинг ўзи иқтисодиёт тараққиёти учун кифоя.


Хусусан, статистик маълумотларга қараганда, Италияда ялти ички маҳсулотнинг ўсиши 3–5 фойзни ташкил этади ва ишлаб чиқариш кўрсаткичлари бўйича АҚШ, Япония, Германия ва Франциядан кейин 5-ўрини эгаллайди.<sup>1</sup> Бу давлатда кичик бизнеснинг ўзига хос хусусияти шундаки, йирик фирмаларда ишлаш билан бирга ўриндошлик бўйича кичик ва ҳунармандлик корхоналарида ҳам меҳнат қилиш учун кенг имкониятлар яратилган. Шунингдек, ишлаб чиқариш тузилмасининг энг муҳим таркибий қисмларидан бири кооператив (ширкат) секторидир.

<sup>1</sup> Гашки иқтисодий алоқалар вазирлиги ИБ – 2005 йил.

Мамлакатда кичик бизнеснинг кооперация шакли жуда ривожланган. Айрим илмий манбаларда бундай кичик корхоналар турини «саноатлаштиришнинг итальян модели» деб ҳам юритилади. Бундай саноат кооперативларининг самарадорлиги шундаки, улар маҳаллий имкониятлардан самарали фойдалана оладилар. Бунинг натижасида корхоналар бир қанча имкониятларга эга бўлади, жумладан:

- корхоналаро муносабатлар мослашувчанлиги юзага келади;
- корхоналарга ташкилот, уюшмалар ва институтлар томонидан кўрсатиладиган хизматларга оид маълумотлар олиш имконини берадиган аник ахборот тизими юзага келади;
- миллий маҳсулотни ташки бозорларга олиб чиқишида кичик корхоналар етакчи мавқега эга бўлади;
- тармоқ усулида ташкил этилган кичик ишлаб чиқариш кооперативларида бандлик юқори даражада бўлади.

Ейдаги каби Италияда барча хўжалик юритувчи субъектлар 4.7.1-расмда келтирилганидек турларга бўлинади. Бунда кичик ва ўрта корхоналар ўз навбатида яна уч турга бўлинади.



4.7.1-расм. ЕИда хўжалик юритувчи субъектларнинг тузилиши

Иқтисодчиларнинг фикрига кўра Италия иқтисодиётида турли тармоқлардаги фаолият юритувчи кичик корхоналарни технологик жиҳатдан бирлаштиришга эътибор қаратилади, яъни, «конstellация»<sup>1</sup> алоҳида ўрин эгаллаган. Бунинг мазмуни шуки, мураккаб тайёр маҳсулотни ишлаб чиқаришида бир-бирига боғлиқ бўлган, чекланган миқдордаги корхоналар бирлашиб фаолият юритади. Бирлашган корхоналарнинг бири маҳсулот тайёрлаш жараёнини бажарса, бошқалари технологик жараённи амалга оширадилар, баъзилари эса савдо билан шугууланадилар. Натижада нафакат маҳсулот ишлаб чиқариш, балки ишлаб чиқариш кўлами ҳам кенгаяди ва сотиш муаммоси ҳал бўлади. Конstellацияда етакчиликни охирги босқичдаги ишларни бажарадиган корхона амалга оширади. Улар буюртмаларга асосан бошқа фирмалардан барча керакли бутловчи кисмларни сотиб олади.

<sup>1</sup> Изоҳ: “constellazione” – юлдузлар туркуми демакдир.

Бундай вазиятларда кичик корхоналар фаолияти ўзаро мувофиқ тарзда ҳаракат килади. Турли консталляцияларда ҳамкорлик қилиш, бозор талабининг кенгайишига олиб келади. Шунингдек, эркин рақобат муҳити яратилади, маҳсулот таннархи пасаяди ва нархнинг пасайиши рўй беради.

#### 4.7.1-жадвал.

#### **Италияда ишчилар сонига кўра корхоналар классификацияси<sup>1</sup>**

Корхоналар маҳоми		Ишчилар сони
Микрофирмалар		19 кишигача
Кичик корхоналар		20-99 кишигача
Үрга корхоналар	(кичик) (катта)	100 дан 199 кишигача 200 дан 499 кишигача
Йирик корхоналар		500 кишидан кўп

Италияда кичик бизнес субъектлари деганда одатда микрофирмалар ва кичик корхоналар тушунилади. Микрофирмаларда иш билан банд бўлганлар 19 кишигача бўлса, кичик корхоналарда 20-99 кишигачадир (4.7.1-жадвал). Мамлакатда 99 фоиз корхоналар кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик фаолияти билан машғул. Масалан, 2004 йилда бундай корхоналар сони 3,6 миллионта бўлиб, уларнинг 65 фоиз индивидуал корхоналар ҳисобланган. Италияда жами корхоналарнинг 60 фоизини ташкил этган микрофирмалар савдо ҳажмининг 40 фоизини амалга оширади. Үрга корхоналар эса кичик ва катта кўринишдаги корхоналарни ўз ичига олиб, булар ишчиси 499 кишигача бўлган корхоналардир. Шунингдек, 500 дан кўп ишчиси бўлган корхоналар йирик бизнесга тааллуклидир.

Италияда кичик бизнесни юритишига қарор қилган киши шундан хурсанд бўлиши керакки, хорижий ҳамкорлар билан ташкил этилган корхоналарга нисбатан хеч қандай дискриминация кузатилмайди<sup>2</sup>. Тайёр корхонани сотиб олинса ҳам, ёки ўз бизнесини бошидан бошлаган шахслар ҳам ҳукумат томонидан хеч қандай тўсиққа учрамайдилар. Котиб, директор ёки бухгалтерни мажбурий ёллашга талаблар қўйилмайди.

Италияда ишчилар сонидан ташқари 4.7.2-жадвалда келтирилганидек, бошқа мезонлар асосида ҳам кичик бизнес субъектлари табақалаштирилади. Масалан, капитал қўйилмалар ҳажми ёки корхоналарнинг йиллик савдо ҳажмига кўра корхоналар градацияси ишлаб чиқилган.

Италияда иш билан банд этиш сиёсатидаги ўзгаришларга оператив мослашиш, ишлаб чиқариш тизимларини тез тартибга солиш, ўз

<sup>1</sup> <http://www.e-reading.club/chapter.php?84334/24/> Критерии определения малого и среднего бизнеса за рубежом.

<sup>2</sup> Изоҳ: Европанинг бошқа ривожланган мамлакатларидаги у ёки бу дарёжадаги дискриминацияни кузатиш мумкин. Масалан, Франциядаги янги иш бошлаган тадбиркорлар жуда кўп қийинчиликларга учраши табиий хрол. Бу қийинчиликлардан «сараплангилар» тагине бизнес билан шугулланишига кенг йўл очилади.

маҳсулотларини истеъмолчиларгача етказиб бериш чораларини кўриш хисобига саноат ва хизмат кўрсатиш соҳасида кўпроқ кичик тадбиркорлик тизимлари динамик жиҳатдан устунликка эришган.

#### 4.7.2-жадвал

#### **Италияда турли мезонлар асосида кичик бизнеснинг табакаланиши<sup>1</sup>**

Мезонлар	Корхоналар		
	микро-	кичик	ўрта
Ишчилар сонига кўра, (кишидан ошмаган ҳолда)	10	50	250
Капитал қўйилмалар ҳажми, млн. евродан ошмаган ҳолда	2	10	43
Йилик савдо ҳажми, млн. евродан ошмаган ҳолда	2	10	50

Италияда ёш тадбиркорлар учун юқори дараҷадаги чегирмалар жорий этилган. Шунингдек, тадбиркор ўз фаолиятини бошлаш ва давом этириши, бозорга қандай чиқиши, ишбилармон шерикларини қандай топиш ҳакидаги маслаҳатларни текинга олиши мумкин. Бундан ташқари у ўзини қониқтирадиган нархга ижарага иморат ва хусусий бизнесни бошлаш учун керакли асбоб-ускуна сотиб олиб, амалий ишда синааб кўриши мумкин<sup>2</sup>.

Бироқ, эътиборлоси шундаки, Италия солиқ тизимида кўп ўзгаришлар бўлиб туради. Солиқ тизимидағи исложотлар узок давомлидир. Аммо оддийлиги жиҳатидан айрим давлатларга қараганда фарқ қиласди. Масалан, Швеция ёки Франциянинг солиқ тизимиға нисбатан солиштирилганда соддароқ кўринишга эга. Яхши бухгалтер солиқ тўлаш жараёнларида маҳаллий қонунчиллик асосида солиқ ставкаларини шундай пасайтириш имкониятини яратиши мумкинки, бу аксарият кичик корхоналарда учрайдиган табиий ҳолатдир. Хизмат кўрсатишда ҳам анча арzon нархлар кўлланилади, Европа Иттифоқининг бошқа мамлакатларида Италияга ўхшаши йўқ.

Иқтисодиётнинг устувор соҳаларида фаолият кўрсатётган кичик бизнес корхоналари солиқ тўловларидан озод этилади ва шунинг хисобига бундай кичик бизнес корхоналари 1000 лира атрофида мукофот тарзидаги маблағга эга бўлади. Илфор технологияларни жорий этган, меҳнат унумдорлигини оширган, сотиши учун янги бозорларни топиб ўзлаштирган, маҳсулот сифатини оширган ва илмий-тадқиқот ишларини олиб борган кичик бизнес корхоналар учун солиқ тўловлари камайтирилади.

Барча Европа давлатларида бўлгани каби Италияда ҳам давлат томонидан инновацияни кўллаб-қувватлашга алоҳида эътибор берилади. Масалан, Италияда «Янгиликлар жорий қилишининг технологик фонди» фаолият кўрсатиб боради<sup>3</sup>. Ушбу фонднинг асосий вазифаси Италияда мавжуд марказий

<sup>1</sup> Лапуста М.Г. Малое предпринимательство: Учебник. –М.: ИНФРА-М, 2008. С. 20.

<sup>2</sup> Изюх: Бундай ёндашувлар Буюк Британияда ҳам жорий этилган.

<sup>3</sup> Карапнг: Медынский В.Г., Шаршукова Л.Г. Инновационное предпринимательство: Учебное Пособие. –М.: ИНФРА-М, 1997. С. 159.

на тижорат банклари, сугурта компаниялари ва турли фонdlар билан ўзаро ҳамкорликда, кичик бизнес корхоналарининг инновацион фаолиятини самарали ташкил этиш учун чора-тадбирлар кўриб боради.

#### **4.8. Италияда кичик ва ўрта бизнес корхоналарини кўллаб-куvvатлашнинг давлат тузилмасидаги ислоҳотлар**

Италияда тадбиркорликни ривожлантириш йўлидаги давлат сиёсати доимо такомиллашиб борди. Чунки кичик бизнес ва тадбиркорликнинг ижтимоий-иктисодий аҳамияти кундан-кунга ошиб борарди. Шу боис кичик бизнес секторини ривожлантиришга йўналтирилган имкониятларни кенгайтириш массадида бир қатор меъёрий ҳужжатлар тадрижий (эволюцион) тарзда қабул қилинди (4.8.1-расмга қаранг). Шундай қилиб, КЎКларни ривожлантиришнинг давлат стратегияси ЛЗ17/91; Л488/92; ЛЗ41/95 каби қонунлар ва бир қатор бошқа ҳукукий актлар билан белгиланган бўлиб, қуидагиларга йўналтирилган<sup>1</sup>:

1994 йилда «Янги корхоналарга кўмаклашиш ва фойда реинвестициясини рағбатлантириш тўгрисида».

1990 йилда «Хорижда Италия КЎКлари иштирокида кўшма корхоналар яратиш тўгрисида».

1982 йилда «Технологик инновациялар фондини ва Ҳунармандларнинг лойиҳалари фондини яратиш тўгрисида».

1981 йилда «КЎКларнинг экспорт консорциумларини яратиш тўгрисида».

1977 йилда «Кредитлаш ва экспортни сугурталаш тўгрисида».

1965 йилда Янги асбоб-ускуналарни сотиб олишга кўмаклашиш тўгрисида».


1965 йилда «КЎКларни кредитлаш учун марказий хизмат кўрсатишни яратиш тўгрисида».  
(Медиокредито Централе)

**4.8.1-расм. Кичик бизнесни ривожлантиришга йўналтирилган қатор меъёрий ҳужжатларининг тадрижий (эволюцион) тарзда қабул қилиниши<sup>2</sup>**

<sup>1</sup> <http://kipr.ru/analytics/material/foreignsupportexp.php> // Зарубежный опыт поддержки малого и среднего предпринимательства.

<sup>2</sup> Расм муаллиф томонидан ишланган.

- худудларнинг иқтисодий тараққиётига кўмаклашиш (айниқса, жанубий худудлар);
- ИТ ва ТКИ (НИОКР)ни кўллаб-куватлаш ва янги технологияларни жорий этиш;
- жаҳон бозорларида кичик ва ўрта корхоналар маҳсулотларининг рақобатбардошлигини ошириш;
- худудий ишлаб чиқариш комплекси доирасида жуда кўп кичик ва ўрта корхоналар иштирокида ишлаб чиқариш ва технологик ҳамкорлик кооперациясини ривожлантириш;
- Италия кичик ва ўрта корхоналарининг байналминаллашуви (интернационализация)га кўмаклашиш;
- янги иш бошлаган корхоналар учун бошланғич капитални шакллантириш ва улар фаолиятига кўмаклашиш.



4.8.2-расм. Италияда КУКларни кўллаб-куватлашнинг давлат тузилмаси<sup>1</sup>

2000 йилдан бошлаб ҳудудлардаги хукукий мақомлар янада сезиларли кенгайиб борди. Хусусан, тадбиркорлик инфратузилмаларини ривожлантириш, бошқариш ва қўллаб-куватлашнинг (ўкув ва ахборот марказлари, бизнес инкубаторлар, технопарклар ва ҳоказолар) хукукий таъминоти бўйича бир

<sup>1</sup> Манба: <https://kfpp.ru/analytics/material/foreignsupportexp.php> // Зарубежный опыт поддержки малого и среднего предпринимательства.

катор чора-тадбирлар кўрилди. Бу каби тадбирларнинг амалга оширилиши тегишли вазирликлар орқали жиддий назоратга олинди.

Хулоса қилиб айтганда, Италияда кичик ва ўрта бизнес корхоналарини кўллаб-кувватлашнинг давлат тузилмасидаги ислоҳотлар туфайли кичик ва ўрта бизнес субъектлари фаолияти жадаллашди. Шу билан бирга, худудий инфратузималар фаолияти кенгайди.

#### **4.9. Италия кичик бизнесида кластер шаклидаги ўзаро алоқаларнинг ривожланиши**

Бугунги кунда Италияда кичик ва ўрта корхоналарнинг ривожланишида кластер шаклидаги ўзаро алоқаларнинг ривожланиши авж олган<sup>1</sup>. Саноат округлари Италиянинг худудий кластерларига ёрқин мисолдир.

1960-1970-йилларда Р. Пике, Дж. Бекаттини и В. Сенгенбергер каби иктисадчиларнинг тушунтиришларига кўра, кичик ва ўрта фирмаларнинг юкори самарадорлиги, улар бир жойга тўплланганлигининг натижасидир. Шу билар бирга, бундай (кластерларга асосланган) саноат округларида бозорнинг барча фирмалари учун малакали ишчи кучининг умумий шаклланганлиги, меҳнатнинг муайян тақсимланиши ва инновацияларнинг тез тарқалиши кўпроқ ғуватилган. Саноат округларининг ўзига хос хусусияти шундан иборат бўлдики, бу худудларда кўл меҳнати ижодиёти энг янги техник ва технологик ишланмалар билан бирга амалий жиҳатдан кенг кўлланилди<sup>2</sup>.

Дарҳақиқат, кластер асосидаги ихтисослашувда корхоналар ўзаро узвий боғланган тарзда фаолиятларини олиб борадилар. Бу дегани улар бир-бирининг фаолиятларини тўлдирган ҳолда бозор муҳитида тенг ҳукуқли субъект ишфатида иштирок этадилар. Кластер асосида ихтисослашган кичик корхоналар ўзаро ҳамкорлик асосида ишлаб чиқариш муносабатларида қатнашади ва ширекларни танлашда тўлиқ мустақилликка эгадирлар. Ҳар бир кичик корхона бир-бирисиз фаолият кўрсата олмайдиган ишлаб чиқариш жараёнининг бир босқичи билан шугулланади.

Бугунги кунда Италияда тарихан зона-тизим асосида шаклланган худудий саноат округлари мавуд. Бундай саноат округларида кўплаб кичик ва ўрта бизнес корхоналари тўплланган. Уларнинг барчаси у ёки бу ишлаб чиқариш гармоғига ихтисослашган бўлиб, бу кичик ва ўрта корхоналарда ташловчиларнинг аксарияти маҳаллий аҳоли вакиллариридир. Маҳаллий аҳоли эса дарё водийларида ёки транспорт магистрали бўйлаб, ёхуд денгиз бўйларида зич койлашган. Саноат округларининг афзаллигини қўйидагиларга ажратиш мумкин:

– худудлар маъмурияти учун: солиқ базаси ва солиқ тўловчиларнинг миқдоран ўсиши, бизнес билан боғланниш учун куладай воситаларни кўллаш,

<sup>1</sup> Изоҳ: Кичик бизнес ве тадбиркорлик субъектларининг буддай ривожланиши айни даврда Хиндистанда, Илонияда ва Европанинг айrim мамлакатларида ҳам кенг авж олган. (A.O.).

<sup>2</sup> <https://cyberleninka.ru/article/n/klastery-odin-iz putey-rазвitiya-malogo-biznesa.pdf> // Дмитриева О.А. Кластеры – один из путей развития малого бизнеса. С. 51.

алоҳида бизнес-гурухларга боғлиқ бўлиб қолишни пасайтириш, худудни иқтисодий ривожлантириш ва диверсификациялаш учун замин яратиши;

– бизнес учун: кадрлар инфратузилмаси, тадқиқот ва ишланмалар учун инфратузилма, харажатларни пасайтириши, халқаро бозорларга муваффақиятли чиқиш имкониятларини яратиши.



4.9.1-расм. Италия кластерларига кирадиган корхоналарнинг ўзаро алоқалари<sup>1</sup>

Албатта, кичик корхоналар ўз мустақиллигини саклаб, маҳаллий бозорлarda рақобатлашадилар, лекин маркетинг тадқиқотларини, айrim саноат босқичларидаги технологик ишланмаларни, ташки бозорларга чиқиш ва хоказоларни амалга ошириш учун ўз ресурсларини бирлаштирадилар. Худди шу жараёнларда уларнинг устуворликлари намоён бўлади.

Кластер шаклидаги ўзаро алоқаларда микро фирмалар, кичик ва ўрта корхоналарнинг бирикиши натижасида ишлаб чиқариш ёки хизмат кўрсатиш амалга оширилади. Италияда бундай кластерлар таркибида субпудратчиларни

<sup>1</sup> Манба: Ходиев Б.Ю., Самадов А.Н., Юсупов М.С. ва бошқалар. Кичик тадбиркорлик фаoliyati асослари. 1-кисм: Ўкув-амалий қўлланма. EX ТЕМПУС дастури «Матадор-2000» лойиҳаси, 2004. 134 бет.

уюштирган йирик корхоналар ҳам бу каби жараёнларда иштирок этиши мүмкин. Айрим кластерлар фақат биргина ишлаб чиқариш жараёнига ихтисослашган бўлади. Бошқалари эса бир-бирига туташ фаолият соҳаларини ёки пировард натижада битта йирик тармоққа хизмат кўрсатадиган турли ишлаб чиқариш ва сервис соҳаларини ўз ичига қамраб олган. Кластерлардан жамланган кичик корхоналарнинг рақобат курашидаги афзалликлари учта жиҳати билан муҳимдир<sup>1</sup>.

**ихтисослашув; кооперация; эгилувчанлик.**

Ихтисослашув маҳсулот сифатини назорат қилиш билан боғлик муаммоларнинг самарали ечимини топишга имкон яратади. Ихтисослашув асосида фирма бир хил фаолият тури билан шуғулланиб, у ўша йўналишда атрофлича мукаммал иш юритишга ва доимий изланишга ўрганади.

Кооперация кичик корхоналарнинг ўзаро алоқаларини таъминлашда муҳим роль ўйнайди. Кооперация туфайли кичик корхоналар ўзларининг заиф жиҳатларини ўзаро компенсация қилишлари мумкин. Кооперация муносабатлари бозордаги талаб ва таклиф ўзгаришларига жуда тез сезувчанликни намоён этади.

Эгилувчанлик Италия кичик корхоналарининг фаолиятидаги асосий унсур ҳисобланади. Кичик корхоналарни бозор ўзгаришларига ҳозиржавоб бўлишга ундейди.

Италияда кичик бизнес корхоналарининг бир тармоқ ёки бир турдаги маҳсулот ишлаб чиқаришга ихтисослашуви сифат даражасининг ошишига сабаб бўладиган омилдир. Бу ерда кластерлар турли ҳажмда бўлиб, бир неча мингта яқин корхоналарни қамраб олади. Шу нуқтаи назардан олганда, Италия кичик корхоналари ўзининг жипслашуви ва ихтисослашуви билан машкурдир. Кичик корхоналарнинг ўсиш суръатлари ва бу каби корхоналарда ишлаб чиқариш ҳажмининг ошиши жиҳатидан Европанинг бошқа давлатлари билан тенглаштириш мумкин.

Баъзан кластер таркибидаги ҳар бир корхонанинг ўз-ўзидан тартибсиз ҳаракатланишини кўриш мумкин. Бироқ, ҳар бир кластерда гурух мавжуд бўлиб, устахоналар ва заводларнинг асосий машғулоти занжирнинг халқасидек, бир-бирига боғлиқлик касб этади. Улар ўртасида энг мақбул иқтисодий муносабатлар ўрнатилган бўлиб, бундай жараёнларда юзлаб кичик бизнес субъектлари иштирок этиши аниқ.

Эътиборлиси шундаки, сўнгти йилларда Италия тажрибаси тараққий этган иқтисодиётни барпо этиш учун ишлаб чиқаришни, йирик корхоналар асосида куришга ҳожат йўқлигини яққол намоён этмоқда. Айни даврда Италия ва бу каби ривожланган мамлакатлар тажрибаларида кичик бизнеснинг қуидаги афзал томонларини кўриш мумкин:

– биринчидан, Италияда (ва ривожланган давлатларда) кичик бизнесни ривожлантириш муҳим иқтисодий омиллар қаторига киради. Кичик бизнесни қўллаб-куватлашга доир ҳар қандай чора-тадбирлар давлат аҳамиятига молик.

<sup>1</sup> Ходиев Б.Ю., Самадов А.Н., Юсупов М.С. ва бошқалар. Кичик тадбиркорлик фаолияти асослари. 1-кисм: Ўқув-амалий кўйлланма. ЕХ ТЕМПУС дастури «Матадор-2006» лойиҳаси. 2004. 135 б.

- Иккинчидан, ички бозорни товар ва хизматлар билан тұлдиришда кичик бизнес корхоналарига устуворлик берилади. Шу тариқа экспортнинг ривожланишига замин яратилади ва ақолининг иш билан бандлиги муаммосини бартараф этишга күмаклашилади. Бу ақолининг реал даромадларининг ўсишига сабаб бўлади.

- Учинчидан, кичик бизнес корхоналарида ишлаб чиқариш йўналишларини тез ўзгариши мумкин. Шунинг учун кичик бизнес корхоналари рақобат мухитида бардошли ҳисобланиб, бозор ўзгаришларига турли маневрлар асосида тез мослаша олади. Айниқса, иқтисодиётнинг глобаллашуви шароитларида, жаҳон бозорида рақобат таранглашадиган бир пайтда, йирик корхоналарга нисбатан олганда, кичик бизнес корхоналари рақобатбардошлилиги билан ажралиб туриши мухимдир.

Халқаро савдо бозорларида Италия кичик бизнес корхоналари муваффакиятли фаолият кўрсатиб, юқори сифатли товарлар экспортини яхши йўлга кўйган. Айниқса, озиқ-овқат маҳсулотлари ва бошқа истеъмол товарларининг экспорти салмоқли ўринни эгаллайди. Шунингдек, Италия ярим тайёр маҳсулотлар ва бутловчи қисмлар, станоклар, тўқимачилик ва терига ишлов бериш, қишлоқ ҳўжалиги маҳсулотларини қайта ишлаш ва қадоқлаш, ёғочни қайта ишлаш, керамика ва металлга ишлов бериш ускуналари ҳамда «мини» технологиялар экспорти бўйича етакчи мамлакат ҳисобланади. Италия кичик корхоналарида экспорт учун ишлаб чиқариладиган товарларнинг дизайнига алоҳида зътибор берилади.

Шу ўринда «Италия кичик корхоналари бу даражадаги экспорт салоҳиятига қандай эришган?», «Товарлар ўртасидаги рақобатбардошлик нима ҳисобидан кучли?» – деган саволлар туғилиши табиий. Бундай саволларга жавобни алоҳида олинган кичик корхоналардан эмас, балки маълум бир турдаги маҳсулотни ишлаб чиқариш бўйича ихтисослашган, меҳнат тақсимотига эга ҳамда ягона мақсад йўлида уюшган корхоналар тизими – «кластерлар» ёки «саноат туманлари» негизидан топиш мумкин. Шунинг учун ҳам тадбиркорлар, мутахассислар ва олимлар «кластерлар»га жуда катта қизиқиш билан қарайдилар. Шундай қилиб, Италияда кичик корхоналар саноатнинг бир тармоғига ёки бир турдаги маҳсулот ишлаб чиқариш жараёнинга ихтисослашар экан, бу тармоқнинг туташ соҳаларида фаолият юритувчи корхоналар ҳам ихтисослашувнинг амалга ошишидан манфаатдор. Италиянча бу ихтисослашувни «кичик корхоналарнинг кластерлари» деб атапади. Бундай ихтисослашувда корхоналар бир-бирларига узвий боғланган бўлади. Аммо бу улар бир-бирига қарам дегани эмас.

#### 4.10. Италияда кичик ва ўрта бизнес корхоналарини кредитлаш

Италияда кичик ва ўрта бизнес корхоналарига ўз вақтида молиявий ёрдам кўрсатилса, уларнинг муваффакиятли ривожланиши турғун ва давомли бўлади. Бу мамлакатда асосан кооператив кредитлаш анъанаси устувор бўлиб, анча ривожланган. Бундай кредитлашнинг келиб чиқиши узок асрларни ўз ичига

олади. Аммо XX асрнинг охирига келиб кооператив банкларнинг ривожланишида янги боскич бошланди.

Бугунги кунда Италия банкларининг 60 фоиздан кўпроғи кооператив банклардир. Номидан англаш мумкин, кооператив банклар йирик бўлмаган молиявий муассасалардир. Бошқача айтганда, уларни ўрта ва кичик банклар деб тушуниш мумкин. Аммо бундай банкларнинг ҳар бир бўлимлари кенг тармок отган. Шунинг учун ҳам йилдан-йилга кооператив банклар томонидан берилган кредитлар улуши кўпайиб борди. Охиригина ўн йилликда бундай банклар томонидан берилган кредитлар 12 фоиздан кўпроққа ўсганлигини инкор этиб бўлмайди. Кичик бизнесни молиявий қўллаб-куватлаш учун кичик ва ўртacha кредитлар ажратилиди. Зарурат бўлганда, микрокредит тарзидаги кредитларни олиш ҳам мумкин. Уларнинг ҳажми 250 минг евродан ошмайди.

Италиянича бизнес тараққиётида кооператив кредитлашнинг ривожланиши саноатлашган округларнинг муҳим ўрнига бевосита боғлиқ. Улар унча катта бўлмаган компаниялар мажмуасини ўзида мужассамлаштирган. Бу компаниялар ҳудудий ёки ишлаб чиқариш аломатларига қўра гурухланади. Мажмуага бирлашган компаниялар тор доирада ихтисослаштирилган бўлиб, улар кооперациялашгандир.

Саноатлашган округлар максимал даражада маҳаллий ресурслардан фойдаланадилар. Бу ресурслар хом ашё ва персоналдан иборатдир. Италия саноатининг ярмига яқини саноатлашган округларда тўпланган. Саноатлашган округларнинг кўпчилиги жаҳон бозорида илгорлик қиласиди. Италия мебелларини барчамиз биламиз. Шунинг учун Италияда бирорта мебель ишлаб чиқармайдиган йирик корхона йўқ. Округларни компания аъзолари таркибидан иборат бўлган қўмита бошқаради. Бу қўмита бутун округ бўйича келажакдаги ривожланиш стратегиясини ишлаб чиқариш билан машғул бўлади.

Кичик тадбиркорларга алоҳида имтиёзли кредитлар таддим этилади. Улар ташкил этаётган фирмалар кўшимча молиявий афзалликларга эга бўлади: уларга ажратилган сумманинг 50 фоизгача микдори ускуналарни харид қилишга сарфланади, 15 фоиз узоқ мuddатли кредит сифатида берилади. Дастлабки икки йил мобайнида ноишлаб чиқариш чиқимлари учун алоҳида маблағ берилади. Имтиёзлар беришда вақти-вақти билан фирма фаолияти аудиторлик назоратидан ўtkазилади ҳамда қонунлар жиддий бузилганлиги аниқланганда, улар бекор қилинади.

#### **4.11. Италияда кичик бизнес ва ҳусусий тадбиркорликни давлат томонидан қўллаб-куватлашни**

Бугунги кунда Италияда давлат секторига қарашли корхоналар улуши 30 фоизгача бориши мумкин. Италияда кичик корхоналарни давлат томонидан қўллаб-куватлаш тадбирлари орасида мақсадли молиялаш ва имтиёзли кредитлаш алоҳида ўрин тутади. Ҳар йили бунга тахминан 600 млрд. лира сарфланади. Бундан ташқари кичик корхоналарни ривожлантириш ва

модернизация қилишни рағбатлантириш чоралари бүйича қонун кучга кирган бўлиб, бу хусусий сектор тараққиётига ижобий таъсирини кўрсатган.

Кўп ҳолларда бундай молиялаш имтиёзли солиқка тортиш билан бир қаторда кичик корхоналарни бирлаштирадиган консорциумлаш ва ширкатлаш каби жараёнлар ҳам қўлланилади. Битта консорциум учун таъминланадиган маблағ микдори йилига 300 млн. лирадан ёки 3 йил мобайнида 800 млн. лирадан ошмаслиги лозим. Таркибига сармояси 20 млн. лирадан кам бўлган камида 5 та корхона кирган бирлашмаларга маҳсус ёрдам кўрсатилади. Бундай уюшмаларнинг асосий вазифаси ўз қатнашчиларининг ривожланишига кўмак беришдан иборат.

Давлат институтлари<sup>1</sup> томонидан ўрта муддатли кредитлар ажратилиб, бундай кредитлар Италияда янги корхоналарни ташкил этиш учун 15 йил муддатга, фаолият юритаётган корхоналарни модернизация қилиш ёки диверсификациялаш учун 10 йил муддатга берилади<sup>2</sup>. Бунда фоиз ставкаси кредит микдорини ҳисобга олган ҳолда, бозор фоиз ставкасининг 36-60 фоиз ни ташкил этади. Давлат ўрта муддатли кредитлаш муассасалари кичик корхоналар билан бирга уларнинг турли бирлашмаларига ҳам имтиёзли фоиз ставкалари таклиф этади. Масалан, фоиз ставкаси бозор қийматининг 60 фоизини тўлаған ҳолда қайтарилади.

Италия хукумати томонидан илмий йўналишларни қўллаб-куватлайдиган дастурлар ҳам ишлаб чиқилган бўлиб, бу соҳада ҳам кичик бизнес корхоналари фаол иштирок этади. Мамлакатда ҳар уч йилда бир марта илмий-тадқиқот ва техник-конструкторлик ишларини (НИОКР) молиялаштириш мақсадида 1570 млрд. лира микдорида маблағ ажратилади. Бу маблағлар айнан кичик корхоналарда илмий изланишлар олиб бориш, техника жиҳатидан модернизация қилиш, илмий кадрлар тайёрлаш ва ташки бозорлар учун ишлаб чиқарилган маҳсулотлар сифатини қўллаб-куватлаш мақсадида назорат тизимини жорий этишга сарфланади. Кичик бизнес корхоналари бирлашмасидан иборат кооперативлар ва консорциумлар фаолиятини молиялаштириш учун мақсадли субсидиялаштириш ишлари амалга оширилади.

Венчур тадбиркорлигини қўллаб-куватлаш мақсадида кичик корхоналарнинг ёпиқ инвестиция фонди ташкил этилган. У факат биржада рўйхатта олинмаган корхоналарга маблағ беришга ҳақли. Фонд сармояси давлат облигациялари ёки бошқа ёпиқ фонdlар акцияларига инвестицияланиши мумкин эмас. Бу ҳолда фонд улуши иштирокида таъсис этилган компаниялар акцияларини сотиш фойда олишнинг асосий манбай бўлади. Давлат томонидан экспортни рағбатлантириш мақсадидаги дастурлар ҳам ишга туширилган бўлиб, Италия кичик ва ўрта бизнесига экспортнинг 25-30 фоизи тўғри келади. Бу эса бошқа ривожланган мамлакатларга нисбатан олганда анча юқорироқ кўрсаткичdir. Хусусан, 90-йилларда ёк ишчи кучи 300 кишидан ортиқ бўлмаган

<sup>1</sup> Давлат институтлари – Италияда шундай номланадиган молиявий муассасалар мавжуд. Улар томонидан энг устувор йўналишларга кредитлар ажратилиб, иқтисодиётнинг ривожланишини молиявий жиҳатдан қўллаб-куватлайди.

<sup>2</sup> Мухиддинов Д.М. Малый и средний бизнес в условиях рынка. // Тезисы докладов научно-практической конференции «Проблемы развития малого и частного предпринимательства в Республике Узбекистан». -Т.: ТТЭУ, 1996. С. 22.

корхоналар улуши мамлакат экспортининг 40 фоизини ташкил этган<sup>1</sup>. Бундай корхоналарни кўллаб-куватлаш учун давлат томонидан молиявий ёрдам ҳам кўрсатилади.

Кейинги йилларда экспорт маҳсулотларини ишлаб чиқаришда кичик ва ўрта бизнеснинг роли ошди. Йирик корхоналар экспортининг 60 фоизида кичик ва ўрта бизнес корхоналари бевосита иштирок этади. Шунингдек, кичик бизнеснинг инновацион саноат маҳсулотлари экспортидаги улуши 25 фоизни<sup>2</sup> ташкил этади.

Шуни алохида қайд этиш керакки, жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози таъсирида мамлакатда ўсиш суръатлари пасайди. 2013 йилнинг сўнгги чорагида Италияда ялпи ички маҳсулот ҳажми юксалиб, атиги 0,1 фоизни ташкил этди<sup>3</sup>. Бу эса ривожланган мамлакатлар иқтисодиёти учун жуда сезиларсиз ҳолатни англатади.

#### **4.12. Жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози даврида Италия иқтисодиётида кичик бизнеснинг ривожи**

Жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози бошлангунга қадар Италия иқтисодиётининг анъанавий тарздаги заифлиги шунда эдики, йирик корпоратив капиталининг етишмаслигидан оиласиб фирмаларнинг унча катта бўлмаган қарздорлиги мавжуд эди<sup>4</sup>.

Тахлиллар шуни кўрсатадики, 2000 йиллардаги инқироз натижасида мамлакат кичик банкларининг деярли кўпчилиги ўзларининг қарздорликлари сабабли оиласиб фирмалар ва компанияларга кредит бериш мажбуриятларида самарасиз ва рақобатга бардош бера олмайдиган даражада эди. Инқироздан кейинги йилларда мамлакатнинг банк тизими пулга тобора кўпроқ муҳтоҷ бўлиб борди ва Европа марказий банки бунинг уддасидан чиқиб борди<sup>5</sup>.

Бироқ, Италия иқтисодиёти 2007 йилда бошланган жаҳон молиявий-иқтисодий инқирозидан катта талафотлар кўрди. Инқироз бошланган даврдан бошлаб 21 ой мобайнида миллий иқтисодиёт 6,76 фоизга қисқарди. Евростат маълумотларига кўра, давлат қарзи 116 фоизни ташкил этиб, Грециядан (126,8 фоиз) кейинги ўринни эгаллади. Давлат қарзининг асосий қисми миллий субъектларга тааллуқли бўлди. Шундай бўлса-да, миллий статистика нисбатан юқори даражадаги хусусий қўйилмалар ва хусусий секторнинг нисбатан паст даражадаги қарздорлиги давлат қарзи бўйича белгиланган коэффициентни Европа мамлакатлари орасида энг хавфсиз, деб белгиланишига олиб келди. Аммо Италия иқтисодиёти катта қийинчиликларни бошдан кечирди.

2008 йилдаги жаҳон молиявий-иқтисодий инқирозидан кейин Италия узоқ муддатли рецессия ҳолатига тушиб қолди. Албатта, бу вазият мамлакат

<sup>1</sup> Краюхин Г. и др. Малые предприятия в условиях рынка. –Т.: Узбекистан, 1991. С. 12.

<sup>2</sup> Рузимов Да. Кичик бизнесни инвестицияларида хориж тажрибаси // Ўзбекистон иқтисодий ахборотномаси. №2. 2013. 46 бет.

<sup>3</sup> Манба: Халқ сўзи. 18 февраль 2014. // Умумий кўрсаткичлар таҳлили. / Жаҳон 24 соат ичидаги рубрикаси.

<sup>4</sup> Toxic Italy Is the Crucial Test for QE in Europe / The Wall Street Journal, 2 Nov. 2014. (англ.).

<sup>5</sup> Toxic Italy Is the Crucial Test for QE in Europe / The Wall Street Journal, 2 Nov. 2014. (англ.).

ташқи қарзларининг кўпилиги билан, ишсизлик даражасининг рекорд кўрсаткичлари<sup>1</sup>, ишлаб чиқаришнинг пасайиши ва ишибилармонлик фаоллигини пасайтирувчи бошқа сабаблар<sup>2</sup> билан изоҳланади. Жиддий муаммо мамлакат ахолисининг иммиграция ҳисобига ўсаёттганлигидир. Иммиграция туфайли 2000 йилларда ЯИМнинг ўсиш суръати бир неча марта ошди<sup>3</sup>.

2009 йилнинг иккинчи чорагидан бошлаб, Италияда ҳар куни ўртача 30 та фирма банкрот ҳолатига тушиб борди. 2009 йилнинг апрель ойидан июль ойига қадар мамлакатда 2 млн. 50 минг ташкилот ўзини банкрот, деб эълон қилган. Бундай манбалар Унионсамере (Италия саноат, хунармандчilik, ва қишлоқ хўжалиги ассоциацияси) томонидан ўтказилган тадқиқотлар натижасида «Ил Мессагеро» нашриёти томонидан чоп этиб борилди<sup>4</sup>.

2010 йил декабр ойидан Италияда қатъий тежамкорлик чоралари натижасида давлат бюджети дефицитини 2011 йилдаги 3,9 фоиздан 2012 йилга қадар 2,7 фоизга келтириш мўлжалланди<sup>5</sup>. Бу эса Европа Иттифоқи мамлакатлари орасида энг паст кўрсаткичлардан бўлди. 2011 йилнинг куз ойларида «Standard & Poors» ва «Moodus» халқаро рейтинг агентликлари томонидан кредит рейтингни пасайтирилди. Ҳар иккала рейтинг агентликлари томонидан қарздорлик бўйича берилган салбий прогноз рейтинг кўрсаткичларини янада пасайиши мумкинлигини англатди. Италияда иқтисодий ўсиш тобора сусайиб борди. Оқибатда Италия заиф коалицион хукуматининг инқироз туфайли содир бўлаётган воқеиликларга нисбатан тезкор чора кўриш қобилияти чегараланиб борди. Бу ўз навбатида кичик бизнес субъектлари фаолиятида ҳам муаммолар келтириб чиқара бошлади. Ўзаро иқтисодий алоқаларда узилишлар содир бўлди.

Дарҳақиқат, инқирозли даврда мамлакат банкларида кредит бериш тартиблари кийинлашиб борди. 20,7 фоиз корхоналар кредит олишдаги турли қўинчликлар борлигини ошкора қайд этишган. Айрим кредит оловчи кичик корхоналар банкларнинг рад жавобини олдилар. Италия ишлаб чиқарувчилар ассоциацияси томонидан эътироф этилишича, ҳар ҳолда 41 фоиз кичик ва 46 фоиз ўрта компаниялар иқтисодий инқирознинг энг оғир кунларини ҳис килдилар<sup>6</sup>.

Шуни алоҳида қайд этиш керакки, Италияда 2017 йилга келиб ҳам ишсизлик даражаси пасаймади. Масалан, 2017 йилнинг апрель ойида мамлакатдаги ишсизлик даражаси 11,5 фоизга тўғри келган. Бу эса жаҳон молиявий-иктисодий инқирози бошланган даврга кўра 3,7 пунктга ошганлигини кўрсатади.

<sup>1</sup> Безработица в Италии бьет рекорды. // <http://novostiuia.net>


<sup>2</sup> <http://www.telegraph.co.uk> // Mediobanca hints at Italian euro exit unless Germany shifts on EMU policy.

<sup>3</sup> Щербакова Е.М. ЕС-28: первые демографические итоги 2013 года /Демоскоп Weekly. 2014. № 619-620. URL: <http://demoscope.ru/weekly/2014/0619/barometer619.pdf>.

<sup>4</sup> Манба: <http://mia-italia.com/node/6116>

<sup>5</sup> Манба: <http://www.erreport.ru/articles/weconomy/italy.htm>

<sup>6</sup> Манба: <http://mia-italia.com/node/6116>



4.12.1-расм. Италияда 2002–2017 йиллардаги ишсизлик даражасы<sup>1</sup>

Эътироф этиш керакки, Италияда муайян даражада хуфёна иқтисодиёт кам хукм суради. Айниқса, мамлакат жанубида (Сицилияда) бундай хуфёна иқтисодиётнинг ривожи юқори даражадаги расмий ишсизлик ўринин кисман тўлдириб боради. Мамлакатнинг ушбу ҳудудида стандартсиз ижтимоий имтиёзлар ва кафолатлар асосида муайян одамлар кам иш ҳаки олиб ишлайдилар. Бундан ташқари Италияда ахолининг ўз-ўзини иш билан банд этиш даражаси жуда яхши кўллаб-кувватланади. Ушбу кўрсаткич 25,5 фойзни ташкил этади<sup>2</sup>.

Хулоса қилиб айтганда, жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози Италия иқтисодиётига жиддий салбий таъсир кўрсатди. Мамлакатдаги кичик ва ўрта бизнес ривожида иқтисодий муаммолар юзага келди. Ҳанузгача (2017 йилга қадар) ишсизлик даражаси юқори фоизларда сақланмоқда. Ҳукумат томонидан иқтисодиётни тартибга солиш чора-тадбирлари кўриб борилса-да, жиддий натижаларга эришишда қийинчиликлар мавжуд.

### Тұрғынчи боб бүйіча хулоса

1. Рим империяси қулаган даврларда тадбиркорлик жуда суст ривожланган. Бу даврларда солиқ юки оғир бўлган ва тадбиркорлар учун қийин даврлар бўлган. Бундай мухит ўрта асрларга қадар давом этган.

2. Италияда савдо, ҳунармандлик ва саноат XIII аср бошларидан сезиларли ривожлана бошлаган. XIV асрга қадар эса Венеция, Флоренция ва Генуя каби шаҳарларда ишбилармөнлик тезрок ғаоллашиб борган.

<sup>1</sup> Манбалар: Ўзбекистон Республикасы Йиллик статистик тўплами. –Т.: 2008.; CIA World Factbook. va <http://www.fxstreet.ru/com/economic> сайтларидан олинган. Бунда 2014 йилнинг маълумоти ноябрь ойига (<http://mfd.ru/calendar/details/?id=455>) тўрги. 2015 ва 2016 йилларга тегишли маълумотлар йил якунига, 2017 йил апрель ойига кўра <https://mfd.ru/calendar/details/?id=455> сайтидан олинган.

<sup>2</sup> Манба: <http://www.e-report.ru/articles/weconomy/italy.htm>

3. Италия табиий ресурслари жуда кам мамлакатлар қаторига кирса-да, лекин дунёдаги энг иирик ва Европанинг етакчи цитрус ишлаб чиқарувчи мамлакатидир. Қишлоқ хўжалигида кўпроқ ўсимликшунослик яхши ривожланган. 1953–1962 йилларда мамлакатнинг шимолий шаҳарларида саноат тезроқ ривожланганди ва автомобилсозлик, аниқ машинасозлик, сунъий толалар ишлаб чиқариш каби тармоқлар сезирлари кенгайиб борди.

4. Италия Европа Иттифоки таркибига кирган, лекин айнан шу жараён мамлакат ЯИМнинг ўсишига салбий таъсир кўрсатди.

5. Мамлакатда маҳаллий аҳоли жуда секин ўсмоқда. Сўнгги йилларда италияликларнинг ўртacha ёши 45 ёш ва ундан кўпроқни ташкил этмоқда. Европа ва бошка мамлакатлардан чет элликларнинг Италияга кириб келиши аҳоли сони ўзгаришларига ижобий таъсир килгандек кузатилмоқда. Масалан, кўплиб европаликлар, араблар ва осиёликлар Апеннин ярим оролига кўчиб келмоқдалар. Мамлакатда аҳолининг ўртacha зичлиги 1 кв. км. жойга 200 киши тўғри келади. Аслида, Италия Европада аҳолисининг зичлиги бўйича 5-уринда туради. Хуллас, миллият жуда секин кўпаймоқда, аммо жуда тез қаримоқда.

6. Шуни алоҳида қайд этиш керакки, 80-йилларга қадар Италия иқтисодиётида турли мафиялар шаклланган ва бу маҳаллий иқтисодиёт тараққиётида ўзига хос роль ўйнаган. Ҳозирги даврда Италия хукумати ва жамиятни тартибга солувчи давлат органлари томонидан мафияга қарши чоратадбирлар қонун доирасида амалга ошириб келинмоқда. Лекин шунга қарамай, Италия коррупция бўйича берилган рейтингда яхши кўрсаткичларга эга эмас ва жаҳонда 42-уринни эгаллади.

7. Италияда ижтимоий тадбиркорликка алоҳида эътибор берилади. Мамлакат ижтимоий тадбиркорлик соҳасида кўп йиллик тажрибага эга ва Европа мамлакатлари орасида Италия ижтимоий тадбиркорликни давлат миқёсида кўллаб-куvvatловчи биринчи мамлакатdir.

8. Италия асосан учта регионал иқтисодий ҳудудга бўлинган. Булар шимоли-гарбий, шимоли-шарқий ва марказий ҳамда жанубий ҳудудлар бўлиб, ҳар бир ҳудудда кичик бизнеснинг ривожланиши ўзига хос. Бу ҳудудлар ҳам тармоқлар бўйича, ҳам товарлар ишлаб чиқариш бўйича жуда фарқли даражада сегментланади. Масалан, жанубий ҳудуд иқтисодий жиҳатдан ривожланиши бўйича бошқа ҳудудларга солиштирилганда жуда паст кўрсаткичларга эга.

9. Италия солиқ тизими Швеция ёки Франция солиқ тизимига нисбатан олганда соддароқ ҳисобланади. Бу ерда тадбиркорлар маҳаллий қонунчилик асосида солиқ ставкаларини шундай пасайтириш имкониятига эга бўладиларки, аксарият кичик бизнес корхоналари учун бу ҳолат табиий ҳисобланади.

10. Италияда кластер шаклидаги ўзаро алоқаларнинг ривожланиши кичик бизнес корхоналарининг фаолиятларини мувофиқлаштириб боради.

11. Мамлакатда 60 фоиздан кўпроқ банклар кооператив банклар бўлиб, уларнинг аксарияти кенг тармоқланган молиявий муносабатларни амалга оширишда фаол иштирок этади. Аммо жаҳон молиявий-иқтисодий инқизор даврида ҳалқаро рейтинг агентликлари мамлакатдаги аксарият банклар рейтингини пасайтирган.



## 5 БОБ. АМЕРИКА ҚҰШМА ШТАТЛАРИ (United States)





Майдони – 9 519,4 минг кв. км  
Пойтахти – Вашингтон  
Аҳолиси – 325,4 млн. киши (2016 ы.)  
Пул бирлиги – АҚШ доллары (USD)

Майдони бүйіча жағонда 4-үрінде туради.

*Бизнес, бу – ноаның шароитларда тұғри хұжалик юритиши қарорларини қабул қилишни билишдір.*

*Гарвард бизнес мактабининг аксиомасы*

### 5.1. АҚШда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликкіннің шаклланиши тарихига бир назар

АҚШ иқтисодиётида кичик бизнес ва тадбиркорлик соңаси чукур илдиз отган бўлиб, 4 асрға якінроқ даврни ўз ичига олади. Кичик бизнес ва тадбиркорлик фаолиятида банд бўлғанлар мамлакатнинг ўзига асос солған десак, хато қилмаймиз. Омади келган фермерлар, дўкондорлар, уста ва хунармандлардан иборат иммигрантлар кичик бизнес ва тадбиркорликкінг ривожланишига катта ҳисса қўшганлар.

АҚШда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликкіннің тез ривожланишига сабаб иммигрантлар таркибида европалыклар улуши кўп бўлган. Чунки ўрта асрлардан кейинги даврларда, хусусан, 1861–1960 йилларда кўпчилик иммигрантлар Европа мамлакатларидан кириб келишган. XIX асрнинг 80-йилларигача бўлган даврда иммигрантларнинг 90 фоизини европалыклар ташкил этган<sup>2</sup>. Сўнгти 35 йиллар мобайнида эса Осиё ва Лотин Америкасидан келган иммигрантлар кўпайди<sup>3</sup>.

АҚШга турли даврларда у ёки бу давлатлардан кириб келган иммигрантлар микдоридаги ўзгаришлар турли салбий сабаблар билан изоҳланади: урушларнинг бўлиши, очлик, таъқиб остига олиш, диний муросасизликлар ва, умуман, баъзи ҳалокатли сабабларга кўра, ўз юртини ташлаб, АҚШга кўчиб ўтганлар XIX асрнинг 80-йилларигача сезиларли бўлган.

1830–1848 йиллардаги революциянинг барбод бўлиши туфайли Германиядан АҚШга кўчиб ўтган зиёли немислар либерализм анъаналарини АҚШ иқтисодиётига жорий эта бошладишиар. Бундан ташқари, бир юз эллик йиллар аввал исроиллик иммигрантлар ҳисобига ҳам АҚШ иқтисодиёти анча ривожланган. Улар американка мағданиятни шакллантиришга, илм-фан соҳасига

<sup>1</sup> Манба: [http://countrymeters.info/ru/United\\_States\\_of\\_America\\_\(USA\)](http://countrymeters.info/ru/United_States_of_America_(USA))

<sup>2</sup> Стивенсон Дуглас К. Америка: народ и страна. Пер. с англ. –М.: ПИП (Проза, поэзия, публицистика), 1993. С. 26–27.

<sup>3</sup> Ўша жойда. 25 бет.

ўзларининг акл-идроклари ила мисли кўрилмаган даражадаги ҳиссаларини қўшдилар. Бу даврда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик ҳам шиддат билан ривожлана бошлаган.

1800 йилда 80 фоиз америкаликларнинг ўз бизнеслари бўлган. Бирок хозирга келиб, бу кўрсаткич бир оз камайган<sup>1</sup>. Чунки бу даврда мамлакатда йирик бизнеснинг ривожланишига ҳам кенг имкониятлар юзага кела бошлаган эди. Дастлаб кичик бизнес билан шугулланувчи омадли ишбилармонларнинг аксарияти кейинчалик йирик бизнес билан машгул бўлдилар. Транспорт ва коммуникация алоқаларининг ривожланиши туфайли йирик бизнес кенг тармок отди. Йирик бизнес юритувчилар арzon нархларда товар ишлаб чиқариши йўлга қўйдилар. Уларнинг товарлари арzon нархларда сотила бошланди. Натижада кичик бизнес ишлаб чиқарувчиларининг фаолиятида муаммолар юзага кела бошлади. Чунки кичик бизнес йирик бизнес билан рақобатлаша олмайди ва кўпчилик кичик корхоналар банкрот ҳолатига тушив қолди.

Бирок аста-секин шундай давр бошландики, йирик ишлаб чиқарувчи корхоналарнинг ўзи кичик бизнесга ёрдам бера бошлади. Янги минитехнологияларнинг ихтиро қилиниши, фирмаларнинг компьютер технологиялари билан жиҳозланиши кичик бизнесга катта йўл очиб берди. Кичик корхоналарнинг гуркираб ривожланиши ўз навбатида йирик корхоналар учун ҳам кулаг мұхит яратди. Улар ўртасида иқтисодий алоқалар кучайди.

XIX аср охирига келиб, аксарият америкаликлар рақобатга йўл қўймаслик учун корпорациялар кўпроқ кичик компанияларни ўзига жалб этиши ёки бирлаштириши ва бир-бири билан келишиши асосида катта миқдордаги капитални бемалол топа олиши мумкинлигидан қўрқсанлар. Мамлакатда монопол мавқени чеклаш бўйича чора-тадбирлар кўриб борилганилиги сабабли ўзига хос тажрибалар мавжуд эди. Масалан, 1890 йилда трестларга қарши қабул қилинган Шерман Қонуни ва 1914 йилда қабул қилинган Клейтон Қонуни монополиянинг олдини олишга йўналтирилган эди. XX аср давомида хукумат томонидан бундай меъёрий хужжатлар қабул қилиш давом этирилди ва монопол хатти-ҳаракатлар чеклаб борилди. Масалан, йирик «Америка телефон-телеграф компанияси» ўз хизматларини амалга оширишда монопол мавқега эга бўла олмади. 90-йилларда шиддатли ривожланиб борган «Майкрософт корпорейшн»нинг компьютерлар учун дастурлар таъминоти бозоридаги мавқеи кучсизлантириб борилди. Ўша даврларда бу корпорациянинг активлари 22 млрд. 357 миллион АҚШ долларини ташкил этган<sup>2</sup>.

Хуллас, АҚШдаги кўпсонли бизнес корхоналарининг муваффақиятли ўсишидаги асосий омил – корхоналарнинг корпоратив шакли бўлдиси, майда корхоналарнинг бирлашуви асосидаги корпоративликка жиҳдий зътибор қаратилди. Вақт ўтиб борган сари америкаликлар катта корпорацияларга

<sup>1</sup> Абдурахманов М., Кодиров Б. Малый бизнес в США. // Тезисы докладов научно-практической конференции «Проблемы развития малого и частного предпринимательства в Республике Узбекистан». Т.: ТГЭУ, 1996. С.43.

<sup>2</sup> <http://www.ereport.ru/articles/weconomy/usaz.htm> // Экономика США: Малые предприятия и корпорации. / Монополии, слияния и реструктурирование (Электронный ресурс. доступ: 2015.).

шубҳали муносабатда бўла бошлаган, корпорацияларнинг раҳбарлари ҳам йирик корпорацияларнинг фаолиятларига ишончсизлик билан қарай бошлашган. Чунки йирик корхоналардан кўра кичик корхоналарнинг корпоратив шаклидаги фаолияти маъқулроқ эканлиги ойдинлашиб борган.

## 5.2. АҚШда кичик ва ўрта бизнеснинг ривожланиши

XX аср охирида бошқа мамлакатлардан АҚШга кўчиб келганларнинг кўпчилиги АҚШ иқтисодиётида гигант корпорацияларнинг ҳукмронлик қила олмаслигини кўриб, жуда таажжубда қолишган ва ўз бизнесларини ташкиллаштиришда у ёки бу қулайликлардан фойдаланишган. Фаолият олиб бораётган корхоналарнинг 99 фоизи ўз мустакиллиги асосида иш юритиб, жами меҳнат ресурсларининг 52 фоизни ўз ичига қамраб олган. Тахминан 19,6 млн. америкаликлар ишчиси 20 кишигача бўлган корхоналарда ишлашган. Америкаликларнинг 18,4 млн. нафари, ишчилари 20 кишидан 99 кишигача бўлган фирмаларда ва 14,6 млн. америкалик эса ишчилари 100 кишидан 499 кишигача бўлган фирмаларда меҳнатда банд бўлишган. Аксига олиб, 500 ва ундан кўп ишчилари мавжуд корхоналарда атиги 47,7 млн. нафар америкалик меҳнатда банд бўлган<sup>1</sup>.

1974–1975 йилларда АҚШ иқтисодиёти структурасида ўзига хос инкороз юз берди. Йирик корхона ва компанияларда янгиликларни жорий этишдаги жараёнлар сусайди. Бунинг натижасида янги технологик тамойилларга асосланиш айнан кичик бизнес корхоналарида кучайди. Фан-техника тараққиётининг шиддат билан ривожланиши машина, турли қурилмалар, компьютер техникиси ва алоқа воситаларини ишлаб чиқаришда нархларнинг арzonлашувига олиб келди. 1–3 киши ишлайдиган энг кичик корхоналарда янгилик яратувчанлик ва ихтиrolар шу қадар ошдики, йирик корхоналарга нисбатан олганда 4 баробар кўпни ташкил этди. 3 мингдан 10 минг АҚШ долларигача сармояси бор бўлган тадбиркорлар майда фирмалар ташкил этиб, уларни бошқаришга ўтдилар. Бу ҳолат, айниқса, хизмат кўрсатиш соҳасида жуда сезиларли бўлди.

АҚШда кичик ва ўрта бизнеснинг ривожланиши янги иш ўринларининг яратилишига асосий омилдир. Хусусан, “1976–1993 йиллар мобайнида йирик корхоналар 500 мингдан ортиқ ходимини буштаган бўлса, шу даврда кичик бизнес ва тадбиркорлик субъектлари томонидан 3,2 млн. янги иш ўринлари яратилган”<sup>2</sup>.

Бугунги кунда АҚШда «20 мингга яқин бизнес мактаблари фаолият кўрсатиб, уларда ташкил этилган ўкув курсларида бир вақтнинг ўзида икки миллионгача киши таълим олиши мумкин»<sup>3</sup>.

<sup>1</sup> <http://www.ereport.ru/articles/weconomy/usa3.htm> // Экономика США: Малые предприятия и корпорации. / Малые предприятия. (Электронный ресурс, доступ: 2015.).

<sup>2</sup> The State Business: a report of the President Transmitted to the Congress. 1994. Washington, D.C.; 1994.

<sup>3</sup> Основы бизнеса. Под ред. Ю.Б.Рубина. Учебник. 6-е издание, переработанное и дополненное. –М.: ООО «Маркет ДС Корпорейшн», 2005. С. 402.

АҚШда кичик бизнес ва тадбиркорликнинг ривожланишида бешта йўналиш жиддий шаклланди:

1. Хизмат қўрсатиши бизнеси.
2. Чакана бизнес.
3. Курилиш фирмалари.
4. Улгуржи савдо.
5. Ишлаб чиқариш бизнеси.

Эътиборлиси шундаки, АҚШда кичик бизнес субъектларидан иборат бўлган қатламда доимий ўзгаришлар рўй бериб туради. Бошқача айтганда, бизнес фаолиятидан манфаатдор бўлганлар қатлами у ёки бу тарздаги иқтисодий жараёнларда янгиланиб туради. Кимлардир ўз бизнесини эндинга бошлаган бўлсалар, айримлари омадсизликка учраб, ўз бизнесини тугатгандиги тўғрисида зълон берадилар. Шундай қилиб АҚШда бир йил мобайнида бир қатор янги бизнес субъектлари юзага келса, шу йилнинг ўзида бир қанчаси ўзларининг банкротликларини эътироф этадилар.

Бизнинг мамлакатимизда турғунлик хукмронлик қилган даврда АҚШда хизмат қўрсатиши соҳасида кичик бизнес корхоналарини ривожланиши ўзига хос бўлди. Масалан, «1973 йилда 100 кишигача ишчилари бўлган бундай кичик корхоналарда жиддий ривожланиш рўй бериб, аксинча, ўша йили 500 та энг бой бўлган компанияларда йўқолган иш ўринлари 6 миллионни ташкил этди.. АҚШ меҳнат статистика бюроси маълумотларига кўра, 1995 йилда хизмат қўрсатишда жами ресурсларнинг 74,4 фоизини иш билан банд этиш истиқболи белгиланган»<sup>1</sup>.

Хозирги кунда АҚШ статистикиси бўйича американлик ишбилармонлар ичida эркакларга нисбатан аёллар салмоғи омадлироқ ҳисобланмоқда.

Шундай қилиб, 90-йилларда АҚШда 12 миллионта фирма фаолият кўрсатган бўлиб, уларнинг 90 фоиз кичик бизнесга хос бўлган корхоналарни ташкил этган. Буларнинг таркибида хусусийларидан ташқари давлатга қарашлилари ҳам бўлган. Америкалик иқтисодчиларнинг ҳисобларига кўра кичик корхонага қўйилган 1 АҚШ доллари ва ундан олинган даромад йирик корхонага нисбатан олганда, 17 мартаға кўпдир<sup>2</sup>.

1995-2001 йилларда, АҚШда 50 фоизгача илмий-техник ишланмалар кичик бизнес хиссасига тўғри келган<sup>3</sup>. Мамлакатда илмий-техника тараққиётининг ривожланиши машиналар, асбоб-ускуналар, компьютер техникаси, алоқа воситалари нархларининг пасайишига олиб келди. Бу, биринчи навбатда, тадбиркорларга унча кўп бўлмаган бошланғич капитал асосида, ўрта ва, ҳаттоқи, йирик корхоналар билан муваффақиятли рақобатлаша оладиган майдада кичик фирмалар ташкил қилишга имкон берди. Илмий-техника салоҳияти, фаннинг ривожланиши, илмий кашфиёт ва ихтироларнинг яратилиши, янги техника ва технологияларнинг барпо этилиши,

<sup>1</sup> Мерилан & Том Росс. Большие идеи малого бизнеса в сфере услуг / Пер с англ. Г.Моисеенко. –М.: «Агентство „ФАИР“», 1996. С. 4.

<sup>2</sup> Краюхин Г., Гурорье А., Икрамов М., Кускова Т. Малые предприятия в условиях рынка. –Т.: Ўзбекистон, 1991. С. 4.

<sup>3</sup> Карапанг Амалий иқтисодиёт: Ўқув қўлланима, 1 китоб. Таржимонлар: И. Фозилов ва бошқалар. Junior Achievement. –Т.: Шарқ, 1996.

у асосида ишлаб чиқаришни бошқаришнинг замонавий усуллари амалиётга тадбик этилиши туфайли ошиб борди.

XXI аср бошларида ёқ мамлакатда иш билан банд бўлганларнинг 55 фоиз кичик тадбиркорлик корхоналарига тўғри келган. 2003 йилда эса умумий бандликда кичик корхоналарнинг улуши 50,1 фоизга ва жами корхоналар ҳажмида кичик корхоналар улуши 97,6 фоизга тўғри келган. 2003 йилда мамлакатда 22,9 млн. кичик корхоналар фаолият кўрсатган бўлиб, уларнинг 231 мингтаси ўз маҳсулотларини экспортга йўналтирди<sup>1</sup>.

2011 йилга келиб, АҚШда 27 миллионга яқин кичик бизнес корхоналари ташкил этилган бўлиб, ҳар бир йирик корхонага 1162 та кичик бизнес корхонаси тўғри келиши қайд этилди<sup>2</sup>.

Айни даврда АҚШ иқтисодиётида кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантиришга эътибор янада кучайтирилди. Сабаби жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози туфайли йирик корхоналар жиддий талафот кўрди. Дунёга донғи кетган компаниялар ҳам бу инқироз туфайли банкротга томон юз тутди.

### **5.3. АҚШда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликнинг давлат томонидан қўллаб-куvvatланиши**

АҚШда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликка эътибор Буюк депрессия даврида бошланган. Чунки 1932 йилданоқ<sup>3</sup> мамлакатда Федерал дастурлар ишлаб чиқилиб, хусусий секторни ривожлантиришга жиддий эътибор берилган. Ўша даврларда кичик бизнесни ривожлантиришга давлат субсидиялари ажратилди. Буюк депрессия йилларида айнан кичик бизнесга асосланган корхоналар янги иш ўринлари яратиб, АҚШнинг ижтимоий аҳволини яхшилашга имкон берди. Шунинг учун хусусий секторнинг ривожланиш даражаси бошқа давлатларга нисбатан 2007 йилларга қадар, яъни жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози бошланган даврга қадар юқори бўлди.

Америка ҳукумати ҳар йили кичик бизнесни молиялаштириш ва рағбатлантириш учун 60-70 млрд. долл. маблағ ажратади<sup>4</sup>. Америка эркин ишбилармонлигига инсоннинг табиий хислатлари, ўз обруси ва қадрини топишга интилишидан тўла-тўқис фойдаланилади. АҚШда бизнес фаолиятини тўғри танлашга интилиш жуда муҳим. Бизнес фаолиятини танлашдаги хато моддий жиҳатдан ҳам, маънавий жиҳатдан ҳам қимматга тушади.

АҚШда ҳар бир штатнинг ўзига хос маъмурий бошқаруви ҳам амалга оширилади. Деярли барча штатларда (асосан 42 та штатда) кичик бизнес учун кредитлар ажратиш бўйича маҳсус дастурлар қабул қилинган. 32 та штатда бино ва иншоотларни ижарага олиш ёки сотиб олиш учун қарз олиш

<sup>1</sup> Лапуста М. Г. Малое предпринимательство: Учебник. –М.: ИНФРА-М, 2008. С. 23-24.

<sup>2</sup> A. Groth, K. Bhasin. 18 Amazing Facts About Small Businesses In America. Business Insider, 2011.

<sup>3</sup> <http://www.sba.gov/adousba/> – Президент ҳууриядига кичик бизнес маъмурияти (Small Business Administration – SBA) сайти.

<sup>4</sup> Баева Ш. Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни молиялаштиришнин хориж тажрибаси. // Иқтисодиёт ва таълим. №3. 2011. 129 бет.

имкониятини берадиган дастурлар ишлайди. 22 та штатда қарздорларга кафолат берувчи дастурлар ишга туширилган. 25 та штатда янги акциялар чиқариш йўли билан венчур капитал<sup>1</sup> дастурлари молиялаштирилади (5.3.1-расмга каранг).



### 5.3.1-расм. АҚШда венчур бизнеснинг афзалликлари<sup>2</sup>

Аксарият штатларда кичик бизнес корхоналарини йирик корпорациялар билан ҳамкорлигини тъмминлайдиган дастурлар фаолият кўрсатади. 29 та штатда «Бизнес инкубатор»лар ўз фаолиятини олиб боради. Кўпчилик штатлар ва йирик шаҳарларнинг бошқарув органлари преференциал дастурларни амалга жорий этган. Преференциялар асосан аёллар ёки майда миллат вакиллари эгалик қиласидаган фирмаларга нисбатан қўлланилади.

Кичик ва ўрта бизнес корхоналарини ривожлантиришда муниципал тузилмаларнинг аҳамияти ҳам катта. АҚШнинг барча штатлари ва шаҳарларида кичик ва ўрта корхоналар ўртасида савдо-сотикини ташкиллаштиришнинг фаол дастурлари ишга туширилган. Айниқса мудофаа саноатида кичик ва ўрта корхоналар ишлари алоҳида аҳамиятга сазовор. Чунки мудофаа саноатида давлатнинг ўзи асосий буюртмачидир.

Хозирги кунда 40 мингдан ортиқ майда корхоналар Пентагон учун иш олиб борадилар. НАСА эса кичик корхоналар билан бирга инновацион ишларда иштирок этиб, давлат буюртмаларини бажариш билан бирга ўзининг конверсион ишланмаларини яратади. 1994 йилда «Конверсион кичик ва ўрта корхоналар қарзларини кафолатлаш тўғрисида» Конун қабул қилинди. Бу конун бўйича кичик ва ўрта корхоналарнинг 100 млн. АҚШ долларигача бўлган миқдордаги қарздорлиги давлат томонидан кафолатланади.

Юқоридаги мулоҳазаларимиздан кўриниб турибдик, давлат дастурларини қабул қилиш бўйича АҚШ етарли тажрибага эга. Қабул қилинган дастурларнинг деярли барчаси амалда ишлайди, уларни амалга ошириш бўйича

<sup>1</sup> Изоҳ “Венчур капитал” ва “венчур бизнес” атамалари инглизча “venture” сўзидан келиб чиқкан бўлиб, В.К.Мюллернинг таникли лугатидаги “таваккалии корхона ёки таваккалчасига бошлаш”, “олиб сотиш”, “таваккалчилликка дуч келиб колган катта маблағ” сифатида таржима қилинади. (4.О.).

<sup>2</sup> Манағба: Основы бизнеса / Под ред. Ю.Б.Рубина. Учебник. 6-е издание, переработанное и дополненное. –М.: ООО «Маркет DC Корпорейшн», 2005. С. 231.

<sup>3</sup> Изоҳ: Преференциал дастурлар асосан, кичик бизнес корхоналарини товарлар ишлаб чиқариш ва аҳолига хизмат кўрсатишга жалб этиш учун йўналтирилган давлат дастурларидир. (4.О.).

аниқ механизм ишлаб чиқилган. Ўз навбатида ушбу давлат дастурларининг бажарилиши мамлакат иқтисодиёти ва равнақига жуда катта ҳисса қўшади.

Шуни алоҳида қайд этиш керакси, АҚШнинг тадбиркорлик соҳасида кўп йиллар мобайнида қўлланилаётган қонунлар тизими мавжуд. Агар АҚШда қабул қилинганд қонунларга 5.3.1-жадвал бўйича зътибор берилса, уларнинг аксариятида тадбиркорлик фаолияти учун эркин муҳит зарурлиги, рақобатни кучайтириш лозимлиги, инновацияларни қўллаш учун кенг шароитлар яратиш кераклигини яққол англаб олиш мумкин. Масалан, «АҚШда сўнгти ўн йиллар мобайнида жами инновацияларнинг 55 фоиз айнан кичик бизнес соҳасида яратилган»<sup>1</sup>.

АҚШда «Иқтисодиётнинг монополистик секторини давлат томонидан тартибга солишининг хукукий асосларини ташкил қилувчи кичик бизнес ҳакида»ги қонун қабул қилинган. Унга қўшимча равища 1986 йилда кичик корхоналарга янги технологиялар, илмий-техник конструкторлик ташкилотларининг ишланмаларини топшириш имкониятини таъминловчи қонун қабул қилинган. 80-йилларнинг бошида АҚШ давлат маъмурияти томонидан американкларга тадбиркорлик руҳини сингдиришга бўлган стратегик ёндашувни устувор вазифалардан бири, деб қабул қилинди. Мамлакатда бир қатор чора-тадбирлар кўрила бошланди. Чунончи:

- янги корхоналарни рўйхатга олишни соддалаштириш;
- солиқ сиёсатини юмшатиш (жумладан, мерос мулкларига нисбатан солиқ ставкаларини тушириш);
- молиявий ва техник жиҳатдан қўллаб-қувватлаш бўйича турли чора-тадбирларни амалга ошириш.

Бу чора-тадбирлар АҚШдаги қонун ва меъёрий хужжатлар асосида, америкача менталитетга хос ҳолатда амалга оширилади.

АҚШда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик жуда мураккаб рақобат муҳитида ривожланди. Масалан, 1980–1985 йилларда 2,5 млн. фирмалар ўз фаолиятини бошлаган бўлса, 2,0 миллионтаси ўша даврнинг ўзида ўз фаолиятини тўхтатган, яъни ёпилган<sup>2</sup>. Ўз фаолиятини олиб бораётган кичик бизнес корхоналарининг бешдан уч кисми биринчи олти йилликда ўз фаолиятини тўхтатади. Бу жараёнлар АҚШ иқтисодиётида оддий ҳолат, деб қабул қилинади. Банкротлик туфайли олинган маълумотлар инвестициялардан қандай фойдаланиш зарурлигини янада аниқлаштиради. Банкротликнинг асосий сабаби – бу раҳбарликда малаканинг етарли эмаслигидадир.

АҚШ хукумати мамлакат иқтисодиётининг ривожланишида кичик бизнес секторининг роли алоҳида эканлигини яхши ҳис этади. Чунки «...кичик бизнеснинг экспортдаги улуши 30 фоизни ташкил этади»<sup>3</sup>. Кичик ва ўрта корхоналар экспорт фаолиятини федерал молиялаштириш «City/State program» дастури доирасида амалга оширилади. Бу дастур АҚШнинг Экспорт-импорт

<sup>1</sup> Малые предпринимательство в России: прошлое, настоящее и будущее. Под ред. Б.Г.Ясина, А.Ю.Чепуренко, В.В.Буева. –М.: фонд «Либеральная миссия», 2003. С.136.

<sup>2</sup> Краюхин Г., Гурорье А., Икрамов М., Кускова Т. Малые предприятия в условиях рынка. –Т.: Ўзбекистон, 1991. С. 65.

<sup>3</sup> Жўраев Ш.С. Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликнинг мамлакат иқтисодиёти ривожланишига таъсири. // Ўзбекистондай ижтимоий фанлар. №4. 2011. 41 бет.

## АҚШда табдиркорлык соҳасида узоқ йиллар мобайнида амал қилаётган қонунлар тизими<sup>1</sup>

Қонунлар	Қонунларнинг асосий мөдияти
Трестларга қарши Шерман қонуни (1890 й.)	а) монополия ёки монополиялаштиришни таъқиқлаш; б) штатлараро ёки ташки савдони чеклашга қаратилган турли хилдаги шартнома, келишув ва бирлашмаларни таъқиқлаш.
«Озиқ-овқат маҳсулотлари ва медицина препаратларининг сифатлилиги ҳақида»ги қонун (1906 й.)	Штатлараро савдо-сотикқа қалбакилаштирилган ёки марка ёпиштирилмаган маҳсулотларни ишлаб чиқариш, ташниш, сотишни таъқиқлаш. Бу қонун 1938 йилда озиқ-овқат, дори-дармон ва косметика воситалари ҳақидаги Федерал қонунига алмаштирилди. 1958 ва 1962 йилларда унга жиддий ўзгартиришлар киритилди.
«Федерал савдо комиссияни таъсис этиши ҳақида»ги қонун (1954 й.)	Савдода рақобатнинг вижданосизлик услуби ноқонунийлигини текширувчи идорани-комиссияни таъсис этишин назарда туғади.
Клейтон қонуни (1914 й.)	Амалий фаолиятнинг айрим турларини таъкиқ этувчи Шерман қонунига күшимча киритилди (нархларни камситиш турларини аниқлаш, шартномага ҳамкор ҳаракатини чекловчи моддани киритиш, сотишни чеклаш тажрибасини қўллаш, бошқа корпорациялар акцияларига эга бўлиш, кўшма директорат ташкил этиш).
Уилер Ли қонуни (1938 й.)	Рақобатга зарар келтириш ёки келтирмасликдан қатъий назар нопок ёки фирибгарлик асосидаги ҳаракат ва усусларни таъқиқлаш; озиқ-овқат, дори-дармон реклами астидан Федерал савдо комиссиясининг назоратини таъсис этиши.
«Товарнинг аслилги унинг ўрами ва марказида акс этиши ҳақида»ги қонун (1966 й.)	Кент истеъмол товарлар ўрами ва маркаланишига қоида жорий этилиши ўрам ичida нима борлигини, ишлаб чиқарган шахс номини ва ўрам ичидаги нарсанинг аниқ миқдорини кўрсатишни талаб қиласди.
«Истеъмол товарларининг хавфсиз бўлиши билан боғлиқ муаммолар бўйича комиссия таъсис этилиб унга истеъмол товарларига нисбатан хавфсизлик стандартларини қўллаш ва ушбу стандартларга риоя қилинмаслиги учун санкция қўллаш ваколати берилди.	Истеъмол товарларининг хавфсиз бўлиши билан боғлиқ муаммолар бўйича комиссия таъсис этилиб унга истеъмол товарларига нисбатан хавфсизлик стандартларини қўллаш ва ушбу стандартларга риоя қилинмаслиги учун санкция қўллаш ваколати берилди.
«Қарзларни вижданан ундириб олиш ҳақида»ги қонун (1978 й.)	Қарзларни ундириб олишда одамларни кўркитиш, гаъқиб қилиш, аёвсизларча муносабатда бўлиш, тухмат қилиш ноқонуний деб эълон қилинди.

<sup>1</sup> Предпринимательство: Учебник для вузов / Под ред. проф. В.Я.Горфинкеля, проф. Г.Б.Поляка, проф. В.А.Швандера. – М.: Банки и биржы. ЮНИТИ, 2001. С. 18.

банкининг дастури бўлиб, унда 29 та штат қатнашади. Шунинг учун ҳам хукумат раҳбарларининг маърузаларида кичик бизнес мамлакат иқтисодиётини соғломлаштиришда муҳим восита эканлиги жиддий қайд этилади.

Юқоридаги фикрлардан кўриниб турибдики, кичик бизнес АҚШдек мамлакатнинг стратегик ривожланишида устувор йўналишлардан биридир. Айнан шу соҳа АҚШ иқтисодиётини тез юксалиб боришига катта таъсир кўрсатган.

АҚШда кўпчилик кичик бизнес корхоналарига ярим хукумат ташкилотлари ҳам ёрдам кўрсатадилар. Булар:

- хизматлар савдоси соҳасидаги сиёsat бўйича қўмита;
- Президент қошидаги хусусий тадбиркорлик муаммолари бўйича маҳсус комиссия;
- саноат рақобатбардошлиги масалалари бўйича комиссия ва бошқа шу каби қўмиталардир.

Бундан ташқари, жамоатчилик ташкилотлари ҳам фаолият кўрсатади, яъни:

- савдо-саноат палатаси;
- саноатчиларнинг миллий ассоциацияси;
- савдо ва қишлоқ хўжалигидаги турли ассоциациялар, клублар, гурӯхлар.

Ушбу жамоатчилик ташкилотлари кичик бизнесни қўллаб-кувватлашга амалий ёрдам кўрсатадилар.

«АҚШда федерал даражада 75000 доллардан ортиқ даромадни солиқча тортишда 34 фоиз корпорацион солиқ ставкаси билан бир қаторда, кичикроқ корпорациялар учун иккита пастроқ ставка – даромад 50000 долларгача бўлганда 25 фоиз ставкадан фойдаланилади. Кичик корхоналарда сотув ҳажми 200000 доллардан ошмаган ҳолларда даромад солигини ҳисоблаб чиқиш мақсадлари учун даромад миқдоридан қўшимча чегирмалар белгиланган»<sup>1</sup>.

Эътиборлиси шуки, мамлакатда кичик корхоналар солиқ имтиёзларидан фойдаланмайдилар, аммо субсидиялар, дотациялар, молиявий кафолатлар билан ҳар томонлама қўллаб-кувватланадилар. Кичик бизнесга бундай муносабат, албатта, унинг ривожидаги энг муҳим шарт-шароит ҳисобланиб, йилдан-йилга уларнинг сони ортиб бормоқда. Хусусий секторнинг тез ва ўзгарувчан ўсиб боришида SBAнинг<sup>2</sup> катта ва салмоқли роли бор.

#### **5.4. Кичик ва ўрта бизнесни давлат томонидан қўллаб-кувватлашда SBAнинг бевосита функциялари ва ваколатлари**

Мамлакатнинг миллий хавфсизлиги ва иқтисодиёт тараққиётини таъминлаш мақсадида АҚШда шахснинг барча салоҳиятли имкониятларини ишга солиш учун кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ҳар томонлама


<sup>1</sup> Тўхсанов Қ. Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектлари фаолиятини солиқча тортишнинг хорижий мамлакатлар таъкиблари. // Ж. Иқтисод ва таълим. №1. 2013. 92 б.

<sup>2</sup> SBA – Small Business Administration, яъни, Кичик бизнес маъмурияти.

қўллаб-қувватлаш, адолатли рақобатлашиш ва хусусий ташаббускорликни ривожлантиришига катта эътибор берилган. Бундай эътибор доимо давлатнинг кўмагини тақозо этади.

Маълумки, АҚШда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожланишига давлат томонидан иқтисодий ёрдам бериш асосан уч хил даражада амалга оширилади:

- федерал даражада (давлат ва SBAning ўзаро боғлиқ ҳолдаги фаолияти);
- штатлар ҳукумати даражасида (ҳар бир штат ўзининг қонунларига асосланиб бошқарилади);
- муниципал (маҳаллий) даражада.



5.4.1-расм. Кичик бизнес маъмурияти (SBA) бошқарувининг тузилиши<sup>1</sup>


1953 йилдан бери фаолият кўрсатаётган «Small business administration» (SBA) деб номланувчи ушбу ташкилот барча даражадаги бошқарувни қамраган (5.3.1-расм) бўлиб, федерал ҳукуматнинг мустақил агентлиги сифатида жуда кенг ваколатларга эга. Хусусан, SBAning асосий функциялари қуидагилардан иборат:

- КЎКларни молиявий ресурслар билан таъминлашга рухсат бериш;
- ахборот, таълим ва консалтинг хизматларини кўрсатиш;
- давлат буюртмалари билан таъминлаш ва бажарилишини назорат килиш;
- турли ҳавфли ҳалокатлар, фалокатлар ва фожиаларда КЎКларга қўмаклашиш.

Ҳозирги кунга қадар ўз фаолиятини тұхтатмай олиб бораётган SBA кичик бизнес субъектлари фаолиятини иқтисодий жиҳатдан қўллаб-қувватлаб, уларнинг ижтимоий манфаатларини ҳимоя қилиб келмоқда. SBA кичик бизнес

<sup>1</sup> Расм муаллиф томонидан турли манбалар асосида ишланган.

субъектлари фаолиятини ишчилар сони ва йиллик даромад ҳажми бүйича градацияяга ажратышдан тортиб, барча босқичлардаги тартибга солиш ва молиялаштиришгача бүлган муаммолар ечимини ҳал этишга йўналтирилган ягона ташкилотdir.



5.4.2-расм. АҚШда Кўйлаб-кувватлашнинг худудий инфратузилмаси<sup>1</sup>

Шуни эътироф этиш керакки, SBA фаолияти АҚШ бюджетидан молиялаштириб борилади. Бундай молиялашириш йилдан-йилга кенгайиб бормоқда. Шу билан бирга, 60 йилдан бери кичик ва ўрта бизнесни молиялаштириш ҳажми ҳам ўсиб борувчи тенденцияяга эга бўлмоқда. SBA орқали кичик бизнес субъектларининг турли соҳалари жиддий ўрганилиб, уларга муайян кредит маблағлари ажратилиди.

<sup>1</sup> Мавба: <https://kfpp.ru/analytics/material/foreignsupportexp.php> // Государственная система США развития и поддержки малого предпринимательства.

Давлатнинг юқори органи бўлмиш SBA фақат мамлакат Президенти ва Конгрессга бўйсениб, кичик бизнеснинг ривожи учун маъсул ва жавобгар ташкилот ҳисобланади. SBA нинг ташкилий тузилмасига Адвокатура ва Бош инспекция киритилган бўлиб, уларнинг фаолияти SBA раҳбариятининг фаолиятига боғлиқ эмас. Шунинг учун Адвокатура ва Бош инспекция КЎКлар ҳолатини мустақил равишда баҳолаш, шунингдек, SBA нинг фаолият самарадорлигини белгилаш ва КЎКларни ривожлантириш, ушбу секторни кўллаб-кувватлаш дастурлари ва услубларнинг такомиллашуви бўйича амалий чоралар таклиф қилиш ваколатларига эгадир.

АҚШда кичик бизнесни ҳар томонлама кўллаб-кувватлаш «Кичик бизнес тўғрисида Конун» (PL 85-536; §2) асосида амалга оширилиб, SBA билан барча давлат ташкилотлари биргаликда қўйидаги фаолият йўналишлари бўйича иш олиб боради:

- экспорт имкониятларини кенгайтириш;
- технологиялар трансфертида кўмаклашиш<sup>1</sup>;
- импорт билан самарали рақобат қобилиятини кенгайтириш;
- янги рақобатбардошли товарлар ва хизматлар ишлаб чиқариш, ускуналар сотиб олиш ва қайта тикланиш учун узоқ муддатли кредитларга рухсат бериш;
- кичик корхоналар рақобатбардошлигини оширишга йўналтирилган давлат, ҳудудий ва хусусий дастурлар тўғрисида ахборотлар тарқатиш;
- барча савдо музокараларида кичик корхоналар манфаатларини ҳисобга олиш ва тақдим этишини таъминлаш.

Бу борада 1991–2000 йилларда 435 000 та кичик бизнес субъектларига 94,6 млрд. АҚШ доллари миқдорида амалий ёрдам кўрсатилган. Фақат 2000 йилнинг ўзида SBA кўмагида кичик бизнес сектори томонидан 12,3 млрд. АҚШ доллари ҳажмидаги қарзларнинг ўзлаштирилиши таъминланди, 40 млрд. АҚШ долларидан ортиқ давлат буюртмалари айнан кичик бизнес секторида тақсимланди. Ёнгинлар, фалокатлар ва табиий оғатлар сабабли 1 млрд. АҚШ долларидан ортиқ маблағлар зарар кўрган кичик бизнес субъектларига тўланди<sup>2</sup>.

Хуллас, сўнгги йилларда SBA кўмаги билан ҳар йили турли молиявий ресурсларни жалб этган ҳолда кичик бизнесга умумий ҳисобда 400 млрд. АҚШ доллари миқдорида маблағлар ажратиб борилмоқда. Айнан SBA ўзининг кўмаклашувчи фаолияти билан жаҳон иқтисодиётида биринчи ўринни эгаллаб, жаҳоннинг жуда кўп товарлари ва хизматлари мавжуд бўлган бозорларида илфорлик қилмоқда.

Агар таъбир жоиз бўлса, бугунги кунда SBA нинг ташкил топиши ва фаолиятини дикқат билан ўрганиш зарур. Унинг амалий тажрибалари у ёки бу тарзда Ўзбекистон иқтисодиётида кўлланса, мақсадга мувофиқ бўлар эди.

<sup>1</sup> Технологиялар трансферти – у ёки бу мамлакатлардан технологияларни олиб келип ёки бошқа давлатга ўтказиш (Глоссарийга караиг – A.O.).

<sup>2</sup> Мавба: <https://kffp.ru/analytics/material/foreignsupportexp.php> // Государственная система США развития и поддержки малого предпринимательства.

## 5.5. «Small business administration»нинг устувор вазифаси ва фаолияти

АКШда кичик ва ўрта бизнесни қўллаб-кувватлаш бўйича 60 дан ортиқ дастурлар<sup>1</sup> мавжуд бўлса-да, уларнинг 50 дан ортиғи SBA орқали амалга ошириб келинади. Бу дастурларнинг ҳар бирি маълум бир мақсадга, фаолият сегментига йўналтирилган. Уларда иштирок этиш шартлари мавжуд бўлиб, ҳар бир дастур мижозлар фаоллигини оширишга қаратилган. Ушбу дастурлар ҳар йили янгиланади, кенгайтирилади, такомиллаштирилади ва уларда янги йўналишлар яратилади. Дастурлар ичida йирикроғи аёлларнинг ишбилармонлик фаоллигини ва майда миллатлар вакилларини қўллаб-кувватлаш дастуридир. Бундан ташқари юридик хизмат кўрсатиш, илмий-тадқиқот ишларида кўмаклашиш, экспортга йўналтирилган ишлаб чиқаришни қўллаб-кувватлаш бўйича «7а» ва «504» дастурлари<sup>2</sup> ҳам муҳим аҳамият касб этади.

SBA нинг устувор вазифаси кичик бизнес корхоналарининг иқтисодий фаолиятини ташкил этиш, қўллаб-кувватлаш ва таъминлаштириб. SBA томонидан кичик бизнес ҳақида кеңг иқтисодий ахборот жамланади ва ҳар йили Конгресс томонидан мамлакатдаги кичик бизнес корхоналарининг фаолиятини таҳлил этишда фойдаланилади. Ҳар бир штатдаги SBA нинг бўлимларида 40-50 тадан маъмурий ходимлар иш олиб боради. SBA нинг бўлимлари деярли барча йирик шаҳарларда мавжуд бўлиб, АҚШнинг барча штатларида кичик бизнесни қўллаб-кувватлаш сиёсати шу тарзда амалга оширилади. Ҳозирга келиб, SBA Федерал агентлигига 4,5 мингдан ортиқ киши меҳнатда банд бўлиб, унинг 68 та маҳаллий бўлинмалари фаолият кўрсатмоқда. Хусусан, Вашингтоннинг ўзида ўндан ортиқ ҳудудий бўлимлари ўз фаолиятини олиб бормоқда.

SBA аппаратида жами 1000 нафар ишчи-ходимлари бўлиб, бюджети – 1,2 млрд. АҚШ долларига тенг. 4000 дан ортиқ киши ушбу маъмуриятнинг фаолияти асосида давлат томонидан қўллаб-кувватланади.

SBA нинг асосий вазифалари кўйидагилардан иборат:

- кичик бизнес субъектларига консалтинг хизматини кўрсатиш;
- турли бизнес учун кредит турларини тавсия этиш ва уларни олишга ёрдам бериш;
- техника янгиликлари ва ахборот узатиш орқали кичик бизнесни қўллаб-кувватлаш;
- кичик бизнес учун кредит кафолатларини бериш;

<sup>1</sup> Лапуста М.Г. Малое предпринимательство: Учебник. –М.: ИНФРА-М. 2008. С. 514.

<sup>2</sup> Изот: «7а» дастури – бу кафолатли кредитларга эга бўлиши дастуридир. «Кафолатли кредитлар», яъни «7а» дастуридан факат кичик бизнес субъектлари фойдаланга оладилар. Бундай кредитлар ҳажми 250 минг АҚШ долларигача бўлади. «7а» дастури асосидаги кредитлар энг аввало кичик корхоналарни бошқаргаётган аёл тадбиркорларга, қишлоқ жойларидаги кичик тадбиркорларга, саноатнинг айрим тармоғига фаолият кўрсаттистан тадбиркорларга, шунингдек, АҚШнинг айрим географик ҳудудларида ўз бизнесини юргатасетган тадбиркорларга берилади. «504» дастури – бу дастурнинг тўлиқ номи «504 кредит дастури бўйича компаниялар ривожини лицензиялаш» деб кайд этилади. Давлат томонидан кафолатланадиган бу дастур кредитларининг ҳажми 2006 йилда 5,5 млрд. АҚШ долларини ташкил этган. «504» дастури кичик корхоналарни узокмуддатли молиятнини таъминлайди. Кўчмас мулжаларни сотиб олишида, тадбиркорлик фаолиятини модернизация асосида кенгайтиришда ва турли технологияларни сотиб олишида кичик бизнес субъектларига бериладиган кредит дастуридир.

- мазкур ташкилот бюджети хисобидан кичик бизнес фаолиятини субсидиялаш ва кредитлаш;
- йирик корхоналар билан шартнома тузишга ва давлат буюртмаларини олишга кўмаклашиш.

Кичик бизнес субъектларига берилган кредитлардан мақсадли фойдаланилиши SBA томонидан назорат қилиниб, агар устувор йўналишларга сарфланса, 1,3 млн. АҚШ долларигача бўлган миқдор SBA томонидан кафолатланади. Бу устувор йўналишлар қўйидагича:

- худуд саноатини ривожлантириш;
- экспортни кенгайтириш;
- қишлоқ жойларини кенгайтириш ва ободонлаштириш;
- рақобатни рағбатлантириш;
- иқтисодиётни реконструкция қилиш;
- бюджет секвестрларини<sup>1</sup> компенсациялаш.

SBAнинг маълумотига кўра, АҚШдаги компанияларнинг 98 фоизи кичик бизнесга мансуб. Улар эркин иқтисодий фаолият кўрсатиб, ялпи миллий маҳсулотнинг 40 фоизини ишлаб чиқаради<sup>2</sup>. Бу соҳа саноат ва хизмат кўрсатишида янги иш ўринларини яратиш манбаи сифатида намоён бўлган. Хусусан, 90-йилларда янги технологиялар ва ихтиrolарнинг 90 фоизини кичик бизнес корхоналарида амалга оширилган. Машинасозлик соҳасидаги 27 фоиз ана шундай корхоналарда ишчилар сони 100 кишигacha боради<sup>3</sup>. Бу ерда ишлаб чиқариш, хизмат кўрсатиш ва савдо тармоғидаги иш ўринларини яратишдаги асосий манба, яъни бизнес секторда янги иш жойларининг 3/4 қисми<sup>4</sup> яратилади.

Таъкидлаш жоизки, кичик бизнес субъектлари градациясини ишлаб чиқиши ва такомиллаштиришда ҳам SBAнинг тажрибаси катта. Чунки SBA ҳар йили иқтисодиёт тармоқларида кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик корхоналарининг миқдор жиҳатидан қўпайиб ёки камайиб бориши тўғрисида маълумотга эга бўлиб боради. Ўз навбатида бу ўзгаришларни тартибга солиб турувчи дастурлар ишлаб чиқади.

АҚШда SBAнинг кичик бизнес субъектлари фаолиятига кўмак беришдаги аҳамиятини алоҳида қайд этиш керак. Кўйида ушбу федерал ташкилотнинг кўмак беришдаги шаклларини кўриб чиқамиш:

1. Кичик бизнес билан шуғулланишни бошловчиларга бепул маслаҳат бериш хизматлари ташкил этилган. Шу мақсадда турли анжуманлар, кенгашлар, семинарлар ўtkазиб турилади.

2. SBA таркибида кичик бизнесни ривожлантириш марказларида бизнесга доир аҳборотларни йиғиши ва умумлаштириш ишлари амалга оширилади. Бу марказларда турли масалалар бўйича маслаҳатлар бериш ва тадбиркорларни ўқитиши имкониятлари мавжуд.

<sup>1</sup> Секвестр – (*латинчадан seqvestrum саклаш; инглизча sequestration*) – ҳокимият органлари томонидан қандай бўлмасин муайян мулқидан фойдаланишини таҳқиқлаб қўйиш.

<sup>2</sup> Караган: [www.21asr.uz](http://www.21asr.uz) // Жаҳон иқтисодиётининг таянч пуктаси. 23 декабрь, 2010.

<sup>3</sup> Краюхин Г. и др. Малые предприятия в условиях рынка. –Т.: Узбекистан, 1991. С. 14.

<sup>4</sup> Абдурахманов М., Кодиров Б. Малый бизнес в США // Тезисы докладов ТГЭУ, –Т.: 1996. С. 44.

3. SBA иштирокида университет ва коллежларда майда тадбиркорларни бепул үқитиш курслари ташкил этилган. Шу билан бирга, пуллик курслар ҳам мавжуд.

4. Бизнес билан шуғулланишни хоҳловчи аёллар учун қисқа курслар ташкил этилган.

5. Ёш ишбилиармонлар учун маҳсус курслар фаолият кўрсатади.

6. Юқори малакага эга бўлиш учун йўналтирилган пулли курслар ташкил этилган. Бу курсларнинг давомийлиги 2-3 ҳафта бўлиб, маҳсус дастурлар асосида олиб борилади.

Умуман олганда, SBA – Федерал агентлик кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик корхоналари фаолиятини қонуний жиҳатдан назорат қилиб бориш ва уларнинг манфаатларини ҳимоялаш каби ишларни ҳам амалга ошириб боради. Ташкилот таркибида фаолият олиб бораётган адвокатура бўлими ўзининг маҳсус маслаҳатлари билан тадбиркорлар манфаатларини ҳимоялашда муҳим роль ўйнайди.

## 5.6. АҚШда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик миқёслари ва у туфайли яратилаётган иш жойлари

АҚШда кичик бизнесни белгиловчи мезонлар тизими жуда аниқ такомиллашган. Бу мезонлар кичик ва хусусий корхоналарнинг фаолият турига ва тармоқларга кўра турлича қўлланилади. Масалан, айrim соҳаларда кичик корхоналар мақоми ишчилар сонига кўра белгиланса, бошқаларида айланма маблағлар ва фойда ҳажмига қараб аниқланади.

Демак, АҚШда кичик бизнес миқёслари ўзига хос градацияланади. 1953 йилда майда бизнесни йирик бизнесдан фарқлаша учун қонун қабул қилинган. 1958 йилда ушбу қонунга майда бизнес миқёсларини аниқ чегараловчи ўзгартиришлар қиритилди. Сабаби, майда бизнес корхоналарига кредит олиш имкониятларини кенгайтириш эди. Қонунда тадбиркорликнинг аниқ соҳалари учун мезонлар ҳам белгиланган. Масалан, саноат соҳасидаги кичик корхоналарда 250-1500 киши ишлаши мумкин. Умуман, АҚШда ишчилар сонига кўра бизнес корхоналари бешта табақага бўлинади<sup>1</sup>:

- энг кичик (1-24 киши);
- кичик (25-99 киши);
- ўртача (100-499);
- йирик (500-999);
- энг йирик (1000 ва ундан ортик).

Демак, АҚШда кичик бизнес субъектлари деганда, энг кичик, кичик ва ўрта корхоналар фаолиятини тушуниш мумкин. Бундан ташқари капитал айланмаси асосида табақалаштирилган мезонлар ҳам бор. Бундай мезон чегараси 0,75 миллиондан 20 млн. АҚШ долларигачадир<sup>2</sup>. Масалан, улгуржи савдо корхоналарининг йиллик савдо муомаласи 3-18 млн. АҚШ доллари

<sup>1</sup> Жизнин С., Крупнов В. Қандай қилиб бизнесмей бўлиш мумкин? Үқитувчич, -Т.: 1992. 17 бет.

<sup>2</sup> Лапуста М.Г. Малое предпринимательство: Учебник. -М.: ИНФРА-М. 2008. С. 23.

орасида бўлса, майда бизнесга киритилади. Чакана савдо ва хизмат кўрсатиш соҳаларида эса бу чегара 1-5 млн. АҚШ долларини ташкил этиши керак<sup>1</sup>. Умуман олганда, АҚШда соф даромаднинг 34,9 фоизи кичик бизнес улушига тўғри келади.

1975 йилда АҚШдаги йирик корхоналар томонидан яратилган янги иш ўринлари атиги 6 фоизни ташкил этди. 1979 йилга келиб, бундай компаниялар 600 000 дан кўпроқ ишчи ўринларини йўқотишиди. Бироқ, худди шу йилларда мамлакатда яратилган янги иш ўринларининг 90 фоиз кичик бизнес секторида яратилди. Уларнинг ярмидан кўпроғи ишчилари 20 кишидан иборат бўлган корхоналар улушига тўғри келади. АҚШ иқтисодчиларининг хисобларига кўра 1987 йилда яратилган янги иш ўринларининг 3/4 қисми кичик бизнес секторига тўғри келган.

Энг аҳамиятли томони шунда эдикি, яратилган янги иш ўринларининг аксарияти юқори технологияли (компьютерлар, кир ювиш машиналари ва роботлар) ишлаб чиқаришда амалга оширилди. Аммо сўнгги йигирма йиллар мобайнида ушбу устувор йўналишларда яратилган янги иш ўринларининг улуси атиги 10 фоизни ташкил этди. Кўпчилик янги иш ўринларининг улуси ресторон ва аёллар кийимлари тайёрлайдиган корхоналарга тўғри келди.

Машинасозлик соҳасидаги 27 фоиз ана шундай корхоналарда ишчилар сони 100 кишигача боради<sup>2</sup>. Бу ерда ишлаб чиқариш, хизмат кўрсатиш ва савдо тармоғида бизнес сектор – иш ўринларини яратищдаги асосий манба хисобланади. «World's Epsilon Enterprises Inc.» компанияси президенти А. Левининг таъкидлашича, «АҚШда ...мехнатта лаёқатли аҳолининг 90 фоиздан ортиғи иқтисодиётнинг ушбу тармоғида фаолият юритади»<sup>3</sup>.

Сўнгти маълумотларга қараганда, АҚШ иқтисодиётининг айrim тармоқларида кичик бизнес корхоналарида 1000 кишигача ишчилар ёлланиши мумкин<sup>4</sup>. Мамлакат ялпи ички маҳсулотида кичик бизнес секторининг улуси орта бошлиди. Чунки меҳнат ресурсларининг аксарияти кичик корхоналарда иш билан банд бўлиб, яна бир қисми ўз бизнесини ташкил этишга киришган эди. АҚШда кўпроқ энг майда корхоналар фаолиятини устуворроқ деб билиш мумкин. Бундай корхоналар ишчилари 2-3 кишидан иборат бўлиб, уларнинг аксарияти жамоа тадбиркорлигига асосланган бўлади. Кичик ва ўрта корхоналар уларга нисбатан микдор жиҳатидан камроқдир.

## 5.7. АҚШда кичик бизнес ва тадбиркорликни молиялаштирилиши

Умуман олганда, АҚШ иқтисодиёти дастлаб Нидерландия, кейинчалик Англия, Канада, Германия, Япония инвестицияси таъсирида кучайган. АҚШда йирик компаниялардан фарқли равишда кичик корхоналар қарз сармоясига эмас, асосан, ўз маблағларига таянади. Шундай бўлса-да, тез ривожланаётган

<sup>1</sup> Жизнин С., Крупнов В. Қандай қилиб бизнесмен бўлиш мумкин? Ўқитувчи. –Т.: 1992. 17-18 бетлар.

<sup>2</sup> Краюхин Г. и др. Малые предприятия в условиях рынка. –Т.: Узбекистан, 1991. С. 14.

<sup>3</sup> Халқ сўзи. 28 декабрь. 2010. №249. 3-бет.

<sup>4</sup> Рубе В. А. Малый бизнес: история, теория, практика.–М.: ТЕИС, 2000. С. 30.

фирмалар жалб қилинадиган маблағлар ҳисобига қисман молияланишга эхтиёж сезади.

Бу ҳолда кредит карточкалари муҳим молиялаш манбаи бўлиб хизмат килади. 1993 йилда кичик фирмаларнинг 29 фоизи улардан фойдаланган. Бироқ шундай шароитларда ҳам банкларнинг тутган ўрни пасаймайди. Худди ўша 1993 йилда кичик корхоналарнинг 26 фоизи кредит линияси, 9 фоизи молиявий лизинг, 6 фоизи ипотека кредити, 14 фоизи ускуналар учун кредит, 24 фоизи транспорт воситалари учун кредитдан фойдаланишган бўлса, 1996 йил июнидан 1998 йил бошига қадар 37 фоиз худди шундай корхона тижорат банклари хизматидан фойдаланди. Уларга берилган банк кредитлари умумий суммаси эса 172 млрд. АҚШ долларини ташкил этди.

Ҳар йили АҚШ ҳукумати (SBA қўмаги ҳисобга олинмаганда) кичик бизнес ва тадбиркорликни молиялаштириш ва рағбатлантириш мақсадида 60-70 млрд. АҚШ долларида маблағ ажратади. Америка ишбилармонлари обруй-эътиборга эришиш, инсон хислатларидаги қадр-қимматни топиши масалаларига жиддий ёндашадилар. Ҳар бир америкалик ўзи яшаётган жамиятга ўзининг хиссасини кўшиб боришини асосий бурч деб билади. АҚШда бизнес қилишга қаттиқ киришиш одат тусиға айланган. Бунинг сабаби ҳар бир америкалик гўёки, ўзининг моддий ва маънавий аҳволидан қониқмаётгандек ҳис этишидир.

Федерал молиялаш ахборот маркази ҳузуридаги ижтимоий ҳимоялаш бўлими маълумотларига қараганда, 1996 йилда федерал ҳукумат кичик ва ўрта тадбиркорликнинг ривожланишига 197,5 млрд. АҚШ доллари ажратди. Аёллар ва кичик миллатлар вакиллари амалий фаоллигини рағбатлантириш, экспортга мўлжалланган ишлаб чиқаришларини ривожлантириш, илмий тадқиқот ишларини молиялаш кўллаб-куvvatланаётган асосий ўналишлар ҳисобланади.

SBA муассасаси бепул ахборот хизматлари кўрсатибгина қолмай, кичик фирмаларга молиявий маблағлар тақдим этишда турли ташкилотлар манфаатдорлигини ошириш мақсадида қарз сармоясининг 90 фоизигача микдорида кредиторларга давлат кафолатлари беради. Фақат ҳарбий кучлар фаҳрийлари ёки кичик миллат вакиллари бўлган тадбиркорлар, шунингдек, ишсизлик даражаси юқори бўлган ҳудудларда жойлашган корхоналар ушбу ташкилотдан кредит олишга ҳақлидир.

SBA доим федерал бюджет ҳисобидан маблағ билан таъминланади. 1999 йилда бу бюджет бўйича ажратмалар 15,3 млрд. долларга тенг бўлди. Бу эса 1998 йилга қараганда 15 фоизга кўпдир. Ажратилган маблағларнинг 72 фоизи банк орқали оддий йўл билан кредит олиш имконига эга бўлмаган янги очилаётган кичик корхоналар учун кафолатлар бериш учун мўлжалланди. Қарз муддатлари, мақсади ва микдорида келиб чиқиб, у 750 мингдан ортиқ бўлмаса, умумий сумманинг 75 фоизи, 100 мингдан ортиқ бўлмаса, 80 фоизи микдорида кафолат берилади. Бунда айланма сармояси учун 10 йилгача, асосий сармоя учун 25 йилгача кафолат берилади. Фоиз ставкаси қарз микдорининг 2,75 бандидан ортмаслиги лозим.

Фаолият юритаётган корхоналарни кенгайтириш ва замонавийлаштириш SBA фаолиятининг муҳим ўналиши ҳисобланади. Бу қарз суммаси 1 млн. АҚШ долларидан ошмаса, қарз умумий суммасининг 40 фоизи микдорида

агентлик кафолати остида күчмас мулк, ускуналар, технологиялар харид қилиш учун белгиланган ставкалар узоқ муддатли кредитлар беришини ўз ичига олади. Мазкур дастур бажариладиган хизматларнинг таниархи пастлиги билан изоҳланади ва ускуналар ишлаш ва харид қилиш, имкон борича паст нархларда курилиш ишларини амалга оширишда кўшимча ёрдам берилишини назарда тутади. Унга маъмурият умумий бюджетининг 19,6 фоизигача микдори ажратиласди.

Бундан ташқари, SBA икки ёки ундан кўпроқ компаниялар ташаббускорлиги билан ташкил этилаётган кичик корхоналарни молиялаш билан шугулланади. Ажратиладиган маблағлар 72 фоиз ва микрокредитлар 0,5 фоиз, одатда, бу фойда бермайди, аксарияти ҳатто қайтмайди ҳам.


Ёрдам олган корхоналарнинг 85 фоизи йил давомида тугатилишига қарамай, SBA эксперлари қолган 15 фоиз корхоналарнинг муваффакиятли ишлашини тасдиқдайди ва бериладиган молиявий кўллаб-куватлашни тўлиқ оқлади, деб ҳисоблашади.

АҚШда штатлар, шаҳарлар ва ҳатто муайян ташкилотлар даражасида кичик тадбиркорликка маблаг жалб қилишга кўмаклашадиган дастурларни ишлаб чиқиш кенг тарқалгандир.

Эътиборлиси шундаки, АҚШда кўлидан иш келмайдиган ёки ишни мукаммал даражада бажара олмайдиган кишиларни ёқтиришмайди. Бундай кишиларни учратиш ҳам қийин. Омади юришган ва омади юришмаган кишилар ўртасидаги фарқ ҳам жуда катта. Америка ишбилиармонларининг асосий муваффакияти уларнинг истеъоди ва улкан ҳажмдаги ахборотларнинг таҳлил қилиш қобилиятига жуда боғлиқ. Жиддий қарорлар қабул қилишда уларнинг зиммасидаги масъулият ҳам анча оғир. Бизнес юритишда қабул қилинадиган ҳар бир қарор синчиллаб ўрганилади. Агар қарорларни ўзgartириш ёки уларга янгиликлар киритиш зарур бўлса, келишувлар асосида амалга оширилади.

## 5.8. Жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози шароитида АҚШ тадбиркорчилигидаги муаммолар

Жаҳон миқёсида рўй берган молиявий-иқтисодий инқироз туфайли аксарият ривожланган мамлакатларда унинг олдини олишга йўналтирилган давлат дастурлари қабул қилинди. Ҳар бир давлат ўзининг иқтисодий ривожланишидаги муаммоларидан келиб чиқиб, инқирозга қарши чоралар бўйича давлат дастурини қабул қиласа экан, улар можияти ва мазмуни жихатидан бир-биридан фарқ қиласди. Бошқача айтганда, кўпчилик мамлакатлар раҳбарлари дунё иқтисодиётини жонлантириш учун маблағ ажратишни яқдиллик билан кўллаб-куватлаган бўлсалар-да, бундай чоратадбирларни факат ўз ҳудудларида кўллаш билан чекландилар. Масалан, АҚШ ўзининг инқирозга қарши чоралар дастурини «Америка маҳсулотларини сотиб ол!» шиори остида амалга оширди.



5.8.1-расм. АҚШда ЯИМнинг 2004–2016 йиллардаги ўсиш динамикаси<sup>1</sup>

Франция эса Европа Иттифоқи сиёсати тамойилларидан чекинган ҳолда префектураларга (вилоятларга) автомобиль саноатини күллаб-куватлаш учун маблағлар ажратди. Шунга қарамай, энг ривожланган мамлакатларда фаолият кўрсатадиган кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларининг банкротта учраши сезиларли бўлди. Бу эса мамлакат ЯИМнинг ўсиш суръатига ҳам жиддий таъсирини кўрсатди (5.8.1-расм).

### 5.8.1-жадвал.

#### АҚШда бўлиб ўтган рецессиялар<sup>2</sup>

Рецессия даври	Давомийлиги	Иқтисодий пасайиш
1990 йил июл – 1991 март	Саккиз ой	1,3 фоиз
1992 июл	Бир ой	7,8 фоиз
2001 йил март – ноябр	Саккиз ой	0,4 фоиз
2003 йил июн	Бир ой	6,3 фоиз
2007 август	Номаълум <sup>3</sup>	

Иқтисодчиларимизнинг таҳлилларига кўра, АҚШда рўй берган 2007 йилдаги рецессия олдинги йилларда бўлиб ўтган рецессиялардан фарқланади. 1990, 1992, 2001 ва 2003 йиллардаги рецессия жараёнларида АҚШ иқтисодиёти маълум бир даврга пасайган бўлса-да, жаҳон иқтисодиётига сезиларли таъсир кўрсатмаган.

Лекин 2007 йилдаги рецессия жаҳон иқтисодиётига жиддий таъсир кўрсатиб, унинг давомийлик даражаси 5.8.1-жадвалда келтирилганидек, номаълумлигича қолдирилган. Сўнгги рецессиянинг салбий оқибатлари 2015 йилга қадар бошқа давлатларга ҳам ўз таъсирини кўрсатган.


<sup>1</sup> Манбалар: 2004-2015 йиллар CIA World Factbook. ва 2016 йил маълумоти: [https://www.bea.gov/Gross Domestic Product \(GDP\) Graph](https://www.bea.gov/Gross Domestic Product (GDP) Graph).

<sup>2</sup> Манба: Мирзаев Ф. И. Банклараро ракобат: моҳияти, шаклланиши ва ривожланиши босқичлари. –Т.: Молия, 2008. 88-бет.

<sup>3</sup> Изоҳ: 2014 йилга келиб жаҳон молиявий-иктисодий инқирозининг давом этабинигини халқаро ташкилотлар экспертлари тасдиқлагандар. Манба: [https://ru.wikipedia.org/wiki/Мировой\\_экономический\\_кризис](https://ru.wikipedia.org/wiki/Мировой_экономический_кризис).

Жумладан, 2009 йил бошида АҚШда 2,5 миллиондан ортиқ иш үринлари кисқарған. Мамлакат мәжнат вазирлигининг маълумотларига кўра, 2009 йилнинг феврал ойида бу ерда 694 минг киши ўз иш жойидан ажралган. Шу тариҳ АҚШда ишсизларнинг умумий сони 13,2 млн. кишига етган<sup>1</sup>. 2010 йилнинг 3-чорак якунида эса АҚШдаги ишсизлик даражаси 9,6 фоизга етган<sup>2</sup> ва йил якунида 10,1 фоизни ташкил этган. Афсуски, бундай ҳолат фақат АҚШдагина эмас, балки бошқа ривожланган давлатларда ҳам кузатилди.

2010 йилнинг январь ойида АҚШнинг собиқ Президенти Б. Обама «Мамлакатдаги вазият тўғрисида»ги биринчи мурожаатида кичик бизнесга солиқ имтиёзлари бериш ва транспорт инфратузилмасини ривожлантириш борасида тадбирлар кўриш зарурлигини гапириб, бу ишларни ишсизликка қарши кураш чораси сифатида алоҳида қайд этган эди. 2010 йилнинг сентябр ойига келиб, Президентнинг Оғайо штатида кичик бизнесга 100 млрд. АҚШ доллари микдорида солиқ имтиёзлари беришга оид стратегиясини зълон қилиши белгиланди<sup>3</sup>, аммо, мамлакатда инқирозга қарши кўрилаётган чора-тадбирларнинг муайян қисми режа мақомида бажарилмай қолди.



5.8.2-расм. АҚШда 2002–2016 йиллардаги ишсизлик даражаси<sup>4</sup>

Жаҳон молиявий-иқтисодий инқирозининг рўй бериши туфайли аксарият ривожланган мамлакатларда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларининг иқтисодий фаолиятида жиддий муаммолар юзага кела бошлади. Нафакат кичик бизнес субъектлари, балки йирик корхоналар ҳам начорлик ҳолатига тушиб, ишсизликнинг авж олиши рўй берди (5.8.2-расм).

Шуниси зътиборлики, энг ривожланган АҚШдек давлат асрлар давомида бозор иқтисодиёти шароитида яшаб келган. Ушбу давлат бошқарувида бозор иқтисодиётига хос бўлган иқтисодий циклларнинг энг чегаравий ҳолатларида

<sup>1</sup> Инқирозга қарши яқдиллик мухим. // Халқ сўзи. 21 апрель. 2009. №79. 7-бет.

<sup>2</sup> Майба www.rbc.ru сайтидан олинган маълумот (10.10.2010 й.).

<sup>3</sup> Қаранг: Тааназул сояси. // XXI аср рўзномаси, 16 сентябрь. 2010. №37. 7-бет.

<sup>4</sup> Манбалар: Ўзбекистон Республикаси йирик статистик тўплами. –Т.: 2008.; <http://www.ereport.ru/stat.php> / Уровни безработицы США. Бунда 2016 йилга тегишли маълумотлар <https://data.bls.gov/timeseries/LNS14000000> сайтидан олинган. Барча маълумотлар йил якунига кўра берилган.

ҳам инқироздан чиқиб кетиш соҳасида тажриба шаклланган бўлса-да<sup>1</sup>, ҳозирги кун амалиётида бу тажрибалар етарли эмаслиги сезилиб қолди. Чунки глобал инқироздан аввалги содир бўлган инқирозлар бир давлатнинг ўзида, яъни АҚШда рўй берган.

Эътиборлиси шундаки, АҚШда ишсизлик даражаси 2010 йилдан мунтазам камайиш тенденциясига ўтган бўлса-да, айрим бошқа давлатларда ишсизлик даражаси аксинча ўсган<sup>2</sup>. Хусусан, 2011 йилнинг февраль ойи якунларига кўра Грецияда ишсизлар 12 фоиздан 15,9 фоизга<sup>3</sup> ошган. 2017 йилнинг апрель ҳолатида эса Грециядаги ишсизлик 21,7 фоизни<sup>4</sup> ташкил қилди. 2000 йилдаётқ нафақат АҚШ, балки Буюк Британия, Германия, Франция, Италия, Мексика каби қатор давлатларда иқтисодий ўсиш суръатларининг сезиларли даражадаги пасайиши кузатилди. АҚШ тўлов баланси ва бюджетидаги тақчилликнинг юқорилиги, долларнинг европа нисбатан девальвацияси, Германияда ишсизлар сонининг ўсиши ҳамда бюджет тақчиллигининг Европа Иттифоқи талаблари даражасидан ошиб кетаётганини маълум бўлди.

## 5.9. Инқироздан кейинги йилларда АҚШ иқтисодиётидаги ўзгаришлар

Жаҳон миқёсида рўй берган молиявий-иктисодий инқироз туфайли жуда кўп давлатларда зарар кўрилса-да, иқтисодиётни тиклаш борасида бир-бирига ўхшамаган чора-тадбирлар кўллаб борилди. АҚШ иқтисодиётидаги кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни жадаллаштиришда ҳукумат раҳбарларининг ўзлари бир қатор тақлифлар билан чиқиб бордилар.

2012 йилда АҚШда ойига ўртacha 181 мингта иш ўрни яратилди. Экспертларнинг фикрига кўра, ҳар ойда камида 250 мингтадан иш жойи ташкил этилгандагина мамлакатдаги меҳнат бозорини яхшилаш ва иқтисодий вазиятни барқарорлаштиришга эришиш мумкин<sup>5</sup>. Бундай сайд-ҳаракатларда давлат сиёсатида албатта кичик ва ўрта корхоналарни ташкил этишга бўлган устуворлик сақланиб борди.

Бироқ дастлаб ижобий натижалар сезиларли бўлмади. Масалан, 2013 йилнинг январь ойида АҚШда 157 мингта янги иш ўрни ташкил этилган. Бу кутинганидан уч мингтага кам эканини қўпчилик эксперталар қайд этган. Аммо бандлик масаласида ижобий натижалар кўзга ташланди. Янги иш ўринлари ташкил этишда, айниқса, хусусий сектор корхоналари анча фаол иштирок этди. Лекин давлат муассасаларида вазият ижобий бўлмади. Улар ҳамон қисқартишларни амалга ошириш тарафдори бўлдилар. Натижада 2013 йилнинг январь ҳолатида ишсизлик 7,8 фоиздан 7,9 фоизга ўсган<sup>6</sup>.

<sup>1</sup> Пол А. Самуэльсон. Вильям Д. Нордхаус. Экономика: Пер. с англ. –М.: «Лаборатория Базовых Знаний», 2000. С.77-78.

<sup>2</sup> Масалан, Италияда 2017 йил апрель ҳолатида ишсизлик даражаси 11,5 фоизни ташкил этган.

<sup>3</sup> Манба: Биржа. №57. 15 бет.

<sup>4</sup> Манба: <https://ria.ru/world/20170707/1498035988.html>


<sup>5</sup> Жаҳон 24 соат ичидаги Кутинганидан ҳам кам //Халқ сўзи. 5 февраль. 2013.

<sup>6</sup> Жаҳон 24 соат ичидаги Кутинганидан ҳам кам //Халқ сўзи. 5 февраль. 2013.

ХВФнинг эътироф этишича, АҚШ иқтисодиёти учун фавкулодда қийин вазиятлар аҳолининг қариши, инфраструктуранинг эскириши ва ўрта синф вакилларининг 30 йилда минимал даражада камайиб бораётганлигидан келиб чиқмоқда<sup>1</sup>.

Мамлакатда ишсизликни камайтиришга йўналтирилган чора-тадбирлар қаторида кичик ва ўрта корхоналарни ташкил этишга ҳам жиддий эътибор берилди. Инкиroz даврида саноат корхоналарини ташкил этишда хомашёга бўлган харажатлар нуқтаи назаридан муаммолар юзага келди. Хусусан, Американинг «Boston Consulting Group» (BCG)<sup>2</sup> компанияси мъълумотига кўра, 2015 йилда саноат ишлаб чиқариш харажатларининг ўртача даражаси АҚШда 100 фоизга тенг деб шартли равишда белгиланса, Хитойда – 93 фоизга түғри келиши белгиланди<sup>3</sup>.

Айни шу йилда АҚШнинг кичик бизнесида қулайлик индекси 94,8 фоизни ташкил этган ҳолда 2014 йилга нисбатан пасайди. Аммо 2016 йилдан ушбу кўрсаткич динамикаси ўсиш тенденциясини сақлаб турибди (5.9.1-расм).



5.9.1-расм. АҚШнинг кичик бизнесида қулайлик (оптимизм) индекси (фоизда)<sup>4</sup>

Дарҳақиқат, АҚШ иқтисодиётида сўнгги йилларда ўсиш тенденциялари кузатилмоқда. ХВФнинг бош иқтисодчиси Морис Обстфелдинг фикрича “Истиқболдаги ҳолатнинг яхшиланиши, асосан, Европа ва Осиёдаги ижобий иқтисодий кўрсаткичларга боғлиқ, шунингдек, АҚШ иқтисодиётининг ўсишида ҳам тезлашиш кутилмоқда”<sup>5</sup>.

Хусусан, “...2017 йилнинг март ойида АҚШ хусусий секторида иш ўринлари сони 263 мингтага кўпайди”, – дейилади “Euro news” телеканали хабарида. Бу 2014 йилнинг декабрь ойидан буён қайд этилган энг яхши кўрсаткич бўлиб, аввалроқ таҳлилчилар қилган тахминдан ҳам сезиларли

<sup>1</sup> Манба: <https://lenta.ru/news // Рост ВВП США оказался вдвое хуже ожиданий> (Кириш: 29.07.2016).

<sup>2</sup> АҚШда узоқ йиллардан бери фаолият курсатаётган консалтинг компания.

<sup>3</sup> Карант: The Nikkei. February 27, 2013.

<sup>4</sup> <https://mfd.ru/calendar/details/?id=566 // Индекс оптимизма в малом бизнесе США>.

<sup>5</sup> Манба: <http://ru.euronews.com/2017/04/18/imf-raises-growth-predictions-frets-about-protectionism>

даражада юқориropic. Янги иш жойларининг асосий қисми – 181 мингтаси хизмат кўрсатиш соҳасида очилган”<sup>1</sup>.

АҚШ молия вазири Стивен Мнучиннинг таъкидлашича, айни вақтда АҚШда “дунёдаги энг қийин ҳисобланувчи солиқ ставкаси” мавжуд. Айни пайтда (2017 йилдан) АҚШ Президенти Дональд Трампнинг солиқ ислоҳотида компаниялар даромадидан олинадиган солиқларни 35 фоиздан 15 фоизгача камайтирилиши назарда тутилган. Стивен Мнучиннинг айтишича, бу солиқ ҳам корпорацияларга, ҳам ўрта ва кичик бизнесга тааллукли бўлади. Вазир шунингдек хориждан даромаднинг қайтарилишига кичик солиқ қўйилишига ваъда берди. Унинг айтишича, бу давлатга триллионлаб долларларнинг қайтарилишига олиб келади, бироқ Стивен Мнучин бу солиқ миқдори қандай бўлишини маълум қилишдан бош тортди. Трамп, шунингдек, фарзандлари ва қарамоғида бошқа шахслар бўлган оиласаларга янги солиқ имтиёзларини киритишини таклиф қилди. Бундан ташқари, оиласалар учун максимал солиқ чегирмаларини 2 баробарга кўпайтириш режалаштирилган<sup>2</sup>.

Маълумот учун шуни қайд этамизи, Америкалик эксперталар 2017 йилда АҚШда ЯИМ 2,3 фоизга, 2018 йилда эса 2,5 фоизга кўпайишини прогноз қилдилар<sup>3</sup>. Бугунги кунда жаҳон ЯИМнинг 24,5 фоиз АҚШга тўғри келади. Лекин сайёрамиз ахолисининг атиги 4,5 фоизи АҚШ ахолисидир<sup>4</sup>. Шунингдек, 2016 йилда ЯИМ ҳажми 18 558 трлн. доллар<sup>5</sup> бўлиб, ахоли жон бошига ЯИМ ҳажми 57 220 долларни ташкил этади.

Хулоса қилиб айтганда, АҚШда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантириш йўлидаги саъй-харакатлар давом эттириб бориляпти. Мамлакатда кичик ва ўрта бизнесни ривожлантириш бўйича эришилган тажрибалар у ёки бу кўламда амалиётда қўлланиб борилмоқда.

### Бешинчи боб бўйича хулоса

1. АҚШ тадбиркорчилигининг ривожланишида асосан иммигрантлар мухим роль ўйнаган. Дастрлаб Европадан келган иммигрантлар кейинчалик эса Осиё ва Лотин Америкасидан келган иммигрантлар АҚШ иқтисодиётига муайян даражада ўз хиссаларини кўшган.

2. АҚШнинг бизнес секторидаги корхоналар ривожида асосан корхоналарнинг корпоратив шакли мухим роль ўйнаган. Чунки дастрлабки даврларда майдада корхоналарнинг бирлашувидаги корпоративликка жиддий эътибор берилган. Давр ўтган сари йирик бизнеснинг ўзи, кичик бизнесга ёрдам бера бошлаган. Корпорация раҳбарлари кичик корхоналарнинг корпоратив

<sup>1</sup> Жаҳон 24 соат ичидаги рубрикаси: Хусусий сектор ҳиссаси // Халқ сўзи. 12 апрель. 2017.

<sup>2</sup> Манба: <http://Kun.uz/news> // Трамп компаниялар даромадидан олинадиган солиқни камайтиришни таклиф қилди (27 апрель 2017 й.).

<sup>3</sup> Манба: <http://ru.euronews.com/2017/04/18/imf-raises-growth-predictions-frets-about-protectionism>

<sup>4</sup> Манба: <http://www.vestifinance.ru/articles/71794> // Экономическая карта США: ВВП штатов.

<sup>5</sup> Манба: [http://countrymeters.info/ru/United\\_States\\_of\\_America\\_\(USA\)](http://countrymeters.info/ru/United_States_of_America_(USA))

шаклини маъқулроқ кўра бошлашган. Сабаби менежерлар кичик корхоналарда барча иш жараёнларини «кафт»дагидек кўриш мумкинлигини англашган.

3. АҚШда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожланишида асосан, хизмат кўрсатиш бизнеси, чакана бизнес, қурилиши фирмалари, улгуржи савдо, ишлаб чиқариш бизнеси жиддий шаклланган. Энг зътиорлиси, бу мамлакатда бизнесга доир ўзгаришлар жуда тез рўй беради. Аниқроги, бир йил мобайнида бир қанча ишбилармонлар ўз бизнесини энди бошлаган бўлсалар, яна бир қатор ишбилармонлар банкрот ҳолатига тушиб қоладилар. Америкалик ишбилармонлар орасида эркакларга нисбатан аёллар салмоги омадлироқ ҳисобланади.

4. АҚШда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни давлат томонидан тартибга солиши механизми фаолроқ ишлайди. Кичик бизнесни кўллаб-куватлайдиган ва ушбу секторга хизмат кўрсатадиган инфратузилма фаолиятида ҳам рақобат жуда кучли.

5. Мазкур мамлакатда бизнес фаолиятини танлашда хатога йўл кўймаслик жиддий талаб этилади. Акс ҳолда, бу хато ҳам моддий, ҳам маънавий жиҳатдан қимматта тушади.

6. АҚШда тадбиркорлик соҳасидаги қонунлар жуда узоқ йиллардан бери амалда кўлланилади. Кўпроқ монополияларни олдини оладиган қонунлар устуворроқ аҳамиятга эга.

7. Кичик бизнес субъектларига кўмаклашишда асосан SBA (Кичик бизнес маъмурияти)нинг ўрнини алоҳида қайд этиш керакки, унинг барча шататларда худудий бўлимлари фаолият олиб боради. SBA кичик бизнес субъектларига кредит беришдан тортиб, уларга бепул маслаҳатлар беришгача бўлган, деярли барча жабҳаларда ўз кўмагини кўрсатиб келмокда.

8. Жаҳон молиявий-иктисодий инқироз АҚШ иктисодиёти учун жуда оғир салбий таъсир кўрсатди. Бу инқироз нафақат АҚШнинг иктисодиётига балки бутун жаҳон мамлакатлари иктисодиётига ўзининг салбий таъсирини кўрсатди ва айрим мамлакатларда 2016 йилга қадар ҳам унинг таъсири сезилган.

9. АҚШ хукумати жаҳон молиявий-иктисодий инқироздан чиқишида кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни жадал ривожлантирувчи дастурларни кўллади. Мамлакатда солиқ ставкаларини камайтиришга, солиқ имтиёзларини кенгайтиришга зътибор қаратилди.

10. АҚШда кичик ва ўрта бизнесни ривожлантириш бўйича эришилган тажрибалар мавжуд. Бу тажрибалардан фойдаланилса, ижобий натижаларга эришиш имкониятини янада кенгайтиришга олиб келиши мумкин.



## 6 БОБ. КАНАДА (Canada)



## 6 БОБ. КАНАДА (Canada)



Майдони – 9971,0 минг км<sup>2</sup>

Пойтакти – Оттава

Аҳолиси – 35,2 млн. киши (2014 й.)<sup>1</sup>

Пул бирлиги – Канада доллары (CAD)

Майдони бўйича жаҳонда 2-ўринда туради.

*Канаданинг тарихи жуда оз, географияси жуда кўп.*

*Маккензи Кинга  
Канаданинг сабиқ Бош вазари*

### 6.1. Канада иқтисодиётининг ўзига хос ривожланиши

Маҳаллий халқнинг ёки, умуман, Шимолий Америка халқининг таъбири билан айтганда, «Канада» сўзи «кичкинагина қишлоқ» маъносини англатади. Канада аҳоли жон бошига тўғри келадиган даромад бўйича жаҳон мамлакатлари ичida энг бой мамлакатлардан бири ҳисобланади. У энг ривожланган мамлакатлар қаторидан жой олган энг романтик мамлакатdir.

АҚШ давлатига қўшни бўлганлиги учун Канадани жуда қийинчилик билан ривожланишини эътироф этадиган иқтисодчилар ҳам бор. Бир гурух иқтисодчиларнинг фикрига кўра, қадимдан АҚШ ривожланганроқ бўлгани учун, гўёки у Канададан «қуёш нурини тўсиб турган».

Бироқ, хозирги даврга келиб, Farb матбуотида Канадани «Инқироз шароитида инвесторлар учун янги Элдорало» деб эътироф этилмоқда. Чунки Канадада иқтисодиётнинг ривожланиш даражаси жуда юқори. Шу билан бирга, мазкур мамлакатда жиноятнинг содир этилиш даражаси жуда паст. Канада ривожланган мамлакатлар ичida ўзининг инвестицион жозибадорлиги билан ажралиб туради. Шунингдек, макроиктисодий барқарорлиги устувор давлат ҳисобланади. Ўз иқтисодиётининг рақобатбардошлиги бўйича Канада жаҳонда (АҚШ, Европа Иттифоқи, Хитой, Россия Федерацияси, Япония) 9-ўринда туради. Тұрмушнинг сифат даражаси бўйича (юздан ортиқ параметрларни ҳисобга олганда) жаҳон рўйхатини бошқариб турган мамлакатларнинг ўртасидан жой олган.

Шуни эътироф этиш керакки, Буюк депрессия йиллари Канадани ҳам ўз домига олган. Кейнснинг макроиктисодий таълимотига кўра мамлакат иқтисодиёти тартибга солиниб борди. Давлат томонидан бошқариш механизми фаол ишга туширилди. Жойларда давлатнинг қўллаб-куватловчи функциялари самара бера бошлади.

<sup>1</sup> Манба: <http://www.vestifinance.ru/macro/statistics/> / Жаҳон банки.

Канаданинг халқаро рейтинги<sup>1</sup>

Ташкилот	Тадқиқот	Үрин
«Дунё мамлакатларида эркинлик» лойиҳаси	Жаҳон мамлакатлари эркинлиги индекси <sup>2</sup>	3 ўрин 159 дан
БМТнинг тараққиёт бўйича дастури	Инсон тараққиёти бўйича салоҳият индекси	4 ўрин 182 дан
Жаҳон банки	Бизнесни юритиш бўйича кулаийлик, 2009 йил	8 ўрин 181 дан
Иқтисодчи	Жаҳон турмуш даражаси бўйича халқаро индекс, 2005 йил	14 ўрин 111 дан
Йел университети / Колумбия университети	Атроф-муҳит барқарорлиги бўйича индекс, 2005 йил	6 ўрин 146 дан
Чегарасиз мухбирлар	Матбуот эркинлиги бўйича индекси, 2009 йил	19 ўрин 175 дан
Transparency International	Коррупция индекси, 2010 йил	6 ўрин 180 дан
Institute for Economics & Peace	Тинчликсеварлик рейтинги	8 ўрин 144 дан
Тинчлик фонди	2009 йилдаги бекарор давлатлар индекси	166 ўрин 177 дан
Жаҳон иқтисодиёти форуми	Жаҳон рақобатбардошлиги бўйича ҳисобот	9 ўрин 133 дан
Иқтисодчи	Демократия индекси	11 ўрин 167 дан


Жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози даврида бошқа мамлакатлар иқтисодиётида кузатилганидек, Канада иқтисодиётида ҳам қуйидагича муаммолар юзага келган:

- ишсизлик ўсиб борди ва охирги беш йилликда ишсизлик рекорд даражасига чиқиб, 8 фоиздан кўпроқни ташкил этди;
- иқтисодий ўсиш тўхтаб қолди, 2009 йилнинг якунига кўра олганда, иқтисодиёт кўрсаткичларида тушиш тенденцияси (1982 йилдан) максимал даражада 2,6 фоизга пасайди. Канада Марказий банкининг прогнозларига кўра пасайиш даражаси 2,9 фоизни ташкил этиши керак эди;
- узоқ йиллар мобайнида биринчи марта Канаданинг бюджет дефицити ЯИМга нисбатан олганда, 2,4 фоизни ташкил этди;
- Канаданинг давлат қарзи 500 млрд. АҚШ долларига тенглашди, аммо хорижий ривожланган давлатларга нисбатан солиштирилганда, энг паст даражани кўрсатди<sup>3</sup>.

<sup>1</sup> Манба: [https://ru.wikipedia.org/wiki/Канада#cite\\_note-State\\_of\\_World.Liberty\\_Project-85](https://ru.wikipedia.org/wiki/Канада#cite_note-State_of_World.Liberty_Project-85)

<sup>2</sup> Манба: The 2006 State of World Liberty Index. State of World Liberty Project. U.S. Department of Commerce (2013).

<sup>3</sup> Изоҳ: Ушбу маълумот 2009-2010 йилларга тўғри келади (A.O.).



6.1.1-расм. Канаданинг инфляция күрсаткичлари<sup>1</sup>

6.1.1-расмда келтирилганидек, Канадада сўнгти ўн йил мобайнида инфляция даражаси ҳам жуда паст бўлган. Масалан, 2006–2017 йиллар оралигида инфляция даражасининг энг паст кўрсаткичи 2009 йилга тўғри келиб, у атиги 0,3 фоизга тенг бўлган. Бу даврда жаҳон миқёсида рўй берган молиявий-иктисодий инқироз ўзининг салбий таъсирини жуда кўп мамлакатларга кўрсатаётган эди. 2011 йилда эса Канадада инфляция даражаси энг юқори, яъни, 2,9 фоизга тенг бўлди. Кейинги йилларда эса инфляция даражаси кескин пасайиб бориб, 2017 йил бошида 1,17 фоизга тўғри келди. Шунга қарамай, Канада иктисодиётида ўзига хос муаммолар мавжуд. Бироқ, Канаданинг иктисодий муаммоларини бошқа ривожланган мамлакатлар муаммоларига тенглаштириб бўлмайди. Аслида Канада кўплаб иктисодий кўрсаткичлари бўйича ўзига хос мамлакатдир. Баъзи эксперталар Канаданинг ривожланиши АҚШга боғлиқ ва унинг асосий истеъмолчиси АҚШдир, деб тахмин қиладилар. Агар шундай бўлганда, Канада иктисодиёти жаҳон молиявий-иктисодий инқироз даврида жиддий талофтот кўриши керак эди.

Эътиборлиси шундаки, жаҳон миқёсида рўй берган инқирозли даврларда Канада иктисодиётида куйидаги вазиятлар намоён бўлди:


1. Канадада рецессия жараёнлари бошқа мамлакатларга қараганда жуда кеч, яъни, 2009 йилнинг январь ойидан бошланди. Инқироз эса бошқа ривожланган мамлакатлардаги каби сезиларли даражада бўлмади.

2. Мамлакатда банк тизимининг инқирозига йўл кўймаслик тенденцияси авж олди. Ривожланган мамлакатлар ичida факат Канада банклари яхши ишлади. Шунинг учун ҳам эксперталар томонидан Канаданинг банк тизими жаҳонда энг соглом, деб эътироф этилди.

3. Ипотека инқирозидан сакланиб қолинди, яъни, бундай инқирознинг олдини олишга нисбатан чора-тадбирлар кўрилди. Хуллас, ривожланган мамлакатлар ичida инқироздан яхши чиқиб олган давлат ҳам Канада бўлди.

<sup>1</sup> Манбалар: CIA World Factbook; <http://www.erreport.ru/stat.php> // Инфляция Канады.

4. Канаданинг солиқ тизимида доим такомиллашиш чора-тадбирлари кўлланиб келинади. Масалан, кичик ва йирик корхоналар учун фойда солиги ставкаларида жуда катта фарқ борлигини 6.1.2-расмдан кўриш мумкин.



6.1.2-расм. Хорижий давлатларда кичик ва йирик корхоналар учун фойда солиги ставкаларининг қиёсий таҳлили<sup>1</sup>

Шундай қилиб, молия эксперталари Канада иқтисодиётининг инқирозга чидамли бўлганинги кўйидаги сабабларга боғлиқ, деб ҳисоблайдилар:

- сиёsat юритишида маҳаллий анъаналар ҳисобга олинди (канадаликлар турли таваккалчиликларга қобилиятли эмас, яъни, улар бор маблағлари асосида яшашига ўргангандек халқдир) ва банк тизими қатъий конунчиллик асосида тартибга солинди. Кўпчилик танқидчилар банк сиёsatининг бундай юритилиши натижасида Канада ўзининг банк тизимини миллийлаштиришга мажбур бўлади, деб қайд этдилар, лекин Канада молия тизимини бозор муҳитига асослаган ягона мамлакат бўлиб қолди;

- мамлакатда бюджет сиёsatи қатъий равишда олиб борилди. Ҳозирги кунда Канаданинг давлат қарзлари унча катта эмас, яъни, ЯИМга нисбатан 20 фоизгача (бошқа ривожланган мамлакатларда ўртача 50 фоиздан кўпроқдир);

- Канада охирги 10 йиллик мобайнида ривожланган давлатлар ичida баланслашган бюджетта зришган ягона мамлакатдир. Бошқача айтганда,


<sup>1</sup> Расм муаллиф томонидан ишланган. Манба: Тўхсанов К. Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектлари фаoliyatiни соликка тортишининг хорижий мамлакатлар таҳрибалари. // Иқтисод ва таълим. №1. 2013. 95 6.

Канада дефицитсиз бюджет шароитларида яшашга имкон яратган давлатдир. Ҳозирги бюджет дефицитини аҳизлик билан вактингчалик ҳодиса, деб юритилди;

— соликларнинг пасайтирилганлиги. Канадада корпорация даромадидан олинадиган солик ставкаси АҚШагидан 10 фоизга кам. 2012 йилда даромаддан олинадиган солик ставкаси (федерал ва провинциялар кўламида) 25 фоиздан ошмади. Мамлакатда даромад солиги камайтирилди;

— 2009 йилда иқтисодиётни рағбатлантириш учун 30 млрд. Канада доллари (бу ЯИМнинг 1,9 фоизни ташкил этган) ажратилган. Бу маблағлар инфратузилмани ривожлантиришга (йўллар ва кўприклар курилишига), курилишга, яшаш сифатини оширишга, автосаноатни қўллаб-кувватлашга, ўрмон саноатига ва муқобил энергия манбаларини ишлаб чиқаришга, шунингдек, фуқароларни қайта тайёрлашга сарфланди. Хуллас, иқтисодиётни рағбатлантириш ташаббускорлиги бўйича америкаликлар билан солиштирилганда, канадаликлар вазмин ва осойишта иқтисодий сиёсат олиб бориши.

Канада макроиқтисодиётидаги кўрсаткичлар келажақда мамлакатнинг янада ривожланишидан дарак беради. Экспертларнинг фикрига кўра, Канада иқтисодиёти 2008 йилда бошланган жаҳон молиявий-иқтисодий инқирозидан жиддий талофот кўрмай чиқиб олди. Жуда кўп мамлакатларда айни шу инқироз даврларида ишсизлик даражаси 10–12 фоиздан юкорида бўлди. Қолаверса, ишсизликнинг юкори кўрсаткичлари айрим мамлакатларда ҳозир ҳам мавжуд.



6.1.3-расм<sup>1</sup>. Канадада 2002–2017 йиллардаги ишсизлик даражаси<sup>2</sup>

Канадада эса ишсизлик даражаси 2009 йилда 8,3 фоизга teng бўлди, шунингдек, сўнгти саккиз йиллар мобайнинда мамлакатдаги ишсизлик даражаси камайиш тенденциясига ўтган (6.1.3-расм). Ишсизликнинг олдини олиш бўйича қатор чора-тадбирлар Канада ҳукумати томонидан олиб борилаётган сиёсатнинг устувор йўналишларидандир.

Шундай қилиб, Жаҳон банки ва «Forbs» журнали маълумотлари ва «Economist Intelligence Unit» таҳлиллар олиб борувчи марказнинг эксперталари

<sup>1</sup> 2004–2006 йилларга тегишли маълумотлар манбаси: CIA World Factbook.

<sup>2</sup> Манбалар: Ўзбекистон Республикаси йиллик статистик тўплами. –Т.: 2008.; <http://www.erreport.ru/stat.php> // Уровень безработицы Канады. Тегишли йилнинг охирги ойи кўрсаткичлари олинган.

фикри эътиборга олингандা, Канада 2011–2015-йиллар давомида бизнес юритиш учун жаҳонда илғор ёки зўрларнинг ичида энг зўр мамлакатлардан бирига айланганлиги алоҳида эътироф этилди<sup>1</sup>. Демак, Канадада тадбиркорлар фаолияти учун жуда кенг имкониятлар яратилган.

## 6.2. Канадада кичик бизнес секторининг ривожланиши

XX асрнинг охирига келиб Канадада кичик бизнес сектори сезиларли даражада ривожлана бошлади. Чунки йирик корхоналар мамлакат иқтисодиётининг асосини ташкил этса-да, кичик бизнес корхоналаридағи имкониятлар тобора аникроқ намоён бўлиб, илмий-техника тараққиётiga жиддий ижобий таъсирини кўрсата бошлаган эди.

Канадада бизнес фаолиятини бошлаш учун куйидаги босқичларни босиб ўтиш талаб этилади:

1. Бизнес ғоя бизнес-режа асосида шакллантирилган бўлиши керак. Агар ғоялар бор бўлиб, уларни амалга оширишдаги режалар ишлаб чиқилмаган бўлса, бизнес юритишга рухсат берилмайди.

2. Янги корхонанинг мулкчилик шакли аниқ белгиланиши шарт. Бунинг учун кичик бизнесни қўллаб-куватлайдиган Марказ орқали мулкчилик шаклини аниқлаш бўйича маслаҳатлар олиш керак бўлади.

3. Бошлангич капитал ҳажмини аниқлаб олиш зарур. Канадада кичик корхона шаклида бизнес юритиш учун 5 минг АҚШ долларидан 30 минг АҚШ долларигача маблағ керак бўлади. Шу билан бирга, молиявий сметалар тузиҳ ҳам талаб этилади.

4. Корхонанинг номланишида ноёблик бўлиши шарт. Агар корхона номини белгилаб олинмаса, ноёблик жиҳатларини текшириш мақсадида яна кўшимча тарзда 100 АҚШ доллари миқдорида харажат қилишга тўғри келади.

5. Бизнесни суғурталаш.

Канадада тадбиркорлик фаолиятини юритиш учун уч хил мулкчилик шаклидаги корхоналарга асосланилади:

– **Sole Proprietorship.** Бу мулкчилик шакли якка тадбиркорлик асосидаги мулкчилик шаклига ўнга, яъни, бу мулкчилик тури билан якка тартибда тадбиркорлик фаолиятини олиб бориш мумкин.

– **General Partnership.** Бу бир неча шерикларнинг жамоа асосидаги масъулиятини ўз ичига қамраган мулкчилик шакли. Бошқача айтганда, жамоатчилик асосидаги тадбиркорлик фаолиятини юритиш мумкин (ширкат).

– **Corporation.** Бу мулкчилик шаклида шериклар масъулиятини алоҳида алоҳида белгилаш кўзланади.

Ҳозирги замон Канада иқтисодиётида кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликса алоҳида эътибор берилади. Кичик ва ўрта корхоналар Канада иқтисодиётининг ўсиб борувчи компоненти сифатида намоён бўлиб, ҳар томонлама ривожланиб бормоқда. Шу нуқтаи назардан олганда, кичик ва ўрта

<sup>1</sup> Business Environment Ranking 2011. Economist Intelligence Unit, Doing Business in 2011. World Bank Group. //http://investincanada.gc.ca/eng/advantage-canada/business-environment.aspx.

корхоналар иктисодий ўсиш ва юксалиб боришнинг муҳим манбаидир. Хусусий секторнинг 43 фоиз ялпи маҳсулоти кичик ва ўрта корхоналар ҳисобига тўғри келади. Шунингдек, ишлаб чиқаришнинг умумий ҳажмида 60 фоизлик улуш кичик бизнесга хосдир. Кичик ва ўрта бизнесга ялпи миллий маҳсулотнинг деярли 23 фоиз тўғри келади. Канадада умумий бандликнинг 56 фоиз кичик ва ўрта корхоналар ҳисобидан амалга оширилади. 2001 йилда барча янги иш ўринларининг учдан икки қисми ишчилари 50 кишигача бўлган корхоналарда яратилган<sup>1</sup>.

### 6.2.1-жадвал

#### 90-йилларда Канада аҳолиси таркибидаги ижтимоий синфларни турли даражада ривожланган мамлакатлар билан солиштирилиши<sup>2</sup> (фоиз ҳисобида)

Асосий ижтимоий синфлар категорияси	Канада	Япония	Испания	Турция	Боливия
Тадбиркорлар	2,2	3,5	7,5	1,3	1,7
Майда мулк эгалари	4,3	9,9	20,5 <sup>3</sup>	22,3	51,8
Оила аъзоларига ёрдам берувчилар	0,5	7,7	1,9	37,9	5,6
Ёлланган ишчилар	93,0	78,9	70,1	38,5	40,9

Канада аҳолисини ижтимоий жиҳатдан синфларга ажратадиган бўлсак, 6.2.1-жадвалда келтирилганидек, 90-йилларда Канада аҳолисининг 2,2 фоиз тадбиркорлар категориясига таалуқли бўлса, майда мулк эгалари 4,3 фоизни ташкил этган.

Юқоридаги мулоҳазаларимизда канадаликлар таваккалчиликка унча мойил эмасликлари қайд этилган эди<sup>4</sup>. Бу канадаликларнинг тадбиркорлик билан шугулланишга мойиллуклари йўқ, дегани эмас, балки улар таваккалчиликка камдан-кам мурожаат қилишга ўргангандир. 6.2.1-жадвалга тегишли маълумотлар шуни англатадики, корхоналарда ёлланган ишчиларнинг энг кўпи Канадага тўғри келади. Бу эса Канадада ёлланиб ишлаётганларнинг даромади ҳам из эмаслигидан далолат беради.

Агар 90-йилларнинг бошларида Канадада 885 мингта корхоналар мавжуд бўлган бўлса, уларнинг 99 фоиз кичик корхоналарни ташкил этган. Канадада ишчилари 100 кишигача бўлган ва йиллик обороти 2 млн. АҚШ долларидан ошмаган корхоналар кичик корхоналар ҳисобланади. Кичик фирмаларда иш

<sup>1</sup> Каранг: [www.nisse.ru](http://www.nisse.ru)

<sup>2</sup> Социально-экономическая география зарубежного мира / Под ред. В.В.Вольского. – 2-е изд., испр. М.: Дрофа, 2003. С. 112.

<sup>3</sup> Жумладав 1-2% - кооператив аъзолари.

<sup>4</sup> Изюҳ: 6.1-банд охирда Канада иктисодиётининг инкиrozга чидамили бўлгандигини акс этирувчи сабабларга каранг.

билин банд бўлганларнинг 37 фоиз ишлайди. Шунингдек, меҳнатда банд бўлганларнинг 80 фоизгача бўлган улуши бирламчи қайта ишлаш саноати, курилиш, хизмат кўрсатиш ва савдо соҳаларига тўғри келади.

Канадада 20 фоиз кичик ва ўрта корхоналар қишлоқ жойларига тўғри келади. Уларнинг деярли 1/3 қисми кичик шахарчалар ва шаҳар типидаги қишлоқчаларда ва яна тахминан 50 фоиз шаҳар ҳудудларида жойлашган (6.2.2-жадвал). Кичик ва ўрта корхоналарнинг 10,6 фоиз экспорт билан шуғулланади.

## 6.2.2-жадвал

### Канада ҳудудларида кичик ва ўрта корхоналарнинг жойлашуви<sup>1</sup>

Кичик ва ўрта корхоналар жойлашган ҳудудлар	Ҳудудлардаги улуши
Қишлоқ ҳудудларида	20 фоиз
Кичик шахарчалар ва қишлоқчаларда	30 фоиз
Шаҳар жойларида	50 фоиз

2012 йилларга келиб, Канададаги деярли аксарият кичик ва ўрта корхоналарда ўсиш ва ривожланиш даври (цикл) ҳукмронлик қилди. Хусусан, кичик бизнес субъектларининг 13 фоиз тез суръатларда ўсиш босқичида бўлиб, атиги 9 фоиз кичик бизнес субъектлари таназзул ҳолатида бўлди. Бошқача айтганда, мамлакатда 91 фоиз кичик ва ўрта корхоналар ўз фаолиятларини равон ривожлантириб бормоқдалар.

Айниқса, хизмат кўрсатиш ва сервис соҳасида кичик ва ўрта корхоналар фаолияти чакқон бўлиб, шиддат билан ривожланмоқда. Канада ЯИМ таркибида хизмат кўрсатиш ва сервис соҳасидаги кичик корхоналарнинг улуши 70 фоизни ташкил қиласиди<sup>2</sup>.

Канадада кичик ва ўрта бизнесни ривожлантириш учун доимо кенг шарт-шароитлар яратиб борилган. Масалан, янги бизнесни жорий этиш учун 3 кун вақт кетади ва бунда атиги 2 та таомил бажарилади. Шуни алоҳида қайд этиш керакки, Канадада яширин иқтисодиёт сектори 16,4 фоизни ташкил этади<sup>3</sup>. Шундай бўлса-да, Канадада кичик ва ўрта бизнеснинг ривожланиши учун барча қулийликлар яратилган бўлиб, куйидагича градация қабул қилинган:

- сотиш ҳажми (солиқ органлари маълумотлари бўйича);
- активлар ҳажми;
- ишчилар сони;
- иқтисодиёт сектори.

<sup>1</sup> Манба: [www.nisse.ru](http://www.nisse.ru)

<sup>2</sup> Абуллаев Е., Юлдашев Ш. Малый бизнес и предпринимательство: Учебник для студентов высших учебных заведений. –Т.: «IQTISOD-MOLLYA», 2008. С. 54.

<sup>3</sup> Изоҳ: Ваҳдоланки, энг ривожланган мамлакатларда ўртacha олганда бу кўрсаткич 17,4%ни, Россияда эса худдишу кўрсаткич 46,1%ни ташкил этади (A.O.).

Кичик ва ўрта бизнес мезонларини саноат корхоналари асосида аникроқ белгилаш мүмкін. Масалан, 500 кишигача ишчиси бўлган ва йиллик даромади 50 млн. долларгача бўлган корхоналар ўрта корхоналардир. 100 кишигача ишчиси бўлган корхоналар кичик корхоналар, деб юритилади. Бундан ташқари ишчи кучини ёлламаган ҳолда якка тартибда хўжалик юритувчилар ҳам кичик бизнес субъектлари қаторига киритилади.

2011 йилда кичик корхоналар (ишчилар сони 100 кишигача) жами корхоналарга нисбатан 98,1 фоизни ташкил этган. Бундай корхоналар мамлакатда мавжуд ишчи кучининг 48,3 фоизини иш ўринлари билан тъминлашга олиб келди. Шунингдек, кичик корхоналардаги 76,3 фоиз ишчилар савдо ва хизмат кўрсатиш соҳаларида ва 23,7 фоиз моддий тъминот секторида банд бўлдилар.

### 6.2.3-жадвал

#### 2011 йилда Канадада кичик ва ўрта корхоналарнинг ўлчамига кўра микдорий таҳсимоти<sup>1</sup> (сони, фоиз)<sup>2</sup>

Корхона ўлчови (банд бўлганилар сони)	Корхоналар сони, (минг бирликда)	фоиз
1-4	615,6	54,9
5-9	225,8	20,1
10-19	139,9	12,5
20-49	90,6	8,1
50-99	28,8	2,6
100-199	13	1,2
200-499	5,97	0,5
>500	2,5	0,2
	<b>1122,2</b>	<b>100</b>

2011 йилда кредит олган кичик корхоналар 5,1 фоизга ошди. Йил якунига кўра жами олинган кредитлар ҳажми 89,9 млрд. Канада долларини (таксминан \$72,9 млрд.) ташкил этди. Натижада жами кредит олган субъектларнинг 17,5 фоизни кичик корхоналар ташкил этиб, 2008 йилга нисбатан 1,9 фоизга ошганлигини кўрсатди. Агар 2011 йилнинг иккинчи ярмида корхоналарнинг кредит активлiği 5,1 фоизга ошган бўлса, кичик ва ўрта корхоналарга мос равишда 4,2 фоиз ва 3,2 фоизга тўғри келди<sup>3</sup>.

Канадада кичик бизнес субъектлари учун кредит олишдаги шартшароитлар такомиллашиб борди. Масалан, кредит ставкалари 0,5 фоизга туширилиб, ўртacha 5,3 фоизни ташкил этди. Натижада 2011 йилда жами кичик ва ўрта корхоналар улушида кредит олиш учун мурожаат этганлар 25,3 фоизни

<sup>1</sup> Манба: Statistics Canada, Business Register.

<sup>2</sup> Ўз-узини банд этганлар билан бирга.

<sup>3</sup> Малый и средний бизнес в 2012 году: международный опыт регулирования и финансирования. // МСП Банк, Аналитический центр. Апрель, 2013. С. 19.

ташкил этди. Бу 2010 йилга нисбатан 7,3 пунктта ошганлигини кўрсатади. Канада корхоналарида (ҳар 1000 тадбиркорнинг 2 таси) банкротликнинг пасайиш тенденциялари давом этди. Бундай вазият оиласидай тадбиркорларнинг барқарор ривожланиши билан тавсифланади. Масалан, 2011 йилнинг ўзида савдо ва хизмат кўрсатишида уларнинг салмоги 3,7 фоизга ошиди.

#### 6.2.4-жадвал

### 2011 йилда Канада корхоналарининг кредит олиш фаоллиги динамикаси<sup>1</sup> (олинган кредитлар ҳажми, млн. канада долларида)

Корхоналар	I ярим йиллик 2011 й.	II ярим йиллик 2011 й.	фоиз (аввали даврга нисбатан)
Йирик	39051	41353	5,9
Ўрта	12682	13088	3,2
Кичик	9797	12201	4,2
	<b>61534</b>	<b>64647</b>	<b>5,1</b>

Канаданинг статистик таҳлилига кўра, агар 1 миллион корхона мавжуд бўлса, унинг 99,7 фоизи кичик ва ўрта корхоналардир. Шунингдек, иш берувчиларнинг 58 фоиз микрокорхоналар ёки ишчилари 1–4 кишигача бўлган кичик ва ўрта корхоналардир. Агар якка тартибда иш билан банд бўлганларни (ёлланма ишчиларсиз) ҳисобга оладиган бўлсан, у ҳолда Канадада кичик бизнес корхоналари деярли 2,2 миллионтани ташкил этади. Уларнинг 80 фоизда 4 ва ундан кам бўлган иш ўринлари мавжуд. Канада иқтисодиётida кичик ва ўрта корхоналар, асосан, қўйидаги тармоқларда кенг тарқалган:

- қишлоқ хўжалиги (13 фоиз),
- хизмат кўрсатиш соҳасида (11 фоиз),
- ултуржи ва чакана савдода (11 фоиз).

Бу билан иқтисодиётнинг бошқа тармоқларида кичик бизнес корхоналари мавжуд эмас экан-да, деган хulosса чиқариш ноўрин. Албатта бошқа тармоқларда ҳам кичик ва ўрта корхоналар ўзига хос ривожланиб келмоқда.

Канададаги жами кичик ва ўрта корхоналарнинг 54,7 фоизи эркакларга тегишли мулк асосида ва 14,9 фоизи эса аёлларга тегишли мулк асосида ташкил этилган. 8 фоизи – ёш тадбиркорларга (18–34 ёш) тегишли мулкчилик асосидаги кичик ва ўрта корхоналардир. Кичик ва ўрта бизнесдаги жами иш ўринларининг 14 фоизини ёшлар ташкил этади. Аммо шуни алоҳида қайд этиш керакки, янги илмталаб ишлаб чиқаришлардаги иш жойлари асосан ёшлар билан банд этилган.

Канада худудларида кичик ва ўрта бизнес корхоналари таҳсимоти турличадир. Масалан, кичик бизнес корхоналарининг асосий улушки (50%) шаҳарлар худудларида жойлашган. Қишлоқ жойларида эса атиги 20 фоиз

<sup>1</sup> Манба: Statistics Canada, Survey of Suppliers of Business Financing.

жойлашган. Кичик ва ўрта корхоналарнинг 1/3 қисми кичик шаҳарчалар ва қишлоқчаларда жойлашган. Кичик ва ўрта корхоналарнинг 10,6 фоиз экспорт билан шуғулланади.

### **6.3. Канадада кичик бизнес фаолияти учун яратилган шарт-шаронтлар ва унинг истиқболлари**

Канадада ҳар бир провинция федерация субъекти доирасида кичик корхоналар хўжалигини юритиш ва уларни давлат томонидан тартибга солиш ваколатига эга. Масалан, ишлаб чиқаришга рухсат олиш ва сертификатга эга бўлиш, кичик бизнес субъектларидан хисоботларни талаб этиш, турли мониторингларни ўтказиш бўйича ҳар бир провинция ўзига хос тартибга солиш услубларини қўллайди. Ҳар бир провинцияда ишлаб чиқилган ҳуқуқий асослар федерация миқёсида қабул қилинган меъёрий ҳужжатларга мувофиқ келиши таъминланган.

2011 йил бошида Канада бош вазири С.Харпер бюрократизмни чеклаш бўйича мамлакатда маҳсус комиссия тузиш ҳакида эълон қилди. Бу комиссия фаолиятининг асосий вазифаси ассоциация тадбиркорлари учун маслаҳатлар бериб бориш, турли таклифлар ишлаб чиқилишига ёрдам беришдан иборат бўлди. Бунинг асосида бюрократизмга қарши кураш режаси ишлаб чиқилди. Режанинг мақсади «бизнесни ривожлантиришга тусиқ бўладиган иллатларни бартараф этиш, инновацияни ва рақобатбардошликни ошириш»дан<sup>1</sup> иборат эди.

Канададаги кичик бизнес ва ҳусусий тадбиркорлик корхоналарининг келажаги кўп жиҳатдан мамлакатнинг иқтисодий мухитига боғлиқ (6.3.1-жадвалга қаранг). Бунда асосан учта омил мухим аҳамиятга эга: а) мотивация; б) имкониятлар; в) ишбилармонлик ва малака (кўникма). Британия Колумбияси провинцияси маълумотларига кўра, охирги 5 йил мобайнида ёш мулкдорларга тегишли кичик ва ўрта корхоналар сони 70 фоизга кўпайган<sup>2</sup>. Кўпчилик кичик ва ўрта корхоналар рақобатбардошликни ошириш воситаси сифатида ўзи учун экспорт бозорларини очишига интилмоқда. Ҳусусан, қўшма корхоналар сони ҳам ошиб борди. Салоҳиятли жамоага эга бўлган уюшма шаклидаги кичик ва ўртача ихчам корхоналарда янги имкониятлар тобора кенгайди. Ҳусусий секторда ижтимоий жавобгарликни хис этиш кучайиб, ривожланиб, ҳамкорликда бажариладиган ишларда шахсий манфаатга бўлган муносабатлар ўзгариб борди.

Кўпчилик кичик ва ўрта корхоналар турмуш даражасини ошириш мақсадида нотижорат ташкилотлари билан ҳамкорлик олиб бормоқдалар. Кичик ва ўрта бизнес корхоналари миқдор жиҳатдан кўпайган сари иқтисодий

<sup>1</sup> Brodie T. Announces Red Tape Reduction Commission // The Globe and Mail. 13.01.2011. (<http://www.theglobeandmail.com/report-on-business/small-business/sb-growth/day-to-day/pm-announces-red-tape-reduction-commission/article591735>).

<sup>2</sup> Маъба: <http://canadian-immigrant.ru> // Уверенность малого бизнеса растет в канадской экономики. Маълумот 2011 йил ҳолатига тўғри (A.O.).

ўисиш муносабатларида экологик масалаларни ҳал этишга бўлган эътибор жиддийлашиб бормоқда.

### 6.3.1-жадвал

#### Канада бўйича кичик ва ўрта бизнес ривожига таъсир этувчи иқтисодий мухитдаги омиллар<sup>1</sup>

Иқтисодий мухитга ижобий таъсир этувчи омиллар	Иқтисодий мухитга салбий таъсир этувчи омиллар
<ul style="list-style-type: none"><li>Давлат хизматида хусусийлаштиришнинг ўсиши; бундан ташқари йирик компанияларнинг барчаси ўз фаолиятларини ихчамлаштириб борди. Бу эса кичик бизнес учун мамлакатда янги истиқболлар мавжудлигидан далолат беради.</li><li>Ҳозирги давр технологиялари анча муқаммалроқ, такомиллашган ва ишга тушириш жиҳатидан ихчам. Кичик ва ўрта корхоналарни очиш учун харажатлар катта бўлмайди. Бунинг учун жуда катта имкониятлар талаб этилмайди.</li><li>Канадаликлар нафақага эрта чиқадилар, лекин ишлашни давом эттирадилар. Уларни қасбга хос ищбильармонликлари хусусий пурратчи сифатида ўз бизнесининг шаклланшига олиб келади.</li><li>Деярли 20 фойз канадаликлар ҳар или ўз бизнесини бошланни кўзлаб борадилар. Сўнгти 20 йилда индивидуал бандликнинг ўргача йиллик ўсиши 2,8 фойзни ташкил этди. Бу зарурат натижаси эмас, балки танлов натижасидир. Чунки аксарият канадаликлар ўз бизнеслари бўлишини жуда хоҳладилар.</li><li>Тадбиркорлик жозибадор келажакни белгиловчи омил сифатида оммага тобора сингиб борди. Натижада тадбиркорлик фаолияти билан шугулланувчилар кўпайиб борди. Тадбиркорликка аёллар ҳам қизикиб борди ва бугунга келиб 75 фойз янги корхоналар аёллар орқали ташкилланмоқда.</li></ul>	<ul style="list-style-type: none"><li>Канадалик тадбиркорлар ўргасида ўтказилган сўровнома натижасига кўра айтганда, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликнинг ривожланиши ва юксалишида жиддий бўлган тўсиқ, бу – давлатнинг ўзирид. Чунки, 80% респондентлар соликларнинг оғирлигини, давлат ёки қонун чиқарувчи ҳокимият билан ўзаро алоқалардаги тўсиқларни, давлат божларининг (WCB, EI) катталигини қайд этишган.</li><li>Малакали ишчи кучининг этишмаслиги (44 фойз респондентлар ўз жавобларида қайд этишган).</li><li>Молиявий имкониятларнинг етарли эмаслиги (30 фойз респондентлар ўз жавобларида қайд этишган).</li><li>Кичик ва ўрта корхоналарнинг ривожланиш тарихига назар ташланса, унда муваффақиятга эришил кафолатланмаган. Шунинг учун ҳам аксарият кичик бизнес корхоналари биринчи уч йиллик ичida ўз фаолиятларини тұхтатадилар. Бундай камчиликлар тажрибанинг йўқлиги ва ишнинг кўзини яхши билмасликдан келиб чиқади.</li><li>Янги корхонани яратиш ва ташкил этишда сифат ва меҳнатнинг баҳоланипши кучли ўзгарувчандир. Масалан, ёлланган ишчилар корхона эгасидан кўра кўпроқ ишлаб (ўртача 20 фойзга) кам маош оладилар. Хоҳ аёл, хоҳ эркак бўшқарувчилир яхшигина маошга эга бўлиш билан бирга, иқтисодий жиҳатдан келажагини белгилаш имконига эга. Бошқалар эса, яъни, кичик бизнесда ёлланганлар кам иш ҳақига эга бўлиш билан бирга, келажаги кафолатланмаган.</li></ul>

<sup>1</sup> Жадвал мувалиф томонидан турли манбалар асосида тузилган.

## **6.4. Канадада кичик ва ўрта корхоналар ривожининг қўллаб-кувватланиши**

1988 йили иқтисодиёти энг ривожланган мамлакатлар орасида Канада биринчилар қаторида «Тадбиркорлик фаолиятида миллий сиёsat» дастурини қабул қилди. Шундан бери Канадада кичик ва ўрта корхоналарни қўллаб-кувватлаш бўйича чора-тадбирлар жиддий тарзда кўриб борилади. Шу билан бирга, Канадада иқтисодий шароитни ёки ишбилармонлик мухитини яхшилаш бўйича дастурлар ишлаб чиқилиб, амалиётга куйидагича тадбиқ этиб борилмоқда:

- кичик ва ўрта корхоналарнинг ривожланишига тўсик бўладиган чора-тадбирларни чеклаш ёки таъсирини сусайтириш;
- кичик ва ўрта корхоналар манфаатларини қўллаб-кувватлаш;
- кичик ва ўрта корхоналарни яратишда ҳамкорлик асосида, уларнинг ўсиши ва ривожланишига шарт-шароитларни кенгайтириш.

Канада ҳукумати ўз фаолиятида кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни иқтисодий жиҳатдан қўллаб-кувватлаш мақсадида иқтисодий ахборот дастурларини узлуксиз равишда амалга ошириб келади. Бу дастурлар шаҳар жойларида қандай жорий этилса, қишлоқ жойларида ҳам худди шундай тадбиқ этилади. Улар қаторида SEB, CFDC's, WEC, Strategis ва бошқалар дастурлар мавжуд бўлиб, мамлакат иқтисодиётида ишбилармонлик мухитини фаоллаштиришга ёрдам беради. Чунончи:

**SEB** (Индивидуал меҳнат фаолиятини қўллаб-кувватлаш дастури) – бу дастур индивидуал меҳнат фаолияти билан шуғулланмоқчи бўлган ишсизлар ва ижтимоий ёрдам олувиши шахслар учун молиявий ва техник қўллаб-кувватлашни ўз ичига олади;

**CFDS's** (Бизнес-марказлар) – бундай дастур жойларда тадбиркорлар учун кенг қўламли турли хил хизмат кўрсатишни ўз ичига олади. Кичик бизнес субъектларига хизмат кўрсатиш турлари ичida куйидагилар мавжуд:

- микрокредитлаш;
- маслаҳатлар бериш;
- ахборот хизматлари;
- ёш кадрларни тайёрлаш.

Бизнес-марказлар маҳаллий жамоат бирлашмалари фаолиятини қўллаб-кувватлашни ҳам амалга оширади ва инвесторларнинг худудларга кириб боришига кўмаклашади. Бу дастурни амалга ошириш натижасида минглаб янги корхоналар ва минглаб янги иш ўринлари барпо килинди. Лекин, энг мухими, бизнес-марказларнинг фаолияти туфайли инсонларнинг тобора бирлашишига ва ўз келажакларини белгилашига, шунингдек, ўз шаҳарлари ва туманлари келажагини юксалтиришига эришиб борилди.

Канадада тартибга солишининг мақбул тизимини яратиш борасида кўп ишлар амалга ошириб борилади. Ҳаддан зиёд меъёрий-хукукий назорат тадбиркорларни иқтисодиётнинг норасмий ва хуфёна секторига ўтишга мажбур этади. Бирок, яхши назорат унинг йўқлигидан иборат эмас. Бу бизнесни камроқ даражада меъёрий-хукукий тартибга солган ҳолда буни

фуқароларни уларга бошқа фуқаролар етказиши мумкин бўлган талофтлардан химояловчи мажбурий характердаги қонунлар билан биргаликда қўллашдир. Меъёрий-хукукий масалаларни муваффақиятли ҳал этиш қўйидаги фактда ифодаланади: Канадада янги бизнесни очиш жараёни 3 кунни ўз ичига олади ва 2 та таомилдан иборат. Иқтисодиётнинг хуфёна сектори 16,4 фоизни ташкил этади, ривожланган мамлакатлардаги ўртacha қўрсаткич – 17,4 фоиз, Россияда – 46,1 фоиз. Канадада экспорт фаолиятини кувватловчи воситачилик савдо хизмати ва СМЕ ташкилотлари бизнеси дастури каби дастурлар мавжуд.

**WEC** (Аёллар тадбиркорлигини қўллаб-кувватлаш) – бу каби дастур жойларда аёллар тадбиркорлигини кенг жорий этиш имконини берди. Аёл тадбиркорлар учун кенг қўламли турли хил хизмат қўрсатиш (яни микрокредитлаш, маслаҳатлар бериш, ахборотлар билан таништириш ва бизнес инкубаторлар асосида кадрлар тайёрлаш) чора-тадбирлари ушбу дастурнинг устувор йўналишларидандир. Федерал ҳукумат ва провинциялардаги маҳаллий бошқарув органлари бизнес фаолиятида ташаббус қўрсатгандарни алоҳида қўллаб-кувватлайди. Масалан, 2010 йилда Ванкуверда (Британия Колумбияси провинциясида) қишик Олимпия ўйинлари ўтказилди. Бунда Федерал ҳукумат ва провинциядаги маҳаллий бошқарув органлари ҳудуддаги кичик ва ўрта корхоналар билан ҳамкорлик асосида иш олиб боришиди. Улар маҳаллий тадбиркорларни қўллаган ҳолда ишбилармонлик муҳитини фаоллаштиришга ёрдам боришиди. Бунда курилиш, умумий овқатланиш, касбга йўналтирилган хизмат қўрсатиш, саёҳатчилик алоқалари ва ҳоказоларни кенг ривожлантиришга алоҳида ургу берилди<sup>1</sup>.

**Strategis** – бу Канада ҳукуматининг Интернет сайти бўлиб, бизнес-режа тузиш ва бозор ҳолатини ўрганиш бўйича тадбиркорларни қўллаб-кувватлаш учун тўлиқ ахборотга эга бўлган сайт ҳисобланади. Бу сайт орқали кичик бизнес субъектлари ўзларининг фаолиятлари мобайнида дуч келган муаммоларини ҳал этиш имкониятларига эга бўладилар. Шунингдек, тадбиркорлар бизнес-режани тузишдаги турли намуналардан ва кичик бизнес корхоналарининг ривожланишига ҳалакит берувчи муаммоларнинг турли ечимларидан хабардор бўладилар.

Фикримизча, кичик ва хусусий тадбиркорликнинг ривожланишини равонлаштириш ва тартибга солиш учун федерал тузилмаларнинг қўмаги жуда катта. Канадада кичик бизнесни молиявий қўллаб-кувватлаш, қарз бериш ва қарзларни кафолатлаш, маслаҳатлар бериш, кадрларни ўқитиши ҳамда ахборотлар билан таъминлаш мақсадида бизнесни ривожлантиришнинг Федерал банки (БРФБ) ташкил этилган. Кичик корхоналар учун фойдага бўлган федерал солиқ ставкалари 15 фоиз бўлиб, колган фирмалар учун бундай солиқ ставкаси 36 фоизни ташкил этади. Қишлоқ жойларида эса кичик бизнес корхоналари учун фойдадан олинадиган солиқ ставкаси тахминан 2 баравар камайтирилган.

Канада компанияларининг милий ва халқаро қўламдаги рақобатбардошлигини ошириш мақсадида Федерал даражада дастур қабул

<sup>1</sup> Қаранг: [www.nisse.ru](http://www.nisse.ru)

қилинган. Бундай дастурлар ёрдамида саноат соҳасида фаолият кўрсатаётган кичик фирмаларнинг илмий тадқиқотлари учун шарт-шароитлар яратилади. Аникроғи, илмий тадқиқотларни олиб боришилари учун 36 ой муддатта кичик бизнес корхоналари учун 15 мингдан 350 мингтacha Канада доллари хисобида молиявий ёрдам кўрсатилади.

Канада ҳудудидаги маҳаллий хилма-хиллик унинг иқтисодиётига ва тадбиркорлик соҳасининг ривожланишига ижобий таъсир этади. Ҳар бир провинцияда ўзига хос урф-одатлар ва тадбиркорликни ривожлантиришига бўлган кўмаклашиш дастурлари шаклланган. Тадбиркорликни ривожлантиришда шахар ва қишлоклар даражасида ўзига хос жиҳатлар мавжуд.

Хулоса қилиб айтганда, Канадада кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни қўллаб-кувватлашда ўзига хос услублар ва йўналишлар борки, уларни ўрганиш ва ўзлаштириш асосида, муайян даражада бизнинг миллий иқтисодиётимизда ҳам қўлласа бўлади.

## **6.5. Канаданинг шимолий ўлкаларида кичик бизнес ва тадбиркорлик фаолиятига яратилган шарт-шароитлар**

Шимолда барча соҳалардаги тадбиркорлик субъектлари ўзини етарли даражада маблағ билан таъминлай олмаганилиги туфайли бизнес юритишнинг маҳсус шароитлари яратилган. Бошқача айтганда, бу ҳудудларда тадбиркорлик фаолияти давлат капитали иштироки ёки иктинослашган фондларнинг кўмаги асосида амалга оширилади. Шимолий ҳудудларнинг қаҳратон совуқ иқлимли бўлиши, маҳаллий иқтисодий фаолиятларда транспорт харажатларининг катталиги билан ўзига хосdir<sup>1</sup>.

Бундай ҳудудларда аҳолининг факат биринчи даражали эҳтиёжларини қондиришга қаратилган чора-тадбирлар ишга туширилган. Хукумат учун бу ҳудудлардаги иқтисодий муносабатларда иштирок этаётган кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик корхоналарининг, айниқса, савдо ва маиший хизматлар соҳасидагиларни рағбатлантириш мақсадли хисобланади. Шу билан бирга, давлат томонидан қўллаб-кувватлашнинг турли кўринишлари амалга оширилади.

Шуни алоҳида қайд этиш керакки, шимолий ҳудудларда жойлашган ва ривожланган мамлакатларда кичик бизнес ва тадбиркорликни қўллаб-кувватлашнинг самарали усуслари узлуксиз қўллаб борилади. Хукумат томонидан олиб бориладиган сиёsat ҳам кичик бизнес субъектлари фаолиятини жиддий рағбатлантиришга йўналтирилган. Хусусан, Канада, АҚШ, Финляндия, Швеция, Буюк Баритания, Дания, Ирландия, Исландия,

<sup>1</sup> Бородкина В.В., Москвина А.В., Рыжкова О.В., Улас Ю.В. Государственная поддержка субъектов малого и среднего бизнеса северных стран: Канада, США, Финляндия, Швеция // Российское предпринимательство. — 2015. — Том 16. — № 21. — с. 3743-3764. — doi:10.18334/pr.16.21.2074

Норвегия, Латвия каби шимолий ҳудуд мамлакатлари 2017 йилга келиб, Жаҳон банкининг “Doing Business” рейтингидаги<sup>1</sup> биринчи 20 талиқдан жой олган.

Эътиборлиси, Канадада Кўллаб-куватлашда “Канаданинг бизнес тармоғи” (Kanada Biznes Network) деб аталадиган инфратузилма ҳам мавжуд. Бундай инфратузилма федерал вазирликлар ва идоралар, провинциялар ва маҳаллий ҳукуматлар ўтасидаги ўзаро ҳамкорлик битимиға асосан кичик бизнес субъектларини инновацион фаолиятларини ривожлантиришга кўмаклашиб боради.

Ушбу тармоқнинг ташкилий тузилиши ҳудудий тамойиллар бўйича яратилган. Федерал миқёсда (даражада) ҳар бир ҳудудий агентлик мамлакатнинг Саноат вазирлигига бўйсунади (6.5.1-расмга қаранг). Ҳар бир агентлик қўйидаги хизматларни таклиф этади:

- иқтисодий фаолиятнинг барча босқичларида консалтинг хизматлари бўйича қўллаб-куватлаш;
- бизнес-режаларни ишлаб чиқиш;
- маркетинг тадқиқотларини ўтказиш;
- нотижорат ташкилотлари учун консалтинг хизматлари;
- бизнесни (давлат идораларида) рўйхатдан ўтказиш;
- солик ундириш ва бухгалтерия ҳисоби;
- молиявий қўллаб-куватлаш.

Шунга кўра, ҳар бир фонд томонидан Кўллаб-куватлаш дастурларининг жуда кенг рўйхати бизнес субъектларига тақдим этилади, масалан, ижтимоий йўналтирилган тижорат ташкилотларига, нотижорат ташкилотларига, бошловчи тадбиркорларга, инновация компанияларига, имконияти чекланган кишиларга, шимолий ҳудудлардаги кичик бизнес субъектларига (шимолнинг камсонли туб аҳолиси (КМНС)<sup>2</sup>ни қўллаб-куватлаш дастурлари).

6.5.1-жадвалда мамлакат ҳудудларида кичик ва ўрта корхоналарни молиявий қўллаб-куватлаш дастурларининг асосий қисми келтирилган. Бундай қўллаб-куватлаш қўйидаги мақсадларда грантлар, субсидиялар, кредитлар, дотациялар орқали амалга оширилади<sup>3</sup>:


- инновациялар;
- тадбиркорлик фаолиятини бошлаш;
- ижтимоий тадбиркорлик;
- ёшларнинг тадбиркорлиги;
- фаолият кўрсатаётган тадбиркорлар бизнесини кенгайтириш;
- хайрия ва саҳоватли ишлар;
- персонални ўқитиш;
- шимолнинг камсонли туб аҳолиси (яъни КМНС)нинг тадбиркорлиги;
- ногиронларнинг ўз бандлигини таъминлаш ва бошқалар.

<sup>1</sup> Манба: The World Bank Group: Doing Business 2017. // <http://gmarket.ru/news/2016/10/26/7312>

<sup>2</sup> КМНС – коренной малочисленный народ севера.

<sup>3</sup> Манба: Canada Business Network – Government Services for Entrepreneurs website.

## Канаданинг саноат вазирлиги



**6.5.1-расм. Канада бизнес тармоқтарнаннинг ташқынын тұзғалының<sup>1</sup>**

## Канадада кичик ва ўрта бизнесни молиявий қўллаб-куватлаш турлари<sup>1</sup>

Худуд	Шарт-шароитлар	Шакл / Йўналишлар
1	2	3
Квебек	50 минг доллар	Технологик, ташкилий ва инновацион лойиҳалар учун субсидиялар.
	50 минг доллардан бошлиб, 10–25 йилга	Кредит, қарздорлик кафолати – кооперативлар ва нотижорат жамиятлари учун – лойиҳаларни бошлиш ёки кенгайтириши молиялаштириш (MPLIQ Financing дастури).
	250 минг доллар	Нотижорат ташкиюлтларининг инновацион лойиҳалари учун субсидиялар.
Янги Шотландия	–	Янги ходимларни ўқитиш учун субсидиялар.
Онтарио	31,5 минг доллар	Компанияларнинг ёш мутахассисларини стажировкаси учун субсидиялар (ахборот ва телекоммуникацион лойиҳаларда ишловчиларга).
	Компаниялар томонидан 10 фоизли юзага келган турли харажатларни тъминлаш зарур	Янги технологияларни тикоратлаштириш учун субсидиялар.
	–	Аҳоли қамбагалигини камайтириш бўйича инновацион дастурларни амалга ошириш мақсадида нотижорат ташкиюлтлари, хайрия ташкиюлтлари, шимолининг камонсли туб аҳолиси мавжуд бўлган корхоналар учун грантлар.
	5–25 минг доллар	Ижтимоий тадбиркорлик соҳасидаги лойиҳалар учун кредитлар (5 йилга 5–8 фоизли) ажратиш.
	–	Янги ишчининг иш ҳақи харажатларини субсидиялаш.
	3 минг доллар	Бизнесга ўқитиш учун субсидия.
	16 минг долларгача 40 минг долларгача	Грантлар. Кредитлар.
	–	Бошловчи тадбиркорлар учун субсидиялар (ижтимоий соҳа).
Янги Брансвик, Янги Шотландия, Ньюфаундленд ва Лабрадор, Шахзода Эдуард ороли	–	Ёзги амалиётларни ўқизиш мақсадида компанияларга ёлланган талабалар иш ҳақини 50 фоизли бадал асосида тўлдириш учун субсидиялар ажратиш.
	150 минг доллар	Кредитлар: – 20 минг долларгача ёш тадбиркорлар учун (бизнесни бошлиш, сотиб олиш ёки модернизация қилишга); – 150 минг долларгача (янги технологияларни сотиб олиш, ишлов бериш ёки амалиётга жорий этиш учун); – 150 минг долларгача (бизнесни сотиб олиш, яратиш ёки кенгайтириш учун).
	150 минг доллар	Ижтимоий тадбиркорлик учун кредитлар.

<sup>1</sup> Canada Business Network – Government Services for Entrepreneurs website.

### 6.5. I-жадвал давоми

1	2	3
Квебек	-	Янги ходимларнинг иш ҳақи харажатларини субсидиялаш.
Юкон	10 – 50 минг долларгача бўлган харажатларнинг 50–75 фоизи	Кичик бизнес учун субсидиялар.
Канаданинг шимолий-ғарбий худудлари, (КМНС, яни (шимолнинг камсоили туб аҳолиси)	3 млн.гача бўлган харажатларнинг 80%	Бошловчи тадбиркорлар учун субсидиялар (бизнесда шимолнинг камсоили туб аҳолиси улуши 50 фоиздан кўп бўлса).
Манитоба	-	Кредитлар, кредит кафолатлари, хичик бизнес, кооперативлар, жамоалар. Одамлар яшаш жойлари, жамият ташкилотлари ва тураржой кооперативлари. Жамоа лойиҳалари – болалар операциялари, ходимларни ўқитиш, дам олишни ташкил этиши ва жамиятда хизматлар кўрсатиш.
	-	Ногиронлар учун ўз-ўзини банд этишга дотациялар. Иш ҳақи бўйича дотациялар – ногиронлар ўриндошлигидаги тадбиркорлар учун
Ньюфаундленд, Лабрадор	Амалга оширилган харажатларнинг 50%гача бўлган қисмини тўлдириши	Нотижорат ташкилотлари учун субсидиялар (инфратузилма, маркетинг, тадќиқот, ишлаб чиқариш суръатларини ошириш).
Винипег	-	Ўз-ўзини банд этиш (якка тартибдаги, шерикчиллик асосидаги тадбиркорлар ёки бошقا фойда олувчи бизнес-тузилмалар учун), даромад олиш имкониятлари ва уларнинг барқарорлигини таъминлаш учун (кооперативлар, жамият шакидаги корхоналар ёки бопка нотижорат тузилмалари учун) кредитлар.
	50 минг доллар	Муайян лойиҳаларда иштирок этувчи, янгидан ёлланган персонални ўқитиш учун субсидиялар.
Альберта	-	Ижтимоий тадбиркорлик субъектларини кредитлаш.
Манитоба, Альберта, Британия Колумбияси, Саскатчеван (Канаданинг ғарбий худудлари)	-	Нотижорат ташкилотлари учун субсидияядар (Канаданинг ғарбий худудлари иккисодиётини диверсификация қилиш дастури).
	1 минг – 10 минг доллар	Ёшларнинг ижтимоий лойиҳалари учун кредитлар.

Канадада шимолнинг камсошли туб аҳолиси (КМНС)ни кўллаб-куватлаш тизимини доимо самарали ишлашини таъминлаш зарур. Бунда Канаданинг шимолий худудларини иктиносидий жиҳатдан ривожлантириш агентлиги (Canadian Northern Economic Development Agency, Шимоли-гарбий худудларни, Нунавут, Юкон) асосий кўллаб-куватловчи функцияларни бажаради. Бу каби ташкилотларнинг функциялари тадбиркорликни ривожлантириш ва кичик бизнес соҳасида савдони ривожлантиришга кўмаклашиш фондлари орқали амалга ошириб борилади. Ҳозирги даврга келиб, шимолнинг камсошли туб аҳолисини кўллаб-куватлайдиган жуда кўплаб дастурлар амалга жорий этилган. Масалан, корхона устав капиталида шимолнинг камсошли туб аҳолиси улуши 50 фоиздан кўпроқ бўлганлар ва тадбиркорликни бошловчилар учун субсидиялар бериш, корхона харажатлари 10–50 минг доллардан ошмаган такдирда 50–75 фоизини субсидиялаш ва бошқалар.

Қайд этиш керакки, Канадада банк алоқалари жуда кенг ривожланган. Кичик бизнес субъектларига кўпроқ молиявий ва консалтинг хизматларини кўрсатувчи энг йирик банк муассасаси Канада бизнес тараққиёти банки янги технологияларни жорий этиш ва экспортни кўллаб-куватлашда етакчи ўринни эгаллайди.

Мамлакатда банкларнинг кредитлар бериш бўйича йиллик ўртача фоиз ставкаси 3 фоиз дан 5,3 фоиз гача ўзгариб туради. Бу эса Осиё ёки Россия мамлакатлари билан солиштирганда, кичик бизнес корхоналарининг ривожланиши учун энг мақбул даражага ҳисобланади (6.5.2-жадвал).

#### 6.5.2-жадвал

##### **Айрим мамлакатларда банкларнинг қарз ва кредитлар бериш бўйича ўртача фоиз ставкаси<sup>1</sup>**

Мамлакат	Қарзлар ва кредитлар бериш бўйича ўртача фоиз ставкаси
Канада	3-5,3 фоиз
Чехия	3,83-2,86 фоиз
Словакия	4,5 фоиз
Швейцария	0,92-2,08 фоиз
Буюк Британия	2,45-3,52 фоиз
Франция	2,75-3,69 фоиз
Жанубий Корея	>8 фоиз
АҚШ	3,07-4,43 фоиз
Россия	13-17 фоиз

<sup>1</sup> Манба: [https://www.mspbank.ru/analyticheskiy\\_tsentr/issledovaniya\\_i\\_analitika](https://www.mspbank.ru/analyticheskiy_tsentr/issledovaniya_i_analitika). // МСП банк. (2014). Малый и средний бизнес в 2014 г.

Банкда кичик бизнес субъектларини кредитлаш дастурлари етарлича кенг құламда жорий этилған. Канада бизнес тараккиёти банки құмагида қуйидеги асосий йұналишлар шакллантирилған<sup>1</sup>:

1. **Кредитлаш** – түрли мақсадлар учун табдиркорларга узок муддатли (устувор мақсадларда – 30 йилгача) имтиёзли тарздаги (масалан, мослашувчан түлов схемалари асосида, қарзни асосий қисми бүйича түловлар муддатини үзайтириш асосида) кредитларни бериш.

2. **Венчур капитал таклифини шакллантириш** – яғни, бевосита венчур компаниялар (BDC Venture Capital) орқали ва билвосита фонdlар орқали BDC хисобидан молиялаштиришни амалга ошириш. Шунингдек, молиялаштириш инвесторлар томонидан ҳам амалга оширилиб, бунда банкларнинг венчур компанияси мұхим роль үйнайды. BDC VC құллаб-куватлайдын асосий тармоқлар – энергетика/эко-энергетика, тибиёт, ахборот технологиялари ва коммуникациялар.

3. **Секьюритизация** – кичик ва ўрта молиявий корхоналарга ва лизинг компанияларига секьюритизация платформасига (Multi-Seller Platform for Small Originators – MSPSO) кириш учун күмаклашади. Бошқача айттанда, кичик ва ўрта бизнес мезонларига жавоб бермайдын ёки мустақил равища қимматли қоғозлар чиқаришни амалга ошириш учун етарли портфель қажмiga эга бўлмаган бизнес субъектларига кредитлар ва қарзлар ажратилади.

4. **Smart-Tech Дастири** – кичик ва ўрта бизнес учун маҳсус (ахборот-коммуникацион технологияларни жорий этиш бүйича) ишлаб чиқилған дастур. Бу дастур доирасида табдиркор АКТни ўрганишдан бошлаб, уларни жорий этиш соҳасидаги манфаатдорликни баҳолашгача бўлган кенг құламли хизматлардан фойдалана олади. Масалан, веб-сайтларни ишлаб чиқиши ва уларни яхшилаш, интернетда компания ишлари бүйича стратегияларни яратиш ва иш фаолияти самарадорлигини ошириш учун энг яхши дастурий таъминотни жорий этиш имкониятларига эришади.

Хулоса қилиб айтганда, Канаданинг шимолий ўлкаларидан кичик бизнес ва табдиркорликни құллаб-куватлашнинг алоҳида ўзига хос тизими ишга туширилған бўлиб, бу тизим шимолнинг камсонли туб ахолиси таркибида табдиркорлик фаолияти билан шугулланувчилар учун жуда катта қулагилик яратади. Ўз навбатида мазкур тизим Канаданинг шимолий ўлкаларидан кичик бизнес ва табдиркорликни кенг ривожлантиришга йўналтирилған чора-табдирларни амалиётта жорий этиб боради.

### Олтинчи боб бүйича хулоса

1. Канада аҳоли жон бошига тўғри қеладиган даромад бўйича жаҳон мамлакатлари ичида энг бой давлат бўлиб, турмушнинг сифат даражаси бўйича етакчи давлатларнинг ўртасидан жой олган. Канадада йирик корхоналарга

<sup>1</sup> Манба: [https://www.mspbank.ru/analiticheskiy\\_tsentr/issledovaniya\\_i\\_analitika](https://www.mspbank.ru/analiticheskiy_tsentr/issledovaniya_i_analitika). // МСП банк (2014). Малый и средний бизнес в 2014 г.

нисбатан кичик бизнес корхоналарига құлланиладиган солиқ ставкалари деярли тәнг ярмiga кам ҳолатда құлланилиб, дефицитсiz бюджет шароитларida яшашга имкон яратған давлатдир.

2. Мамлакатда йирик корхоналар иқтисодиёттинг асосини ташкил этса-да, кичик бизнес корхоналари илмий-техника тараққиётiga жиілдій таъсирини күрсатыб келади.

3. Ахоли таваккалчиликка унча мойил эмас, улар күпроқ ёлланиб ишлашни қохладылар. Чунки мамлакатда ёлланиб ишлаётгандарнинг даромади ҳам катта міңдорларни ташкил этади. Лекин бу билан тадбиркорлықнинг доираси тор, деган фикрдан йирокмиз. Маҳаллий худудларда кичик ва ўрта корхоналар улуши турлича бўлиб, асосан шахар жойларида күпроқдир.

4. Канада жаҳон молиявий-иқтисодий инқироздан кам талафот күрган давлатлар қаторига киритилган. Хусусан, инқироз рүй берган даврларда банкротликнинг пасайиш тенденциялари кузатилган. Оилавий бизнеснинг ривожланиши устуворроқ бўлган.

5. Мамлакатда кичик ва ўрта корхоналар асосан, қишлоқ хўжалигида, хизмат күрсатиши соҳасида, улгуржи ва чакана савдода кенг тарқалган бўлиб, бошқа тармоқларга нисбатан күпроқдир.

6. Канадада аёлларга тегишли мулк асосидаги кичик бизнес корхоналари жуда кам бўлиб, улар атиги 14,9 фоизни ташкил этади. Кичик ва ўрта корхоналарнинг асосий қисми (54,7%) эркакларга тегишли мулк асосида ташкил топган.



7. Ҳар бир провинция федерация субъекти доирасида кичик ва ўрта корхоналар хўжалигини юритиши ва уларни давлат томонидан тартибга солиш ваколатига эга. Ҳар бир провинция ўзига хос тартибга солиш услубларини кўллай олади. Ишлаб чиқилган хуқуқий асослар федерация миқёсидаги меъерий хужжатларга мувофиқ келиши таъминланган.

8. Кичик ва ўрта бизнес ривожига таъсир этувчи иқтисодий муҳит омиллари ҳам ижобий, ҳам салбий бўлиб, давлат томонидан ишбилармонлик муҳитини яхшилашга йўналтирилган чора-тадбирлар доимий кўллаб борилади.

9. Хукумат томонидан кичик ва ўрта бизнесни ривожланишини кўллаб-куватловчи бир қатор дастурлар қабул қилинган. Бу дастурларнинг ҳар бири турли соҳа ишбилармонларига кўмаклашиш мақсадида функционал тарзда йўналтирилган.


10. Канаданинг шимолий ўлжаларидағи бизнес субъектлари учун маҳсус шароитлар яратилган. Бундай худудларда бизнес фаолияти давлат капитали иштироки ёки ихтисослашган фондларнинг кўмаги асосида амалга оширилади.

11. Мамлакатда «Kanada Biznes Network», яъни «Канаданинг бизнес тармоғи» деб аталған инфратузилма мавжуд, у федерал вазирликлар ва идоралар, провинциялар ва маҳаллий хукуматлар ўртасидаги ўзаро ҳамкорлик битимиға асосан кичик бизнес субъектларини инновацион фаолиятларини ривожлантиришга кўмаклашади.



## 7 БОБ. ЯПОНИЯ (Japan)





Майдони – 377,8 минг кв. км

Пойтахти – Токио

Аҳолиси – 127,1 млн. киши (2016 и.)<sup>1</sup>

Пул бирлиги – япон иенаси (JPY)

Майдони бўйича жаҳонда 61-ўринда туради.

«Агар капитализмдан бирор нарсани ўрганиши керак бўлганда эди, мен АҚШдан эмас, балки Япониядан ўрганар эдим...».

*B. Леонтьев – Нобел мукофоти лауреати*

### 7.1. Японияда кичик ва ўрта бизнес ривожига бўлган эътибор

2010 йил охирида С.В.Чугров ўзининг «Япония ўзлигини ахтармоқда» номли китобида: «Японлар «шинам Япония», «гўзал мамлакат», «осиёча Швейцария», «инсоният учун иккинчи имконият мамлакати» хақида орзу қиласидар», – деб ёзган эди. Худди шундай, Япония японлар учун идеал урушлардан воз кечган, катта бўлмаган мамлакат, бетарафлиги барча кўшнилари томонидан, йирик давлатларни ҳам кўшган ҳолда, ҳурмат килинадиган мамлакатdir<sup>2</sup>.

Мальумки, Иккинчи жаҳон урушидан кейинги йилларда Япония иқтисодиёти тез суръатларда ривожлана бошлади. Чунки ўша оғир даврларда, яъни, молиявий ресурслар танқислиги шароитида иқтисодий ўсишли таъминлаш, маблағлар манбай ва ишлаб чиқаришни инвестициялаш масалаларига ҳукумат томонидан жиҳдий эътибор қаратилди. Ҳукуматнинг энг муҳим вазифалари қўйидагилардан иборат бўлди:

- бюджет ва давлат инвестициялари ҳамда кредитлар дастури орқали маблағларнинг тўғри тақсимотини амалга ошириш;
- маблағларни иқтисодий субъектларга паст фоизларда тақдим этиш механизмини яратиш;
- омонатларни рағбатлантириш;
- омонатларни молиявий-кредит тизимига йўналтириш.

Бу устувор вазифалар мамлакатда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликнинг шиддат билан ривожланишига олиб келди. Кўриниб турибдики, давлатнинг ўзи хусусий сектор фаолиятини рағбатлантирувчи субъектга айланиб, тўғридан-тўғри ва бевосита назоратнинг эмас, балки йўналтириш ва рағбатлантиришнинг бош воситаси сифатида молия-кредит ва солиқ тизимидан унумли фойдаланди.

<sup>1</sup> Манба: <http://scosait.com/> Анализ экономики и ВВП Японии 1970-2016.

<sup>2</sup> Қаранг: Чугров С.В. Япония в поисках идентичности. –М.: 2010. С. 2.

## Худудлар иоми



## Кичик ва ўрта бизнес субъектларининг сегментацияси

Бу худудда аҳолини зичлиги паст бўлиб, кичик бизнес субъектлари, асосан, ёгочсозлик, кўнчалик, балиқчилик, ишакчилик, бодгорчилик каби анъанавий соҳалар билан шугулланадилар. Айниқса, пойабзал ишлаб чиқарувчи кичик бизнес вакиллари бошқаларига нисбатан тезроқ ривожланмоқда. Енгил саноат ва қишлоқ хўжалигида машғул бўлган кичик бизнеснинг аксарият қисми суст ривожланаётганлар сирасига киради.



Бу худуд аҳолиси энг зич ҳисобланаб, кичик бизнес, асосан, хизмат кўрсатиш, йирик хизмат корхоналари учун бутловчи ва эҳтиёт қисмлар етказиб бериш, электроника, савдо ва бошқа йўналишларда машғул. Япониянинг ушбу қисмидаги кичик бизнеснинг ривожланиши бир мунча фарқланади. Улар электротехника, информацион технологиялар каби илм талаб қилувчи соҳалар бозорларида ўз ўринларига эга.

Йирик корхоналар билан ҳамкорлик қилувчи кичик бизнес субъектлари ягона сегмент учун ишлайди. Аҳолисининг кўплиги хизмат кўрсатиш соҳасининг кенгайиши ва кичик бизнеснинг фаоллашишига олиб келади.



Япониянинг ушбу қисмida, асосан, импорт қилинган ресурсларни қайта ишловчи йирик саноат корхоналари жойлашган бўлиб, ишлаб чиқариш бўйича кичик корхоналар сони кам. Хизмат кўрсатиш соҳасида эса, салмоги юқори. Уларнинг фаолиятлари асосан, йирик корхоналар қондира олмаётган эҳтиёжларни қондиришга асосланган.

### 7.1.1-расм. Японияда кичик ва ўрта бизнес корхоналарининг ташкил этилишида ҳудудлар бўйича сегментацияси<sup>1</sup>


Эътиборлиси шундаки, 1949 йилдан бошлаб, солик тушумининг ўсишига қараб, соликларнинг табиий чегаралари қисқартирилди, солик йиғиши тизими бюджет даромадлари базасини таъминлаш учун такомиллаштирилди. Бундай тадбирлар натижасида омонатлар ҳажми ўсиб борди, «...яъни Европа ва АҚШнинг ўхшаш кўрсаткичларидан кескин ошиб кетди (Японияда – 30%дан

<sup>1</sup> Расм муаллиф томонидан турли маёнлар асосида ишланган.

ортиқ, АҚШда – 17–18%, Европа мамлакатларидан 20%-га яқин)<sup>1</sup>. Ҳукумат томонидан амалга оширилган самарали сайды-харакатлар туфайли мамлакатни тиклаш даврида фуқароларнинг эҳтиёжлари ва ижтимоий химояланиши таъминланди, иқтисодий инфратузилмалар ташкил этилди. Бу каби сайды-харакатлар туфайли шу даврларда рўй берган тебранишлар аҳолининг турмуш даражасига жиддий салбий таъсир этмади.

Аслида Япония иқтисодиётининг таркиби, инфратузилмаси, ривожланиш даражаси бўйича бир-биридан фарқланадиган учта ҳудудга бўлинади. Шу боис мамлакатда кичик бизнес корхоналарини ташкил этишда ўзига хос ҳудудий сегментация юзага келган (7.1.1-расмга қаранг). Япон тадбиркорларининг маълум бир тармоқда ихтисослашуви ёки муайян соҳада фаолият олиб бориши, у ёки бу ҳудудий сегментга тааллукли бўлишини тақозо этади. Масалан, Марказий (жанубий ва марказий Хонсю, шимолий Кюсю) ҳудудда хизмат кўрсатиш, йирик хизмат корхоналари учун бутловчи ва эҳтиёт кисмлар етказиб бериш, электроника, савдо ва бошқа йўналишларда машғул тадбиркорлар фаолият кўрсатиб, ушбу ҳудуддаги кичик бизнеснинг ривожланиши бир мунча фарқланади. Улар электротехника, информацион технологиялар каби илм талаб килувчи соҳалар бозорларида ўз ўринларига эга.

1950–1990 йилларда Япония иқтисодиётида жуда сезиларли даражадаги ўсиш тенденциялари намоён бўлди (7.1.2-расм). «1991 йилда Япония аҳоли жон бошига олганда, ўртacha ялпи миллий маҳсулотни ишлаб чиқариш даражаси бўйича жаҳон мамлакатлари ичida иккинчи ўринда (Швейцариядан кейин) турди<sup>2</sup>. 90-йиллар ўрталаригача Япония хусусий капитал экспорти бўйича дунёда биринчи ўринни эгаллаб келаётган давлат эди. Аммо, Япониянинг ўзи ҳам ўз иқтисодиётини чет эл капиталисиз тасаввур қила олмаган<sup>3</sup>.




**7.1.2-расм. Япония ва АҚШда 1950–1990 йиллар давомида ишлаб чиқаришни ўртacha йиллик ўсиш даражаси**

<sup>1</sup> Салихов Ж. Япония иқтисодиётида давлат бошқарувининг роли. // Ж. Ўзбекистон иқтисодий ахборотномаси. №2. 2012. 53 бет.

<sup>2</sup> Назарова Г., Иминов З., Халилов Х., Хамидов О. Жаҳон иқтисодиёти ва ҳалқаро иқтисодий муносабатлар. Дарслик. –Т.: ТДИУ, 2011. 155 бет.

<sup>3</sup> Арипов О. Ўзбекистонда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни давлат томонидан тартибга солиш. –Т.: Фан. 2012. 56 б.

Шуни эътироф этиш керакки, Япония аҳолисининг ўзи изланувчандир. Улар эрта-ю кеч харакатда бўлиб, иш кунини унумли ўтказишга одатланган. Агарда хорижлик инвесторлар япон тилида сўзлашсалар, улар жуда юксак хурматта сазовор бўладилар. Шу нуқтаи назардан олганда, японлар бир оз ўз менталитетини устун кўядиган халқдир. Японлар кунига 18 соатдан ишлашади. Ҳаттоқи, айрим ходимларни иш жойида вафот этганлари ҳам кузатилган. Мамлакатда иш билан бандлик масалаларига катта эътибор қаратилган. Шунинг учун мамлакатда ишсизлик кўрсаткичлари (яқин 20 йиллардан бери) сезиларли даражада кўтарилимаган. Масалан, жаҳон молиявий-иктисодий инқизози авжига чиқсан даврларда ҳам (яъни 2009 ва 2010 йилларда) ишсизлик даражаси 6,2 %гача борди. Бу эса бошқа ривожланган мамлакатларга нисбатан солиштирганда анча ижобий ҳолатдир. Аммо "...2008 йилда Япония рецессияга кирган бўлса, 2009 йилда иктисодиётнинг ўсиши йилига 0%ни ташкил этган"<sup>1</sup>.



7.1.3-расм<sup>2</sup>. Японияда 2002–2017 йиллардаги ишсизлик даражаси<sup>3</sup>

Бугунги кунга келиб, Япония хусусий бизнес ва тадбиркорликни ривожлантиришга асосланган давлатлар қаторидан жой олган бўлиб, жаҳонда энг ривожланган биринчи учлик давлатлар таркибиға кирди. Бу мамлакатда, асосан, техникини ривожлантиришга катта эътибор берилади. Электроника соҳасида мисли кўрилимаган муваффакиятларга эришган мамлакатдир. Бундай мўъжизалар заминида Японияда кичик тадбиркорликни давлат томонидан тартибга солиш ва қўллаб-қувватлашга бўлган улкан эътибор ётади.

<sup>1</sup> Манба: <http://seosait.com/> Анализ экономики и ВВП Японии 1970-2016.

<sup>2</sup> Раси музалиф томонидан тузилган. Манбалар: Ўзбекистон Республикаси йиллик статистик тўплами. –Т.: 2008.; Бекмурадов А. Государство как эффективный институт обеспечения инвестиционного развития экономики: опыт Республики Узбекистан. // Ж. «Ўзбекистон иктиносидий ахборотномаси». №3-4, –Т.: 2013. С. 79. Бунда 2013. 2014 йиллардаги маълумотлар CIA World Factbook сайтидан олинган.

<sup>3</sup> 2015–2017 йилларга тегишли манбалар <https://mfd.ru/calendar/details/> // (Уровень безработицы в Японии) сайтидан олинган.

## 7.2. Йирик ва кичик бизнес ўртасидаги ўзаро боғлиқлик ва ҳамкорлик

Мамлакатда бизнес икки гурухга бўлинган: йирик бизнес; ўрта ва кичик бизнес. Бу гурухлар ўртасида пирамида шаклини эслатадиган ўзаро иқтисодий алоқалар ўрнатилган бўлиб, ҳар қандай бозор субъекти ўзаро бир-бири билан боғлиқ ҳолда иш фаолиятини ташкил этган.

“Японияда йирик корхоналар атиги бир фоизни ташкил этади.. ва йирик корпорациялар маҳсулотларининг деярли 40% пудрат асосидаги кичик корхоналар иштирокида ишлаб чиқарилади”<sup>1</sup>.

Йирик корхоналар билан кичик ва ўрта корхоналарнинг муҳим кўрсаткичлари ўртасида сезиларли фарқ бор. Масалан, 0,1% йирик корхоналарнинг ҳар бирида 1000 киши иш билан банд бўлиб, мамлакатда ишлаб чиқариладиган жами маҳсулотнинг 25%ни беради. 72,7%ни ташкил этган 300 кишидан ишчиси бўлган ҳар бир кичик корхоналарда эса 5,3% маҳсулот ишлаб чиқарилади.

Жаҳонда танилган йирик компаниялар ва машинасозлик саноатига тегишли концернлар Японияда жойлашган бўлса-да, уларнинг салмоқли улушкини кичик бизнес корхоналари ташкил этади. Хусусан, 90-йиллардаёқ савдода 4 миллион кичик ва ўрта корхона фаолият кўрсатиб, уларнинг ярмида 1-2, бир миллионтасида 3-4 киши хизмат қиласган<sup>2</sup>. Масалан, 1996 йилда қайта ишлаш саноатидаги жами хусусий корхоналарнинг 99,3% кичик ва ўрта бизнес корхоналарига тўғри келган. Жами ишловчиларнинг 22,7% эркин тадбиркорларни ва уларнинг оила аъзоларини ташкил этган.

7.2.1-жадвал

### Японияда йирик корхоналарга нисбатан кичик ва ўрта корхоналарнинг сони<sup>3</sup>

Иқтисодиёт соҳалари	Кичик ва ўрта бизнес корхоналари		Йирик корхоналар		Жами корхоналар	
	сони	фоиз хисоби	сони	фоиз хисоби	сони	фоиз хисоби
Қайта ишлаш саноати	1562071	99,8	3774	0,2	1565845	100,0
Ултуржи савдо	293903	99,2	2259	0,8	296162	100,0
Чакана савдо	1798963	99,8	4426	0,2	1803389	100,0
Хизмат соҳаси	1181827	99,7	3881	0,3	1185708	100,0

<sup>1</sup> Абдуллаев Е. Малый бизнес и предпринимательство: Учебник. –Т.: IQTISOD-MOLIYA, 2008. С. 14.

<sup>2</sup> Арипов О. Ривожланинг омили. // Иқтисод ва хисбот. №8, 1996. 10 бет.

<sup>3</sup> Мавба: “Деловая среда в Узбекистана глазами представителей малого и среднего бизнеса”. Отчет Международной Финансовой Корпорации по итогам 2003 г. С. 21.

Япония кичик бизнес корхоналарида меҳнатта ҳак тұлашнинг пудрат усули кенг қўлланилади. Ишлаб чиқаришни бошқариш ва, умуман, бошқарув тизимининг японча усули бугунги кунда самарали ҳисобланиб, жаҳон миёсида алоҳида имидж билан қайд этилади. Японлар тадбиркорлик фаолиятига янгиликлар киритиб, меҳнат қилишга ишчиларни ҳимоя қилган ҳолда эришишини афзал кўрадиilar. Япон тадбиркорлари ижтимоий муҳитни яхшилаш сари интилиб, олий даражада даромад олишини кўзлади.

1996 йилда мамлакатда жами 627 минг заводлар фаолият олиб борган бўлса, уларнинг 623,4 мингтаси ёки 99%дан ошикроғи ўрта ва кичик бизнес корхоналари фаолиятидан иборат бўлган (7.2.1-жадвалга қаранг). Жами банд бўлганларнинг 73% ана шу корхоналарда иш билан банд бўлдилар ва улар орқали мамлакатда ишлаб чиқарилган маҳсулотларнинг 50%дан кўпроғи ишлаб чиқарилди.

Японияда жами маҳсулотнинг 56,6% қайта ишлаш саноатидаги кичик бизнес корхоналарига тўғри келади. Японияда ушбу секторнинг ривожланиши туфайли энг юксак натижалар кўлга киритилди. Япония қайта ишлаш саноатидаги пировард маҳсулотнинг 50 фоиздан ортигини кичик корхоналар ишлаб чиқармоқда ва уларнинг хизматидан мамлакатнинг барча саноат корпорацияларининг 75,0 фоизи фойдаланади. Хусусан, ҳар бир фуқаро бошига 38000 АҚШ доллари ҳисобида даромад тўғри келади. Ваҳоланки, ислоҳотларнинг илк босқичида бу кўрсаткич 600 АҚШ долларни ташкил этган эди.

Японияда кичик бизнес билан йирик бизнес чирмashiб кетган. Кичик ва йирик корхоналар иерархия тамойилига кўра ўзига хос шундай интеграциялашганки, бизнес субъектларининг ўзаро алоқалари пирамидасимон кўринишни намоён этади (7.2.1-расм). Масалан, «Toyota» ва «Nissan» автомобил компанияларида кичик бизнес корхоналарига боғлиқлик ҳолатини 70% деб белгилаш мумкин<sup>1</sup>.

Япониядаги олтига йирик компаниянинг («Мицубиси», «Мицуи», «Сумитомо», «Дай Ити Кангин», «ФУЭ», «САНВА») жами айланмаси мамлакат ЯММГа нисбатан 15%ни (яни 500 млрд АҚШ долларини) ташкил этади<sup>2</sup>. «...Улар мамлакат саноат активларининг 50 дан 75%-гача назорат қилишмоқда»<sup>3</sup>. Йирик корпорациялар ўз таркибларида кичик ва ўрта корхоналарни ҳам мужассамлаштирган.


Бу каби иқтисодий муносабатлар мамлакатда амалга оширилаётган бизнеснинг ўзига хос хусусиятларини намоён этади. Бундай ўзига хосликни бошқа ривожланган мамлакатлар автомобилсозлигида ҳам учратиш мумкин. Масалан, кичик ва йирик корхоналар ўртасидаги алоқадорлик Германиянинг

<sup>1</sup> Организация поддержки малого бизнеса/Под ред. В.Ш.Каганова. –М.: Академия менеджмента и рынка. 1995. С. 32.

<sup>2</sup> Гамкрелидзе Л.И. Экономика предприятий и фирм: Учебное пособие / 2-е изд., стереотип. –М.: МГИУ, 2009. С. 43.

<sup>3</sup> Шамхалов Ф. Государство и экономика: Власть и бизнес. Изд. 2-е, переработанное и дополненное. –М.: Экономика, 2005. С. 262.; Достанко П. Корпоративизм, рыночная активность и культура управления. // Проблемы теории и практики управления, 2001. №4. С.88.

«Вольксваген» ва «Даймлэр Бэнц» компанияларида – 60%, америкалик «Форд» ва «Джэнэрал Моторс» корпорацияларида – 50%ни ташкил этади.



### 7.2.1-расм. Японияда бизнес субъектларининг ўзаро алоқаларини акс этирувчи пирамида<sup>1</sup>

Японияда кичик бизнес борасидаги сиёсат саноат гигантларига таянадиган миллий саноатнинг самарадорлигини оширишга қаратилган саноат сиёсатининг таркибий қисмидир. Кичик юқори самарали ишлаб чиқарышлар давлат кўмагида вертикал саноат тузилмаларига бирлашадилар. Кичик бизнес тараққиётининг минтақавий ва ижтимоий жиҳатлари давлат сиёсати доирасидан ташқарида қолади.

Фикримизча, Японияда мавжуд кичик бизнес корхоналари айrim бутловчи деталларни ишлаб чиқариб ёки йирик бизнес корхоналари томонидан ишлаб чиқарилган маҳсулотларни сотишда қатнашиб, мустаҳкам алоқалар ўрнатишган. Бу ҳол кичик бизнес субъектларининг маълум маънода тобелигини англатади. Аммо шундай бўлса-да, Японияда ҳар қандай мақомга эга бўлган корхоналар ягона пировард истеъмолчи учун ишлайди.

Маълумки, мазкур китобнинг 5-бобида АҚШдаги «Boston Consulting Group» (BCG) компаниясининг саноат корхоналарига тегишли ишлаб чиқарishi

<sup>1</sup> Муаллиф томонидан илмий манбалар асосида ишлаб чиқилган. Бу ерда ЙК – йирик корхоналар, ЎК – ўтга корхоналар, МФ – микрофирмаларни англатади.

харажатларини таҳдил қилингандаги маълумотлар тұғрисида қайд этгандик. Шунга күра, 2015 йилда, саноат ишлаб чиқариш харажатларининг ўртаса даражаси АҚПДа 100%-га тенг деб шартли равишда белгиланған эди<sup>1</sup>. Худди шундай күрсаткыч Японияда 121%-га тұтри келиши белгиланди. Бошқача айтганда, Японияда ишлаб чиқариш харажатлари сезиларлы даражада ошмокда. Бу эса маҳсулот таннархининг ошишига олиб келиши мүмкін.

Шунга қарамай, Япония саноатининг умумий ҳажмида кичик бизнеснинг улуши 40%-ни ташкил этиб, улар инновацион соҳаларни ўз ичига қамраб олган. 90-йилларга тегишли статистик маълумотларга күра олганда, янгиликтар ва илмий-технологик ишланмаларнинг бизнес секторга тұтри келган ҳиссаси Японияда -- 69%-ни ташкил этган.

### **7.3. Японияда кичик ва ўрта бизнес мезонларининг белгиланышы ва тармоқлар бүйіча ривожланиши**

Япония иқтисодиётининг барча тармоқларига кичик ва ўрта бизнес кириб берген. Улар иккита күрсаткыч бүйіча градацияланади:

- ишчилар сонига күра;
- капитал айланмасынинг ҳажмига күра.

Ишчилар сонига күра олганда, кончилик саноати, транспорт, курилиш, қайта ишлап саноати, алоқа, кредит, коммунал хұжалик, молия ва сұгурталаш, күчмас мулк операциялари билан шуғулланадиган кичик корхоналарда ишчилар сони 300 кишидан ошмаслиги керак. Улгуржи савдода -- 100 кишигача, чакана савдода эса -- 50 кишигача ишчилар ишлайди. Саноатнинг турли соҳаларида -- 20 кишигача, тижорат ва хизмат күрсатында -- 5 кишигача ишчи меҳнатда банд бўлиши керак.

#### **7.3.1-жадвал**

### **Японияда кичик корхоналар категориясига тааллукли бўлган мезонлар<sup>2</sup>**

Кичик корхоналар категориясига тааллукли бўлган мезонлар	Иқтисодиёт тармоқлари			
	Саноат	Улгуржи савдо	Чакана савдо	Хизматлар
Ишчилар сони	300 кишигача	100 кишигача	50 кишигача	100 кишигача
Корхонанинг устав капитали	2844 минг АҚШ долларигача	948 минг АҚШ долларигача	474 минг АҚШ долларигача	474 минг АҚШ долларигача

<sup>1</sup> 5-бобнинг 9-бандига (127 бетдаги 2-чи сатр бошига) каранг. Манба: The Nikkei. February 27. 2013.

<sup>2</sup> Манба: Лапуста М.Г. Малое предпринимательство: Учебник. –М.: ИНФРА-М, 2008. С. 21.

Таъкидлаш жоизки, корхоналарнинг устав капитали ҳажми ҳам кичик ва ўрта корхоналарнинг мезонларини белгилашда муҳим роль ўйнайди. Масалан, янги таҳрирдаги «Кичик тадбиркорлик тўғрисидаги асосий қонун»да келтирилишича, иқтисодиётнинг турли тармоқларида турлича кўрсаткичлар қабул қилинган (7.3.1-жадвалга қаранг).

Масалан, саноат тармоғида 300 кишигача ишчиси бўлган корхоналар кичик корхоналар ҳисобланиб, бундай корхоналарнинг устав капитали 2844 минг АҚШ долларигача ҳажмда бўлиши керак. Шунингдек, хизмат кўрсатишида 100 кишигача ишчиси бўлган корхоналар кичик ҳисобланиб, уларнинг устав капитали 474 минг АҚШ долларигача бўлиши талаб этилади. Худди шундай ҳажмдаги устав капитали чакана савдода ҳам жорий этилган. Аммо чакана савдода ишчилар сони 50 кишигача белгиланган.

2010 йилга келиб, Японияда жами компанияларнинг 99,7% кичик ва ўрта бизнесга тўғри келиб, шундан 87%-и фақат кичик корхоналардир<sup>1</sup>. Бошқача айтганда, ҳар 10 корхонанинг 9 таси кичик ва ўрта бизнес корхоналари ҳисобланиб, тадбиркорлар мамлакат иқтисодиётининг юксалишида муҳим роль ўйнайди. Шу мақсадда асосий эътибор тадбиркорлар учун хукукий асосни кенгайтиришга қаратилган. Шунингдек, қонунчиликдаги устуворлик асосан антимонопол чора-тадбирларни кўллашга йўналтирилган.

80-йилларга қадар, Японияда кичик бизнес кўпроқ қуидаги тармоқларни ўз ичига олди:

- қурилиш;
- енгил саноат;
- хизмат кўрсатиш соҳаси.

Ўтган асрнинг 50-йилларидан Японияда кичик ва ўрта бизнесни давлат томонидан кўллаб-кувватлашда мисли кўрилмаган чора-тадбирлар амалга оширилган. Эндиликда саноатнинг бир неча тармоқлари градациялаштирилди, шунингдек, ишлаб чиқариш ва төғ-кончилик саноатида 300 кишигача банд бўлган корхоналар кичик корхоналар ҳисобланиб, уларнинг устав капитали 100 млн. иенага тенглаштирилди (7.3.2-жадвал).

### 7.3.2-жадвал

#### Японияда кичик ва ўрта бизнес субъектларига кўйилган талаблар<sup>2</sup>

Тармоқлар номи	Устав капитали (млн. иена)	Банд бўлганлар сони, (киши)
Ишлаб чиқариш ва төғ-кончилик саноати	100	300
Ултуржи савдо	30	100
Чакана савдо ва хизмат кўрсатиш	10	50

<sup>1</sup> Приоритет малому бизнесу. // Правда Востока. 29 декабрь. 2010. №250.

<sup>2</sup> Курманбаева Ф., Путач И., Абдуллаев Р., Голосова С., Касымова С. и др. Малый и средний бизнес в Узбекистане: современное состояние, проблемы и перспективы. / Экономическое обозрение. №3. 2000. С. 5.

Тармоқлар бүйінча кичик корхона капитали айланмасыннинг ҳажмига күра олғанда эса, құйидаги белгиланади:

- қайта ишлаш саноатида – 100 млн. иенагача;
- ултүржи савдода – 50 млн. иенагача;
- чакана савдода – 10 млн. иенагача.

Илмталаб корхоналар, асосан, йирик корхоналар бўлиб, уларнинг асосий вазифаси Япониянинг иқтисодий жиҳатдан ривожланишига олиб келган кичик бизнес корхоналарини юқори технологиялы инновацион ишлаб чиқариш асосида рағбатлантиришга йўналтирилган. Масалан, дунёда таникли «Toyota», «Nissan», «Mitsubishi», «Hundai», «Panasonic» каби йирик корхоналар кичик бизнес корхоналари билан бевосита алоқа ўрнатган. Айниқса, «Toyota», «Honda» каби корпорацияларда тайёрланадиган автомобилларнинг қисмлари ва алоҳида деталларини 10 минглаб кичик хусусий корхоналар (фирмалар) тайёрлаб беради<sup>1</sup>.

Кичик ва ўрта бизнес корхоналарининг сони кўнчилик саноатида 95%ни, тўқимачиликда 88%ни, озиқ-овқат тармоғида, деярли 85%ни ташкил этган<sup>2</sup>. Савдо-тижорат ишларида ҳам кичик бизнес корхоналари жуда кўп. «Кичик бизнес кўринишидаги дўконлар... мамлакатда 4 миллиондан ортиқ бўлиб, уларнинг 50-52%да бир ёки икки киши меҳнат қиласи. Японияда 4 ва ундан ортиқ киши ишлайдиган оиласибий бизнес дўконлар сони ҳам кўпчиликни ташкил...»<sup>3</sup> этади. Ҳозирги даврга келиб, кичик бизнеснинг экспортдаги улуси 40%ни ташкил этмоқда<sup>4</sup>.

2000 йилларга келиб, ишлаб чиқарилган саноат маҳсулотларининг 55%га яқини, саноат ҳажмининг 60%га яқини кичик ва ўрта бизнес улушкига тўғри келади. Мамлакатда 6,5 млн. кичик ва ўрта бизнес корхоналари фаолият кўрсатиб, жами корхоналарнинг 90%ини ташкил этади. Япония кичик ва ўрта бизнес секторида банд бўлганлар 40 млн.га яқин бўлиб, жами ишловчиларнинг 80%ини ташкил этади<sup>5</sup>. 2003 йилда Японияда фаолият кўрсатган кичик корхоналар сони 4,69 миллионга етди<sup>6</sup>.

Японияда пойафзал, тикувчилик, чарм саноати, дори-дармон ишлаб чиқариш, бутловчи жиҳозлар ва конструкторлик ишланмаларини тайёрлаш, курилиш ва хизмат (шу жумладан, техника хизмати) кўрсатишда кичик бизнес корхоналари устуворлик қиласи. «Японияда қайта ишлаш саноатидаги хусусий фирмаларнинг 99%дан кўпроғи кичик ва ўрта бизнес корхоналарига

<sup>1</sup> Каранг: Назарова Г., Иминов З., Халилов Х., Хамидов О. Жаҳон иқтисодиёти ва ҳалқаро иқтисодий муносабатлар. Дарслар. –Т.: ТДИУ, 2011. 155 бет.

<sup>2</sup> Раззаков А.А. Кичик ва ўрта бизнеснинг шаклланиши ва ривожланиш тарихи. // Тезисы докладов научно-практической конференции «Проблемы развития малого и частного предпринимательства в Республике Узбекистан». –Т : ТЭЗУ, 1996. С. 82.

<sup>3</sup> Назарова Г., Иминов З., Халилов Х., Хамидов О. Жаҳон иқтисодиёти ва ҳалқаро иқтисодий муносабатлар. Дарслар. –Т.: ТДИУ, 2011. 155 бет.

<sup>4</sup> Жўраев Ш.С. Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликнинг мамлакат иқтисодиёти ривожланишига таъсири. // Ўзбекистонда ижтимоий фанлар. №4. 2011. 41 бет.

<sup>5</sup> Шепеленко Г.И. Экономика, организация и планирование производства на предприятиях. 2-е изд. доп. и переработ. –Ростов-на-Дону.: «Март», 2000. С. 62.

<sup>6</sup> Лапуста М.Г. Малое предпринимательство: Учебник. –М.: ИНФРА-М, 2008. С. 24.

тааллукли<sup>1</sup>. Кичик корхоналарда банд ишчиларнинг 22,7%ини эркин тадбиркорлар ва уларнинг оила аъзолари ташкил этади. Бу ерда иш ҳақининг пудрат тизими кенг қўлланилади. Ижтимоий кредит кооперативлари шаклидаги корхоналар ҳам фаолият кўрсатади.

#### **Кўшимча маълумотлар:**

##### **Япония кичик корхоналарининг ўзига хос жиҳа глари**

Япон ишчиларига хос беш фазилатлар дунё бўйича алоҳида эътироф этилади, яъни:

1. Ўзаро журмат.
2. Ишга жиддий муносабат.
3. Тинчликсервасирик.
4. Ростгўйлик.
5. Ҳаётдан завқдана билиш.

Бу каби фазилатлар барча субъектларнинг иқтисодий муносабатларини равон бўлишига олиб келди.

Японияда жамоа тадбиркорлиги жуда кенг ривожланган. Корхона бошқарувчилари билан бир қаторда, шу корхона ишчи-ходимларида ўз иш жойини қадрлаш фазилати устувордир. Шунинг учун корхона жамоаси бирдай меҳнат қилишга одатланаб, муаммолар ечимини топишда жамоавий ёндашувларнинг турлича кўринишларидан самарали фойдаланишишади.

Қизиги шундаки, японлар ўзларини нотаниш жойда таништиришлари керак бўлса, улар албатта, аввало, ўз иш жойларини қайд этадилар. Сўнг ўзларини исм-шарифларини айтадилар.

Корхонада раҳбар ва ходим ўртасидаги муносабатларда субординацияга камдан-кам эътибор берилиб, улар ўртасидаги муносабатлар жуда яқинликда амалга ошади. Шундай қилиб, раҳбарлар тадбиркорликка хос қарорлар (масалан, янги маҳсулот ишлаб чиқаришда) қабул қилиши мумкин. Бу қарорларни ишлаб чиқишиша, албатта, корхона жамоаси иштирок этади.

Ишлаб чиқаришни бошқариш тизимидағи оқилоналиқ ва юкори самарадорлик – япон корхоналарининг ўзига хос хусусиятларидандир. Масалан, 40-йилларнинг охирида 7 кишидан иборат велосипедларни таъмирловчи кичик кооператив сифатида фаолият бошлаган «Yamaha» трансмишлий компанияси бугунги кунда дунёнинг деярли барча мамлакатларида бир неча миллиард АҚШ доллари микдоридаги маҳсулотларни сотади<sup>2</sup>. Японияда жамоатчилик асосидаги тадбиркорлик жуда яхши ривожланган. Япон бошқарувчилари ва бошқа ходимларида ўз корхоналари билан бирдамликни хис этиш ва корхонага мансублик ҳисси жуда юкори. Японлар ўзларини нотаниш кишига таништирганларида ўз компанияларининг

<sup>1</sup> Энциклопедия рыночного хозяйства. Предпринимательский тип хозяйствования/Редкол. тома. –М.: Изд. дом «Путь России», ЗАО Издательский дом «Экономическая литература», 2002. С. 84.

<sup>2</sup> Хакимов Н., Исмоилов Н. Хорижий давлатларда кичик ва ўрта бизнеснинг ривожи. // «Миллий иқтисодиёт соҳаларида халқаро тажрибани ўрганиш ва уни кичик бизнес, хусусий тадбиркорликни ривожлантиришда татбиқ этиш» илмий-амалий ахжуманининг маърузалар тўплами. –Т.: ТДИУ, 2004. 157 бет.

номини қайд этиб, кейин ўзларининг исм-шарифларини айтадилар<sup>1</sup>. Раҳбарият билан қуий погона персоналлари ўртасида ўзаро муносабатлар жуда уйғун тарзда шаклланган. Жиддий тадбиркорлик қарорлари юқори бошқарувчи раҳбарлар орқали қабул қилинса-да, қарорларни қабул қилишда корхонанинг қуий персонали ҳам иштирок этади.

Хуллас, ҳозирги кунда Япония саноат корхоналари замонавий фантехника ютуқларига асосланган ҳолда ривожланмоқда. Тадбиркорликнинг ривожланишида янгилик киритувчанлик, юқори фойда олиш ва ишчилар тўғрисида қайғуриш устувор вазифалардан ҳисобланади. Мазкур давлат илм-фанни ривожлантириш ва ютуқларидан оқилона фойдаланиш, инновацияларни ўз вақтида жорий қилиш бўйича дунёда етакчи ўринда туради.

«Кунчиқар юрт»даги кичик бизнес корхоналари ҳозирда нафакат маҳаллий бозорларда, балки хориж бозорларига чиқиб, ҳалқаро иқтисодий муносабатларда ҳам фаол иштирок этмоқдалар. Бу мамлакатнинг аксарият кичик корхоналари станоклар, сифатли технологик ускуналар, электроника ва оптик асбоб-ускуналар билан жиҳозланган бўлиб, тўлиқ компютерлашган.

#### 7.4. Японияда кичик бизнесни давлат томонидан қўллаб-куватлашнинг ўзига хослиги

Японияда кичик бизнес ва тадбиркорликни ривожлантиришга доир бир қатор меъерий ҳужжатлар қабул қилинган. Булар жумласига кичик ва ўрта бизнес корхоналарига эътибор бўйича сиёsat асослари, уларни модернизациялашга ёрдам кўрсатиш, кичик бизнес фаолиятига раҳбарлик қилиш тўғрисидаги ҳужжатларни киритиш мумкин.



7.4.1-расм. Японияда кичик бизнес ва тадбиркорликни  
давлат томонидан қўллаб-куватлашнинг погонали тузилмаси

<sup>1</sup> Энциклопедия рыночного хозяйства. Предпринимательский тип хозяйствования. / Редкол. тома. –М.: Изд. дом «Путь России», ЗАО Издательский дом «Экономическая литература», 2002. С. 85.

1963 йилда «Кичик ва ўрта корхоналар тұғрисида» асосий қонун, ва «Кичик ва ўрта корхоналар модернизациясінің тезлаштириш тұғрисида» қонун қабул қылғанды. Бу қонунлар японча кичик бизнеснің ривожланишига жаңада жиғдій түрткі берди.

Мамлакатда кичик ва ўрта бизнесни құллаб-куватлашда нафакат давлат томонидан, балки маъмурій префектура<sup>1</sup> идоралари, савдо-саноат палаталари, ташқи савдо ва саноатни бошқаришнинг маҳаллий идоралари томонидан ҳам амалга оширилади (7.4.1-расм).

Савдо-саноат палатаси марказий аппарат бошқарувыда 200 киши иш билан банд (күйиң бүгінларда банд бүлгандардан ташқары) бўлиб, давлат томонидан құллаб-куватлашни таъминлайди. Префектуралардаги бўлимларни кўшганда ишчи-ходимлар сони ортади. Масалан, Осака шаҳри префектурасида жами ишчи-ходимлар сони 600 кишини ташкил этади.

Японияда Савдо-саноат палатаси кичик ва ўрта бизнес бошқарувини такомиллаштиришда ўзининг салмоқли ҳиссасини қўшиб келмоқда. Ҳозир Япониянинг 3300 та шаҳар ва қишлоқларида мазкур палатанинг бўлимлари фаолият кўрсатмоқда. Мазкур бўлимларда тадбиркорларга бепул консалтинг-маслаҳатлари бериб борилади. Бу жараёнларнинг молиялаштирилиши давлат бюджети ҳисобидан амалга оширилади. Масалан, 1990 йилдаёт мамлакатда 5,7 млн. консалтинг-маслаҳатлари (ўртача бир мутахассисга 650 та маслаҳат) берилганлиги рўйхатта олинган. Берилган маслаҳатлар, асосан, молия, солик тўловлари, бухгалтерияни юритиш, шунингдек, меҳнатни ташкил этиш ва савдо операцияларига доир бўлди. Савдо-саноат палаталарида бухгалтер-инструкторлар фаолият кўрсатиб, улар жорий ҳисоботларни юритиш тартиби, компьютердан фойдаланган ҳолда балансларни тузиш бўйича курслар ташкил этадилар.

Японияда кичик ва ўрта бизнесни давлат томонидан фаол құллаб-куватлашда давлат дастурлари ҳам кенг жорий этилган. Масалан, 2003 йилда 23 та давлат дастури асосида кичик бизнес субъектлари ҳар томонлама құллаб-куватлаб борилди. Бу дастурлар кичик бизнес корхоналарининг барқарорлашувига, уларда инновацияларнинг кенг жорий этилишига ва кичик корхоналарни модернизациялашга йўналтирилди. Масалан, 2002 йилда давлат дастурлари орқали худди шундай кўмаклашув ишларига 266 трлн. иена микдорида маблағ сарфланиб, улар, асосан, қўйидаги чора-тадбирларни амалга оширишга йўналтирилди<sup>2</sup>:

- иқтисодиётни эластик (тез мослашувчан) бошқариш тизимини яхшилаш;
- инновацион фаолиятларни кучайтириш ва құллаб-куватлаш;
- кичик корхоналарни иқтисодий хавфсизлиги тизимини ривожлантириш ва кучайтириш;
- кичик корхоналарда меҳнат шароитларини ва ижтимоий таъминотни яхшилаш;

<sup>1</sup> Префектура – маъмурій-худудий бирликни бошқариш органды. Японияда давлат бошқарувига ёрдам тарикасида маъмурій-худудий бўлиниш туфайли маҳаллий бошқарув идоралари ҳам фаолият кўрсатади.

<sup>2</sup> Лапуста М.Г. Малое предпринимательство: Учебник. –М.: ИНФРА-М, 2008. С. 512.

- тугалланмаган қарзлар бўйича қарзларни ҳисобдан чиқариш;
- хизмат кўрсатиш соҳасида меҳнат ресурсларининг ҳаракатчанлигини ошириш;
- молиявий ресурслар ва акциядорлик капиталидан фойдаланишини енгиллаштириш;
- кичик корхоналарни ривожлантириш ва қўллаб-куватлаш тизимининг ўзаро таъсирини ошириш.

Давлат дастурлари асосидаги бу каби чора-тадбирлар кичик ва ўрта корхоналар ривожланишига янада ижобий таъсирини кўрсатди.

## **7.5. Японияда кичик ва ўрта корхоналарни молиявий жиҳатдан таъминлаш ва қўллаб-куватлаш**

Японияда давлатнинг кичик ва ўрта корхоналарни қўллаб-куватлашнинг молиявий базасини қўйидагилар ташкил этади:

- кичик бизнесни қўллаб-куватлашнинг маҳсус фонди;
- ҳалқ фонди;
- кичик ва ўрта бизнес бўйича бошқарма;
- кичик ва ўрта бизнесни ривожлантириш бўйича давлат корпорацияси;
- молиялаштириш бўйича миллый корпорация;
- кичик ва ўрта бизнес ассоциацияларининг умум япон федерацияси;
- молиявий корпорация.

Эътиборлиси, давлат ёрдамининг молиявий асосини кичик бизнесни қўллаб-куватлашнинг маҳсус фонди – Ҳалқ фонди, шунингдек, молиявий корпорация ташкил қиласди. Қўллаб-куватлаш ишларини тижорат банклари, давлат ва ижтимоий фондлар воситачилигида амалга оширилиб, улар тадбиркорликнинг ривожланишида муҳим аҳамият касб этади.

Давлат сиёсатида кичик ва ўрта бизнесни қўллаб-куватлашнинг қўйидаги йўналишлари мавжуд:

- ссуда ва субсидиялар ажратиш йўли билан рақобатбардошликни таъминлаш, яъни, Япония тараққиёт банки томонидан энг истиқболли тармоқларда фаолият кўрсатиб турган кичик бизнес корхоналарига бевосита кредитлар берилади. Шунингдек, кафолатланган қарзлар берилади. Масалан, 1994 йилда тижорат банклари томонидан берилган кредитларнинг 60%га тўғри келган улуши кичик бизнесга ажратилган кредитлардир. Кичик бизнесга тижорат банклари қанча кўп кредит ажратса, банкларнинг ўзи шунчалик солиқ имтиёзларига эга бўлиб борадилар;

- тизимли қайта қуришни рагбатлантириш, хўжалик фаолиятини модернизация қилиш, меҳнат шароитларини яхшилаш, савдога қўмаклашиш;
- давлат томонидан қўллаб-куватлаш самарадорлигини баҳолаш учун кичик ва ўрта корхоналарнинг иқтисодий кўрсаткичлари ва янги техника билан таъминланганлик тўғрисидаги ахборотларни йиғиши ва таҳлилларини олиб бориш.

Шундай қилиб, давлат кичик бизнес корхоналарининг диагностикаси бўйича бўлган харажатларни ўз зиммасига олади. Кичик бизнесни молиялашда компенсация харажатларининг амалга оширилиши – бу секторни қўллаб-кувватлашдаги ўзига хосликдир. Бундай харажатларнинг 2/3 қисми, асосан, кадрлар тайёрлашга ва ишчилар малакасини оширишга сарфланади. Субсидияларнинг кенг кўламда ажратилиши харажатларнинг 50%гача бўлган қисмини қоплайди.

Сўнгги йилларда Япония ҳукумати томонидан қўллаб-кувватлаш мақсадида ажратилган «...субсидияларнинг 80%дан кўпроғини илмий-техник дастурларга, шунингдек, кичик корхоналарда ишлаб чиқаришнинг технологик даражасини кўтаришга, енгил ва озиқ-овқат саноатидаги технологияларни такомиллаштиришга йўналтирилгандир»<sup>1</sup>. Япония префектураларида ҳаракат қилувчи 500 дан ортиқ савдо-саноат палаталари ва уларнинг филиаллари кичик корхоналарга маслаҳат, молия, таълим ёрдамини кўрсатадилар.

Агар кичик ва ўрта корхоналарни қўллаб-кувватлашда Япония тажрибасига назар соладиган бўлсак, бу ерда кичик ва ўрта бизнес бўйича бошқарма, уни ривожлантириш бўйича давлат корпорацияси, молиялаштириш бўйича миллий корпорация, кичик бизнес ассоциацияларининг бутун япон федерацияси, бутун япон маркази ва бошқалар фаолият юритадилар. Булардан ташқари, ўнга яқин махсус банклар кичик ва ўрта корхоналарни кредитлашга хизмат қиласидилар.

Кичик бизнес ва тадбиркорликни давлат томонидан қўллаб-кувватлаш амалга оширилар экан, асосан, қуйидагиларга жиддий эътибор берилади:

- имтиёзли солиқقا тортиш;
- жадаллаштирилган амортизация;
- имтиёзли кредитлаштириш;
- ходимларни ўқитишда ва банкротлик ҳолатида ёрдам кўрсатиш;
- техник даражаси ўсишини рағбатлантириш.

Японияда кичик тадбиркорликни давлат томонидан қўллаб-кувватлаш билан бирга, улар фаолиятида юзага келган муаммоларни ҳал этиш чоратадбирлари ҳам пухта амалга оширилади.

«Кун чиқар мамлакат»да кичик тадбиркорликни қўллаб-кувватлаш учун йилига 180 млрд. иена микдоридаги бюджет маблағлари йўналтирилади. Баъзан вазирликлар ва идораларнинг сметаларида бу мақсад учун ҳар йилга махсус модда ҳам мавжуд. Бундан ташқари, кичик корхоналар давлат инвестициялари ва қарзлари дастури доирасида махсус бюджет ҳисоб вараклари бўйича ҳам молияланади. Уларнинг даромад қисмини пенсия фондлари, почта суғурта фонди, почта омонат кассалари, шунингдек, давлат томонидан кафолатланган заёмларни чиқариш ташкил этади. Давлат маблағларини тақсимлаш Япония ҳукумати томонидан ташкил этилган кичик тадбиркорлик корпорацияси каби тижорат тузилмалари томонидан амалга оширилади. Кичик корхоналарга давлат имтиёзли кредитларини тақдим этиш корпорация фаолиятининг асосий

<sup>1</sup> Батурина В. Поддержка развития малого инновационного предпринимательства. // Рынок, деньги и кредит. №1. 2012. С. 39.

йўналишларидан биридир. У ҳар йили 20 млрд. иена миқдорида ёрдам кўрсатади.

Умуман, олганда, Японияда кичик корхоналарни кредитлаш муаммоси кредит кафолатлари ва кичик корхоналар фаолиятини сугурталаш бўйича анча мураккаб тизим орқали ҳал қилинади. Бу тизим тижорат асосида ишлайдиган ижтимоий ташкилотлар бўлган 52 префектура уюшмасини қамраб олади. Бундай уюшма кичик корхоналардан бериладиган гаров учун кредит суммасининг 1 фоизини олиб, аъзоликка кириш бадаллари ҳисобига тўлдириб бориладиган сугурта фондини ташкил этади. Гаров берганидан кейин уюшма кафолат суммасининг 4/5 гача қисмини сугурталайди. Шу тариқа уюшма қарз олувчи тўловга ноқобил бўлгани ҳолда қарзнинг деярли бутун қисмини ўз зиммасига олади. Чунончи, уюшма зарарни кичик корхонанинг ўзи ҳисобига қоплаш ҳуқуқини ҳам сақлаб қолади. Бу тизим туфайли уюшма аъзолари гаров бўлмаган тақдирда ҳам унинг кафолатлари остида кредит олишлари мумкин.

Бундан ташқари, юқори даражада ихтисослашган Япония банк тизимида бевосита кичик ва ўрта корхоналар билан ишлайдиган бир неча турдаги банклар ҳам мавжуд. Уларга биринчи навбатда префектуранинг асосий шаҳарларида жойлашган маҳаллий банклар киради. Аксарият бундай банклар катта бўлмай, асосан, кичик ва ўрта корхоналарга хизмат қўрсатишига мўлжалланган. Бундай мижозлар билан ишлайдиган банкларнинг бошқа тоифаси – анъанавий қўшма-кредит компаниялари асосида тузилган «сого банк»лар ҳисобланади. Уларнинг мижозлари ва мижозларнинг фойда кўришлари чекланган: мижозлар 300 кишигача, фойдалорлиги эса 800 млн. иенадан ошмаслиги зарур.


Кичик ва ўрта тадбиркорликка мўлжалланган кредит муассасаларининг учинчи тоифаси – «шикхин банк»лар ҳисобланиб, бу кичик корхоналар эгалари аъзо бўлган ширкатлардир. Улар ширкат аъзоси бўлмаган корхоналарни ҳам молиялаши мумкин, фақат бунда молиялаш ҳажми кредитлаш умумий миқдорининг 20 фоиздан ошмаслиги лозим.

## 7.6. Йирик корхоналарнинг кичик бизнес ва тадбиркорлик корхоналарига қўмаклашуви

Японияда кичик бизнес ва тадбиркорликни ривожлантириш соҳасига йўналтирилган меъёрий ҳужжатларда кичик корхоналар мақоми ва улар учун имтиёзлар белгилаб борилади. Корхона фаолиятининг тури ва соҳасига қараб имтиёзлар белгиланади ва солиққа тортишнинг маҳсус шакллари амалга оширилади. Қонунларнинг барчаси антимонопол тарзда тартибга солишга йўналтирилган бўлиб, кичик бизнес корхоналарида ракобатни кучайтириш сари янгиликлар амалга ошириб борилади.

Японияда амал қилаётган қонунлар ва меъёрий ҳужжатлар маҳсулот қийматининг ошиши ёки пасайиши даражаларини қатъий чегаралайди ва шу тарзда бозор мувозанатини тартибга солиб боради. Асосланмаган чегирмалар ёки, аксинча, чайковчилик асосидаги нархларни жорий этиш, корхона ёки

тадбиркорларнинг ўз фаолигитидан маҳрум бўлишига олиб келади. Бундай чоратаддирлар барча корхоналарга таалтукли бўлиб, бу йирик бизнесда ҳам кўлланилади. Японияда бозор механизми жуда яхши ривожланганлиги учун япон ҳукумати инфляция ва асосланмаган нархларнинг ўзгаришларига эътибор бераб, салбий ҳолатларнинг олдини олишга тез ҳаракат қилади. Бошлангич бизнес учун шарт-шароитлар ва имтиёзларнинг яратилиши учун соҳанинг ривожланиши учун мамлакатда яхшигина мухит яратилганлигидан далолат беради.



#### **7.6. І-расм. КҮКларда давлат буюртмаларини жойлаштириш учун тапловлар үтказиш схемаси<sup>1</sup>**

<sup>1</sup> <https://kfpp.ru/analytics/material/foreignsupportexp.php> // Японский опыт поддержки и развития МСП.

1966 йилда КҮКларни билвосита құлтаб-куватлашни таъминлаш учун 97-сонли «Маҳаллий, худудий ва давлат муассасалари буюртмаларини КҮКларга жойлаштириш тартиби тұғрисида»ғи Қонун қабул қилинди. Қонунда турли даражадаги (миллий, худудий, маҳаллий) бюджетлардан молиялаштириладиган корхоналар ўз буюртмаларининг мәйлум бир қисмини КҮКларга үтказиб беришлери шарт, деб белгилаб қойылди, шу билан бирга, куйидагилар изоҳлаб үтилди:

- кичик бизнес ва тадбиркорлик секторига ўз буюртмаларининг бир қисмини үтказишига бурчли бўлган ташкилот ва корхоналар рўйхати;
- ушбу қонунга мос тушадиган кичик ва ўрта корхоналарнинг фаолият турлари ва мезон ўлчамлари;
- кичик бизнес корхоналари ўртасида танловлар үтказиши тадбирлари ва шартномалар тузиши тартиблари (7.6.1-расм);

Бу Қонуннинг 1966 йилдан кучга кириши муносабати билан маҳаллий ва давлат буюртмаларида КҮКлар ўз улушларини 38,8 млрд. АҚШ долларидан (1992 йилга келиб) 309 млрд. АҚШ долларигача кенгайтишига эришдилар. Бунда маҳаллий ўз-ўзини бошқариш бюджетидан буюртма улушкини КҮКларда жойлаштирилиши сўнгти 20 йилда 65–74 фоизга сақлаб қолинди.

Гарб мутахассислари томонидан үтказилган тадқиқотларга кўра, Япония иқтисодиётининг шиддат билан ривожланниши, йирик ва кичик бизнеснинг бевосита алоқалари муваффакиятига кўп жиҳатдан боғлиқдир. Йирик компаниялар катта ресурсларга эга бўлиб, йирик буюртмачилар билан (давлат буюртмаларини ҳисобга олган тарзда) тўғридан-тўғри шартномалар тузганларида, КҮК билан хукукий асосда пудрат муносабатларини ўрнатадилар. Йирик корхоналар билан кичик бизнес корхоналарининг бундай иқтисодий ҳамкорлиги, айниқса, автомобилсозликда катта кулайлик яратди. Масалан, Япония автомобиль саноатида ишлаб чиқарилган ҳар бир автомобилдан 800 АҚШ доллари миқдорида тежамкорликка эришилди.


## 7.7. Японияда КҮКларни ривожлантириш стратегияси бўйича давлат сиёсатидаги ислоҳотлар

Япония ўз иқтисодиётини ривожлантириш бўйича етарли тажрибага эга мамлакат ҳисобланади. Японлар иқтисодий ўзгаришларни тез таҳлил этиб, унга мос стратегик мақсадларни ўз олдига кўя оладиган халқдир.

Азалдан японлар КҮКлардан самарали фойдаланиб келмоқдалар. Шунинг учун ушбу секторни қўллаб-куватлаш тизимида у ёки бу даражадаги ислоҳотлар амалга ошириб борилади. КҮКлар салоҳиятидан самарали фойдаланиш асосида Япония иқтисодиётидаги ислоҳотларнинг муваффакиятли амалга оширилиши кўпроқ давлат, худудий ва маҳаллий хукумат органларининг кўмаклашувига жуда боғлиқдир.

Япония хукумати тадбиркорлик ва иқтисодий ривожланиш масалаларини, асосан, икки тузилма орқали тартибга солиб боради. Улардан бири Миллий ер агентлиги (MEA) бўлса, иккинчиси Халқаро савдо ва саноат вазирлиги

(ХССВ)дир. Бу икки тузилма ҳамкорликда КҮКларни ривожлантириш стратегиясини ишлаб чиқиши билан шуғулланиб, миллый ва регионал (худудий) даражаларда КҮКларни күллаб-куватлаш ва бунга боғлиқ бўлган чоратадбирларни мувофиқлаштиради. Бундай стратегияларга мос равишда ҳудудий ҳукумат органлари келгуси давр учун аниқ режалар тузиб борадилар. Ҳудудий кўламда тузилган ривожлантириш режалари давлат стратегияси ва бюджет молиясига мувофиқ келишини инобатга олиб, мамлакат ҳукумати томонидан тасдиқланади. Аммо ўзгарувчан жараёнлар таъсирида ривожлантириш режаларига тузатищлар киритиб борилади.



#### **7.7.1-расм. Японияда кичик тадбиркорликни давлат томонидан күллаб-кувватлаш түзилмасы<sup>1</sup>**

1998 йилдаги инқиrozдан кейинги даврдан КҮКларнинг рivoжлантиришга оид давлат сиёсати қайта кўриб чиқилди. “КҮКлар тўғрисидаги Қонун”га ўзгаришилар киритилди (03.12.1999 йилдаги 154-сонли хўжжат). Ушбу меъёрий хўжжатта кўра корхоналар үлчамлари ва устав фондлари кенгайтирилди ва кўйидагилар асосий мақсад қилиб белгиланди:

- корхоналар рақобаттардо шигини ва барқарорликни ошириш;

<sup>1</sup> <https://kipp.ru/analytics/material/foreignsupportexp.php> // Японский опыт поддержки и развития МСБ.

- ресурслар таъминотини яхшилаш;
- инновацион фаолиятни фаоллаштириш;
- янги корхоналар яратишни кучайтириш;
- тадбиркорлик мұхитида үзаро күмаклашувни кенгайтириш.

КҮКларни ривожлантириш стратегияси бүйича барча масъулият давлатнинг юқори органи ҳисобланган Иқтисодиёт, савдо ва саноат вазирлиги (ИССВ) зиммасида қолдирилди. Мазкур вазирликда «КҮКларни ривожлантириш сиёсати бүйича Кенгаш» ташкил этилган бўлиб, 2001 йилда КҮКларни кўллаб-куватлашнинг давлат тузилмалари ишларини мувофиқлаштириш мақсадида (ИССВ таркибида) «КҮКлар агентлиги» ҳам ишга туширилди (7.7.1-расм).

Японияда 2000 йилда бошланган КҮКларни ривожлантиришнинг давлат стратегияси иқтисодиётдаги давомли инқизозни секинлаштириш ёки умуман бартараф этишга йўналтирилган бўлса-да, корхоналар сонининг қисқаришига (йилига 2%-гача) олиб келди ва ишбилармонлик фаолигининг яхшиланишига суст таъсир кўрсатиб борди.

Шунинг учун 2002 йилнинг ўрталарида Иқтисодиёт, савдо ва саноат вазирлиги янги стратегияни қабул қилди. Бунда мамлакатни қайта тиклаш ва ривожлантириш мақсадида КҮКларга нисбатан кўйидаги чоралар кўлланилди:

- иқтисодиётни мослашувчан бошқариш тизимини жорий қилиш;
- инновацион фаолиятни кўллаб-куватлаш ва уни кучайтириш;
- КҮКларни иқтисодий хавфсизлик тизимини ривожлантириш ва барқарорлигини кучайтириш;
- КҮКлар секторида меҳнат шароитларини ва ижтимоий таъминотни кучайтириш;
- тугалланмаган қарздорлик бүйича қарзларни ҳисобга олиш;
- хизмат кўрсатиш соҳасида меҳнат ресурслари ҳаракатчанлигини ошириш;
- молиявий ресурслар ва акциядорлик капиталидан фойдаланишини енгиллаштириш;
- КҮКларни ривожлантириш ва кўллаб-куватлаш тузилмаларининг үзаро таъсир кўламини ошириш.

Умуман олганда, Японияда КҮКларни ривожлантириш ва кўллаб-куватлаш йўлида узлуксиз чора-тадбирлар жорий қилиб борилади. Бунда давлатнинг ўзи бош бўлиб, у ўзининг стратегик режаларини такомиллаштиришга мойилдир.

## **7.8. Японияда кичик бизнесни давлат томонидан молиявий жихатдан кўллаб-куватлашда иштирок этувчи муассаса ва ташкилотлар фаолияти**

Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликнинг ривожланиши учун энг зарур асосий омил капиталдир. Шунинг учун ушбу секторни молиялаштириш масалалари бугунги кунда барча давлатларда мухим бўлганидек, Японияда ҳам

устувордир. Кичик бизнесни молиялаштириш тијкорат банклари, турли хил молиявий уюшмалар, субсидия берувчи маҳсус ташкилотлар ва шу каби бошқа муассасалар орқали амалга оширилади. Уларнинг айримлари давлат тассаруфидаги корхоналар ҳисобланса, айримлари хусусийдир.

Улардан бири савдо ва саноатни ривожлантириш учун ташкил этилган *Марказий кооператив банк* ҳукуматга қарашли молиявий муассаса бўлиб, унинг асосий функцияси қўйидаги:

- савдо ва саноатни ривожлантириш ва бу соҳаларни молиялаштириш;
- савдо-сотиқ ва жамғарма ҳосил қилиш учун, қолаверса, моддий фаровонликни ошириш мақсадида кооперативларга қарз бериш.

Бу ташкилотнинг капитали манбаи 90%га хусусий сектордан ссуда асосида жалб этилган манбалар ташкил этади (унча катта бўлмаган корхоналар омонатлари, аъзоларга жойлаштирилган облигациялари).

*Кичик ва ўрта корхоналарни (КЎК) молиялаштириши бўйича давлат Корпорацияси* асосий ва айланма капиталини кенгайтириш мақсадида, кичик корхоналарга имтиёзли ва узоқ муддатли кредитлар ажратиш учун тузилган. Мазкур корпорация томонидан берилган имтиёзлар ва кредитлар устувор даражада ривожланиши керак бўлган тармоқлар учун ажратилади. Ушбу корпорация фаолияти мамлакат иқтисодиётидаги стратегик аҳамиятта эга бўлган соҳаларни ривожлантиришга йўналтирилган.

*Молиялаштириши бўйича миллий корпорация* энг майдага корхоналар учун хизмат килади. Бу корпорация давлат кўмаги асосида энг майдага корхоналарнинг молиявий муаммоларини ҳал этишга йўналтирилган чоратадибирлар ишлаб чиқади. Шунингдек, кредитлар бериб боради. Аммо берилган кредитларнинг микдори ҳам катта эмас. Шунинг учун бундай кредитларни тўлаш муддатлари узайтирилиб, уни олишда кафолатлар талаб этилмайди.

Фикримизча, миллий корпорация фаолиятида муайян даражадаги таваккалчиликлар кўлланилади, чунки кафолатларнинг талаб этилмаслиги ҳар қандай иқтисодий субъектни бозор муҳитидаги иқтисодий фаолиятига у ёки бу даражада жиддий таъсир кўрсатиши мумкин.

*Японияда кичик бизнес корхоналари қарзларини кафолатлаш ва суғурталаш бўйича маҳсус тузилмалар* ўз фаолиятларини олиб боради. Булар таркибига префектурага қарашли ўз-ўзини маҳаллий бошқариш органларидан иборат ассоциациялар киради. Бу ассоциациялар кичик бизнес корхоналари хусусий молиявий органлардан олган кредит қарзларининг (агар тўлай олмаса) тўланиши учун кафолатлар беради. Ассоциациялар кичик бизнесни молиялаштириш ва кредитларни суғурталаш бўйича (100%лик давлат устав капитали билан) давлат корпорацияси томонидан кўллаб-куватланади. Демак, кичик бизнес субъектлари томонидан кўрилган зарарнинг муайян қисми қопланади.

Японияда илмий йўналишларга катта маблағлар сарфланади. Масалан, илмий-техник дастурлар асосида яратиладиган ишланмалар учун қайтарилмайдиган молиявий кўмак бериб борилади. Илмий-техник дастурлар, асосан университетлар, янги техника ва технологиялар асосидаги илмий-тадқиқот институтлари, маҳаллий ҳукумат органлари иштироқида тузилади ва

бу дастурлар давлат томонидан молиялаштирилади. Илмий-техник дастурларнинг амалиётга тадбиқ этилиши туфайли технологик ишлаб чиқариш имкониятлари кенгаяди, юкори технологик салоҳиятга эришилади. Айниқса, озиқ-овқат саноатини ривожлантиришда ҳукуматнинг ушбу дастурлари жуда муҳим аҳамиятга эга. Токио шаҳрида, шунингдек, префектураларда ва йирик шаҳарларда маҳаллий ҳукумат ва ижро этувчи ҳокимиятлар таркибида **кичик ва ўрта корхоналарни ривожлантириши бўйича марказлар** ташкил этилган бўлиб, уларда етакчи мутахассислар иш олиб боришиади. Бу мутахассисларнинг асосий вазифаси жойларда кичик корхоналар фаолияти бўйича тадқиқотлар олиб боришидир. Улар кичик ва ўрта корхоналар фаолиятини ўрганиб, таҳлил этиб, аниқ тавсиялар ишлаб чиқадилар. Бу тавсиялар кичик бизнес субъектлари томонидан ҳўжалик юритишни яхшилашга хизмат қилади. Ваҳоланки, бу чора-тадбирлар ҳам давлат бюджети томонидан молиялаштирилади.

Японияда **Кичик ва ўрта корхоналарни ривожлантириши бўйича давлат корпорацияси таркибидаги ахборот маркази** ҳам ўз фаолиятини кичик бизнес субъектлари фаолиятини кенгайтиришга йўналтирган. Бу ахборот марказида бизнес муҳитига доир барча маълумотлар базаси шакллантирилган бўлиб, улардан тадбиркорлар унумли фойдаланишга ўрганишган. Ахборот марказидаги маълумотлар базасидан нафақат тадбиркорлар, балки Савдо-саноат палатаси, турли ассоциациялар ва муассасалар вакиллари ҳам фойдаланиши мумкин. Мазкур давлат корпорацияси таркибидаги ахборот маркази орқали компьютер техникасини жорий этиш ва автоматлаштирилган бошқариш бўйича маслаҳатлар бериб борилади.

## 7.9. Японияда кичик ва ўрта бизнесни ривожлантиришда қўлланиладиган имтиёзлар

Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликнинг давлат томонидан қўллаб-кувватланиши натижасида имтиёзли солиқка тортиш, жадаллаштирилган амортизация, имтиёзли кредитлаштириш, ходимларни ўқитишида ва банкротлик ҳолатида ёрдам кўрсатиш, техник даражаси ўсишини рағбатлантириш каби муаммоларни ўз ичига олган чора-тадбирлар доимий равишда кўриб борилади. Мамлакатда жорий этилган 12 турдаги имтиёзлардан кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантириш йўлида самарали фойдаланилади.

Японияда кичик ва ўрта бизнесни ривожлантиришда турли имтиёзлардан фойдаланиш яхши йўлга қўйилган. Хусусан, солиқ тизимида бу борада талайгина чора-тадбирлар қўллаб борилади. Японияда молиявий қўллаб-кувватлаш солиқ имтиёзлари орқали амалга оширилар экан, бундай кўмаклашиш туфайли кичик ва ўрта корхоналар фойдасининг бир қисми заҳира капиталига қўшилиб боради. 80-йилларда кичик ва ўрта корхоналарнинг даромад солиги 27-28%ни ташкил этди. Худди шу кўрсаткич йирик корхоналарда 37,5%га тўғри келган.

Ижтимоий турмуш шароитини барқарорлаштирадиган ва ахолининг турмуш фаровонлигини оширишга йўналтирилган тармоклардаги кичик ва ўрта

бизнес субъектларига молия ва солиқ бўйича берилган имтиёзлар жуда салмоқлидир. Масалан, 1991 йилнинг декабрь ойида ҳукумат томонидан 52 та ана шундай тармоқ аникланиб, уларни модернизация қилиш чора-тадбирлари кўрилди. Ваҳоланки, уларнинг 43 тасида тезкор равишдаги тузилмавий такомиллаштириш ишлари амалга оширилди.

Шуни алоҳида қайд этиш керакки, давлат кичик ва ўрта корхоналарда ишлайдиган ва замонавий талабларга жавоб берадиган кадрларни тайёрлашда ҳам кўмаклашиб боради. Чунки малакали мутахассислар билан таъминлаш бўйича етакчи компаниялардан орқада қолиш кичик бизнес ривожига салбий таъсир кўрсатди. Кадрлар масаласига bogлиқ муаммолар ишлаб чиқариш жараёнинга ҳам ўз таъсирини кўрсатиши табиий ҳол. Шундай экан, япон диёрида ҳар қандай соҳада кадрлар масаласига жиддий эътибор берилади. Айниска, Иккинчи жаҳон уруши йилларидан кейин, яни 50-60-йилларда, шундай вазиятлар юзага келдики, Японияда йирик бизнес майдада ишлаб чиқарувчиларнинг маҳсулотларини бозордан сиқиб чиқаришгача борди. Чунки йирик бизнесда ўта малакали кадрлар иш билан банд эди. Улар кичик бизнес корхоналаридаги ишчилар билан рақобатлашганда устунлиги сезилиб турган. Натижада давлат сиёсатида иқтисодиётнинг ҳар қандай поғонасида кадрлар малакасини ошириш ва қайта тайёрлашни амалга ошириш зарурияти юзага келди.

Японияда давлатнинг молиявий жиҳатдан кўллаб-кузватлаши натижасида кичик ва ўрта корхоналар персоналини тайёрлаш бўйича курслар ташкил этилган. Япониянинг олтита ҳудудий миқёсдаги давлат институтларида ўта малакали менежерлар ва инструкторлар тайёрланадики, улар бевосита кичик фирмаларда ишлайдиган кадрлар малакасини ошириш ва фаолиятини ташкил этиш билан шуғулланадилар. Шунингдек, улар маҳаллий ўз-ўзини бошқариш органлари мутахассисларини қайта тайёрлаш билан ҳам машгул бўладилар. Кадрларни тайёрлашдаги барча ҳаражатлар бюджет томонидан қопланади.

## 7.10. Японияда кичик бизнес ривожига давлат механизмининг таъсири

Маълумки, бозор механизмини фаоллаштириш учун давлат механизми ўз таъсирини кўрсатади. Бунинг учун давлат томонидан муайян давлат ташкилотлари бозор иқтисодиёти шароитларини кенгайтиришга хизмат қиласи. Японияда ташки савдо ва саноат Вазирлигига бўйсунадиган Кичик корхоналарни бошқариш бошқармаси фаолиятни кўрсатиб, кичик бизнес корхоналари фаолиятини амалга ошириш ва тартибга солиш бўйича ўзининг чора-тадбирларини қўллайди. Бу бошқарма томонидан антимонопол қонуиларнинг амалда ишлаши ва кичик бизнес субъектлари фаолиятининг давлат томонидан ҳимояланиши бўйича назорат ўрнатилган бўлиб, бошқарма куляй шарт-шароитларни яратиб боришига кўмаклашади. Бу ташкилот нобозор шартнома муносабатларидаги жараёнларда мулкдорлар назоратини чегаралаш,

буортмачилар, бажарувчилар, ва субпудратчилар жавобгарлигини белгилаш каби ишларни амалга оширади.

Давлат механизми фаолиятида банк тизимининг аҳамияти жуда катта. Кичик бизнесни кредитлаш механизмини самарали таъминлаш учун ва давлатдан қарз олиш масалаларида Кичик ва ўрта бизнесни сугурталаш корпорацияси мухим роль ўйнайди. Шунингдек, кредитларни кафолатлаш ассоциациялари ҳам ишга туширилган булиб, бу каби ташкилотлар кичик бизнес корхоналарининг молиявий муносабатларини фаоллаштириш имкониятларини кенгайтиради<sup>1</sup>.

Японияда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни рағбатлантириш барча погоналарда амалга оширилади. Бошқача айтганда, ҳукуматнинг марказий идораларидан тортиб, то ўз ўзини бошқарувчи уюшма ва бирлашмаларгача кичик бизнес фаолиятини ҳар томонлама яхшилашга йўналтирилган чора-тадбирлар қўллаб борилади. Мамлакатда қуидаги тўртта марказ кичик бизнесни рағбатлантириш сиёсати борасида иш олиб боради:

- марказий ҳукумат;
- ҳукуматнинг маҳаллий органлари;
- йирик бизнес;
- кичик корхоналарнинг мустақил бирлашмаси.

Кичик бизнес корхоналарини рағбатлантириш барча босқичларда, яъни, уларни рўйхатга олишдан бошлаб, фаолиятини таъминлаш ва юксалтириш жараёнларида ҳам амалга оширилади. Бунинг учун қуидаги иқтисодий воситалардан фойдаланилади:

- имтиёзли қарзлар ва кредитлар (умумий ва мақсадли) бериш;
- солиқ солища турлича имтиёзлар бериш;
- техник ва консалтинг соҳаси бўйича кўмак бериш;
- ахборот ва компьютер хизматлари кўрсатиш;
- кадрлар тайёрлаш ва бошқалар.

Буларнинг барчаси умумжамият миқёсида кучга кирган қонунчилик асосида ва давлат томонидан тартибга солиши орқали амалга оширилиб, бунда хусусий тижорат ва нотижорат ташкилотлари, шунингдек, маҳсус марказлар ҳам иштирок этади. Марказий идоралар ва ўз-ўзини бошқарувчи маҳаллий органлар кичик бизнес корхоналари ҳаётий даврининг ҳар қандай босқичида субсидиялаш ишларини амалга ошириб, молиявий жиҳатдан имконият доираларини кенгайтиришга ёрдам берадилар. Илмталаб ва юқори технология асосидаги ишлаб чиқаришда қатнашадиган кичик бизнес корхоналари учун бундай ёрдам бевосита амалга оширилади. Бу каби кичик корхоналар учун давлат томонидан қарзлар ажратиласди, турли хил кредит кафолатларини бериш орқали кичик бизнесни кредит билан таъминлаш яхши йўлга қўйилган. Шунингдек, давлатнинг марказлаштирилган қўллаб-куватлаши туфайли маҳсус марказларда, нотижорат ташкилотларида кадрларни ўқитиши каби чоралар қўрилган. Энг эътиборлиси, кичик бизнес учун консалтинг хизматлари

<sup>1</sup> Изоҳ: Кичик бизнесни ривожлантириш ва қўллаб-куватлаш учув Хитой, АҚШ ва бошқа кўпчилик мамлакатларда Давлат фонdlари ташкил этилган.

кўрсатиш ва ахборот олиш хизматлари юқори сифат даражасида ташкил этилган.

Субсидия, кредит бериш масалаларида кичик бизнес учун имтиёзли шароитлар қўйидаги мақсадларда яратилади (марказий ҳукумат кўмаги билан молиялаштирилади):

- илмталаб корхоналарнинг моддий ишлаб чиқариш базасини кайта таъмирлаш, жиҳозлаш, такомиллаштириш, ва модернизациялаш;
- институт ва университетлар билан ҳамкорликда инновацион лойиҳаларни ишлаб чиқиш ва инновацияларга йўл очиб бериш;
- енгил ва озиқ-овқат саноатини ривожлантириш;
- янги технологияларни ихтиро қилиш ва янги турдаги маҳсулотларни ишлаб чиқариш;
- иқтисодиёти заиф ривожланган ҳудудларда янги кичик бизнес корхоналарини яратиш ва ривожлантириш.

Японияда кичик корхоналар давлат томонидан қўллаб-куватланар экан, умумдавлат дастурини амалга оширадиган миллий марказлар тармоғи муҳим роль ўйнайди. Кичик бизнесни ривожлантиришда бундай марказлар сони 170 тадан ошган. Бундан ташқари, кичик бизнес корхоналарининг рақобатбардошлигини ошириш мақсадида ҳар бир префектурада давлат технологик дастурини амалга ошириш учун жавобгар бўлган технологик марказлар ҳам фаолият кўрсатади. Бундай марказлар давлат механизми таркибида ўзининг салмоқли таъсирини кўрсатмоқда.

Хулоса қилиб айтганда, Японияда давлат механизми фаолияти кичик бизнесни ривожлантиришга ва кичик бизнес субъектлари фаолиятини кучайтиришга йўналтирилгандир. Бу эса ўз навбатида бозор механизми фаолиятини ҳам яхшилашга олиб келадики, бундай шарт-шароитларда кичик бизнес корхоналари гуркираб ривожланиши учун катта имкониятлар яратилади.

### **Еттинчи боб бўйича хулоса**

1. Япония Иккинчи жаҳон урушидан кейинги йиллардан тез суръатларда ривожланди. Солиқ тизимидағи жиддий ўзгаришлар мамлакат иқтисодиётига доир кўрсаткичларни кескин ошишига олиб келди.

2. Японияда кичик бизнес корхоналарини ташкил этишда ўзига хос учта ҳудудий сегментация юзага келган. Японияда тадбиркорлар ўз фаолияти мобайнида маълум бир тармоққа ихтисослашади ёки муайян соҳада фаолият олиб боришга мослашади. Бу эса у ёки бу ҳудудий сегментга таалукли бўлишини тақозо этади.

3. Япония иқтисодиёти 1950-1990 йилларда жуда сезиларли даражада ўсди ва аҳоли жон бошига олганда, ўртача ЯММни ишлаб чиқариш даражаси бўйича жаҳонда иккинчи ўринни эгаллади.

4. Мамлакатда иш билан бандлик масалаларига катта зътибор қаратилади. Қолаверса, ўзига хос анъана шаклланган (умрбод иш билан банд этилганлик). Шунинг учун мамлакатда ишсизлик даражаси сезиларли

күтарилилмайды. Масалан, жаҳон молиявий-иктисодий инқироз кучайган даврда ҳам ишсизлик даражаси бошқа ривожланган мамлакатларга нисбатан солиштирганда паст даражада бўлган.

5. Йирик бизнес билан кичик бизнес ўртасида узвий боғланиш мавжуд. Бу боғланиш ўзаро ҳамкорлик ва эркин иқтисодий муносабатлар асосида олиб борилади. Йирик ва кичик бизнес субъектларининг ўзаро алоқалари пирамидасимон кўринишни намоён этади. Пирамидасимон кўринишнинг энг куйи поғонасида ўта майда ва муайян соҳага ихтисослашган корхоналар мавжуд бўлса, энг юқори қисмида йирик бизнес вакиллари ўз фаолиятларини олиб борацилар. Япониянинг аксарият йирик корпорациялари ўз таркибида кичик ва ўрта корхоналарни мужассамлаштирган. Бундай ўзаро иқтисодий алоқалар айниқса маҳаллий автомобилсозлика катта кулайлик яратади.

6. Японияда кичик бизнес корхоналари категориясига таалтуқли бўлган мезонлар ўзига хос бўлиб, ишчилар сони ва корхонанинг устав капиталига кўра кучга кирган.

7. Япония кичик бизнес корхоналарида инновацияларни кенг кўяланилиши йўлга кўйилган. Саноат корхоналари замонавий фан-техника ютуқларига асосланган ҳолда ривожланиб, дунёда етакчи ўринда туради. Тадбиркорликнинг ривожланишида инновацияни қўллаш, юқори фойда олиш, ва албатта ишчилар тўғрисида қайғуриш устувор вазифалардан ҳисобланади. Маҳаллий кичик корхоналар нафакат ички бозорларда, балки ташки бозорларда ҳам фаол иштирок этиб келмоқда.

8. Кичик ва ўрта бизнесни қўллаб-кувватлаш факат давлат томонидан эмас, балки маъмурий-худудий бирликни бошқариш органи ҳисобланган префектура идоралари, савдо-саноат палаталари, ташки савдо ва саноатни бошқаришнинг маҳаллий идоралари томонидан ҳам амалга ошириб борилади. Шу билан бир қаторда давлат томонидан қўллаб-кувватлашнинг давлат дастурлари ҳам кенг жорий этилган.

9. Японияда кичик бизнесни молиялаштирувчи инфратузилма яхши рақобат асосида хизмат қиласди. Асосан энг истиқболли тармоқларнинг ривожланишига бевосита ва имтиёзли фоиз ставкаларда кредитлар берилади. Шунингдек, кичик бизнес корхоналарини диагностикаси бўйича харажатлар давлат зиммасидадир. Молиялаштиришда компенсация харажатларининг амалга оширилиши – бу секторни қўллаб-кувватлашдаги ўзига хос жиҳатadir.

10. Жаҳон молиявий-иктисодий инқироз даврида Японияда КЎКларни ривожлантиришнинг стратегияси жорий этилган бўлиб, инқирозни секинлаштиришга йўналтирилган. Бунда кичик бизнес субъектлари бошқарувида нафакат ташки балки ички мухит омилларини ҳам яхшилашга тегишли чора-тадбирлар кўриб борилган.

11. Кичик бизнесни ривожлантиришга давлат механизми таъсирида айниқса банк тизимининг аҳамияти катта. Кичик бизнес корхоналарини рағбатлантириш бўйича чора-тадбирлар кўриб борилади. Айниқса илмталаб ва юқори технологияли ишлаб чиқаришдаги кичик корхоналарга субсидиялар ажратишида кўмаклашиб бориалади.

Жаҳон ҳамжамиятида кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликнинг аҳамияти тобора ортмоқда. Ҳар бир давлатда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик фаолияти учун кулай мухит яратилиб, уни кенгайтириш чоралари кўрилмоқда. Чунки жаҳон миқёсидаги молиявий-иктисодий инқироз даврида ушбу сектор ҳар қайси мамлакат иктиносидиётида «жонлантирувчи» восита сифатидаги ролини бажариб борди.

Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликнинг бир қанча афзаликлари борлиги сабабли қатор мамлакатларда ижтимоий ва иктиносидий мухитни яхшилаш мақсадида янтидан-янги қонунлар ва меъёрий ҳужжатлар ишлаб чиқилмоқда. Бирок, ҳар бир мамлакатнинг иктиносидий ривожланишида ўзига хос жиҳатлар борлиги туфайли кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни кўллаб-куватлаш бўйича қабул қилинадиган меъёрий ҳужжатлар бир-биридан фарқ қиласди.

Дарҳақиқат, давлат томонидан олиб бориладиган сиёсат қўлами кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни у ёки бу даражадаги ривожига таъсирини кўрсатмай қолмайди. Бугунги кунда энг ривожланган мамлакатлар бўлмиш АҚШ, Англия, Германия, Италия, Канада, Франция, Япония каби мамлакатларда кичик бизнес ва тадбиркорликни ривожлантириш ва бу секторни давлат томонидан тартибга солишда ўзига хос тажрибалар мавжуд. Иктиносидиёти ривожланаётган мамлакатлар учун бу тажрибаларни илмий жиҳатдан ўрганиш ва амалиётда муайян даражада қўллаш яхши самара бериши мумкин. Аммо энг ривожланган мамлакатлarda ҳам кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликнинг гуркираб ривожланишида у ёки бу даражадаги муаммолар бор. Уларнинг ечимини топиш ҳар бир мамлакатнинг ўзига хос ёндашувларига ва олиб бораётган сиёсатига бевосита боғлиқ. Чунки ҳар бир давлат ўз менталитетидан келиб чиқиб, иктиносидиётини ривожлантиришда ўзига хос урф-одатлар ва анъаналарга таянади.

Ушбу китобда ривожланган хорижий мамлакатлардаги кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик фаолияти ўрганилди. Бу мамлакатларда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик учун кенг имкониятлар яратилганлиги алоҳида аҳамиятга молик. Шунга қарамай, кичик бизнес секторини ривожлантириш масалаларида ҳали талайгина бажарилиши лозим бўлган ишлар борлигини ҳам инкор этиб бўлмайди.

Биз илмий жиҳатдан таҳлил этган хорижий мамлакатларда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликнинг ривожи ўзига хос аҳамият касб этади. Олиб борилган тадқиқотлар ва изланишлар натижасида қуйидаги илмий хуросаларга келинди:

1. Ривожланган мамлакатлар бўлмиш, Буюк Британия, Германия, Франция, Италия, АҚШ, Канада ва Япония каби давлатлар кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликнинг ривожи бўйича кўп йиллик тажрибага эга. Ҳар бир мамлакат кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантириш борасида ўзига хос иктиносидий ва сиёсий ёндашувларни кўллайди. Ҳозирга қадар барча

ривожланган мамлакатларда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликнинг ривожланиши динамик тарзда такомиллашувчи тенденцияга эга бўлган.

2. Ривожланган мамлакатларда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик ижтимоий-иқтисодий муаммоларни ҳал этишининг мухим омилидир. Шу билан бирга, иш билан банд этишининг энг зарур ва қулай воситасидир.

3. АҚШ ва Япония мамлакатларида кичик бизнес секторининг ривожланиши солиштирилганда, иқтисодиёт тармокларида сезиларли даражадаги фарқни кузатиш мумкин. АҚШда хизмат кўрсатиш ва чакана савдо тармокларида кичик бизнес корхоналари улуши жуда катта бўлса, Японияда кичик корхоналар сони асосан саноат тармоғида устувордир.

4. Турли мамлакатлардаги кичик тадбиркорликка нисбатан олиб борилаётган давлат сиёсатини таққослар эканмиз, аниқ ва равшан умумлашмалар қилиш анча қийин кечади. Бунга тарихий анъаналарнинг турличалиги, жамиятнинг ижтимоий-иқтисодий таркиби ва, ҳатто, давлат бюрократиясининг ўзига хослигини сабаб қилиб кўрсатиш мумкин. Шунинг учун кичик тадбиркорликни ривожлантириш муаммоларига турлича ёндашувлар мавжуд. Масалан, АҚШ, Япония ва Францияни бир-бирига таққослаганда, бу яққол намоён бўлади.

Шунингдек, АҚШда якка шахсий тадбиркорлик ва эркин бозорнинг анъанавий америкача қадриятлари, кичик бизнесни кувватлашнинг кредит-молия кўмаги дастурлари, минтақавий дастурлар ва ахолининг «ижтимоий камситилган гурӯҳлари» тадбиркорлигини кувватлаш дастурлари кўринишидаги аниқ механизмлари алоҳида зътиборга моликдир.

5. Европа Иттифоқи давлатлари орасида Германия кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик фаолиятига давлат томонидан катта қулайлик ҳамда имкониятлар яратётган давлатлардан биридир. Мамлакатда кичик бизнес ва тадбиркорлик субъектлари фаолиятини солиққа тортиш жараёнида ҳам солик имтиёзларидан кенг фойдаланилади.

6. Хорижий ривожланган мамлакатларда кичик бизнес субъектлари фаолиятини солиққа тортишнинг икки хил тартибидан, яъни, соддалаштирилган ва ҳисобланган тартибларидан кенг фойдаланилмоқда. Кичик бизнес корхоналарини солиққа тортишда ҳар бир мамлакат ўзининг иқтисодий-ижтимоий шароитларига мослаштирилган ҳолдаги турли варианtlарни ва аралаш шаксларни кўлладайди.

7. Биз таҳлил этган хорижий мамлакатларда солиқ ставкалари кўлланилишида йирик ва кичик корхоналар ўртасида анча катта фарқ мавжуд. Бу фарқ, айниқса, Канадада жуда сезиларлидир. Бу мамлакатда кичик корхоналар учун фойда солиги ставкалари 22%ни ташкил этса, йирик корхоналарда худди шу кўрсаткич 43%-га teng.

8. Хорижий ривожланган мамлакатларда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик фаолияти учун кўлланилаётган солиқ ставкалари пасайиш тенденциясини олган бўлиб, турли имтиёзлар жорий этилган. Бу эса кичик бизнес корхоналарида харажатларнинг камайишига олиб келиб, қобилиятли ва ташаббускор кишиларнинг ўз бизнесларини бошлишга, рағбатлантиришга олиб келади.

9. Олиб борилган изланишлар шуни тасдиқлайди, биз тадқиқ этган хорижий ривожланган мамлакатларда янгиликлар ва ихтиrolарнинг катта улуши кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик корхоналарига тўғри келади. Ушбу мамлакатларда хусусий сектор инновацияларни қўллашда алоҳида устуворликка эга.

Юқоридаги хуносаларга ва илмий тадқиқотлар ҳамда изланишлар натижаларига кўра айтганда, хорижий ривожланган мамлакатларда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликнинг ривожланишини ўрганиш бўйича куйидаги таклиф ва мулоҳазаларни олға суришни лозим топдик.

1. Ўзбекистон шароитида ушбу мамлакатларнинг кичик бизнесни ривожлантириши борасидаги тажрибаларини қўллаш мақсадга мувофиқ, аммо уларнинг қўлланилишида миллиатимиз урф-одатлари ва анъаналарига, қолаверса, жамиятимизнинг ўзига хос тараққиётiga путур етмаслиги лозим.

2. Ўзбекистон хориждаги ҳар бир мамлакат билан ўзаро иқтисодий алоқалар ўрната олган давлат ҳисобланади. Шунинг учун бу мамлакатлар билан кичик бизнес ва тадбиркорлик соҳасидаги алоқаларни янада кучайтириш ва тенг ҳуқуқли муносабатлар ўрнатиб, иқтисодий жиҳатдан катта манбаатларга эришиш имкониятидан фойдаланиши лозим. Бу эса юртимизда бизнес элитанинг халқаро миқёслардаги фаолиятини таъминлашга олиб келади. Ўз навбатида «Made in Uzbekistan» деб тамғаланган маҳсулотларни дунё бозоридаги рақобати янада кенг ташкил топади.

3. Ўзбекистонда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантиришда инновацион фаолиятни кучайтириш зарур бўлганлиги учун ривожланган мамлакатларнинг тажрибаларидан кенг қўламда фойдаланиши мумкин. Хусусан, Германия, Япония ва АҚШнинг бу борадаги тажрибаларини ўрганиш мақсадга мувофиқдир.

4. Экологияни яхшилашга йўналтирилган чора-тадбирлар ривожланган мамлакатларда кенг қўламларда амалга оширилганлигини зътироф этиб, шуни қайд этиш лозимки, бизнинг мамлакатимизда ҳам экологик заарланишнинг олдини оладиган минитехнологияларни кенг қўллаш зарурияти мавжуд. Жумладан, Германия ва Япониянинг минитехнологияларини мамлакатимизда кенг жорий этиб, кичик бизнесни янада ривожлантириш мумкин.

Хуноса килиб айтганда, хорижий ривожланган мамлакатларда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантиришда салмоқли муваффакиятларга эришилган. Шу билан бир қаторда, хусусий бизнес секторини тартибга солища муваммолар ҳам мавжуд. Уларни бартараф этиш ҳар бир мамлакатнинг олиб бораётган сиёсатига жуда боғлиқ бўлса-да, ижобий натижаларга эришилган.

Бироқ, сўнгти йилларда кичик тадбиркорлик секторига бўлган муносабатларда мамлакатлараро ягона сиёсат юритишга ўтиш зарурияти юзага келмоқда. Бозор иқтисодиёти шароитида шунга мос равища меъёрий ҳужжатлар ишлаб чиқишга киришилмоқдаки, уларни муҳокама қилишда ЕИ ва жаҳон иқтисодиёти таркибидаги ҳар бир мамлакат ўз нуқтаи назаридан келиб чиқиб фикр билдириб бормоқда.

# **ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР**

## **1. Расмий маълумотлар ва манбалар**

1. Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси. –Т.: Ўзбекистон, 2012. – 40 б.
2. Каримов И.А. Жаҳон молиявий-иктисодий инқизози: Ўзбекистон шароитида уни бартараф этишнинг йўллари ва чоралари. –Т.: Ўзбекистон, 2009. – 56 б.
3. Каримов И.А. Барча режа ва дастурларимиз Ватанимиз тараққиётини юксалтириш, халқимиз фаровонлигини оширишга хизмат қилади. –Т.: Ўзбекистон, 2011. – 48 б.
4. Каримов И.А. Ўзбекистон мустақилликка эришиш остонасида. –Т.: Ўзбекистон, 2011. – 440 б.
5. Каримов И.А. Бизнинг йўлимиз – демократик ислоҳотларни чукурлаштириш ва модернизация жараёнларини изчил давом эттириш йўлидир. –Т.: Ўзбекистон, 2011. – 48 б.
6. Мирзиёев Ш. Танқидий таҳлил, қатъий тартиб-ингизом ва шахсий жавобгарлик – ҳар бир раҳбар фаолиятининг кундалик қоидаси бўлиши керак. –Т.: Ўзбекистон, 2017 – 104 б.
7. Мирзиёев Ш.М. Миллӣ тараққиёт йўлимизни қатъият билан давом эттириб, янги босқичга кўтарамиз. –Т.: Ўзбекистон, НМИУ, 2017. – 592 б.

## **2. Илмий адабиётлар ва монографиялар**

8. Абдуллаев Б., Юлдашев Ш. Малый бизнес и предпринимательство: Учебник. –Т.: IQTISOD-MOLIYA, 2008. – 340 с.
9. Абулқосимов Х. Хусусий кичик тадбиркорлик фаолиятини ривожлантиришнинг иқтисодий муаммолари. –Т.: ТДИУ, 1998. – 189 б.
10. Азимов А.Э. Европа Иттифоқи мамлакатларининг интеллектуал салоҳиятга асосланган иқтисодий ривожланиш стратегияси. Монография. –Т.: Фан, 2010. – 196 б.
11. Акимов О.Ю. Малый и средний бизнес: эволюция понятий, рыночная среда, проблемы развития. –М.: Финансы и статистика, 2004. – 192 с.
12. Арипов О.А. Ўзбекистонда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни давлат томонидан тартибга солиш. –Т.: «Фан», 2012. – 275 б.
13. Балашевич М.И. Малый бизнес отечественный и зарубежный опыт. Учеб. пособие. –Минск.: НКФ, «Экоперспектива», 1995. – 144 с.
14. Bekmurodov A.Sh., Tursunov R.T., Xotamov I.S. Xalqaro biznes. O'quv qo'llanma. –Т.: TDIU, 2011. – 304 б.
15. Блинов А.О. Малое предпринимательство: организационные и правовые основы деятельности. –М.: «Ось-89», 1998. – 336 с.

16. Гамкрелидзе Л.И. Экономика предприятий и фирм: Учебное пособие / 2-е изд., стреотип. –М.: МГИУ, 2009. – 280 с. Илл. 35, табл.4. Библиогр.: 49 наим.
17. Географический справочник ЦРУ. Екатеринбург: У-Фактория, 2005. – 704 с.
18. Зойдов К.Х., Моргунов Е.В. Биджамова К.В. Особенности эволюции малого и среднего инновационного предпринимательства кризисной экономики в постсоветском пространстве. –М.: ЦЭМИ РАН, 2009. – 152 с.
19. Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик: ташкил этиш, режалаштириш, бошқариш. –Т.: «Fan va texnologiya», 2005. – 444 б.
20. Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик – мамлакат ижтимоий-иктисодий тараққиётини юксалтириш омили / Б.К.Фойибназаров [ва бошқ.]; –Т.: Фан, 2011. – 184 б.
21. Лапуста М.Г., Поршнев А.Г., Старостин Ю.Л., Скамай Л.Г. Предпринимательство: Учебник/Под ред. М.Г.Лапусты. – 3-е изд., испр. и доп. –М.: ИНФРА-М, 2003. – 534 с.
22. Лапуста М.Г. Малое предпринимательство: Учебник. –М.: ИНФРА-М, 2008. – 685 с.
23. Лебедева И. П. Малый бизнес в Японии. Справ, изд. / И. П. Лебедева; РАН, Ин-т востоковедения. –М.: АСТ: Восток-Запад, 2004. –174 с.
24. Луццатто Дж. Экономическая история Италии (Античность и средние века). –М.: Иностранный литература, 1954. – 457 с. (электронный ресурс).
25. Малое предпринимательство: организация, экономика, управления: Учеб. Пособие. / Под ред. А.Д.Шемеретова. –М.: ИНФРА-М, 2009. – 480 с.
26. Малый бизнес: Учебное пособие / кол. Авторов; под ред. В.Я.Горфинкеля. –М.: КНОРУС, 2009. – 336 с.
27. Малый и средний бизнес в 2012 году: международный опыт регулирования и финансирования. / Аналитический обзор. Апрель, 2013. (Электрон ресурс).
28. Механизмы государственной поддержки инновационного предпринимательства: анализ международного опыта / Под. ред. О.П.Молчановой: Монография. –М.: Издательство Московского университета, 2010. – 196 с.
29. Муродова Н. Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантиришнинг иқтисодий механизмлари. Монография. –Т.: Иқтисодиёт, 2012. – 219 б.
30. Немова Л.А. Социально-экономическая политика государства в Канаде. –М.: Институт США и Канады РАН, 2004. – 356 с.
31. Основы бизнеса / Под ред. Ю.Б.Рубина. Учебник. 6-е издание, переработанное и дополненное. –М.: ООО «Маркет DC Корпорейшн», 2005. – 784 с. –(Университетская серия).
32. Социально-экономическая география зарубежного мира / Под ред. В.В Вольского. – 2-е изд., испр. –М.: Дрофа, 2003. – 560 с.
33. Сирополис Николас К. Управление малым бизнесом. Руководство для предпринимателей: Пер с англ. –М.: Дело, 1997. – 672с.

34. Системы поддержки и развития малого бизнеса за рубежом / Под ред. А.В. Рунова. –М.: Экономика, 2003.
35. Раҳмонов Ҳ.О. Минтақада кичик бизнес ва ҳусусий тадбиркорлик фаолиятини ривожлантиришнинг асосий йўналишлари. Монография. –Т.: Фан, 2008. – 190 б.
36. Рубе В.А. Малый бизнес: история, теория, практика. –М.: ТЕИС, 2000. – 231 с.
37. Рубе В.А. Институциональные аспекты организации малого бизнеса в развитых странах и в России: Учеб. Пособие. –М.: ИНФРА-М, 2004. – 79 с.
38. Рубин Ю.Б. Основы бизнеса. Учебник. – 13-е изд. –М.: Московский финансово-промышленный университет «Синергия», 2012. –320 с.
39. Уткин Э.А., Шабанов Д.С. Антикризисное управление в малом бизнесе. Учеб.-практич. пособие. –М.: ТЕИС, 2004. – 124 с.
40. Ходиев Б.Ю., Саматов F.A., Юсупов М.С., Мелибоев Ш.А., Ишмуродов С.Т., Эшов М.П. Кичик тадбиркорлик фаолияти асослари. (Ўкув-амалий қўлланма) –Т.: 1-қисм. ЕХ ТЕМПУС дастури «Матадор-2000» лойиҳаси, 2004. – 144 б.
41. Ходиев Б.Ю., Саматов F.A., Юсупов М.С., Мелибоев Ш.А., Ишмуродов С.Т., Тулаев М.А., Бобохўжаев Ш.И. Кичик тадбиркорлик менежменти (ўкув-амалий қўлланма) 4-қисм. –Т.: ЕХ ТЕМПУС дастури «Матадор-2000» лойиҳаси, 2004. – 144 б.
42. Шамхалов Ф. Государство и экономика: Власть и бизнес. Изд. 2-е, переработанное и дополненное –М.: Экономика, 2005. – 707 с. (электронный ресурс).
43. Швандар. Малый бизнес: опыт зарубежных стран. –М.: ЮНИТИ, 2004. – 287 с.
44. Қосимова М.С., Ходиев Б.Ю. ва бошқ. Кичик бизнесни бошқариш. –Т.: ТДИУ, 2003. – 258 б.
45. Qosimova M.S., Samadov A.N., Mihitdinova U.S. Kichik biznes va tadbirkorlik. O'quv qo'llanma. –Т.: O'zbekiston Yozuvchilar uyushmasi Adabiyot jamg'armasi nashriyoti, 2005. – 192 b.
46. Qosimova M.S., Sodibekova D.A., Yusupov M.A., Samadov A.N. Kichik biznesni boshqarish. (O'quv qo'llanma). –Т.: O'zbekiston Yozuvchilar uyushmasi Adabiyot jamg'armasi nashriyoti, 2005. – 160 b.
47. Фуломов С.С., Ахмедов Д.К., Боев Х.М. Кичик ва ҳусусий тадбиркорлик асослари. –Т.: 1996. – 144 б.

### **3. Диссертация ва авторефератлар**

48. Арипов О.А. Кичик ва ҳусусий бизнесни давлат томонидан тартибга солиш муаммолари.: Иқтисод фанлари номзоди... дисс. –Т.: 2006. – 154 б.
49. Доклин Т. Государственное регулирование деятельности малых и средних предприятий (На примере Мали). Дис. ... канд. экон. наук. –М.: 2000. – 198 с.

50. Ершов С. Ю. Государственное регулирование институциональной среды малого предпринимательства как необходимое условие его развития.: Дис. ... канд. экон. наук. –Новосибирск. 2005. – 198 с.

51. Заревчанная Т.В. Государственное обеспечение инновационной активности малого предпринимательства в Украине.: Автореф. дис. ... канд. экон. наук. –Харьков.: 2012. – 19 с.

52. Киндалов В. В. Государственное регулирование внешнеэкономической деятельности Японии (возможность применения опыта для Республики Узбекистан).: Дис. ... канд. экон. наук. –Т.: 2005.

53. Кирчетина Н. Н. Государственное регулирование малого бизнеса (на примере США и Южной Кореи).: Автореф. дис. ... канд. экон. наук. –М.: МГУ им. Ломоносова. 1992. – 21 с.

54. Суюнов Д. Х. Кичик ва ўрта бизнес субъектларида бошқарувни ташкил қилиш ва унинг самарадорлигини ошириш йўналишлари.: Иқтисод фанлари номзоди... дисс. –Т.: 2004. – 140 б.

55. Суюнов Д. Х. Бизнес муҳитнинг ривожланишига корпоратив бошқарув механизмини жорий этишини такомиллаштириш.: Иқтисод фанлари доктори... дисс. –Т.: 2008. – 329 б.

56. Тоиров Ш.А. Жануби-шарқий Осиё мамлакатларининг иқтисодий ривожланиш моделлари. Иқтисод фанлари номзоди... дисс. –Т.: 2004. – 159 б.

57. Умарходжаева М.Г. Италияда кичик ва ўрта бизнеснинг ривожланиши.: Иқтисод фанлари номзоди... дисс. –Т.: 2004. – 175 б.

58. Ходиев Б. Ю. Ўзбекистон иқтисодиётида тадбиркорлик ривожини эконометрик моделлаштириш.: Иқтисод фанлари доктори.. дисс. –Т.: 2000. – 218 б.

59. Эштаев А.А. АҚШ иқтисоди ва унинг ўсиш омиллари.: Иқтисод фанлари номзоди... дисс. –Т.: 2001. – 130 б.

#### 4. Хорижий илмий адабиётлар ва манбалар

60. A. Bakr Ibrahim, Willand H. Ellis. Entrepreneurship and Small business management. Text, Readings and Cases. / by Kendall/Hunt Publishing Company. 1993. – 765 p.

61. Albert Shapero. Entrepreneurship and Economic development. Wisconsin Project. JSEED. Ltd. The Center for Venture management. Summer, 1975. – 285 p.

62. Business in Asia Pacific. Text and Cases. Published I the United States by Oxford University Press. 2001. – 386 p.

63. Business policy: managing strategic processes<sup>1</sup>. / Joseph I. Bower... [et al.]. -8th ed. Boston. 1995. – 885 p.

64. Brooksbank R. Defining the small business: a new classification of company size / Entrepreneurship & Regional Development, Taylor & Francis Ltd. 1991, №3. pp. 17-33.

<sup>1</sup> Таржимаси: Политика бизнеса: стратегически управляемые процессы.

65. Charles W.L. Hill Global business today. Postscript 2003 with CD&MAP. New York, 2003.
66. Daniels, John D. Lee H. Radebagh. International Business. Prentice Hall Inc., 2001.
67. Greenwood J., Pyper R., Wilson D. New Public Administration in Britain. Routledge. London and NY, 2002.
68. Harvey C. Krentzman, U.S. Small Business Administration, *Managing for Profits* (Washington, D.C.: U.S. Government Printing Office, 1968).
69. Heeks R. Reinventing Government in the Information Age. Routledge. 2001.
70. Piasecki, B. (ed.) Policy on Small and Medium Sized Enterprises in Central and Eastern European Countries Text. / Paper presented to the 19— International Small Business Congress, Lodz, October 11—14, 1992.
71. Robert F., Herbert N., Link A. The Entrepreneur—Mainstream View and Radical Critiques N. Y., Praeger Publishers. 1982.
72. Robert C. Ronstaolt. Entrepreneurship. Dover, Mass, Cliffs, N.I., // Prentice Hall. 1980. ~525 p.
73. Takeshi Yuzawa. Japanese business success: The evolution of a strategy<sup>1</sup>/edited by. Routledge. London and NY, 1994. – 236 p.

### **5. Иқтисодий журналлар, илмий түпнамалар ва рӯзномалар**

74. Арипов О.А. Ривожланиш омили. // Ж. Иқтисод ва ҳисобот. №8, –Т.: 1996. 9–11 б.
75. Арипов О.А. (ҳаммуаллиф: Ишмухамедов А.Э.) Бизнес, сиёсат, инвестиция. // Ж. Иқтисод ва ҳисобот. №2, –Т.: 1997. 14–16 б.
76. Арипов О.А. Малый и средний бизнес: регулирование и либерализация. // Десять лет экономических реформ в Узбекистане: достижения, проблемы и перспективы. / Тез. докл. науч. Симпозиума. –Ташкент–Берлин–Бонн. 2001. С. 143–144.
77. Арипов О.А. Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантириш заруриятини келтириб чиқарувчи демографик омиллар. // Матер. Республ. конференц. Фонд ООН в Области Народонаселения (UNFRA) На тему «Социально-демографические процессы в современном Узбекистане», посвящ. 15-летию Международ. Конференц. по Народонаселению и развитию (Каир 1994) и принятия Программы Действий. Ташкент. 2009. 234–237 б.
78. Арипов О.А. Государственное управления и регулирование малого бизнеса и частного предпринимательства в Республике Узбекистан. // Наука и общество: проблемы современных исследований: Сб. науч. статей. IV Международной науч-практич. конференц. Часть 1. –Омск. 2010. 28 апр. С.194–200.

<sup>1</sup> Таржимаси: Японский успех в бизнесе: Эволюция стратегии.

79. Арипов О.А. Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик мезонлари. // Ж. «Жамият ва бошқарув». №3, –Т.: 2010. 48–50 б.
80. Арипов О.А. (хаммуаллиф: Худойбердиев З.) Государственное управление и регулирование малого бизнеса и частного предпринимательства в период мирового кризиса. // Государственное управление в XXI веке: традиции и инновации. Матер. 8-й международной конференц. факультета государственного управления МГУ им. М.В.Ломоносова. –М.: 2010. 26–28 май. С. 69–74.
81. Арипов О.А. Малый бизнес и частное предпринимательство в Узбекистане. // Сб. науч. статей: V Международной науч.-практич. конференц. Наука и общество: проблемы современных исследований. Часть 1. Омск. 2011. 20 апр. С. 132–136.
82. Арипов О.А., Адбуаликова Ю. Японияда кичик бизнесни давлат томонидан қўллаб-кувватлашнинг ўзига хослиги. // Республика илмий-амалий конференцияси материаллари тўплами: «Касб-хунар таълими муассасаларини малакали кадрлар билан таъминлаш муаммолари: тажриба ва истиқболлар». П-кисм. НамMPI, –Наманган. 2013. 89–91 б.
83. Баева Ш. Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни молиялаштиришнинг хориж тажрибаси. // Ж. «Иқтисодиёт ва таълим». №3, –Т.: 2011. 128–130 б.
84. Бекмурадов А. Государство как эффективный институт обеспечения инвестиционного развития экономики: опыт Республики Узбекистан. // Ж. «Ўзбекистон иқтисодий ахборотномаси». №3-4, –Т.: 2013. С. 77–82.
85. Бородкина В.В., Москвина А.В., Рыжкова О.В., Улас Ю.В. Государственная поддержка субъектов малого и среднего бизнеса северных стран: Канада, США, Финляндия, Швеция // Российское предпринимательство. –2015. – Том 16. – № 21. – С. 3743-3764. – doi:10.18334/tr.16.21.2074
86. Блинов А.О. Российские проблемы и зарубежный опыт // Ж. Мировая экономика и международные отношения. 1993. №9.
87. Воронин С. Роль государства в преодолении последствий мирового финансового кризиса. // Биржа Экспорт. 2009. №1. С. 38–40.
88. Гимранова О.Б. Зарубежный опыт налогового стимулирования инноваций в сфере малого бизнеса и частного предпринимательства. // Ўзбекистонда молиявий секторнинг ролини ошириш ва унда илғор хориж тажрибасидан фойдаланиш» мавзуудаги халқаро илмий-амалий конференция материаллари тўплами. –Т.: ТМИ. «IQTISOD-MOLIYA», 2015. С. 570-572.
89. Давронов В. Кичик бизнес ривожланишининг хориж тажрибаси. // Ж. Иқтисодиёт ва таълим. №3. 2006. 152–154 бетлар.
90. Данишевская Г. Мелкий бизнес в Великобритании. // Ж. МЭиМО. –1992. –№3.
91. Дудко И. Развитие малого и среднего бизнеса во Франции. // «Миллий иқтисодиёт соҳаларида халқаро тажрибани ўрганиш ва уни кичик бизнес, хусусий тадбиркорликни ривожлантиришда татбиқ этиш» мавзуудаги илмий-амалий анжуманнинг матъузалар тўплами. –Т.: ТДИУ, ноябрь 2004. –173 б.

92. Жўраев Ҳ.З., Жўраев С.Ҳ. Кичик бизнес ривожланишини кўллаб-куватлашнинг хорижий мамлакатлар тажрибаси. // Ж. Иқтисод ва молия. №4. 2015. 42-53 бетлар.
93. Калинин А.В. Анализ развития и состояние малого и среднего бизнеса в мире // Экономика, предпринимательство и право. 2011. №4. С. 3-12. – <http://epp.ejournal.net/article/313/>
94. Курбанова Д.М., Ходжаева К.А. Опыт Японии в развитии НИОКР в сфере малого бизнеса. // “Юқори технологияларга асосланган ишлаб чиқаришни шакллантириш ва ривожлантиришнинг замонавий концепциялари”. Республика илмий-амалий анжумани маъруза тезислари тўплами (2013 йил 14 декабрь). –Т.: ТДИУ, 2013. 98-99 бетлар.
95. Курманбаева Ф., Пугач И., Абдуллаева Р., Голосова С. и др. Малый и средний бизнес в Узбекистане: современное состояние, проблемы и перспективы. // Ж. Экономическое обозрение. №3. 2000. С. 4-22.
96. Курпаяниди К.И., Пайгамов Р.Р. Кичик тадбиркорликни давлат томонидан кўллаб-куватлаш тизимининг модернизация қилишнинг Буюк Британия тажрибаси ва Ўзбекистонда ундан фойдаланиш имкониятлари. // Ж. Иқтисод ва молия. №12. 2013. 12-19 бетлар.
97. Мадияров Ғ., Мадраимов А. Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликнинг ривожланишининг хориж тажрибаси. // Ж. Иқтисодиёт ва таълим. №1. 2006. 159-167 бетлар.
98. Немова Л.А. Экономика Канады в посткризисный период. // Ж. США & Канада: экономика, политика, культура. №2. 2013. С. 19-34.
99. Отажонов Ш.И. Ўзбекистонда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантиришда хориж тажрибасидан самарали фойдаланиш // Иқтисодиёт ва таълим. –Т.: 2007. №3. 128-131 б.
100. Рўзиева Д. Кичик бизнесни инвестициялашда хориж тажрибаси. // Ж. Ўзбекистон иқтисодий ахборотномаси. №2. 2013. 44-46 б.
101. Салихов Ж. Япония иқтисодиётида давлат бошқарувининг роли. // Ж. Ўзбекистон иқтисодий ахборотномаси. №2. 2012. 52-54 б.
102. Содиков Н.К. Кичик тадбиркорликнинг хорижий тажрибаси. // Ж. Иқтисод ва молия. №6. 2015. 2-9 бетлар.
103. Султанова Г. Внешнеэкономическая деятельность субъектов малого бизнеса: опыт зарубежных стран. // Ж. Иқтисодиёт ва таълим. №2. 2006. 147-151 бетлар.
104. Ходиев Б.Ю. Эркин бозор ва тадбиркорлик // Ж. Фан ва турмуш. –Т.: 2000. №2. 31-б.
105. Ходиев Б.Ю. Стратегия развития малого бизнеса // Деловой партнер Узбекистана. 2000. №18. С. 5.
106. Холмирзаев Н. Опыт развития малого и среднего бизнеса в зарубежных странах (на примере Японии). // Ж. Иқтисодиёт ва таълим. №2. 2002. С. 134-137.
107. Шулус А. А. Мелкие и средние предприятия в народном хозяйстве ФРГ. // Ж. Российский экономический журнал. –1993. –№3.

108. Югай А. Особенности управления малым бизнесом. // Ж. Рынок, деньги и кредит. №10. 2012. С. 22–25.

109. Фойиназаров Б.К., Отажонов Ш.И. Ўзбекистонда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантиришда янги инновациялардан фойдаланиш йўллари // Иқтисодиётни барқарор ижтимоий-иктисодий ривожлантириш: ютуклар, муаммолар ва вазифалар: ТДИУ профессор-ўқитувчилари ва ёш олимларнинг илмий-амалий анжумани тезислари тўплами. –Т.: ТДИУ, 2007. 132–135 б.

110. Faafurov У. Жаҳон молиявий-иктисодий инкирози таъсири оқибатларини юмшатища кичик бизнес имкониятларидан фойдаланиш. // Ж. Иқтисодиёт ва таълим. №1. 2010. 35–40 бетлар.

111. Faafurov У.В. Кичик бизнес соҳасини белгилашдаги асосий йўналишлар. // Десять лет экономических реформ в Узбекистане: достижения, проблемы и перспективы / Тезисы докл. науч. Симпозиума. –Ташкент–Берлин–Бонн. 2001. 130–133 б.

## 6. Статистик тўпламлар, маълумотномалар ва манбалар

112. Деловая среда в Узбекистане глазами представителей частного бизнеса. / Отчет Международной финансовой корпорации (IFC). –Т.: 2009.

113. Доклад о развитии человека 2010. Реальное богатство народов: пути к развитию человека / Пер. с англ.; ПРООН. –М.: Изд. «Весь мир», 2010. –244 с.

114. Страны мира. –М.: ОЛМА-ПРЕСС, 2001. – 608 с.

115. Страны и регионы мира: экономико-политический справочник. –3-е изд. / под ред. А. С. Булатова. –М.: Проспект, 2010. – 704 с.

116. Ўзбекистон Республикаси йиллик статистик тўплами. 2007: статистик тўплам. –Т.: Matrix Print, 2008. –392 с.

117. Ўзбекистон иқтисодиёти: Ахборот–тахлилий бюллетень 2010 йил январь–март. –Т.: 2010. –70 б.

## 7. Интернет маълумотлари

118. [www.extech.ru](http://www.extech.ru)

119. [www.spprinfo.ru](http://www.spprinfo.ru)

120. [www.dn.kz](http://www.dn.kz)

121. [www.cer.uz](http://www.cer.uz)

122. [www.uzlaw.uz](http://www.uzlaw.uz)

123. <http://www.sba.gov> – АҚШ Кичик бизнес маъмурияти сайти.

124. <http://www.bmwi.de/Homepage/English%20pages/The%20ministry/DG08.jsp> – Германия кичик ва ўрта бизнеснинг бош Директорати, хунармандчилик, хизматлар кўрсатиш ва эркин касблар сайти (Сайт генерального Директората малого и среднего бизнеса, ремесленничества, услуг и свободных профессий Германии).

125. <http://www.chusho.metigo.jp> – Small and Medium Enterprice Agensy – SMEA.
126. <http://www.sbs.gov.uk> – Small Business Service.
127. <http://www.meti.go.jp/english/other/METIintroduction/c10130ej.html> – Япония иқтисодиёти, савдо ва саноат вазирлиги сайти.
128. <http://www.dti.gov.uk> – Depertament of Trade and Industry.
129. <http://www.unesco.jrg/sme/cjnfrrm01.htm>
130. [http://vasilieva.narod.ru/ptpu/19\\_2\\_98.htm](http://vasilieva.narod.ru/ptpu/19_2_98.htm). // В.Сорокина. Государственное регулирование малого бизнеса: опыт Великобритании.
131. <http://www.goteway.uz> // Кичик корхоналар вакилларининг Бутунроссия конференцияси материаллари.
132. <http://www.uza.uz.business>
133. <http://www.sba.org>
134. <http://www.nisse.ru> – Национальный институт системных исследований проблем предпринимательства. Динамика развития малого предпринимательства в регионах России в январе-сентябре 2013 года.
135. <http://epp.eurostat.ec.europa.eu>
136. <http://www.ereport.ru/stat.php>

## **Монографиядаги айрим атама ва иборалар бўйича глоссарий**

**Градация** – бу кичик бизнес корхоналарининг табакаланишида кўлланадиган атама бўлиб, ишчилар сонига, айланма капитал ҳажмига, Йиллик даромад ҳажмига, кўчмас мулк киймати ёки миқдорига кўра микрофирма, кичик корхона ва ўрга корхоналарга бўлинишини англатади.

**Давлат институтлари** – Италияда айрим молиявий муассасаларнинг номланиши. Улар томонидан зинг устувор йўналишларга кредитлар ажратилиб, иқтисодиётнинг ривожланишини молиявий жиҳатдан кўллаб-куватлайди.

**Йирик корхоналар** – бозор иқтисодиёти субъектларига киритилган корхоналарнинг бир тури. Масалан, Ўзбекистонда транспорт ва алоқа, молия, хизмат кўрсатиш, бошқарув, илм-фан, маданият, санъат, уй-жой ва коммунал хўжалиги соҳаларида 26 кишидан ортиқ ишчиси бор бўлган корхоналар; енгил саноат, озиқ-овқат саноати, моддий-техника таъминоти ва сотиш, курилиш, қишлоқ хўжалиги соҳаларида 51 кишидан ортиқ ишчилари бор бўлган, корхоналар; машинасозлик, металлургия, ёқилғи-энергетика саноати ва бошқаларда 101 кишидан ортиқ ишчиси бор бўлган корхоналар йирик корхоналар ҳисобланади.

**Кичик бизнес** – мустақил хўжалик юритувчи субъект ва ўз соҳасида бирорга боғлиқ бўлмаган тадбиркорлик шакли. Бу атама инглиз забон мамлакатларда кенг кўлланилади.

**Кичик бизнесдаги кластер шаклидаги ўзаро алоқалар** – Хиндистон, Япония, Италия ва Европанинг айрим давлатларида кичик бизнес субъектларининг ўзаро иқтисодий алоқалари. Кластер асосидаги ихтисослашувда корхоналар ўзаро узвий боғланган тарзда фаолиятларини олиб борадилар. Бу дегани, улар бир-бирига қарам эмас, балки бозор мухитида тенг ҳуқуқли субъект сифатида иштирок этадилар. Кластер асосидаги ихтисослашган кичик корхоналар ўзаро ҳамкорлик асосидаги ишлаб чиқариш муносабатларида қатнапади ва шерикларни танлашда тўлиқ мустақилликка эгадирлар. Ҳар бир кичик корхона бир-бирисиз фаолият кўрсата олмайдиган ишлаб чиқариш жараёнининг бир босқичи билан шуғулланади.

**Кичик бизнес маъмурияти (SBA – Small business administration)** – АҚШда кичик бизнес субъектларини ҳар томонлама кўллаб-куватлайдиган федерал хукуматнинг мустақил агентлиги. 1953 йилда ташкил топган.

**Кичик бизнес ва ҳусусий тадбиркорлик** – «кичик бизнес» атамасининг Ўзбекистонда жорий этилган аналоги.

**Кичик бизнес субъектлари** – бозор иқтисодиёти шароитида эркин фаолият кўрсатувчи кичик корхоналар бўлиб, корхонада ишловчилар сони, ишлаб чиқариш ҳажми, молиявий маблаглари миқдори ва бошқалар жиҳатидан имкониятлари чекланган ишлаб чиқарувчи субъектлардир. Кичик бизнес субъектлари тоифасига яка тартибдаги тадбиркорлар, микрофирмалар ва кичик корхоналар киради.

**Кичик корхона** – кичик бизнес субъектларининг бир тури. Иқтисодиётнинг турли тармоқларида кичик корхоналар турли мезонларга кўра туркумланади. Масалан, Ўзбекистон шароитида янги градацияга кўра савдо ва умумий овқатланишида 6–25 кишигача ишчиси бор бўлган ва хизмат кўрсатишида 11–25 кишигача ишчиси бор бўлган корхоналар кичик корхоналар ҳисобланади. Саноатнинг айрим тармоқларида (масалан, енгил ва озиқ-овқат саноати, металлургия ишлов бериш ва асбобсозлик саноати ва ҳ.к.) 21–50 кишигача бўлса, бошқа тармоқларида (масалан, машинасозлик, металлургия, ёқилғи-энергетика саноати ва бошқаларда) 100 кишигача ишчиси бор бўлган корхоналар кичик ҳисобланади.

**Кичик тадбиркорлик** – Россия қонунчилигига расмий қабул қилинган «кичик бизнес» атамасининг аналоги.

**Кооперация алоқалари** – турли соҳадаги кичик ишлаб чиқариш тармоқларида маълум маҳсулотни тайёрлаш бўйича узоқ муддатли алоқалар ўрнатиш.

**Корхоналарга преференция бериш** – корхоналарни молиявий кўллаб-куватлаш мақсадида берилган имтиёзлар ва қулийликлар. Масалан, корхоналар томонидан ишлаб чиқаришни ташкил этиш учун чест элдан олиб кириладиган хомаше ва материаллар, ярим

тайёр маҳсулотлар, шунингдек асбоб-ускуналарни олиб киришда бож тўловлари ва бошқа жараёнлар бўйича енгилликлар (имтиёзлар) берилиши.

**Медлен режаси** – Францияда кичик ва ўрга бизнеснинг ривожланишига катта тасир кўрсатган конун. У 1994 йили қабул қилинган. Унга кўра янги иш бошловчилар учун молиявий таъминот кафолатсиз, фойзиз қарз берити шаклида амалга оширилади. Бунда 5 йил мобайнида тўлаб борилувчи, катта бўлмаган фойзлар белгиланган якка тартибдаги қарз кўринишлари устун равишда амал қиласди. Мехнат, иш билан бандлик ва касбий ўқитигил идораларида, ўз ишини йўқотганларга ҳамда бизнес билан шуғулланишини хоҳловчиларга 32 минг франкгача субсидиялар ажратилади.

**Мини технология** – кичик бизнес корхоналарида ишлаб чиқариш ва хизмат кўрсатишни ташкил этишида қўлланиладиган кичик ҳажмли ва ихчам технологиялар. Бундай технологиялар учун катта майдонлар талаб этилмайди.

**Микрофирма** – кичик бизнес субъектларининг бир тури. Иктисодиёт тармоқларида ишчилар сонига кўра туркмланади. Масалан, мамлакатимизда саноат, курилиш, қишлоқ хўжалиги, моддий-техника таъминоти ва сотиш соҳаларида 1–20 кишигача ишчиси бор бўлган корхоналар; транспорт ва алоқа, молия, хизмат кўрсатиш, бошқарув, илм-фан, маданият, санъат, уй-жой ва коммунал хўжалигида 1–10 кишигача ишчиси бор бўлган корхоналар; савдо ва умумий овқатланишда 1–5 кишигача ишчиси бор корхоналар микрофирмалар ҳисобланади.

**Миттельштанд** – «кичик бизнес» атамасининг Германияда жорий этилган аналоги.

**Неокапитализм** – капитализмнинг янги, такомиллашган шаклини англатувчи атама; капитализмнинг баъзи мағкурачилари томонидан капиталистларнинг замонавий хусусиятларга эга бўлган синфини тавсифлаш. Ҳозирча неокапитализмнинг аниқ назарий модели мавжуд эмас. Сўнгти йилларда таникли иктисадчилар фикрига кўра, у социализмдан кейин пайдо бўлган деб тушунтирилмоқда. Масалан, Гарбнинг иктисадчи олимлари томонидан МДХ мамлакатларидағи (социализм давридаги) давлат мулкини хусусиятларни шаҳарийларни неокапитализмнинг бошлангич фазаси, деб қайд этилмоқда.

**Префектура** – маъмурӣ-худудий бўлинниш бирлиги, айрим мамлакатлarda маъмурӣ-худудий бирликни бошқариш органлари. Масалан Японияда давлат бошқарувiga ёрдам тарикасида маъмурӣ-худудий бўлинниш туфайли маҳаллий бошқарув идоралари ҳам фаолият кўрсатади.

**Преференция** – кичик бизнес ва тадбиркорлик субъектлари учун бериладиган имтиёзлар.

**Преференциал дастурлар** – аҳолига хизмат кўрсатиш ва товар ишлаб чиқариш бўйича тузилган давлат дастурлари бўлиб, ўз ичига кичик бизнес фаолиятини жалб этади. Преференциялар аёллар ёки майда миллият вакиллари эгалик қўлган фирмаларга нисбатан доимий қўллаб борилади. Кичик бизнеснинг ривожланишига муниципал тузилмаларнинг таъсири суст худудлардаги тадбиркорлар учун бундайди дастурларнинг аҳамияти жуда катта. Преференциал дастурлар асосан АҚШда кенг қўлланиладиган давлат дастурлариdir.

**Провинция** – АҚШ ва Канадада маъмурӣ-худудий бўлинма.

**Рейганомика** – АҚШда Рональд Рейган президентлик даврида шаклланган таълимот. Рейганомикага кўра солиқлар пасайтирилган, давлат иктисадиёти ва инвестициялар тизими соддалаптирилган. Тадбиркорлар учун бу бир оз бўлса-да, қулийлик тугдирган. Йўкимий дастурлар қисқартирилган. Шу билан бирга, ҳарбий соҳага ҳаражатлар кўпайтирилган. Айнан шунинг учун рейганомика бўйича олиб борилган сиёsat ўзини оклай олмаган ва қисқа муддат амал қиласди.

**Тетчеризм** – Англияда Margaret Тетчер асос солган фалсафий ёндашув тамойиллари асосидаги таълимот.

**Трамплин-фирмалар** – Собик ГФРда фаолият кўрсатган кичик корхоналар бўлиб, уларда фермерлар ва ишбильармонлар ўзларининг гояларини амалга оширишлари учун ўқитиб-тайёрлаб борилади. Муаяян фирмага ўз гоясини амалга ошириш учун мурожаат

қилган шахслар шу фирма орқали нафақат ўз гояларини амалга оширадилар, балки ўзларининг янги фирмаларини очиш имкониятига ҳам эга бўладилар.

**Трансферт** (фран. transfert ёки лотинча transfero – кўчираман, жойини ўзгартираман) – савдо-согир муносабатларида қўлланадиган бу атама ўзбек тилида ўтказиш маъносини англатади. Иккисодий муносабатларда пуллар бир жойдан бошқа жойга телеграф усулида ўтказилгандা қўлланиладиган тушунча. Масалан, олтин ёки корижий валюталарни бир давлатдан бошқа давлатга трансферти, банкларро пул трансферлари, акцияларнинг трансферлари ва ҳоказо.

**Франчайзинг** – йирик корхоналар билан кичик корхоналар ўргасидаги имтиёжли тарздаги шерикчилик алоқаларига асосланган фаолият шакли. 80-йилларда Буюк Британия ва АҚШда кенг ривожланган.

**Франция майда ва ўрта тадбиркорларининг умумжамият конфедерацияси** – 1944 йилда Францияда ташкил топган ташкилот. У ишлаб чиқарувчilar ва савдогарлар манбаатларини ҳимоя килиш учун тузилган ташкилот ҳисобланади.

**«504 дастури»** – АҚШда жорий этилган бу дастурнинг тўлик номи «504 кредит дастури бўйича компаниялар ривожини лицензиялаш», деб аталади. Давлат томонидан кафолатланадиган бу дастур кредитларининг ҳажми 2006 йилда 5,5 млрд. АҚШ долларини ташкил этган. «504 дастури» кичик корхоналарнинг узок муддатли молиятанишини таъминлайди. Кўчмас мулкларни сотиб олишда, тадбиркорлик фаолиятини модернизация асосида кенгайтиришда ва турли технологик ускуналарни сотиб олишда кичик бизнес субъектларига бериладиган кредит дастуридир.

**«7а дастури»** – бу АҚШда жорий этилган, кафолатли кредитларга эга бўлиши дастуридир. «Кафолатли кредитлар», яъни «7а дастури»дан факат кичик бизнес субъектлари фойдалана оладилар. Бундай кредитлар ҳажми 250 минг АҚШ долларигача бўлади. «7а дастури» асосидаги кредитлар, энг аввало, кичик корхоналарни бошқараётган асл тадбиркорларга, қишлоқ жойларидаги кичик тадбиркорларга, саноатнинг айrim тармогида фаолият кўрсатаётган тадбиркорларга, шунингдек, АҚШнинг айrim географик худудларида ўз бизнесини юритаётган тадбиркорларга берилади.

**Хорижий ривожланган мамлакатларнинг  
майдони, аҳолиси ва валютаси<sup>1</sup>**

№	Давлат номи	Инглиз тиббати номи	Майдони (минг км. кв)	Аҳолиси мин. кинги	Пойтахти	Валюта бирлиги	Валюта коди	Бондариши шакли <sup>2</sup>
1	Буюк Британия	United Kingdom	244,9	65,6 (2016)	Лондон	Англия фунти	GBP	Конституцион монархия
2	Германия	Germany	357,0	82,6 (2016)	Берлин	Евро	EUR (1.01.02.)	Федератив давлат
3	Франция	France	549,2	66,9 (2016)	Париж	Евро	EUR (1.01.02.)	Президент Республикаси
4	Италия	Italy	301,0	60,6 (2016)	Рим	Евро	EUR (1.01.02.)	Парламент Республикаси
5	АҚШ	United States	9364,0	323,1 (2016)	Вашингтон	АҚШ доллари	USD	Федерал Республика
6	Канада	Canada	9971,0	36,3 (2016)	Оттава	Канада доллари	CAD	Парламент монархияси
7	Япония	Japan	372,8	127,1 (2016)	Токио	Иена	JPY	Конституцион монархия
8	Россия Федерацияси	Russia	17075,4	144,3 (2016)	Москва	Рубль	RUR	Республика бошқарувин асосидаги демократик федерал давлат

**«Кичик бизнес» атамасининг жаҳон миқёсидаги аналоглари**

Худудлар	Атамани ифодалашга бўлган ёндашув
Инглиз забон мамлакатларда	кичик бизнес ёки кичик ва ўрта бизнес
Япония ва Фарбий Европада	кичик ва ўрта корхоналар
Германияда	миттельштанд ёки кичик ва ўрта бизнес
Ўзбекистонда	кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик

<sup>1</sup> Муаллифнинг илмий изланишларига кўра айрим мамлакатлар майдони турли илмий мағнабаларда турлича берилганлиги аниқланади. Айрим мамлакатлар майдони турла мағнабалар бўйича солиштирилганда 2,7%гача фарқ киласди. (О.А.).

<sup>2</sup> Манба: Страны мира. –М.: ОЛМА-ПРЕСС, 2001.

**Хорижий мамлакаттарда кичик ва ўрта бизнеснинг<sup>1</sup>  
айрим кўрсаткичлари<sup>2</sup>**

№	Мамлакат номи	Кичик ва ўрта корхона- лар сони (минг)	Кичик ва ўрта корхона- лар сонининг ҳар 1000 кишига тўғри келган улуши	Кичик ва ўрта корхона- ларда банд булганлар (млн. киши)	Умумий банд- лиқда кичик ва ўрта корхона- лар улуши (%да)	ЯИМда кичик ва ўрта корхона- лар улуши (%да белгила- нишига кура)
1	Германия	2290	37	18,5	46	50 – 53
2	Канада				47	43
3	Франция	1980	35	15,2	54	55 – 62
4	Россия Федерацияси <sup>3</sup>	836,6	5,65	8,1	9,6	10 – 11
5	Италия	3920	68	16,8	73	57 – 60
6	АҚШ	19300	74,2	70,2	54	50 – 52
7	Буюк Британия <sup>3</sup>	2930	46	13,6	49	50 – 53
8	Япония	6450	49,6	39,5	78	52 – 55

**Солиштириш учун**

9	ЕИ мамлакат- лари <sup>3</sup>	15777	45	68	72	63 – 67
---	-----------------------------------	-------	----	----	----	---------

<sup>1</sup> Изор Аксарият ривожланган мамлакатларда ўрта бизнес корхоналари мавжуд. Ўзбекистонда ўрта корхоналар 2003 йилда жорий этилган янги градацияга кўра кичик корхоналар таркибига киритилган.

<sup>2</sup> Манба: Темиров А. А. Узбекистон Республикаси кичик бизнес субъектлари фаолиятида молиявий менежментни тақомиллаштириш: и.ф.и ...дисс. –Т.: ТДИУ. 2011. 11 бет.: Симачев Ю. Формы государственной поддержки. / Вопросы экономики. №5. 2001. С.127.: Курманбаева Ф., Путач И., Абдуллаев Р. и др. Малый и средний бизнес в Узбекистане: современное состояние, проблемы и перспективы. / Экономическое обозрение. №3. 2000. С.4.: Хакимов Н., Исмоилов Н. Хорижий давлатларда кичик ва ўрта бизнеснинг ривожлантиришда табтий этиш. мавзудаги илмий-анумуманий маъruzалар тўплами. –Т.: 2004. 158 б.: // www.reia.ref.com / Малый бизнес и его роль в экономическом развитии общества.

<sup>3</sup> Энциклопедия рыночного хозяйства. Предпринимательский тип хозяйствования/Редкол. тома. –М.: Изд. дом «Путь России», ЗАО «Издательский дом “Экономическая литература”», 2002. С. 84–106.

**Хорижий мамлакаттарда кичик корхона  
мақомини белгилөвчи күрсаткычлар<sup>1</sup>**

Күрсаткычлар	АҚПП	Бүгүк Британия	Германия	Италия	Канада	Франция	Япония	Россия Федерацияси
<b>Асосий күрсаткычлар</b>								
Ишчилар сонига күра	*	*	*	*	*	*	*	*
Айланма (сотиш) капитал ҳажми <sup>2</sup>	*	*	*	*		*	*	
<b>Күшімча күрсаткычлар</b>								
Йиллик даромад ҳажми	*							
Бошқа фирмалар капиталида иштирок етиш даражасы			*					
Күчмас мулк қиймати ёки миқдори				*				

<sup>1</sup> Жадвал мұаллиф томонидан гүзилған. Манбалар: Mid Land Bank Review, spring, 1987.; Елинов А. О. Малое предпринимательство. Организационные и правовые основы деятельности. – 2-е изд. «Ось-89», 1998. –М.: 1998. С. 31.; Организация поддержки малого бизнеса./Под ред. В.Ш.Каганова. –М.: Академия менеджмента и рынка. 1995. С. 27.

<sup>2</sup> Иゾх: Айрим мамлакаттарда масалан, Германия Франция, Бүгүк Британия, Бельгия, Нидерландия ва Португалияда бу күрсаткыч күшімча күрсаткычлар категорида белгиланды. Қаранг: Организация поддержки малого бизнеса./Под ред. В.Ш.Каганова. –М.: Академия менеджмента и рынка. 1995. С. 27.

**Хорижий мамлакатларда ишчилар сони ва йиллик оборотига  
кўра кичик корхоналар маъомига эга бўлиш<sup>1</sup>**

Мамлакатлар	Ишчилар сони	Йиллик оборот
Буюк Британия	49 кишигача (саноатда 200 кишигача)	5,3 млн. АҚШ доллари
Франция	49 кишигача (саноатда 500 кишигача)	7 млн. евродан ошмайди
ГФР	500 кишигача (расмий тарзда 49 ишигача)	Капитал ҳажми бўйича 5 млн. евродан ортиқ бўлмаган ва йиллик обороти 7 млн. евродан ошмайди.
Япония	100 кишигача (саноатда 300 кишигача, чакана савдода 50 кишигача)	Низом капитали ҳажмига кўра хизмат кўрсатиш ва чакана савдода 474 минг АҚШ долларигача, ултуржи савдода 948 минг АҚШ долларигача, ишлаб чиқаришда 2844 минг АҚШ долларигача
АҚШ	500 кишигача (фаолият туридан келиб чиқиб 750-1500 кишигача)	Йиллик даромад ҳажми бўйича 0,75-20 млн. АҚШ долларигача (бундан ташкари фаолият туридан келиб чиқиб)
Италия	50 кишигача (саноатда 100 кишигача) <sup>2</sup> Миркофирмаларда 10 кишигача	Кўйилган капитал ҳажми бўйича 10 млн. евродан, йиллик оборот ҳажми бўйича 10 млн. евродан ошмайди; микрофирмаларда кўйилган капитал ва йиллик обороти ҳажми бўйича 2 млн. евродан ошмайди.
Канада	Хизмат кўрсатишда 49 кишигача (саноатда 100 кишигача)	Йиллик даромад ҳажми бўйича хизмат кўрсатишда 5 млн. АҚШ долларигача, ишлаб чиқаришда 10 млн. АҚШ долларигача
Россия <sup>3</sup>	Фаолият туридан келиб чиқиб 30-60 кишигача (саноатда 100 кишигача)	....

<sup>1</sup> Основные характеристики систем государственно-общественной поддержки и развития малого и среднего предпринимательства зарубежных стран. // Пятая Всероссийская конференция представителей малых предприятий «Инфраструктура развития и поддержки малого и среднего предпринимательства». -М.: Московский центр развития предпринимательства, 2004.

<sup>2</sup> Манба: Mid Land Bank Review, spring, 1987.

<sup>3</sup> Манба: Содиков Н.К. Кичик тадбиркорликнинг хорижий тажрибаси. // Иқтисод ва молия. №6. 2015. 5 бет.

**Хорижий мамлакатларда ҳуқуқ ва имкониятларнинг кенгайиниши<sup>1</sup>**

№	Мамлакатлар	Демократия (0–2 балл)	Инсон ҳуқуқи-нинг бузилиши (1–5 балл)	Коррупция курбонлари (жорий йилда пора бериш заруриятига дучор бўлган шахслар, %да)	Сиёсатда қатнашиш (хукумат раҳбарларига ўз фикрларини билдирган кипилар, %да)
1	Япония	2	1	3	22
2	Германия	2	1	4	35
3	Буюк Британия	2	2	4	24
4	Италия	2	2	6	14
5	Франция	2	2	6	23
6	Канада	2	2	8	20
7	АҚШ	2	3	9	32
8	Россия Федерацияси	1	4	21	13

<sup>1</sup> Жадвал мувалиф томонидан тузилган. Барча маълумотлар 2008 йил ҳолатига тўғри. Манба: Доклад о развитии человека 2010. Реальное богатство народов: пути к развитию человека / Пер. с англ.; ПРООН. –М.: Изд. «Весь Мир», 2010. С. 164–165.

**Хорижий мамлакатларда инсон салохияти тараққиёти индекси  
ва унинг компонентлари<sup>1</sup>**

№	Мамлакатлар	Инсон салохияти тараққиёти индекси <sup>2</sup>	Аҳоли жон бошига ЯИМ (сотиб олиш қобилияти паритети АҚШ долларида)	Кутилиши мумкин бўлган умр (яшаш давомийлиги, йил)
1	АҚШ	4	47094	79,6
2	Канада	8	38668	81,0
3	Германия	10	35308	80,2
4	Япония	11	34692	83,2
5	Франция	14	34341	81,6
6	Италия	23	29619	81,4
7	Буюк Британия	26	35087	79,8
8	Россия Федерацияси	65	15258	67,2

<sup>1</sup> Жадвал муаллиф томонидан тузилган. Манба: Доклад о развитии человека 2010. Реальное богатство народов: пути к развитию человека / Пер. с англ.; ПРООН. –М.: Изд. «Весь Мир», 2010. С. 143.

<sup>2</sup> Уша манба. 142 бет.

**Хорижий мамлакатларда инсон салоҳияти тараққиёти  
индексининг динамикаси<sup>1</sup>**

№	Мамлакатлар	1980	1990	2000	2011
1	АҚШ	0,837	0,870	0,897	0,910
2	Канада	0,817	0,857	0,879	0,908
3	Германия	0,730	0,795	0,864	0,905
4	Япония	0,778	0,827	0,868	0,901
5	Франция	0,722	0,777	0,846	0,884
6	Италия	0,717	0,764	0,825	0,874
7	Буюк Британия	0,744	0,778	0,833	0,863
8	Россия Федерацияси	...	...	0,691	0,755

**Хорижий мамлакатларда гендер тенгсизлик индекси<sup>2</sup>**

№	Мамлакатлар	Гендер тенгсизлик индекси		Аҳолининг иқтисодий фаол улуши (%)да)	
		Рейтинг	Қиймати	аёллар	эркаклар
1	Германия	7	0,240	70,8	82,3
2	Италия	9	0,251	51,6	74,5
3	Франция	11	0,260	65,8	74,9
4	Япония	12	0,273	62,1	85,2
5	Канада	16	0,289	74,3	82,7
6	Буюк Британия	32	0,355	69,2	82,2
7	АҚШ	37	0,400	68,7	80,6
8	Россия Федерацияси	41	0,442	68,7	76,3

<sup>1</sup> Жадвал муваллиф томонидан тузилган. Манба: Human Development Report 2011. N.Y., 2011. P.131-132.

<sup>2</sup> Жадвал муваллиф томонидан тузилган. Манба: Доклад о развитии человека 2010. Реальное богатство народов: пути к развитию человека / Пер. с англ.; ПРООН. –М.: Изд. «Весь Мир». 2010. С. 156–157.

**Турли ривожланган мамлакатлар НИОКРни молиялашда  
бизнес ва давлат секторининг роли<sup>1</sup>**

№	Мамлакатлар	НИОКР га ички харажатлар (млрд. АҚШ долл.)	Миллий харажатларни НИОКР учун молиялашда секторлар улуси, (%)		
			бизнес	давлат	бонка манбалар
1	АҚШ	312 535	64	31	5
2	Япония	118 026	75	18	7
3	Германия	61 712	67	30	3
4	Франция	40 363	52	38	10
5	Буюк Британия	32 197	44	33	23
6	Канада	22 702	47	34	19
7	Италия	...	...	...	...
8	Россия Федерацияси	16 669	30	62	8

**2008–2010 йилларда хорижий мамлакатларда инновацион  
тараққиёт даражасининг кўрсаткичлари<sup>2</sup>**

№	Мамлакатлар	ИТИ учун харажат- лар (ЯИМга нисбатан %)	Тадқиқот марказларин инг илмий даражаси*	Мутахас- сисларни тайёрлаш сифати*	Саноат ва универ- ситет- ларнинг ўзаро алоқаси даражаси*	Инновация ракобат- бардоши- ликни бош омили сифатида*
1	АҚШ	2,90	5,8	5,6	5,7	5,5
2	Канада	1,80	5,6	5,6	5,2	5,0
3	Германия	2,82	5,6	5,7	5,2	5,5
4	Япония	3,36	5,5	5,3	5,1	5,7
5	Франция	2,26	5,3	5,2	4,2	4,9
6	Италия	1,26	3,9	4,7	3,5	4,2
7	Буюк Британия	1,77	6,1	5,5	5,8	5,2
8	Россия Федерацияси	1,16	3,8	4,5	3,5	3,2

<sup>1</sup> Манба: <http://ppi.worldbank.org/explore/report.aspx>

<sup>2</sup> Жадвал муаллиф томонидан тузилган. Манба: OECD. Main Science and Technology Indicators. 2012/1/ Paris, 2012. P. 25; World Economic Forum. The Global Competitiveness Report 2011–2012. Geneva, 2011. P. 17, 18, 514, 517; <http://dx.doi.org/10.1787/536842640445> (Бунду жами бозор субъектлари ҳисобга олинган-А.О.).

Етти баллик шкала бўйича баҳолланган (А.О.).

**Хорижий мамлакатларда илмий тадқиқотлар ва ишланималар учун  
харажатлар динамикаси ҳамда умумий бандликда  
олимларнинг сони<sup>1</sup>**

№	Мамлакатлар	ИТИ учун харажатлар (ЯИМга нисбатан %да)		Умумий бандликдаги 1000 кишига нисбатан олимлар сони	
		2000 й.	2010 й.	2000 й.	2010 й.
1	АҚШ	2,71	2,90 <sup>2</sup>	9,3	9,5
2	Канада	1,91	1,80	7,2	8,6 <sup>3</sup>
3	Германия	2,47	2,82	6,6	8,1
4	Япония	3,04	3,36 <sup>2</sup>	9,9	10,4 <sup>2</sup>
5	Франция	2,15	2,26	7,1	9,1 <sup>2</sup>
6	Италия	1,04	1,26	2,9	4,3
7	Буюк Британия	1,81	1,77	5,8	7,6
8	Россия Федерацияси	1,05	1,16	7,8	6,3

**Хорижий мамлакатларда институционал омил  
ва инновация жаёёнлари<sup>4</sup>**

№	Мамлакатлар	Хукукий институт- лар сифати <sup>5</sup>	Коррупция- дан ҳимоя- ланганлик <sup>2</sup>	Интел- лектуал мулкнинг хукукий тъминоти <sup>2</sup>	1 млн. яшловчига нисбатан фойдаланилган патентлар сони (2010 й.)
					2010 й.
1	АҚШ	4,64	4,6	5,0	339
2	Канада	5,57	5,7	5,4	143
3	Германия	5,27	5,6	5,6	150
4	Япония	5,18	5,2	5,3	352
5	Франция	5,00	5,1	5,8	71
6	Италия	---	---	---	---
7	Буюк Британия	5,34	5,7	5,7	69
8	Россия Федерацияси	3,08	2,4	2,5	2

<sup>1</sup> Жадвал муваллиф томонидан тузилган. Манба: OECD. Main Science and Technology Indicators. 2012/1/ Paris, 2012. Р. 25, 31.

<sup>2</sup> 2009 йилга тегишли маълумот.

<sup>3</sup> 2008 йилга тегишли маълумот.

<sup>4</sup> Жадвал муваллиф томонидан тузилган. Манба: World Economic Forum. The Global Competitiveness Report 2011-2012. Р. 18, 392, 514, 520.

<sup>5</sup> Етти баллилк шкала бўйича хисобланган.

**Хорижий мамлакатларда кичик ва ўрта корхоналар  
ривожланишини тавсифловчи күрсаткичлар<sup>1</sup>**

№	Мамлакатлар	Кичик ва ўрта корхоналар сони		Кичик ва ўрта корхоналарда банд бўлганлар (млн. киши)	Жами корхоналар таркибида кичик ва ўрта бизнес корхоналари улуши <sup>2</sup>	Кичик ва ўрта корхоналар улуши (%да)	
		минг бирлик	ҳар 1000 кишига тўғри келган сони			жами бандликда	ЯИМда
1.	Германия	2290	37	18,5	99,3	46	50–54
2.	Италия	3920	68	16,8	99,2	73	57–60
3.	Франция	1980	35	15,2	97,6	54	55–62
4.	Япония	6450	45	39,5	99,2	78	52–55
5.	Канада <sup>3</sup>	...	33 <sup>4</sup>	...	99,8	47	43
6.	Буюк Британия	2930	27 <sup>5</sup>	13,6	99,1	49	50–53
7.	АҚШ	19300	20	42	97,6	54	62
8.	Россия Федерацияси	836,6	5,65	8,1	...	9,6	10–11

**Солиштириш учун**

9.	ЕИ мамлакатлари	15770	45	68	...	72	63–67
10.	Ўзбекистон	215,7	15,2	9,0	...	75,1	34,6
11.	Белоруссия	60,7	7,3	0,7	...	14,0	20,0
12.	Қозогистон	154,8	6,9	0,8	...	9,5	31,8
13.	Украина	331,0	7,5	2,2	...	10,3	16,0

<sup>1</sup> Жадвал муаллиф томонидан тузилган. Манба: Энциклопедия рыночного хозяйства. Предпринимательский тип хозяйствования / Редкол. тома. –М.: Изд. дом «Путь России», ЗАО «Издательский дом "Экономическая литература"», 2002. С. 106.

<sup>2</sup> Узбуку маълумотлар 01.01.2005 й. ҳолатига тўғри. Манба: <http://www.vqi.freenet.trudy.bratisvriko>

<sup>3</sup> Манба: <http://www.vqi.freenet.trudy.bratisvriko>

<sup>4</sup> Манба: <http://ru.extrus.eu>

<sup>5</sup> Манба KPMG, Ростат.

**Жаҳон тажрибасида кичик бизнесни қўллаб-қувватлаш  
ва инновация фаолиятини ривожлантиришнинг  
асосий хусусиятлари<sup>1</sup>**

<b>Асосий хусусиятлар</b>	<b>Қайси давлатларга хос</b>
Янги маҳсулот ва технологияларни ишлаб чиқариш харажатлари 50 фоизгacha тўғридан-тўғри молия-лаштирилади (субсидиялар, заёмлар)	Франция, АҚШ ва бошқалар
Фоизсиз ссудалар тақдим этилади	Швеция
Дотацийлар берилади, кичик бизнесга кредитлар ажратишда венчур фондларидан самарали фойдаланилади	қарийб барча ривожланган мамлакатларда
Инновация лойиҳаларини ишлаб чиқаришга жорий этилишини қўллаб-қувватлаш мақсадида венчур молиялаштириш фондлари ташкил этилади	АҚШ, Англия, Германия, Франция, Швейцария, Нидерландия
Якка тартибдаги кашфиётчилар учун давлат божлари пасайтирилади	Австрия, Германия, АҚШ, Япония
Кашфиётлар энергияни тежашга қаратилган бўлса, давлат божларини тўлашдан озод этилади	Австрия
Амалга оширилган тадқиқотлар натижалари бўйича патентлар олишда божлардан озод этилади	Нидерландия, Германия, Япония
Маҳаллий ишлаб чиқарувчилар солиққа тортишдан озод этилади, солиқлар факатгина маҳсулотларни экспорт қилинади солинади	Хитой
Ёш тадбиркорларни қўллаб-қувватлаш (бозорга чиқишида шериклар тошишда, ахборот билан текин таъминланади, имтиёзли нархда ижарага бино ва инноотлар, керакли асбоб-ускуналар тақдим этиш)га алоҳида эътибор қаратилади	Буюк Британия, Италия
Тадбиркорлар фаолиятининг дастлабки икки йилида фоизсиз кредитлар берилади, кейинги йилларда эса жуда паст ставкаларда йиллик фоизлар ундирилади. Шу тараққа тадбиркорлар имтиёзли бошлангич сармоя билан таъминланади	Германия
Кичик бизнеснинг сугурта қилинмаган зарарларини қоплаш учун ёрдам пули берилади. Ёрдам пули инновацияларнинг хавфли лойиҳаларини қоплади. Давлат банк кредитларини олишда кафил сифатида қатнашади	АҚШ

<sup>1</sup> Майба: Гойбизназаров Б.К. ва бошқ. Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик – мамлакат юқтимоний-интисолий тараққиётини юксалтириш омили. –Т.: Фан, 2011. 50 бет.

**Хорижий мамлакатларниң жақон экспортнан  
асосий улушни ташкил этиши<sup>1</sup>**

№	Мамлакатлар номи	Жақон экспортнан улуси
1.	АҚШ	12%
2.	Германия	10% атрофида
3.	Япония	8%
4.	Франция	6%
5.	Буюк Британия	5% атрофида
6.	Италия	5% гача
7.	Канада	5% гача
8.	Россия (СНГ билан яхлит ҳолда)	5% гача

**Ташқи қарз ҳажми бүйніча хорижий мамлакаттар рейтингі<sup>2</sup>**

2011 йилдагы үрни	Мамлакатлар	2011 йилдагы ташқи қарз ҳажми (млрд. АҚШ доллар)	Йил давомидагы үзлаштириши (%да)	ЯИМға нисбатан (%да)
1.	АҚШ	15033	8%	100%
2.	Буюк Британия	9836	10%	407%
3.	Франция	5633	20%	203%
4.	Германия	5624	19%	157%
5.	Япония	2719	11%	46%
6.	Италия	2684	21%	122%
...	...	...	...	...
13.	Канада	1181	17%	68%
...	...	...	...	...
23.	Россия	519,4	6%	28%

<sup>1</sup> Жадвал мұаллиф томонидан түзилген. Манба: Социально-экономическая География зарубежного мира / Под ред. В.В.Вольского. – 2-е изд., испр. –М.: Дрофа, 2003. С. 178.

<sup>2</sup> Манба: <http://www.vesti-finance.ru/articles/11572>

**2020 йилда ахолиси саёчт (туризм) га чиқувчи  
етакчи мамлакатлар**  
(Бутунжаҳон савдо ташкилоти томонидан берилган истиқбол)

Мамлакатлар	Халиқаро сафарга чиқувчилар сони (млн.)	Бозор улуси (%)
Германия	163,5	10,2
Япония	141,5	8,8
АҚШ	123,5	7,7
Хитой	100,0	6,2
Буюк Британия	96,1	6,0
Франция	37,6	2,3
Нидерландия	35,4	2,2
Канада	31,3	2,0
Россия	30,5	1,9
Италия	29,7	1,9

**2020 йилда саёчтчиларни қабул қиласидиган етакчи мамлакатлар**  
(Бутунжаҳон савдо ташкилоти томонидан берилган истиқбол)

Мамлакатлар	Келувчилар сони (млн.)	Бозор улуси (%)
Хитой	137,1	8,6
АҚШ	102,4	6,4
Франция	93,3	5,8
Испания	70,0	4,4
Италия	52,9	3,3
Буюк Британия	52,8	3,3
Мексика	48,9	3,1
Россия	47,1	2,9
Чехия	44,0	2,7

**2011 йил ҳолатида хорижий мамлакатларда  
кичик ва ўрта корхоналар улуси<sup>1</sup>**

Мамлакатлар	Саноат тармоғидаги кичик ва ўрта корхоналарда банд бўлганлар улуси (%)	Жами савдо ҳажмида кичик ва ўрта корхона- ларнинг сотиш ҳажми (%)
Буюк Британия	53,2	43,8
Германия	43,2	33,0
Франция	47,0	37,4
Италия	53,4	45,1
АҚШ	62,0	53,8
Канада	75,0	64,6
Япония	79,9	61,4

**Жаҳонниг тури мемлакатларида инновацион бизнесни  
молиялаштиришда давлат секторининг улуси<sup>2</sup>**

Мамлакатлар	Ички харажатлар (млрд. АҚШ долларида)	Миллий харажатларни молиялаштиришда секторлар улуси (%)		
		бизнес	давлат	бошқа манбалар
АҚШ	312 535	64	31	5
Япония	118 026	75	18	7
Хитой	115 197	67	26	7
Германия	61 712	67	30	3
Франция	40 363	52	38	10
Буюк Британия	32 197	44	33	23
Корея Республикаси	31 632	75	23	2
Канада	22 702	47	34	19
Россия	16 669	30	62	8
Испания	13 208	48	41	11
Польша	2 895	30	61	9

<sup>1</sup> Манба: <http://works.doklad.ru/>

<sup>2</sup> Манба: Хамдамова Г., Матчанов А. Роль и значение малого инновационного предпринимательства в реализации стратегии развития страны. // Ж. Biznes-Эксперт. №2. 2016. С. 82.

# МУНДАРИЖА

<b>Кириш .....</b>	<b>3</b>
<b>1 БОБ. Буюк Британия (United Kingdom) .....</b>	<b>6</b>
1.1. XVII-XVIII асрлар: Англияда «бизнес» ва «тадбиркорлик» тушунчаларининг келиб чиқишига назарий ёндашув .....	7
1.2. Буюк Британияда Маргарет Тэтчер бошлигидаги тадбиркорликни ривожланиши .....	8
1.3. Буюк Британияда кичик ва ўрта бизнеснинг ривожланишидаги даврий ўзгаришлар .....	9
1.4. Буюк Британия корхоналари салмоғида кичик ва ўрта бизнеснинг улуши .....	11
1.5. Буюк Британияда кичик бизнес ва тадбиркорлик мезонлари .....	13
1.6. Кичик бизнес ва тадбиркорлик субъектларининг иқтисодиёт тармокларидағи ўрни .....	15
1.7. Давлат томонидан кўллаб-куватлаш .....	18
1.8. Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантириш дастурларининг амалга оширилиши .....	22
1.9. Буюк Британияда кичик бизнес корхоналарини кредитлашдаги шарт-шароитлар .....	25
1.10. Буюк Британияда йирик ва кичик бизнеснинг иттифоқи ва ундаги муваффакиятлар .....	27
1.11. Буюк Британияда кичик бизнес учун кадрларни тайёрлаш тизими .....	28
Биринчи боб бўйича хулоса .....	29
<b>2 БОБ. Германия (Germany) .....</b>	<b>31</b>
2.1. Германия ва унинг кичик бизнес сектори ҳақида .....	32
2.2. Германияда «миттельштанд»ларнинг ўзига хос ривожланиши .....	33
2.3. Германияда кичик бизнес ва тадбиркорлик мезонларининг шаклланиши .....	36
2.4. Германия иқтисодиётида кичик ва ўрта бизнеснинг ўрни .....	37
2.5. Германиядаги кичик ва ўрта корхоналарнинг Федерал бирлашмаси фаолиятининг кенг кўламлилиги .....	40
2.6. Германияда хусусий бизнесни молиялаштириш ва давлат томонидан кўллаб-куватлаш .....	42
2.7. Кичик бизнес ва тадбиркорликни ривожлантириш йўналишидаги ислоҳотлар .....	45
2.8. Жаҳон молиявий-иктисодий инқироз даврида Германиядаги иқтисодий вазият ва сўнгги йиллардаги ўзгаришлар .....	47
2.9. Инқирозли даврда кичик ва ўрта корхоналар фаолияти .....	49
2.10. Германияда солиқлар ва солиқ фойзлари .....	51
Иккинчи боб бўйича хулоса .....	52

<b>3 БОБ.</b>	<b>Франция (France) .....</b>	<b>54</b>
3.1.	Қадимий Францияда кичик бизнес ва тадбиркорликнинг ривожланиши .....	55
3.2.	Замонавий кичик бизнес ва тадбиркорликнинг ривожига тасъир қилган илк шарт-шароитлар .....	56
3.3.	Францияда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик мезонларининг ривожланиши .....	58
3.4.	Кичик бизнеснинг фан-техника тараққиётига тасъири ва инфратузилма фаолиятининг ривожланганилиги .....	60
3.5.	Француз бизнесининг қийинчилликлари ва қулайликлари .....	61
3.6.	Франция ва АҚШ мисолида кичик бизнес мезонларининг сифат кўрсаткичлари бўйича назарий тахлил .....	65
3.7.	Францияда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликнинг давлат томонидан тартибга солиниши .....	68
3.8.	Жаҳон молиявий-иқтисодий инқироз давридаги ҳолат .....	73
	Учинчи боб бўйича хулоса .....	75
<b>4 БОБ.</b>	<b>Италия (Italy) .....</b>	<b>77</b>
4.1.	Италия иқтисодиётининг тавсифи ва миграциянинг ўзига хослиги .....	78
4.2.	Қадимги Римда тадбиркорликнинг ривожлана бошланиши ..	80
4.3.	Италия иқтисодиётининг мўъжизаси .....	82
4.4.	Италияда кичик бизнес корхоналарининг ривожланишида ўзига хос хусусиятлар .....	84
4.5.	Италияда ижтимоий тадбиркорликнинг ривожланиши .....	86
4.6.	Иқтисодиётни ривожлантиришдаги минтақавий хусусиятлар ва тармок тузилишига кичик тадбиркорликнинг тасъири .....	88
4.7.	Италияда кичик ва ўрта бизнеснинг ривожланиши .....	89
4.8.	Италияда кичик ва ўрта бизнес корхоналарини қўллаб-куватлашнинг давлат тузилмасидаги ислоҳотлар .....	93
4.9.	Италия кичик бизнесида кластер шаклидаги ўзаро алоқаларнинг ривожланиши .....	95
4.10.	Италияда кичик ва ўрта бизнес корхоналарини кредитлаш ..	98
4.11.	Италияда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни давлат томонидан қўллаб-куватланиши .....	99
4.12.	Жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози даврида Италия иқтисодиётида кичик бизнеснинг ривожи .....	101
	Тўртинчи боб бўйича хулоса .....	103
<b>5 БОБ.</b>	<b>Америка Ўшма Штатлари (United States) .....</b>	<b>105</b>
5.1.	АҚШда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликнинг шаклланиши тарихига бир назар .....	106
5.2.	АҚШда кичик ва ўрта бизнеснинг ривожланиши .....	108

5.3.	АҚШда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликнинг давлат томонидан қўллаб-кувватланиши .....	110
5.4.	Кичик ва ўрта бизнесни давлат томонидан қўллаб-кувватлашда SBAning бевосита функциялари ва ваколатлари .....	114
5.5.	«Small business administration»нинг устувор вазифаси ва фаолияти .....	118
5.6.	АҚШда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик миқёслари ва у туфайли яратилаётган иш жойлари .....	120
5.7.	АҚШда кичик бизнес ва тадбиркорликни молиялаштирилиши .....	121
5.8.	Жаҳон молиявий-иктисодий инқирози шароитида АҚШ тадбиркорчилигидаги муаммолар .....	123
5.9.	Инқироздан кейинги йилларда АҚШ иктисодиётидаги ўзарашлар .....	126
	Бешинчи боб бўйича хуроса .....	128
<b>6 БОБ.</b>	<b>Канада (Canada) .....</b>	<b>130</b>
6.1.	Канада иктисодиётининг ўзига хос ривожланиши .....	131
6.2.	Канадада кичик бизнес секторининг ривожланиши .....	136
6.3.	Канадада кичик бизнес фаолияти учун яратилган шарт-шароитлар ва унинг истиқболлари .....	141
6.4.	Канадада кичик ва ўрта корхоналар ривожининг қўллаб-кувватланиши .....	143
6.5.	Канаданинг шимолий ўлкаларида кичик бизнес ва тадбиркорлик фаолиятига яратилган шарт-шароитлар .....	145
	Олтичи боб бўйича хуроса .....	151
<b>7 БОБ.</b>	<b>Япония (Japan) .....</b>	<b>153</b>
7.1.	Японияда кичик ва ўрта бизнес ривожига бўлган эътибор .....	154
7.2.	Йирик ва кичик бизнес ўртасидаги ўзаро боғлиқлик ва ҳамкорлик .....	158
7.3.	Японияда кичик ва ўрта бизнес мезонларининг белгиланиши ва тармоқлар бўйича ривожланиши .....	161
7.4.	Японияда кичик бизнесни давлат томонидан қўллаб-кувватлашнинг ўзига хослиги .....	165
7.5.	Японияда кичик ва ўрта корхоналарни молиявий жиҳатдан таъминлаш ва қўллаб-кувватлаш .....	167
7.6.	Йирик корхоналарнинг кичик бизнес ва тадбиркорлик корхоналарига кўмаклашуви .....	169
7.7.	Японияда КЎКларни ривожлантириш стратегияси бўйича давлат сиёсатидаги ислоҳотлар .....	171
7.8.	Японияда кичик бизнесни давлат томонидан молиявий жиҳатдан қўллаб-кувватлашда иштирок этувчи муассаса ва ташкилотлар фаолияти .....	173

7.9. Японияда кичик ва ўрта бизнесни ривожлантиришда	175
кўлланиладиган имтиёзлар .....	
7.10. Японияда кичик бизнес ривожига давлат механизмининг	176
тасьири .....	
Еттинчи боб бўйича хулоса .....	178
<b>Хулоса .....</b>	<b>180</b>
Фойдаланилган адабиётлар .....	183
Монографиядаги айрим атама ва иборалар бўйича	
глоссарий .....	192
Иловалар .....	195

УЎК 821-512-133-9

КБК 84 (5Ўзб)7

A32

**Арипов, Ойбек**

Хорижий мамлакатларда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликнинг ривожланиши / О.Арипов; масъул муҳаррир А.М.Абдуваҳидов; ЎзР Олий ва ўрта маҳсус таълим вазирлиги, Наманган давлат университети; Наманган муҳандислик-қурилиш институти. “Наманган” нашриёти, –Т.: 2018. – 213 б.

**ISBN 978-9943-5071-4-2**

Муҳаррир: М.Талипова

Тех. муҳаррир: И.Турсунова

Мусахҳих: Г.Талипова

Компьютерда саҳифаловчи: Б.Хайдаров

Босишига руҳсат этилди. 22.10.2018.

Бичими 60x84 1/16. «Times New Roman» гарнитураси.

Офсет коғозда. Электрографик усулда босилди.

Шартли босма табоғи 15,2. Нашр босма табоғи 11,5.

Тиражи 100. 22/10-сонли буюртма.

**«НАМАНГАН НАШРИЁТИ»**

Наманган шаҳри, Навоий кӯчаси 36.

«IMPRESS MEDIA» МЧЖ босмахонасида чоп этилди  
100056, Тошкент шаҳри, Кушбеги кӯчаси, 6-уй.



9 789943 507142